

Р.Ҳайитбоев, Ф.Бабаев, С.Абдухамидов,  
М.Даминов, М.Хамитов, Ф.Зоҳидов, У.Бойназаров



# ЎЛКАШУНОСЛИК



**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

**“Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедраси**

**Р. Ҳайитбоев, Ф. Бабаев, С.Абдухамидов,**  
**М.Даминнов, М.Хамитов, Ф.Зоҳидов, У.Бойназаров**

# **ЎЛҚАШУНОСЛИК**

**Ўқув қўлланма**

**Самарқанд-2018**

Р.Ҳайитбоев, Ф. Бабаев, С.Абдухамидов, М.Даминов,М.Хамитов, Ф.Зоҳидов,  
У.Бойназаров. “Ўлкашунослик”.Ўқув қўлланма. Самарқанд, СамИСИ, 2018,  
172бет.

Ўқув қўлланма туризм таълимидаги талабаларнинг “Ўлкашунослик” фани бўйича Ўзбекистон Республикасини мукамал ўрганиши зарурати юзасидан тайёрланди. Маърузалар-«Ўлкашунослик» фанининг мақсади ва вазифалари, фанининг фаолиятлари, «Ўлкашунослик» фанида ватан, ер, юрт ва халқ тушунчаларининг моҳияти,Ўзбекистоннинг табиати ва минерал, ер, сув, биологик ресурслари, экологик муаммолари, алоҳида муҳофазадаги ҳудудлари, тарихий-маданий ёдгорликлари, миллий меърос, оила, ижтимоий ва маданий ҳаёти,таълим тизими, Ўзбекистон Республикасининг давлат тuzилиши,ташқи сиёсати ва ташқи иқтисодий алоқалари каби мавзулар ёзилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнингумумий тавсифи берилди. “Ўлкашунослик” фани бўйича таёрланган ушбу ўқув қўлланма университет, институт ва коллежларнинг туризм таълими йўналишида ўқитилаётган талабаларига мўлжалланган.

Тақризчилар:СамИСИ,и.ф.д.,профессор М.Қ.Пардаев  
СамИСИ,и.ф.н. Р.Амридинова  
ЎзҚЧИТИ, к-х ф.д, профессор М.М.Махмудов

Ўқув қўлланма Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институтининг илмий Кенгашида муҳокама  
қилиниб чоп қилишга тавсия қилинган  
(2018 й., 30- март, Баённома, № 8)

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2018 йил.

## Мундарижа

	Кириш.....	4
1-Мавзу	«Ўлкашунослик» фанининг мақсади ва вазифалари. Ўрганиш объектлари ва фаолиятлари.....	6
2-Мавзу	Ўзбекистоннинг тарихи ва табиий географик тавсифи.....	12
3-Мавзу	Ўзбекистоннинг ер ва минерал ресурслари.....	23
4-Мавзу	Ўзбекистоннинг сув ресурслари.....	28
5-Мавзу	Ўзбекистоннинг ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёси.....	34
6-Мавзу	Ўзбекистоннинг миллий парклари ва табиат қўриқхоналари.....	40
7-Мавзу	Ўзбекистоннинг табиат буюртма хоналари ва табиат ёдгорликлари.....	51
8-Мавзу	Ўзбекистондаги экологик вазиятлар. Табиий муҳитни муҳофаза қилишдаги халқаро ҳамкорликлар.....	56
9-Мавзу	Ўзбекистоннинг тарихий-маданий ёдгорликлари ва миллий меърос бойликлари.....	65
10-Мавзу	Орол денгизи ҳавзасидаги экологик-иқтисодий ҳолат.....	75
11-Мавзу	Ўзбекистон халқлари. Динлар. Миллий зиёрат қилиш тушунчаси.....	84
12-Мавзу	Ўзбекистонда таълим, фан ва ижтимоий ҳаёт.....	93
13-Мавзу	Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилиши. ....	104
14-Мавзу	Ўзбекистонда жамоат ташкилотлари. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ва ташқи иқтисодий алоқалари.....	111
15-Мавзу	Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрининг умумий тавсифи..	118
16-Мавзу	Самарқанд вилояти ва Самарқанд шаҳрининг умумий тавсифи.....	123
17-Мавзу	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг умумий тавсифи.....	125
18-Мавзу	Бухоро ва Навоий вилоятларининг умумий тавсифи.....	130
19-Мавзу	Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг умумий тавсифи.....	135
20-Мавзу	Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг умумий тавсифи.....	142
21-Мавзу	Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларининг умумий тавсифи.....	148
22-Мавзу	«Ўлкашунослик» фанида туризм ва экскурсиянинг аҳамияти	155
	Қўшимча маълумотлар.....	161
	Адабиётлар.....	166

## Кириш

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш мақсадида: «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 7 февраль, ПҚ-3514-сонли Қарори ватанимизда ички туризмни ривожлантиришнинг истиқболли босқичини бошлади<sup>1</sup>.

Ўзбекистоннинг миллий туризмни ривожлантириш тарихига зарҳал сўзлар билан ёзилиб қолмаган бу қарор Ўзбекистон халқларида ўз ватанини англаш, билиш ва ўрганиш, дам олиш, миллий ғурур ва ватанни севиш, унга меҳр-муҳаббатли бўлиш, табиати ва табиати бойликларини келажак авлодлари учун сақлаш ва муҳофаза қилиш ҳис-туйғуларини шакллантиради.

Президент қарорида мамлакатимизда ички туризмни ривожлантиришда қуйидаги муҳим давлат дастурлари, йўналишлари ва режалари белгиланган:

- «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси тасдиқлансин.

-бир ой муддатда туризм инфратузилмасининг бандлигини ҳисобга олган ҳолда ҳудудлар ҳамда жалб этилган ташкилотлар микёсида турлар ва экскурсияларни ташкил қилиш жадвалларини тасдиқласин;

-ёшларни туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш бўйича ахборот-тарғибот тадбирларининг мунтазам ўтказилишини таъминласин;

-туристлар оқимининг мавсумийлиги ҳамда ҳудудларнинг туризм инфратузилмаси тўлиқ жалб этилишини инобатга олиб, шу жумладан туризм фаолияти субъектларини жалб этган ҳолда Амалий чора-тадбирлар режасининг самарали амалга оширилиши учун зарур чоралар кўрсин.

Президентимиз мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш ҳақидаги бу муҳим қарорни ўрганар эканмиз туризм соҳасидаги барча туристик фирмалар ва ташкилотлар, таълим тизимидаги барча фаолият йўналишларида самарали тадқиқотлар ва самарали ишлаш учун шу куннинг долзарб муаммоларини ечишнинг давлат микёсидаги дастурлари, кўрсатмалари ва йўл-йўриқлари, имкониятлари яратилганлигини,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори: Ички туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Тошкент ш. 2018 йил 7 февраль, ПҚ-3514-сон

берилганлигини кўрамиз. Бу имкониятлардан унумли фойдаланиш, туризм соҳасида фаолият юритаётганлигимиздан бу қарорнинг бажарилишига ўз ҳиссамизни қўшишга маъсул эканлигимизни англаймиз.

Ўзбекистонда туризм соҳаси тўлиқ шаклланди ва мамлакатимиздаги иқтисодий соҳаларининг 30 дан зиёд тармоқлари билан ўзаро ҳамкорликда ишламоқда. Туризм соҳаси ўз таркибига ижтимоий-иқтисодий тармоқларни тобора қамраб бориши билан бирга келгусида илмий, маънавий, тарихий ва бошқа йўналишларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши аниқ бўлиб қолди.

Туристлар ва экскурсиячилар билан ишлайдиган туроператорлар ватанимизнинг табиятини, ресурсларини, халқимизнинг ўтмиш тарихини, мустақиллик йилларидан кейинги Давлат ҳокимияти, Конституция, Қонун чиқарувчи ҳокимият, Президент, Ижро этувчи ҳокимият, маҳаллий давлат ҳокимиятлари, миллий меърос, миллий маданият ва урф-одатлар, ёш авлодлар тарбиясида миллий меърос бойликларидан фойдаланиш масалаларини яхши билишлари халқаро миқёсда талаб қилинмоқда.

Шунингдек, туризм соҳасининг олий тоифадаги мутахассислари, бутунжаҳон тараққиётининг пойдеворларини яратган буюк ватандошларимизнинг туғилиб ўсган туманлар ва вилоятларнинг табиий географик тавсифларини, бу манзилу-маконларнинг табиий ва тарихий-маданий ресурсларини, музейларни, азиз ва муқаддас қадамжоларини мукамал даражаларда билишлари керак.

“Ўлкашунослик” фани маълум бир ўлкани мажмуали ўрганар экан шу ўлкага табиий географик тавсиф беради, шу ўлканинг табиати ва табиий ресурсларини ўрганади, шу ўлкада яшаётган халқлар ва элатларнинг ижтимоий-иқтисодий яшаш тарзларини, миллий маданияти ва урф-одатларини, қадимдан сайқалланиб келаётган миллий меъросини ўрганади.

Шунингдек, ўлкашунослик фани ўлкага, мамлакатга экологик жиҳатлардан баҳо беради, экологик вазиятлар билан таништиради, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш, табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларини ўргатади, табиатнинг инсоният ҳаётидаги аҳамиятига катта эътибор беради ва инсонни улуғлайдиган, экологик маданият ва экологик билимни шакллантиради. Бу йўналишларда ватанимизнинг ўсимликлар олами, ҳайвонот дунёси, биологик хилма-хиллик ва эндемик турларни сақлаб, муҳофаза қилиб ва кўпайтириб келаётган давлат табиат кўрикхоналаримизни, давлат табиат буюртмахоналаримизни ва миллий паркларимизни ўрганиш талаб қилинади. Қайд қилинган мажмуали билимларни «Ўлкашунослик» фани беради.

“Ўлкашунослик” фанининг ўқув қўлланмасини яратишда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи билан Республикамизда олий тоифадаги бакалаврлар тайёрлаётган институт ва университетларнинг туризм таълимига «Ўлкашунослик» фани киритилган лигига эътибор берилди, танланган маърузалар мазмунига “туризм” соҳасининг моҳияти ва мазмуни сингдирилди. “Ўлкашунослик” фани бўйича таёрланган ушбу ўқув қўлланма университет, институт ва коллежларнинг туризм таълими йўналишида ўқитилаётган талабалари магистрларига мўлжалланган.

## **1-Мавзу.«Ўлкашунослик» фанининг мақсади ва вазифалари. Ўрганиш объектлари ва фаолиятлари**

### **Режа:**

- 1.1.«Ўлкашунослик» фанининг мақсади ва вазифалари.
- 1.2.«Ўлкашунослик» фанининг ўрганиш объектлари
- 1.3. «Ўлкашунослик» фанининг фаолиятлари

### **1.1«Ўлкашунослик» фанининг мақсади ва вазифалари.**

«Ўлкашунослик» тушунчаси ўлкани,мамлакатни ёки шу мамлакатнинг маълум худудларини, вилоятларини, туманларини, маҳаллалари, қишлоқлари ни:

1-табiiй географик тавсифлар-табiiй географик макон,табiiй ресурслар, иклим хусусиятлари, -*Табиат*.

2-ижтимоий-иқтисодий ҳаёти-*Жамият*-ҳақидаги тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш жиҳатларидан ўрганиш маъносини беради.Яъни ўлкашунослик фани маълум бир ўлкани, мамлакатни ёки шу мамлакатнинг табiiй ёки маъмурий худудларининг«табиати ва жамияти» ҳақида барча тўпланган маълумотлар бўйича тўлиқ- мажмуали ҳолда ўрганади.

«Ўлкашунослик»-ватанни ўрганиш, англаш ва билишдир. Ватанни ўрганиш учун эса жуда кўплаб фанларни ўрганишга тўғри келади.Ўлкашунослик фани ана шу кўплаб фанларнинг ютуқларини олади ва бир тизимда ўлка ҳақида маълумотлар беради.

#### **Фанни ўқитишдан мақсад:**

- Ўзбекистон Республикасини- «мамлакат-табиат-халқ» тизимида ўрганиш;
- Ўзбекистон Республикасини- «она ватаним» тизимида ўрганиш

#### **Фанни ўқитишдаги вазифаси:**

- Ўзбекистон Республикасининг табиати, табiiй (ер, сув, минерал бойликлари, биологик) ресурслари ва иклим хусусиятлари ҳақида, Ўзбекистоннинг экологик муаммолари ва табиат муҳофазаси ҳақида билимлар бериш;
- Ўзбекистон Республикасининг тарихий ёдгорликлари, ҳозирги маънавий-маданий, таълим, фан ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида билимлар бериш;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат тизими ҳақида билимлар бериш;
- Ўзбекистон халқлари, ўзбек оиласи, динлар ҳақида билимлар бериш.
- Ўлкашунослик фанида туризм ва экскурсиянинг аҳамиятини белгилаш. Ватанимизнинг вилоятлари ҳақида умумий-ахборот таърифларни бериш.

## 1.2.«Ўлкашунослик» фанининг ўрганиш объектлари

Ўлкашунослик фанининг тадқиқот объекти-барча фанларнинг энг сўнги хулосаларини умумлаштириб таҳлил қилиш ҳисобланади. Бу фан ўлканинг макон-манзили, унинг майдони, аҳолиси, табиати ва табиий ресурсларини география фанидан, экологик муаммолар, экологик вазиятлар ва уларнинг ечимларини экология фанидан, аҳолишуносликни этнография, тарих, тарихий ёдгорликлар, музейлар ҳақидаги билимларни тарих фанидан олади. Шунингдек, ўлкашунослик фанида биология, тарих, иқтисодиёт, жамиятшунослик фанлари фаол қатнашадилар. Ўлкашунослик фанининг мақсади ва вазифаларидан маълум бўладикки, фан ўрганилаётган ўлкани, мамлакатни “Табиат –Жамият” тизимида таҳлил қилади. Шунинг учун ҳам умумлаштирилиб олинганда ўлкашунослик фанининг тадқиқот объектлари:

-1-табиат, табиий ресурслар, экологик муҳит;

-2-жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатлари ҳисобланади.

Ўлкашунослик фани табиат, табиий ресурслар, экологик муҳит масалаларини деярли география, экология биология, физикакаби табиий фанлар ва бу фанларнинг бўлиниши ва тармоқланишидан ҳосил бўлган фанлардан олади ва умумлаштиради.

Ўлкашунослик фани ўзининг тадқиқот объектларидан олган маълумотларни таҳлил қилиб, ўлка ёки мамлакатни тўлиқ тушунтиришга ҳаракат қилади. Масалан, ўлканинг табиати ва табиий ресурслари, табиий ландшафтлари ва иқлим хусусиятларини география фани ўрганади. Ўлкашунослик фани ана шу географик маълумотларни жамлаб, таҳлил қилиб, айнан шу ўлканинг табиати ва табиий ресурслари, табиий ландшафтлари ва иқлим хусусиятларининг ўлкада яшаётган аҳоли учун аҳамияти ва ўрни мақсадида тушунтиради. Ўлкашуносликнинг бошқа фанлар билан узвий боғланганликлари ҳам худди шундай кечади.





Ўлкашунослик фанининг иккинчи йўналишдаги тадқиқот объектлари ўлкада яшаётган аҳолининг (жамиятнинг) маданий-ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобланади. Ўлканинг (мамлакатнинг) маданий ҳаёти-адабиёт, санъат, тасвирий санъат, меъморчилик мусика, театр, кино, музейлар билан ишлайдиган тармоқлар, йўналишлар ҳисобланади. Ўлкашунослик фани ўлканинг ижтимоий ҳаётини таълим, фан, соғлиқни сақлаш, матбуот, радиоэшиқтириш ва телевидения, спорт, туризм ва динларни тадқиқот объекти сифатида ўрғанади. Ўлкашунослик фанининг тадқиқот объектларидаги учинчи йўналиш ўлканинг, мамлакатнинг иқтисодиёти соҳалари кўрсаткичлари ҳисобланади.



Ўлкашунослик фани ўзининг тадқиқот объектларидаги фаолияти натижаларида ўлканинг тарихи, бугуни ҳақида маълумотлар бериб истиқболдаги ҳаётини ўлканинг ривожланиш режаларига қараб тасвирлайди. Энг муҳими, ўлканинг, мамлакатнинг ёш авлодлари олдидаги вазифаларни тушуқтириб уларни билимлар, миллий маданият, ватапарварлик, қомиллик тамойилларини эгаллашга даъват қилади.

Мактабларнинг ўқувчилари 4-синфдан “География ўлкашунослиги”ни ўрғанадилар. Чунки бу ёшда ўқувчиларнинг табиат ва унинг ресурслари, табиатнинг иқлим хусусиятлари, ўсимликлар олами, ҳайвонот дунёсига қизиқиши жуда қучайган паллаларидир. Европа мамлакатларида ва Японияда иккинчи синфдан “Табиатшунослик” ва учинчи синфдан бошлаб “География ўлкашунослиги”, “Тарихий ўлкашунослик” ва “Ижтимоий-иқтисодий ўлкашунослик” фанларини ўрғанишади. Шунинг учун ҳам дунё мамлакатларининг ичида Европалиқлар ва Япониялиқларнинг экологик онги, экологик билими ва экологик маданияти бошқа халқларга нисбатан жуда юқори ҳисобланади.

Мактабларнинг ўқув дастуридаги “География ўлкашунослиги” фанини ўрғанишдан ўқувчилар ўзлари яшаб турган ўлканинг ер тузилиши, фойдали қазилмалари, иқлим шароитлари, сувлари, тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёсини билиб олишадилар. Ўлкашуносликнинг бошқа йўналишдаги фанлари ҳам ўқувчиларга тармоқланган, мажмуали билимларни беради. Бу билимлар ёш авлоднинг қомил инсон бўлиб улғайишининг асослари бўлиб хизмат қилади.

### 1.3. Ўлкашунослик фанининг фаолиятлари

*Табиатунослик фаолияти.* Ўлкашунослик фани таркибий тузилиши жиҳатидан мураккаб фанлар қаторида туради. Ўз таркибида табиат ва жамиятдаги воқеъликларни ўрганганлиги учун ҳам бу фаннинг фаолиятлари турли-туман ҳисобланади. Фан ўзининг тадқиқот фаолиятларини ўлканинг (мамлакатнинг) табиатини ўрганишдан бошлайди. Шунинг учун ҳам фаннинг бу фаолиятига кўпинча фаннинг биринчи фаолияти деб қаралади. Фаннинг кейинги фаолиятлари ҳам айнан табиатунослик фаолияти билан боғланган.

Ўлкашуносликнинг табиатни ўрганиш фаолиятида дастлаб ўлкага географик тавсиф (қитаъдаги жойлашган ўрни, майдони чегаралари, иклими хусусиятлари, табиий ва биологик ресурслари) беради. Бу тавсифларни ўлкашунослик фани география фанидан олади. Шунинг учун ҳам баъзи олимлар ўлкашунослик фанини географиянинг тармоқланган фанлари қаторига қўшишади. Албатда бу нотўғри хулоса ҳисобланади.

Ўлкашунослик ўлканинг географик тавсифларига фақат табиатни ўрганиш юзасидан эмас, ана шу табиат ва унинг ресурсларининг ўлкада яшаётган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатларидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаш юзасидан баҳо беради. Бунинг учун ўлкашунослик табиат ва жамият бирлигига асосий урғун қўяди. Яъни инсон табиатдан ва унинг ресурсларидан фақат фойдаланишни кўзламасдан ундаги бетакрор гўзалликни, ранг-барангликни ва турли-туманликни ҳис қилиши лозим.

Табиатнинг турли-туман ландшафтлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси, тоғу-тошлари фақатгина табиатни ҳис қилган инсонгагина тушунарлидир. Бетакрор табиатни ҳис қилган ёзувчилар ва шоирлар табиатдаги бетакрорликдан илҳомланадилар, завқланадилар. Масалан, уларнинг севги, мухаббат мавзусидаги кўплаб асарларини ўқисак, севимли ёрни соғиниш изҳорида албатда табиатнинг жуда кўплаб аъзолари, элементлари катнашади. Масалан:


*Тоғ бағрида эриганда қор. Нурга тўлиб келганда баҳор,  
Қийғос гулга кирганда бодом, эзгу ҳислар кўйнида бир дам,  
Ниманидир ўйлаб қолурсан, балки мени эсга олурсан<sup>2</sup>.*

Эътиборқилсак, шоирнинг ушбу шеърида, тоғ, қор, бодом, баҳор фасли, иқлим хусусиятлари ва шоирнинг бир вақтлардаги севгилиси катнашаяпти. Баҳорнинг келиши ва табиатдаги уйғонишни ҳис қилган, англаган шоир қачонлардир севган ёрини эслаш учун яна табиатга муражоат қилади ва яна латиф сўзларни излаб топади:

*Боғларингда кезсанг мабодо, еллиб ўтса илиқ шаббодо,  
Яллиз ҳиди анқиса аста, қўмсаб мени шунда дилхаста,  
Ниманидир ўйлаб қолурсан, балки мени эсга олурсан.*

<sup>2</sup> Ўзбекистон халқ аргисти Ортиқ Отажонов кўшиқларидан

Баҳорни, ундаги ажиб гўзалликни ҳис қилган кишигина қайд қилинган сўзларни қалбига жойлай олади. Яна шухолатни таъкидламоқчимизки, *«Ялтиз ҳиди анқиса аста, қўмсаб мени шунда дилхаста»* сўзларни ёши анча санокларга бориб қолган кишини ҳам, дастлаб бироз маюс торттириши маълум ҳодиса. Ахир инсонда соғиниш каби ноёб ҳислатлар ҳам бор. Бу ҳолатда инсон ўзининг маюслигини соғиниш, ёшлигини эслаш билан чиқариб юборади. Бироз хўрсини бқўйсада барин бир ҳам енгил тортади.



Баҳор келди, энди кунлар исиб кетади дегувчи инсон баҳор фаслининг гўзаллигини ҳис ҳам қилаолмайди, тушунмайди ҳам. Унга қаҳратон қишнинг совуқлари азоб берган, кунлар исиб, совуқлар кетса бас, етарли. Бундайин кишилар ўлкашуносликни тушунмайди. Чунки, табиатдаги ранг-барангликни сезаолмайди. Улар она-табиатидан анча узоқлашган.

*Гўзал бўлиб сержилва-серноз, кириб келса, тўкин-сочин ёз,  
Ишқомларда узумлар пишса, нақшин нонлар татирлаб тушса,  
Саватларга териб салурсан, балки мени эсга олурсан.*

Иккинчидан, инсон ўз ўлкаси, ватанининг табиати ва унинг ресурслари ўзининг ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини, табиатдан завқланишни, табиат қонуларининг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ўлкашунослик фанидан ўрганади. «Ўлкашунослик» фанининг ижтимоий-иқтисодий, халқлар ва элатларнинг маданияти ва бу маданиятларни бири-бирига яқинлаштирувчи фаолиятлари нинг моҳияти ва маъносини англаб олиш ҳам жуда муҳим. Айниқса 130 дан зиёд миллатлар бақамти бўлиб яшаётган бизнинг мамлакатимизда ушбу миллатларнинг ўзига хос бўлган маданиятларини, урф-одатларини ўрганиш ва бирини-бирига яқинлаштириш турли миллатларни ўзаро ҳамкорликга, дўстликга чақиради. Уларнинг миллий санъати, миллий ўйинлари ўзига хос бўлган, жамланган миллий мусикаларнинг янгидан-янги наволарни яратади.

Ўлкашунослик фани уч йўналишда таркиб топади: география ўлкашунослиги, адабиёт ўлкашунослиги ва тарихий ўлкашунослик. Бу

Йўалишларнинг ҳам барчасида фаннинг асосий мазмуни ва моҳиятини очиб берувчи функциялари фаолият кўрсатади. Ўлкашуносликнинг қайд қилинган барча турларида табиатшунослик, илмий ва ўқитиш функциялари асосий фаолиятлардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам оилада ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги барча фаолиятларида табиатшунослик, ўлкашуносликнинг асосий элементлари бўлиши лозим.

*Таянч сўзлар ва иборалар:* ўлкашунослик, табиат, жамият, она ер, ватан, бетакрорлик, халқлар, элатлар, ўлкашунослик фаолияти, ижтимоий-иқтисодий масалалар, ранг-баранглик, урф-одатлар.

*Маъзу бўйича тест саволлари:*

*1. Ўлкашунослик фанининг мақсадини аниқланг*

А. Ўзбекистон Республикасини- «мамлакат-табиат-халқ» тизимида ўргатиш. Ўзбекистон Республикасини- «она ватаним» тизимида ўргатиш

Б. Ватанни ўргатиш

В. Ватаннинг ижтимоий-маданий ҳаётини ўргатиш

Г. Ўзбекистоннинг табиатини ўргатиш

*2. Ўлкашунослик фанининг ўрганиш объектларини аниқланг*

А. Мамлакатнинг табиати ва унинг ресурслари, аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти

Б. Мамлакатнинг иқтисодиёти

В. Аҳолининг урф-одатлари

Г. Мамлакатнинг тарихий обидалари

*3. Ўлкашунослик фанининг фаолиятларини белгиланг*

А. Табиатшунослик фаолияти

Б. Табиатшунослик, ижтимоий-маданий, тарбиявий

В. Маданий, тарбиявий

Г. Иқтисодий

*4. Ўлкашунослик фани табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни ўрганадими?*

А. Ўрганади

Б. Ўрганмайди

В. Экология фани ўрганади.

Г. География фани ўрганади.

*5. Ўлкашуносликнинг қисқа маъносини белгиланг*

А. Ватанни авглаш ва билиш

Б. Ватанга саёхат

В. Ватаннинг музейларини ўрганиш

Г. Қисқа маъноси йўқ

*Маъзунни ўзлаштириш учун саволлар ва топшириқлар:*

1. «Ўлкашунослик» фанининг мақсади ва вазифаларини тушунтиринг

2. «Ўлкашунослик» фанининг ўрганиш объектларини айтиб беринг

3. «Ўлкашунослик» фанининг қандай фаолиятларини биласиз?

4. «Ўлкашунослик» фанининг табиатшунослик фаолиятини тушунтиринг.

5. Табиат ва жамият ўртасидаги ҳозирги муносабатларни тушунтиринг.

## **2-Мавзу. Ўзбекистоннинг тарихи ва табиий географик тавсифи**

**Режа:**

- 2.1. Ўзбекистоннинг тарихи
- 2.2. Ўзбекистон Республикасининг табиий географик тавсифи
- 2.3. Ўзбекистоннинг табиат минтақалари.

### **2.1. Ўзбекистоннинг тарихи**

Ўзбекистон қадимги тараққиёт мамлақати. Унинг ҳудудида археологик ва меъморчиликга оид минглаб ёдгорликлар сақланиб қолган, илмий марказлар ва музейларда ўлканинг кўп асрлик тарихидан гувоҳлик берувчи кўп миқдордаги қўлёзма ва ашёлар сақланмоқда.

Ўзбек халқининг тарихи “ўзбеклар” атамаси пайдо бўлган вақтдан эмас, балки ушбу ҳудудда яшаган инсоният жамияти тарихининг энг қадимги даврларидан бошланиши тарихидан исботланган, табиий ҳолдир.

*“Ўзбек миллий давлатчилиги ўтган 3000 йилларга бориб тақалади. Аммо унинг 200 йили Эрон аҳамонийлари, 180 йили грек-македонлар, 200 йили араблар, 150 йили чор Россияси ва советлар даврига тўғри келади. Бундай мустабид кунларни унутиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз мустақилликни қадрлашимиз, уни авайлаб асрашимиз учун куч ва қўдратимизни аямаслигимиз керак”<sup>2</sup>.*

#### **Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов**

Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудуди ибтидоий одамлар томонидан фаол ўзлаштирилган ерлардан ҳисобланади. Ибтидоий одам яшаганлигининг содда меҳнат қуроллари, турар жойлар ва вақтинчалик манзилгоҳлар кўринишидаги излари тоғлиқ жойлардан тортиб Қизилқум чўлларигача қадар чўзилган турли минтақаларда топилган, қайд этилган.

Шунинг учун ҳам қадимги одам яшаганлигини исботловчи ашёвий далиллар бутун Ўрта Осиё ҳудудидан топилган бўлиб улар қуйи (илк) палеолит деб аталмиш даврга оиддир (тахминан милоддан аввалги 700-600 минггингчи йиллардан 100 минггингчи йилларгача) Сўх дарёси водийси, Оҳангарон водийси, Бойсунттоғ, Зарафшон водийси (Омонқўтон, Зирабулок)

Ўрта палеолит (мл.аввалги 100-40 минг йилликлар) мустье даврига мансуб ёдгорликлар ватанзимизнинг 10 манзилдан топилган. Сўнгги палеолит даврида (милоддан аввалги 40-35-10 минг йиллик) ҳозирги замон одами (кроманьён) шаклланган.

Милоддан аввалги 12-5 минг йиллик, тарихга мезолит даври сифатида кирган. Бу даврда Ўрта Осиё ҳудудига тарқалган одамларнинг асосий машғулоти овчилик ва балиқчилик бўлган. Мезолит даврида ибтидоий тасвирий санъат шакллана бошлаган.

2. Каримов И.А., Тарихий хотира ва инсон омили-буюк келажатимизнинг гравидир. Тошкент, 1912

Милоддан олдинги 6-4 минг йиллик-неолит ёки янги тош даври ҳисобланади. Жуфт оила ажралиб чиқа бошлаб, у аста-секин жамиятнинг иктисодий бўғинига айланган. Бу даврда одамлар паҳса уйларнинг дастлабки кўринишларини, гор уйларни қуришни кашф қилган. Бундан эса, дастлабки қишлоқларнинг юзага келиши шароитлари пайдо бўла бошлади. Қалтаминор макони, Жонбос-4 макони то 300 м<sup>2</sup> гача майдонни эгаллаган. Бундай жойларда ўзаро қариндош уруғлар яшаган.

Милоддан аввалги 3-1 минг йилликлар бронза даври деб аталади. Бу даврда жездан меҳнат қуроллари тайёрлаш деҳқончилик маданиятини келтириб чиқарди (Сополлитепа, Жарқўтон қишлоқлари).

Уйлар гиштдан қурилган, диний маросимлар ўтказиладиган қалъалар қурилган. Сопол идишлар ишлаб чиқариш бошланган (Сополлитепа). Шеробод воҳасидаги Бандихон воҳасида кўп қишлоқлар бўлган ва бу ерда деҳқончилик ва ҳунармандчилик ривожланиб борган (Сополлитепа).

Хоразм ҳудудида Тозабогёб сунъий суғориш маданияти (милоддан аввалги 2 минг йиллик охири) сунъий суғориш деҳқончилигига асосланган, одамлар чайла қуришни ўрганишган. Яққапарсон қалъаси биринчи шаҳарлар маданияти ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг минг йилдан ошиқ давом этган жез даври—қадимги деҳқончилик маданиятининг, кейинги даврларда шаҳарлашган маданиятнинг шаклланишига асос солди.

Милоддан аввалги 1 минг йилликларнинг биринчи ярми—қадимги жамиятнинг янада тараккиёти, синфлар ва илк давлатлар ташкил топган давр ҳисобланади.

Милоддан аввалги 1—минг йилликлардан ҳозиргача темир инсоният моддий маданиятнинг асоси бўлиб келмоқда. Бу давр ўрталарида муомила воситасида темир тангалар тарқалган.

Ўзбекистон ҳудудидаги илк темир даври ёдгорликлари милоддан аввалги 8-6 асрларга оид бўлиб, Бактрия, Хоразм, Сўғдиёна, Шош ва Фарғона водийсида топилган.

Милоддан аввалги 1-минг йилликнинг 2-ярмида ўша пайтда Ўзбекистон ҳудудидаги 3-бирлик Катта Хоразм, Бактрия ва Сўғдиёна Эрон Ахомонийлар подшолари босиб олади (Сатрапия даври бошланди). Бехустин ёзувлари ва Геродотнинг “Тарих” асарига кўра Бактрия сатрапияси Ахомонийлар салтанатида алоҳида ўрин эгаллаган-ҳукмрон сулолалардан бирор киши сатрап этиб тайинланган.

Бактрия солиқларни олтин ва қимматбаҳо тошлар билан тўловчи энг бой вилоятлардан бири бўлган. Тўғонлар қуриб сув чиқариш, деҳқончилик кучли ривожланиб борган. Айни шу даврда дастлабки қарвонлар ўзларига йўл очганлар, бу йўллар келажакда Буюк ипак йўлининг асосий тармоқлари бўлган.

Милоддан олдинги IV-асрда жаҳон тарихи саҳнасида янги давлат тузилмаси—македониялик—Александр Бактрияга кириб, унинг пойтахти—Бактрияни босиб олди. Унинг қўшинига иқтидорли саркарда бактрия ва сўғдийларнинг бирлашган қўшинлари бошлиғи Спитамен қарши қурашди.

Александр кейинчалик–Амударё ўнг қиргоғидаги Сугд пойтахти–Самаркандни эгаллайди. Маҳаллий халқнинг каттик қаршилигига дуч келган Александр хийла, найранг йўлига ўтди. Маҳаллий зодагонларга пора бериш йўли билан уларни ўзига қўшиб олди. Бактрия ва Сўғдаги кўзғолонларни ҳарбий ҳийла ва хиёнат йўли билан бостира бошлади. 328 йилнинг охирида сотқинлик оқибатида Спитамен ўлдирилди. Бактрия, Сўғд киргин урушлар, вайронагарчиликга юз тутди. Маҳаллий халқ маданияти оёқ остида топталади.

Милоддан аввалги 323 йил 13 июнда Александр вафот этиши билан сиёсий мустақиллик курашлари янада кучайди. Милоддан аввалги 312 йилда Македон давлати харобалари ўрнида йирик Селевкитлар давлати пайдо бўлди.

Милоддан олдинги 250 йилда Бактрия сатрапи Диодат ўзини мустақил деб эълон қилди. Селевкитлар давлат тугатилиб Бактрия, Сугдиёна ва Марғиёна давлатлари бирлаштирилиб Юнон-Бактрия давлати таркиб топди. Бу давлат 100 йил яшади.

Милоддан аввалги I-асрда Кушон подшолигининг энг раванк топган давридир. Унинг таркибига Шимолий Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари кирган. У жаҳондаги энг кудратли давлатларнинг бирига айланди. Бу давлатнинг бошлиғи Канишка даврида энг муҳим янгилардан бири – бактрия тили ва ёзуви эълон қилинди. Термиз Кушон давлатининг пойтахти бўлган.

Кушонлар даври Ўзбекистон халқларининг иқтисодиёти ва хўжалик фаолиятида янги юксалиш босқичи бўлиб қолди. Сугориш санъати, ҳунармандчилик, савдо-сотик жуда кучли ривожланиши билан машҳур давр ҳисобланади. Милодий 3-асрда Кушонлар давлати таназзулга учради ва Сомонийлар давлати билан бўлган урушлардан кейин парчаланиб кетди.

Милодий V-асрда Ўзбекистон ҳудудларини эфталийлар эгаллайди. Кўчманчи эфталийлар давлати таркибида 30 дан зиёд майда мулк давлатлари ташкил қилинган.

VI-асрнинг иккинчи ярмида Олтой, Етгисув, Ўрта Осиёни бирлаштирган, VII-аср охирида Фарбий Турк ҳоконлиги майда мустақил мулкларга бўлиниб кетди. VII-асрнинг 2-ярми, VIII-аср бошларида Ўрта Осиё ҳудудларига Араблар бостириб кирди ва кенг миқёсда эгаллаш, бўйсиндириш бошланди. Бу ерларда Араб халифалиги давлатлари ташкил топа бошлади.

IX-аср охирига келиб Араб халифалигидан бутунлай ажралиб чиқган Сомонийлар сулоласи (819-999) Марказий Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Бу даврда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудлари гуллаб яшнади. Бухоро, Балх, Самарканд, Термиз, Урганч, Мари, Нишопурда масжид ва мадрасалар (университетлар) барпо этилди. Ибн Сино, Фаробийлар етишиб чиқди.

Сомонийлар даврида айниқса Бухоро ривожланди. Шаҳар “Донолар хазинаси” кутубхонаси билан дунёга машҳур эди. Бу кутубхонадан Ибн Сино ҳам фойдаланган.

X-асрнинг иккинчи ярмида Сомонийлар давлати маҳаллий ҳокимиятларнинг тайинсизлиги оқибатида емирла бошланди. 999 йилда Сомонийлар мулкини Ғазнавийлар ва Қорахонийлар босиб олди.

XII-асрда қорахитойликлар ҳукмронлиги ўрнатилди. XII-асрга келиб Хоразм шарқдаги энг йирик давлатларнинг бирига айланди. 1219 йилда Хоразмшоҳ ерларига Чингизхон қўшинлари бостириб келди. 1221-йилда бутун Ўрта Осиё Чингизхон қўл остига ўтди. Шаҳарлар вайрон этилди, суғориш тизимлари йўқ қилинди. Аҳоли қирғин қилиниб, юз минглаб кишилар асир қилиб олиб кетилди. 1227 йил Чингизхон вафотидан сўнг Ўрта Осиё, Еттисув ва Шарқий Туркистон бирлаштирилиб улкан давлат барпо қилинди ва унга Чигатой ҳукмдор бўлди.

XIV-асрнинг 40-йилларида Чигатой улуси тарқоқликга учради ва майда мулкларга бўлиниб кетди. XIV-асрнинг 2-ярмидан ҳокимият тепасига буюк *Соҳибқирон Амир Темур* (1336-1405) келди. Ўрта Осиёнинг тарқоқ мулкларини бирлаштирган Амир Темур 1330 йилдан бошлаб Эрон, Кавказорги, Ироқ, Сурия, Туркия, Шимолий Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларни забт этди.



*Буюк Соҳибқирон Амир Темур дунё аҳлини  
ҳайратга солиб келмоқда*

Амир Темур бошқарган давлатларда айниқса, Ўзбекистонда илм-фан, маданият, савдо ривожланди. Самарқанд қиёфаси тубдан ўзгарди. Унинг вафотидан кейин давлат иккига бўлинди: Ҳирот билан Хуросон Шохрухга, Мовороуннаҳр Улуғбекга берилди. Ушбу йиллар Улуғбекни дунёга танитди. Дунё Алишер Навоийни топди.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида улуғ соҳибқирон Амир Темур шахсига бўлган ҳурмат ва эҳтиром сўнмаган. Чунки соҳибқирон Амир Темур давлат ва жамият бошқарувида адолат ўрнатиш ва эл-юрт манфаати йўлида бутун борлигини, ҳаттоки ўз жонини берадиган ҳукмдорлар, давлат арбоблари тоифасига киради. Буни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг қуйидаги сўзларидан ҳам билиб олишимиз мумкин-

*“Тарихда ҳукмдорлар кўп ўтган, уларнинг аксарияти ўз маънавати ва айшу-ширатдан нарига ўтмаганлиги маълум. Уларни бугун биров эсламайди*



ҳам. Бироқ миллат гамида ёнган, унинг истиқболи ва истиқлоли йўлида фидокорлик кўрсатиб яшаган арбобни келажак ва тарих ҳеч қачон унутмайди. Амир Темур ана шундай тарихий ва унутилмас шахсдир”.

Ушбу фикрларни давом эттириб, Амир Темур фаолияти тўғрисида ёзиб қолдирилган хулосаларнинг баъзи бирларига тўхталиш зарурати бор:

- **Алишер Навоий:** “Темур Кўрагон...агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни ондоқ хўб маҳал ва мавқеъида ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқиғони минг яхши байт айтқонича бор”.
- **Херман Вамбери (Венгер шарқшуноси):** “Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги алоҳида ўрнини шундай ҳам билса бўладики, у ўз ҳокимлиги билан янги династия (Темурийлар династияси)ни ва балки, кўпроқ турк маданияти деб аталиши мумкин бўлган Ўрта Осиё маданиятининг янги даврини бошлаб берди”.
- **Ибн Халдуни(суриялик араб тарихчиси ва мутафаккири):** “Темур подшоҳлар ва халқлар сийратларида билимдон, Шарқу Ғарб тарихининг отаси эди”.
- **Ду Сенксён(Фаранг мухбири):** Жаноби олийлари! Мана бир асрдан ошибдики,буюк Темур тарихи Оврўпада маълум ва машҳурдир, яна шуни таъкидлаб ўтмоқ жойизки, бу улуг зот ҳатто Македонский ва Сезардан ҳам устунроқ бўлган.Чунки Темур улардаги барча афзал(саркардалиқ маҳоратидаги) жиҳатларни қабул қилгани ҳолда, йўл қўйган хатоларини четлаб ўтган. Оқибатда, жаҳонгирлик ва зафар қозонишда Темур улардан ўзиб кетди”.
- **Альфонс Де Памарти(Француз тарихчиси):** “Дин, тиббиёт, тарих, ҳуқуқ ва астрономия соҳаларида Амир Темур ўта билувчи эди. Кўп ўқиган. Осиёнинг энг унумли уч(турк, араб, форс) тилларини жуда мукамал билган қудратли ҳукмдор эди”.
- **Ляйле Л.(Француз тарихчиси):**“Темур олимларга илтифотли эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда билимдон бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди, Негаки, Темур бу соҳаларга гамхўрлик қилишга асосий эътиборни берар эди”.
- **Логофет Д. Н.(Бухоро амирлигини яхши ўрганган олим):** “Оврўпада конституция ҳақида оддий тушунчага эга бўлмаган бир даврда унинг давлатида конунлар мажмуаси мавжуд бўлган, унинг ҳокимиятида фуқароларга адолат билан муносабатда бўлинган, ҳатто молиявий масалаларда ҳам қатъий тартиб ўрнатилган”.
- **Муиниддин Натанзий:** “Амир Соҳибқирон илму-ҳикмат аҳли ва фан арбоблари билан ғоятда улфатлашган эди. Уларни эъзоз-икром қилишда муболагалар кўрсатарди. Тарих китобларини эшитиш орқали умматлар насаби ва шарҳи ҳолларини, Турк, Араб,

Ажам подшоҳларини ва бу илмнинг бошқа тармоқларини жуда чуқур эгаллаган эди. Унинг мажлисида илмий масалалар баҳси жуда кўп бўлиб турарди. Нозик масалалар баҳсида устунликка эришар, аксар ҳолларда у кўрсатган ечим асосли ва тўғри бўларди. Тиб ва нужум илмларининг машҳур, етарли маълумотига эга эди”.

- *Ибн Арабшоҳ*: “Темурни етти иклим соҳибкирони, еру сувни идора қиладиган(зот), подшоҳлару, султонлар жаҳонгири” деб атардилар. “Темур одамларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўқис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан мукаддам кўрарди”. “Темур ҳар қандай ҳунар ва касб бўлмасин, агар унда бирор фазилат ва шарофат бўлса, шу касб эгаларига ғоятда меҳр кўйган эди. “Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва (унинг) тадбир тоғига на текислигу, на ғадир-будир оркали йўл топиларди”.
- *Иоанн Гринило(Амир Темур замондоши)*: “ Темурбек илму Куръон ва илми фикҳда шунчалик забардаст эдики, ҳеч қандай мусулмон олими у билан бу мавзуда беллаша олмайди”.
- *Хильда Хукхем(инглиз тарихчиси)*: “Темур бу ерда курраи замин айланаси етти иклим ва етти осмондан иборат эканлигидан хабар топади. Амир Темурнинг саводи, билими ўта юқори даражада бўлганлиги аён бўлади”.

Ҳақиқатан ҳам орадан 680 йил ўтибдики, буюк соҳибкирон сиймоси дунё аҳлини хайратга солиб келмоқда. Амир Темур ана шундай унутилмас улуғ инсондир.

1499 йилда Шимолдан кўчманчи Шайбонийлар Мовороуннаҳр ерларига бостириб келди ва Темурийлар давлатчилигини тугатиб, бутун Ўрта Осиёни эгаллади. Кўчманчилар Самарқанд пойтахтни Бухорога кўчиришди ва ўтрок бўлиб қолди.

XIX–аср ўрталарига келиб Россия давлати 1853 йил ўзбек хонликларининг дарвозаси бўлган Оқмачитни, 1864 йили Авлиёота, Туркистон, 1865 йилда Тошкент шаҳрини босиб олди, 1868 йили Самарқанд ва Жиззах қўлдан кетди. 1873 йили Хива хонлиги таслим бўлди, 1875 –1876 йилларда Қўқон хонлиги ҳам тугатилди. Ўрта Осиё бойликларини талаш бошланди. Ўрта Осиёга темирйўл қурилгандан кейин руслар кўчиб келиши кучайди ва руслаштириш сиёсати бошланди.

XIX–асрнинг иккинчи ярмидан Россия маҳсулотлари Ўрта Осиё ва айниқса Ўзбекистон бозорларини эгаллади. Натижада минг йиллик тарих, маданиятга эга бўлган миллий ҳунармандчилик инкирозга учради.

1916 йили Ўрта Осиё халқлари чоризмга қарши миллий-озодлик кўзғолонини кўтардилар. 1917 ноябр -1918 йили мартда Туркистон ўлкасида совет ҳокимияти эълон қилинди. 1929 йилда Хоразм ва Бухоро халқ Республикаси ташкил этилди. 1924 йилда Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши ўтказилиши натижасида Ўзбекистон ССР барпо қилинди. 1925 йилда иттифокдош республика СССР таркибига киритилди.

1991 йил 31-августда ўзбек халқининг дахлсиз ҳуқуқи – ўз тағдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи амалга ошди. Республика Олий Кенгагининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилди, у ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида буюк воқеа бўлди. Ўзбекистон ўзининг ҳақиқий давлатчилигига тинч, парламент йўли билан эришди. Республикадаги барча аҳолининг хоҳиш иродаси “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари ҳақида”ги Конституциявий Қонунда мустаҳкамланган ва умумхалқ референдуми билан тасдиқланган.

## 2.2. Ўзбекистон Республикасининг табиий географик тавсифи

**Географик ўрни.** Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиёнинг марказий қисмида, асосан Амударё ва Сирдарёнинг кенг оралиғидаги майдонларни эгаллаган. Ўзбекистон бешта кўшни давлат-шимолий-шарқда Қиғизистон, шимолда ва шимолий-ғарбда Қозоғистон, жанубий-ғарбда Туркманистон, жанубий-шарқда–Тожикистон, жанубда оз масофада Афғонистон билан чегараланган.



*Ўзбекистон Республикасининг сиёсий харитаси*

Ўзбекистон давлатининг ҳудудлари 448,9 км<sup>2</sup> ташкил қилади. Шимолдан жанубга узунлиги 930 км, ғарбдан шарқга 1425 км. Чегарасининг умумий узунлиги-6221 км. Мамлакатнинг энг чекка жойлари-шимолда Устюрт платоси, Орол денгизининг ғарбий қирғоғи, жанубда-Термиз шаҳри ёнида, шарқда Фарғона водийси, ғарбда Устюрт платоси.

**Табиати.** Ўзбекистоннинг табиати хайратланарли даражаларда хилма-хил. Ҳудудларининг асосий қисми чўл ландшафтларидан иборат. Шунингдек, доимий қорли тоғлар, сўлим воҳалар ва серсув дарёлари ҳам бор. Тяньшан ва

Помир-Олой тоғларининг кўтарилиши натижасида Ҳинд океанидан келадиган нам оқимларнинг йўли тўсилиб қолгандан кейин Қорақум ва Қизилқум саҳролари ҳосил бўлган.

Табиий ландшафтларни шартли ривийда 3 га бўлиш мумкин: шарқ ва жанубий-шарқдаги тоғлар ва тоғолди қисми; ғарбда чалачўл ва чўллар; жанубий-ғарб ва шимолий-ғарбдаги текисликлар. Тоғлар ва тоғолди минтақалари Республиканинг 1/5 қисмини эгаллайди. Тоғлардаги энг баланд чўққи-4643 м.

Шарқда ўртача баландликдаги ва баланд тоғлар кўпроқ: республика ҳудудида Ғарбий Тяньшан (Уғом, Писком, Чотқол, Қурама тоғлари) ва Помир-Олой тоғлари (Зарафшон, Ҳисор, Кўхитантоғ, Бойсунтоғ)нинг ён бағирлари ёки айрим тизмаларининг давомлари жойлашган. Ўртача баландликдаги Нурота тизмаси алоҳида ажралиб туради. Тоғлар олдида кенг адир ҳудудлари бор. Шунингдек, ясси паст тоғлар (Оқтоғ, Қароқчитоғ, Зарафшон тизмасининг ғарбий чеккалари) учрайди.

**Иқлими.** Ўзбекистон океанлар ва денгиз хавзаларидан жуда узоқ масофаларда жойлашганлиги учун иқлими қуруқ, иссиқ, континентал. Ёруғ куннинг узунлиги ёзда 15 соатлар атрофида, қиш кунларининг узунлиги 9 соатлар атрофида. Энг паст ҳарорат  $-25^{\circ}$ - $-30^{\circ}$ С гача ва шимолий-ғарбда  $-35^{\circ}$ дан  $-38^{\circ}$ С гача пасайиши мумкин. Энг иссиқ ой-июл, тоғолди ва текислик ҳудудларида энг юқори ҳарорат  $+42^{\circ}$ + $+47^{\circ}$ . Қумли чўлларда энг юқори ҳарорат қум юзасида то  $+70^{\circ}$ С гача қайд қилинган.

Ўзбекистоннинг бутун ҳудудлари денгиз сатҳидан белгиланганда бири-бирдан табиий экологик жиҳатдан фарқланувчи 5 та вертикал минтақаларга бўлинади. Бу минтақаларнинг иқлими, ўсимликлар дунёси ва ҳайвонот олами ҳам турли-туман.

### 2.3. Ўзбекистоннинг табиат минтақалари

**Чўллар минтақаси** денгиз сатҳидан 400-500 метр баландликдаги жойларни ўз ичига олади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг 70 % ини ишғол қилади, ўсимликлари—498тур. Шулардан 64 тури шифобахш ўсимликлар, 273 тури чорва моллари учун озуқавий хусусиятларга эга бўлган ўсимлик турлари ҳисобланади. Бу минтақаларнинг ўсимликлари қурғоқчил иқлимга мослашган ва асосан шўрхок ва қумли тупроқларда яхши ривожланади. Қуруқ иқлими бу чўлларнинг ҳам экологик типлари хилма-хил бўлибгисели чўл, қумли чўл ва кўчиб юривчи қумли—барханли чўллар кўплаб экотуристларни ўзига жалб қилиши мумкин.

Чунки ҳар хил экологик типли чўл ҳудудларида ушбу ҳудудларга мослашган ўсимликлар қоплами ва ҳайвонот дунёси таркиб топган. Айниқса, флорамизда эндемик турларнинг кўплиги халқаро миқёсда туристик оқимларнинг кучайишига қизиқишни ҳосил қилади. Чўллардаги ҳайвонот оламидаги турлар (жайрон, сайғоқ, Қизилқум эчкиэмари, калтакесаклар, «Қизил китоб»даги йўрга тувалоқ, тасқара, чўл бургутлари, миккий, кирғий,

қорабовур, чўл қаптари ва бошқ.) нафақат хорижий балки, ички экотуризмда ҳам қизиқарли экотуристлик объектлар ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг чўллари қуйидагилар: Қизилқум, Устпорт чўли, Ўрта чўл, Қарнобчўл, Конимехчўл, Муборакчўл, Қарши чўли, Мирзачўл, Марказий Фарғона чўллари, Каттақум ва Сандикли чўллари. Булардан ташқари 1,0 млн. гектарли ўсимликсиз кўчма барханли қум ҳудудлари ҳам бор.

*Тўқайзорлар минтақаси.* Республикамизнинг Сирдарё, Амударё, Зарафшон, Чирчик, Оҳангарон каби дарёлари соҳилларида тўқайлар алоҳида минтақалар ҳолида учрайди. Тўқайлар ўзига хос табиат ландшафтлари бўлиб, сийрак, зах ўрмон ва чакалакзорлардан иборат. Тўқайлар турли ҳайвонлар яшаши учун муайян шароитга эга. Тўқайлар экотуризмнинг энг қизиқарли ресурсларидир.

Ўзининг бетакрор табиатига ва бой биологик хилма-хилликга эга бўлган тўқайзорларимизга собиқ иттифок даврида ўнгламас даражаларда зарар келтирилди. Тўқайзорларнинг ўрмонлари кесилиб, чексиз пахта далаларига айлантирилди. Бебаҳо бойлигимиз бўлган 300 минг гектар тўқайзорлардан ҳозирга келиб 30 минг гектаригина сақланиб қолган. Бу майдонлар давлат муҳофазасига олинган ва уларнинг ўсимликлари, ҳайвонот олами муҳофаза қилинади ва кўпайтирилмоқда.



*Ўзбекистоннинг ҳудудлари тоғлар, тоғолди ва чўллардан иборат*

*Адир минтақаси* океан сатҳидан 1000-1200 метрдан 2700-2800 метргача бўлган баландликларни ўз ичига олади. Баландликга кўтарилган сари ҳаво ҳарорати пасайиб ёгинлар миқдори орта боради. Ватанимиз табиатидаги адирлар минтақасида нафақат экотуризмни балки, қишлоқ туризмни ривожлантириш имкониятлари бор. Чунки, адир минтақаси асосан мамлакатимиздаги тоғ олди минтақалари ҳисобланиб бу минтақанинг асосий қисми суғориладиган ерлар бўлганлигидан қишлоқлар зич жойлашган ва деҳқончилик кучли ривожланган.

Адирлар минтақасидаги баҳорикор ерлардаги ўзига хос бўлган деҳқончилик (ғаллачилик, лалми нўхат, зигир, қовун, тарвузетиштириш)

нафакат хорижий туристларни балки, шаҳарларда яшаётган аҳолини ҳам қизиқтириши мумкин. Бундай имкониятларни экотуризм операторлари яхши билишлари талаб қилинади.

*Тоглар минтақаси.* Денгиз сатҳидан 1800-2700 метр баландликда жойлашган минтақалар. Тогларда ёз салқинроқ, чўлдагига нисбатан қисқароқ бўлади. Тогларимизда 1048 тур ўсимликлар ўсади. Шифобахш, доривор ўсимликларга бой минтақа. Океан сатҳидан 1400 метрдан 2500 метргача баландликда арча дарахти ўсади. Арча ёғочи мустаҳкам, қимматбаҳо дарахт бўлиб, узок умр кўради.

Арчазорлар–шифобахш оромгоҳлардир. Арчазорлардан экотуризмнинг энг оммавий масканларига айлантириш мақсадларида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга адир минтақасининг ҳайвонот олами тўқайзорлар фаунаси билан кўп ҳолларда бу икки минтақа бири-бири билан чегарадош бўлганлигидан аралаш ҳолда яшашади. Бу имкониятлардан экотуризмда ҳам, экосафари маршрутларидан ҳам фойдаланиш имкониятлари келиб чиқади.



*Зомин миллий паркидаги 1000 ёшли арча дарахти*

Арчазорлар–шифобахш оромгоҳлардир. Арчазорлардан экотуризмнинг энг оммавий масканларига айлантириш мақсадларида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга адир минтақасининг ҳайвонот олами тўқайзорлар фаунаси билан кўп ҳолларда бу икки минтақа бири-бири билан чегарадош бўлганлигидан аралаш ҳолда яшашади. Бу имкониятлардан экотуризмда ҳам, экосафари маршрутларидан ҳам фойдаланиш имкониятлари келиб чиқади.

Табиатдаги биологик ресурслар– ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёси экотуризмда энг оммавийлашган ресурс ва объектлардан ҳисобланади. Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароитлари Марказий Осиё континентал

иқлим шароитларидан таркиб топганлиги учун ҳам ҳайвонот дунёси ва ўсимликлар оламининг турли –туман ва ранг-баранглигини ҳосил қилган.

**Баланд тоғ минтақаси** денгиз сатҳидан 2700-2800 метр дан баландда жойлашган бўлиб бу минтақанинг майдонлари унча катта эмас. Минтақадаги совуқ ва нам иқлим шароитида оч қўнғир ва ўтлоқ тупроқлар ҳосил бўлади. Баланд тоғ минтақалари субальп ва альп ўтлоқларидан иборат. Айрим, қуёшга тесқари ёнбағирларида йил бўйи қор ва музликлар сақланиши мумкин. Баланд тоғ минтақасида ва бу табиий минтақанинг бошланиши чегараларида айниқса, Зомин миллий парки ҳудудларида экотуристтик тоғ–чанғи спорт туризмни ривожлантиришнинг жуда катта имкониятилари бор.

Экотуризмнинг экосафари (ов ва балиқ овлаш) ресурслари ҳам гоёта биологик хилма-хилликга эга. Биргина овланадиган балиқларнинг 83 тури дарёларимиз ва сув ҳавзаларимизда кўпайтирилиб муҳофаза қилинмоқда. Шулардан 18 тури Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоб»га киритилган.

Овчилик мавсумида сув ҳавзаларимизда ички ва ташқи турист овчиларни таклиф қилишнинг катта имкониятлари бор. Шунингдек, ватанимизда овчилик қушларининг ов қилиш даражадаги сонларига етишганлиги ва овчилик ҳудудларининг мавжудлиги ҳамда овчиликга руҳсат берилганлиги ҳам экотуризмда экосафари маршрутларни ишлаб чиқиш ва халқаро экотуризм, ички экотуризм бозорига чиқаришнинг катта имкониятлари бор.

Илмий ахборотлардан маълум бўладиги, ватанимизга келиб-кетаётган ҳар 100 туристнинг 50-60 таси мамлакатимизнинг табиатига ва ундаги биологик хилма-хилликга қизиқишмоқда. Айниқса, мамлакатимиздаги алоҳида муҳофаза даги табиат кўрикхоналарига ва улардаги флора ва фаунага қизиқиш кучли. Шул нуқтаи назардан ҳам мавжуд экотуристтик ресурслардан айниқса алоҳида муҳофазадаги экологик ҳудудлардан экотуристтик мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқий-меъёрий, илмий-амалий йўллари ишлаб чиқишимиз лозим бўлади.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** археологик топилмалар, ибтидоий одамлар, географик минтақалар, жез даври, мустъе даври, палеолит даври, флора, фауна, қўлғемалар, қадимги маданият, тош асри, экотуризм, экосафари.

**Мавзу бўйича тест саволлари:**

**1. Ўзбек миллий давлатчилиги қачондан бошланади?**

- А. 3 минг йил олдин
- Б. 4 минг йил олдин
- В. 2 минг йил олдин
- Г. 6 минг йил олдин

**2. Ўзбекистон ерларида ибтидоий одамлар бўлганми?**

- А. Ўзбекистон ерлари ибтидоий одамлар томонидан ўзлаштирилган
- Б. Ўзбекистонда ибтидоий одамлар яшамаган
- В. Ўзбекистонда ибтидоий одамлар яшаганлиги баҳсли
- Г. Ўзбекистонда ибтидоий одамлар қисман яшаган

**3. Амир Темур ҳокимиятга қачон келган?**

- А. 14-асрда
- Б. 14-асрнинг иккинчи ярмида
- В. 15-асрда
- Г. 14-асрнинг охирида

**4. Ўзбекистоннинг табиий ландшафтлари нечага бўлинади?**

- А. 3 га
- Б. 5 га
- В. 6 га
- Г. 4 га

**5. Ўзбекистоннинг чўллари денгиз сатҳидан қанча баландликда жойлашган?**

- А. денгиз сатҳидан 400-500 метр баландликда
- Б. денгиз сатҳидан 500-7000 метр баландликда
- В. денгиз сатҳидан 1000 метр баландликда
- Г. денгиз сатҳидан пастликда

*Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар ва топшириқлар:*

1. Ўзбекистоннинг тарихини презентация билан айтиб беринг.
2. Ўзбекистон Республикасининг табиий географик тавсифини табиий географик харита ёрдамида айтиб беринг.
3. Ўзбекистоннинг табиат минтақаларининг фарқланишини тушунтиринг.
4. Чўллар ва адирлар минтақасини тушунтиринг.
5. Тоғлар ва баланд тоғлар минтақасини тушунтиринг.
6. Ўзбекистоннинг иқлим ресурсларини тушунтиринг.
7. Ўзбекистоннинг сиёсий харитасини тушунтиринг.

### **3-Мавзу. Ўзбекистоннинг ер ва минерал ресурслари.**

**Режа:**

- 3.1. Ўзбекистоннинг ер ресурслари
- 3.2. Ўзбекистоннинг минерал ресурслари

#### **3.1. Ўзбекистоннинг ер ресурслари**

Миллион йиллар давомида бунёд бўлган ва ҳосилдорлик хусусиятига эга бўлган тупроқ жуда катта бойликдир. Тупроқнинг ҳосилдорлик хусусият унда бутун ўсимликларнинг ўсишига шароит яратади. Бу ҳосилдорлик маҳсулидан инсон баҳраманд бўлади.

Ҳозирда сайёрамизда инсониятга етиштириладиган озуқа знергиясининг 88% ини ер беради. Ер инсониятга нафақат озуқа етказиб беради, балки инсон учун уй-жой, унинг фаолияти кечадиган бутун қурилиш ва ишлаб чиқариш корхоналарини ҳам ўзида жойлаштиришни таъминлайди.

Ер тикланадиган ресурслар гуруҳига киради. Фақат ундан оқилода фойдаланишни талаб қилинади. Бутун дунёда 13.4 млрд. га ер бор. Шундан 1,5 млрд.га ерда деҳқончилик қилинади. Инсониятнинг нотўғри фаолияти



туфайли сайёрамизда 9 млн. км<sup>2</sup> унумдор ерлар сахрога айланди. Бу жаҳондаги унумдор ерларнинг 40% ини ташкил қилади. Ҳозиргача ер шарида 50 млн. га ер умуман фойдаланиб бўлмайдиган ҳолатга келган. Сайёрамиз қитъалардаги қуруқ иқлимли ерлардан инсоннинг нотўғри фойдаланиши натижасида чўлланишга учраган майдонларнинг тобора кенгайиб бораётганлиги ҳалокатли тус олмақда.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерлар -27,9 млн.га. яйловлар-22,8 млн. га , хайдаланадиган ерлар- 5 млн.га, суғориладиган ерлар-4,2млн.га. Собик иттифок бошқаруви даврида Ерларни жуда катта меъёрларда суғориш ва шўрни ювиш меъёрларига эътибор бермаслик натижасида Ўзбекистон табиий иқлим шароитида бир-бирига қарама-қарши икки хил вазият вужудга келди. Бир томондан сув ресурслари тугай бошлади, иккинчи томондан минераллашган ер ости сувларининг иккиламчи шўрланиш жараёни кучайиб кетди, мавжуд сув хавзаларининг интенсив даражада ифлосланишига олиб келди. Ўзбекистонда -10,8 млн.га ернинг даслабки ҳолати бузилиб чўлланишга учраган.

Суғориладиган ерларнинг 40%и шўрланган ёки ҳосилдорлиги пасайиб, ювилиб кетган,950 минг га ерда сизот сувлари сатхи кўтарилиб кетган, 620 минг га ер кучли эрозияга учраган. Тоғли районларнинг 50% дан кўпроқ ери доимий сел хавфи остида туради.

Ҳозирги бозор иқтисоди шароитининг компонентларидан бири кўзғалмас мулкдир.Шунинг учун ҳам ер ресурслари аста-секинлик билан бозор муносабатларига жалб қилинмоқда. Ерга эғалик ҳуқуқи кенгаймоқда, эғаликнинг ҳар хил ижтимоий-иқтисодий усуллари ривожланмоқда, ердан фойдаланганлик учун тўлов жорий қилина бошланди. Юзага келган экологик иқтисодий ҳолатлар бизнинг ерга бўлган муносабатларимизни чуқур ислоҳ қилиши талаб қилади. Шунинг учун ҳам ердан фойдаланишни бошқаришда ер кадастри маълумотларини қўллаш деҳқончиликда интенсив ривожланишнинг асоси бўлади. Шу билан бирга ерни баҳолашдаги жуда кўп саволларга жавоб беради. Тупроқнинг ишлаб чиқариш имкониятларини сифат ва ишончли баҳоларда аниқлашда қуйидаги талаблар қўйилади.

Биринчидан-тупроқ бонитировкаси ҳудуднинг қишлоқ хўжалигини табиий иқлим шароитларини ҳисобга олган, замонавий районлаштириш талаблари асосида ўтказилиши лозим. Иккинчидан-ернинг ҳосилдорлиги ва экилган қишлоқ хўжалиги экинининг аниқ ҳосилдорлиги ўртасидаги боғлиқлик кўп иқтисодий кўрсаткичлар асосида таҳлил қилинмоғи керак.

Ерни ҳисобга олиш, баҳолаш муаммолари дастлаб ерни кадастрлашнинг қуйидаги тамойилларига асосланмоғи лозим.

- барча ер категорияларини қамраши;
- марказлашган ягона раҳбарлик ва ерни ҳисобга олишнинг ягона тизими;
- барча ер шароитида ягона ўлчов ҳисоби тизими;
- ерни ягона ҳужжатлаштириш ва тўғри расмийлаштириш;
- узлуксизлик ва ер ҳисоби иқтисоди;

- ерни ҳисобга олишнинг автоматлашган ахборотлаш тизими (ер кадастри ахборотининг автоматлашганлиги).

Ер ҳисобини тўлиқ ва ишончли олиб бориш мамлакатнинг ер ҳисобини сифатли рўйхатлаштиришни таъминлайди, ердан олинадиган солиқ самарадорлигини оширади, кредит тизимини фаоллаштиради, ернинг кўзгалмас мулк кийматини мукаммаллаштиради.

*Ер ресурсларини муҳофаза қилиш.* Ер ресурсларини муҳофаза қилиш инсоннинг энг олий, маъсулиятли вазифасидир. Ерни муҳофаза қилишда энг аввола тупроқнинг шўрланиши сабабларини билиш жуда зарур. Чунки, тупроқ шўрланиши инсоният олдидаги оламшумул муаммоларнинг энг биринчи даражадагиси ҳисобланади. Шўрланиш қўйидаги сабаблар оқибатида юз беради:

- Қуруқ иқлим шароитида тупроқдаги тузларнинг ювилмаслиги;
- Ер ости сувларининг юза жойлашуви туфайли капиллярдан тузларнинг кўтарилиши.
- Атмосфера оркали тупроққа тузларнинг келиб тушиши;
- Суғориш туфайли тузларнинг оқиб келиши;
- Минераллашган сувли хавзаларнинг қуриши;
- Ўсимликлар таркибидаги тузларнинг биологик тўпланиши.

Ерни муҳофаза қилишнинг тадбирларини билиш ва чора-тадбирларга ўта катъиятлик билан эътибор бериш, олий даражадаги мукаддас бурч бўлмоғи лозим. Бу тадбирлар қўйидагилардир:

- Тупроқ мелиорацияси тадбирлари;
- Турар жой ва бошқа хил қурилишларга тупроғи кишлоқ хўжалиги учун ноқулай ерларни ажратиш;
- Кон-қазлов ва бошқа хил саноат чиқиндиларини йўқотиб, уларни ҳам фойдали ерларга айлантириш;
- Саноат чўлларини қайта ишга солиш, рекультивация қилиш;
- Ердан фойдаланиш ишлари устидан қаттиқ назорат ўрнатиш.

### 3.2. Ўзбекистоннинг минерал ресурслари

*Минерал ресурслар тўғрисида тўлиқ маълумот.* Минераллар (лотинча *minera*-руда) ернинг қобиғида жойлашган бўлиб, ҳар хил химиявий таркибга эга. Минераллар фойдали қазилмалар деб ҳам аталади. Физикавий хусусиятларига қараб минераллар қаттиқ, суюқ ва газсимон гуруҳларга бўлинади.

Фойдаланиш жиҳатдан-ёнилғи фойдали қазилмалари ёки ёнилғи минераллари (кўмир, нефть, газ, ёнувчи сланецлар), металмас фойдали қазилмалар (гранит, мрамор, оҳақтош, қимматбаҳо тошлар) ва металл минералларга (темирли, мисли, алюминли ва ҳақозо) бўлинади.

Аниқлашича, қадимда инсоният 18 та элементдан фойдаланган бўлса, XVII асрда-29 та, XIX асрда-62 та ва ҳозирги вақтда 90 дан зиёд минераллардан фойдаланмоқда. Инсоният ўз эҳтиёжи учун минераллардан фойдаланишни йилдан-йилга кучайтирмоқда. Дунё бўйича ҳар йили 100

млрд. т. руда ва минерал ёқилғилар қазиб чиқарилмоқда. Кейинги 30 йилда инсониятнинг бутун тарихи давомидагига қараганда кўпроқ минераллар қазиб чиқарилди.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда дунёда нефть ва газ XXI - асрнинг ўрталарида, кўмир захиралари XXI—аср охирларида тугаши мумкин. Инсониятнинг минераллардан фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда минераллар захираларнинг тугашини ҳисоблашлар ҳақида маълумотлар ҳам бор. Бу тахминий башоратларга қараганда алюминий 570 йилга, темир-250, рух-23, мис-29, қўرғошин-20, қалай-35 йилга етади. Бошқа манбаларга қараганда 2500 йилга бориб барча минераллар захираси тугайди; рух, қўрғошин, қалайи олтин, кумуш ва платина XXI асрда бутунлай тамом бўлади. Ҳозирда дунёда ҳар йили бир киши учун 30 тонна тоғ-кон массасига тенг ҳар хил фойдали қазилмалар қазиб чиқарилмоқда.

Ҳозирга келиб Ўзбекистон ерлари геологик жиҳатдан яхши ўрганилган давлатлар қаторига киради. Республикамиз фойдали қазилмаларга бойлиги жиҳатидан дунё мамлакатлари орасида олдинги ўринларда. Олтин рудалари ва олтин кумли 30 дан зиёд конлар аниқланди. Бу конларнинг энг катталари Мурунтоғ, Учқудук, Зирабулоқ, Зармитон ва Маржонбулоқ конларидир.

Нефть, газ конларининг сони 25 тага етди. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида Россиядан кейин 2 ўринда. Камёб, нодир метал бўлган волфрам, молибден захиралари Ингичка, Қўйтош ва Қалмоққир конларидан олинмоқда. Мис конлари мажмуаси Олмалик, Қалмоққир, Саричекда, қўрғошин конлари Қўрғошинкон ва Олтинтоғда мужассамлашган.

Каолин захиралари 10 млрд.т. Бу дунёдаги энг катта захиралардан ҳисобланади. Магний тузлари, ош ва техник тузлар захираси, кизил мармар, графит, кварц куми, оқактош, гранит каби муҳим қазилма бойликлар захиралари ҳам жуда катта. Олтин, уран, мис, табиий газ, калий тузлари, фосфоридлар, каолинларнинг Ўзбекистондаги захираларининг кўплиги ва истиқболда фойдаланиш бўйича жаҳонда олдинги ўринларни эгаллайди. Масалан, олтин захиралари бўйича дунёда 4- ўринни, қазиб олиш бўйича 7-ўринни, мис бўйича 10-11 ўринни, уран бўйича 7-8 ўринни эгаллайди.

Табиий газнинг умумий захираси 2 трлн. м<sup>3</sup>, кўмир 2 млрд. тоннадан зиёд. Мутахассисларнинг баҳолаши бўйича, мамлакат ҳудудининг 60% қисми нефть ва газ захиралари билан банд. Ўзбекистон ноёб ва нодир металлар олтин, кумуш, уран ва бошқа минерал бойликлар қазиб олиш бўйича ҳам олдинги ўринларни эгаллайди.

Олтиннинг умумий захираси 40 минг т. таркибида олтин ва кумуш мавжуд бўлган 30 дан ортиқ руда конлари топилган. Қора металлар (темир, титан, марганец, хром)нинг кўплаб конлари мавжуд. Қурилиш материалларининг 370 дан ортиқ кони бор. Иқлим ресурсларимиз ҳам мўл: 100 дан зиёд курорт ва санаторияларда минерал сувлардан фойдаланилмоқда. Обикор ерларда ўсиш даврининг узунлиги (210-240кун), ҳароратнинг ёзда +26+32° даражасида қулайлиги билан изоҳланади. Қуёш

нури қуввати Москвадан 2 марта, Қримдан 1,5 марта ортик. Дарёлардан умумий электр қуввати 12 млрд КВТ соат электр қуввата олса бўлади.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос миллий хусусиятлари ичида унинг табиий ва меҳнат ресурсларга бойлиги асосли таъкидланган-

*"Ўзбекистон ўз ер ости бойликлари билан ҳақли суратда фахрланади".*

*Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А. Каримов.*

Ҳақиқатдан ҳам, Ўзбекистон замини турли минерал ресурсларга бой. Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистонда 2700 дан зиёд қазилма бойликлар қонлари аниқланган. Ушбу қонларда ер юзига яқин жойлашган хилма-хил минерал ҳам ашёлар мавжуд. Уларнинг 60 хилдан фойдаланилмоқда.

Ўзбекистоннинг умумий минерал ҳам ашё салоҳияти 3,3 триллион АҚШ доллариди баҳоланмоқда, ҳар йили қонлардан умумий қиймати 5,5 млрд АҚШ долларига тенг бўлган турли қазилма бойликлар қазиб олинмоқда.

*Таянч сўзлар ва иборалар:* минераллар, ер ресурслари, қазилма бойликлар, қонлар, иқлим бойликлари, рангли минераллар, металмас минераллар, метал минераллар, баҳорикор ерлар, қишлоқ хўжалиги ерлари,

*Мавзунини бўйича тест саволлари:*

**1. Ўзбекистонда сугориладиган майдонлар қанча?**

- А. 2 млн.га
- Б. 3 млн.га
- В. 4 млн.га
- Г. 5 млн.га

**2. Ўзбекистонда қанча майдонда пахта экилади?**

- А. 1,3 млн.га
- Б. 1,5 млн.га
- В. 1,6 млн.га
- Г. 1,8 млн.га

**3. Ўзбекистонда олтиннинг нечта қонлари бор?**

- А. 20 та
- Б. 25 та
- В. 30 та
- Г. 40 та

**4. Ўзбекистонда қурилиш материалларининг нечта қонлари бор?**

- А. 370 та
- Б. 270 та
- В. 170 та
- Г. Сони ноаниқ

**5. Ўзбекистонда нечта қазилма қонлари аниқланган?**

- А. 2700 та
- Б. 1700 та
- В. 700 та

## Г. Сони аниқланмаган

### *Мавзунинг ўзлаштириш учун саволлар:*

1. Ўзбекистоннинг ер ресурслари ва ер ресурсларидан фойдаланиш ҳақида гапириб беринг
2. Ўзбекистоннинг ер фонди ва ундан фойдаланишни тушунтиринг
3. Ўзбекистоннинг минерал ресурслари, уларнинг географияси ва захираларини гапириб беринг
4. Ўзбекистоннинг қазилма бойликлари қанчага баҳоланган?
5. Ўзбекистоннинг газ конларини айтиб беринг.
6. Ўзбекистоннинг олтин конларини айтиб беринг.

## 4-Мавзу. Ўзбекистоннинг сув ресурслари

### Режа:

- 4.1. Дунёнинг сув захиралари
- 4.2. Ўзбекистоннинг сув ресурслари
- 4.3. Сувни муҳофаза қилиш ва тоза сақлаш

*“Сув, сени ҳаёт учун керак дейишади, сен ҳаётнинг ўзисан  
Антуан Экзюпери.*

### 4.1. Дунёнинг сув захиралари

Сув ҳаёт манбаидир. Сайёрамиздаги мавжуд сувнинг асосий қисми океан ва денгизларда тўпланган. Аҳоли ва барча ишлаб чиқариш тармоқлари, асосан тоза чучук сувли истъёмол қилади. Чучук сув ресурслари гидросфера умумий сув ҳажмининг атига 2,5% ини ташкил этади. Бунинг устига чучук сувнинг асосий қисми ер шарининг чекка, фойдаланиш қийин бўлган Антарктида, Арктика, Гренландия ва дунёнинг баланд тоғлари бағридаги қўплаб қор ва музликларда тўпланган.

Ер юзасининг 70% майдони сув билан қопланган. Куриқликнинг ҳам 3% майдони дарё ва кўллардан иборат. Антарктида ва Гренландиянинг 16 млн. км<sup>2</sup> майдони муз билан қопланган.

Академик А.А. Карпинский сўзи билан айтганда сув ҳаётини яратувчи тирик қон. Машҳур геохимик А.Е. Ферсман таъбирича сув ернинг энг муҳим минерали, бу минералсиз ерда ҳаёт йўқ. Сайёрамиздаги умумий сув миқдори- 1385984,6 км<sup>3</sup>. Сув ресурсларига дарё, кўл, сув омбори, канал, ер ости, ботқоқлик, денгиз, океан, атмосферадаги сувлар, қор ва музликлар қиради. Ердаги бутун сув ресурсларидан ҳамма эҳтиёжлар учун 4-5 минг км<sup>3</sup> сув, яъни гидросферадаги умумий сувнинг 0,31% и фойдаланишга яроқлидир.

Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳам сув билан боғланган. Ҳар қандай тирик организм танасида сув бор. Одам танасининг 60-80% и сувдан иборат, бўлиб бир кунлик сувга ўртача талаб 2- 2,5 литрдир.

Дунёда сув тенг миқдорда айланма ҳаракатга эга. Океанлардаги сув 2600 йилда тўлиқ айланиб чиқади (йиллик буғланиш 450 минг км<sup>3</sup> га тенг).

Атмосферадаги 13-15 минг км<sup>3</sup> сув ўрта ҳисобда 9 кунда янгилашиб туради. Дарёлар суви 12-15 кунда янгиланади.

Сувнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини баҳолаш жуда қийин. Чунки инсон ҳаётида сув ишлатилмайдиган соҳанинг ўзи йўқ. Инсоният тараққиёти ривожланган сари сувни кўплаб сарфламоқда. Ўтган асрда ҳар бир шаҳарлик аҳолига 35-40 литр сув сарфланган эди. Ҳозирда замонавий шаҳарларда ҳар бир кишига 300 литр сув сарфланмоқда. Шунингдек, Москвада - 400, Стокгольмда - 300, Нью-Йоркда - 400, Лондонда - 170, Венада 170, Римда - 180, Парижда - 160 ва Брюсселда - 100 литр сув сарфланмоқда.

Гидросфера-ернинг сув қобиғи таркиби қуйидагича:

1. Атмосферадаги сувлар—0,001%
2. Ер ости сувлари—3,12%
3. Музликлар ва қорликлар сувлари—1,8%
4. Қуруқликдаги сувлар—6,0%
5. Океан сувлари—90%
6. Шўр сувлар—97,2%
7. Чучук сувлар—2,5%

#### 4.2. Ўзбекистоннинг сув ресурслари

Ўзбекистоннинг сув ресурслари дарёларда, музликларда, қўлларда, сув омборларида ва Орол денгизида тўпланган. Асосий сув манбалари Амударё (сув сарфи-73 км<sup>3</sup>) ва Сирдарё (сув сарфи-17 км<sup>3</sup>) дарёлари ҳавзаларида жамланган. Ўзбекистонда 160 та дарёлар бор. Ўзбекистон Республикаси табиий шароитида сувдан фойдаланиш асосий масалалардан биридир. Шунинг учун ҳам ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида сув ресурсларидан фойдаланиш тўлиқ баҳолаш тизимида бўлишни талаб қилади.

*Ўзбекистонда оқар сувларнинг сарфи:*

1. 90% сугоришга
2. 8% саноатга
3. 1% коммуналга
4. 1% балиқ хўжалигида фойдаланилади

*Дарёлар.* Республикада ҳаммаси бўлиб 17 мингдан кўпроқ табиий очик сув оқимлари ҳисобланган. Амударё хавзасида улар 9,9, Сирдарё хавзасида – 4,9 ва бу икки дарё оралигида—2,9. Лекин, булар асосан катта бўлмаган сойлар, сув оқимининг узунлиги 10 км дан кам, асосан Амударё ва Сирдарё оралигида улар қарийиб бутун йил давомида қуриб ётган дарёлар, сув оқимининг узунлиги ҳар йили ҳам 10 км етиб бормади.



*Сув ресурсларимиз тоғлардан бошланади*

**Кўллари.** Ўзбекистонда кўллар сони 500 дан кўпроқ. Бу асосан кичик сув хавзалари, майдони 1 км<sup>2</sup> камроқ. Майдони 10 км<sup>2</sup> дан кўпроқ кўллар—32та. Ўзбекистонда энг катта кўллар тизими—бу Айдар-Арнасой, майдони 3600 км<sup>2</sup>, ҳажми эса 42 км<sup>3</sup>, ҳамма сув омборлари захирасидан устин туради.

**Сув омборлари.** Ҳозирги вақтда республикада 55 сув омбори ишлаб турибди. Уларнинг тўлиқ лойиҳа ҳажми 18,8км<sup>3</sup>, фойдалиси—14,8 км<sup>3</sup> дан иборат. Энг йириклари: Туямўйин, Чорвоқ, Тудакўл, Каттакўрғон сув омборлари ҳисобланади. Улар дарё сув оқимларини йил давомида бошқариб туриш, экинларни суғориш даврида фойдаланиш, фавқулодда сув тошқинларини олдини олиш учун қурилган.

#### *Ўзбекистоннинг энг муҳим сув омборлари*

Сув омборлари	Қайси даъда қурилган	Ишга тушган йили	Майдон и, км <sup>2</sup>	Сув сифими, млн.м <sup>3</sup>	Ўртача чуқурлиг и,м	Энг чуқур жойи,м
Туямўйин	Амударё	1976	650	7800	20	40
Чорвоқ	Чирчиқ	1969	40	2000	50	162
Каттакўрғон	Зарафшон	1941	83,5	1080	12,3	28
Жанубий Сурхон	Сурхондарё	1962	65,0	800	12,3	27
Андижон	Қораларё	1978	60,0	1750	-	115
Чимкўрғон	Қашқаларё	1963	49,2	6500	10,2	30
Қуйимозор	Зарафшон	1959	16,2	260	17,3	40,3
Пачкамар	Ғузордарё	1970	13,8	280	-	62
Каркидон	Исфайрамсой	1963	9,5	218	-	23
Учкизил	Сурхондарё	1962	10	160	16	40,3
Толимаржон	Қарши канали		22,3	941	-	40,0
Косонсой	Косонсой	1955	5,5	165	17,7	57
Туябўғиз	Охангарон	196	18,5	250	11,2	31,5
Охангарон	Охангарон	-	-	100	-	66

**Ерости сувлари.** Ўзбекистон ҳудудининг 95 маконида ерости сувлари конлари маълум. Уларнинг умумий захираси 75580 минг м<sup>3</sup>/сут. миқдориди баҳоланади, регионал фойдаланиш захираси—63986тыс.м<sup>3</sup>/сут., барқарор

фойдаланиш захираси—23578 минг м<sup>3</sup>/сут.Чучук сув ресурслари асосан Фаргона водийсида—34,5%, Тошкент вилоятида—25,7%, Самарқандда—18%, Сурхандарёда—9%, Кашкадарёда — 5,5 %тўпланган.Қолган вилоятларда умумий чучук сув ресурслари 7% ни ташкил этади.

Ер ости сувларининг жами захираси 17,6 км<sup>3</sup>. бўлиб шундан: 54% идан фойдаланилмоқда унинг: 3,43 км. кубидан ичимлик ва хўжалик суви сифатида, 3,2 км. кубидан суғоришда, 0,11 км. кубидан яйловларни сув билан таъминлашда, 0,74 км кубидан техник сув сифатида фойдаланилмоқда. Зовур тармоқлари 23-25 км кубни ташкил қилади, шундан 5 км кубни яна Амударёга, 10 км кубни Сирдарёга ташланади.Бозор иқтисодиёти шароитида мулк эгаси мужассамланган вақтда алоҳида ишга молик суғорма деҳқончилик хўжалиги ҳам, хусусий мулкга эга фермер ҳам сувга ҳақ тўлаши керак. Ҳозирда бу жараён аста-секинлик билан тартибга тушиб борапти.

#### Марказий Осиё давлатларида сувнинг тақсимланиши

Давлатлар	Сирдарё хавзаси	Амударё хавзаси	Жами,км <sup>3</sup>	%
Қозоғистон	15,3	00	15,3	13,8
Қирғизистон	4,9	0,4	5,3	4,8
Тожикистон	3,7	9,5	13,2	11,9
Туркманистон	00	22,0	22,0	19,8
Ўзбекистон	25,5	29,6	55,1	49,7

Кўплаб ривожланган чет элликлар тажрибаларига кўра сувга асосий ресурс сифатида ҳақ тўлаш ижобий аҳамиятга эга. Шунингдек, суғориш сувига ҳам хўжаликлар томонидан фойдаланилганда табиий ресурс сифатида тўлик ҳақ тўлаш вақти келди. Чунки сув қатъий сотилган тақдирда ундан оқилона фойдаланиш белгилари сезила бошланади.

Бунда керакли сув ўз вақтида ишлатилади, ортиқча сув исрофгарчилиги йўл қўйилмайди. Кейин суғориладиган ерларнинг мелиоратив ахволини яхшилашга ҳақ тўланиш гидромелиоратив иншоатларни таъмирловчи ташкилотларнинг ўз ишига сидқидилдан ёндашишларига таъсир этади, бу ташкилотларнинг хўжалик ҳисобига ўтишини тезлаштиради ёки хўжалик ҳисобида бўлган тақдирда ҳам хўжаликлар билан аниқ ҳисоб-китобда ишлашни мустаҳкамлайди.Хўжалик қачонки, сувга ўз ҳисобидан ҳар бир м<sup>3</sup>сув миқдорига ҳақ тўласа, унда у суғоришнинг замонавий усулларини қўллашга мажбур бўлади. Бунинг натижасида ерларнинг мелиоратив ҳолати ҳам яхшиланиб боради, гурунт сувлари сатҳи пасайиши йўналишига ўтилади.



### 4.3. Сувни муҳофаза қилиш ва тоза саклаш:

Сув бебаҳо бойлик бўлганлигидан уни жуда қаттиқ муҳофаза тизимига олиши керак. Шунинг учун ҳам сув ресурсларидан фойдаланишда замонавий усулларга ўтиш вақти келди. Бу усуллар куйидагилар:

1. Ёмғирлатиб суғориш.
2. Тупрок остидан суғориш.
3. Политилен арикларда суғориш.
4. Томчилатиб суғориш.
5. Атмосфера ёгинларидан унумли фойдаланиш;
6. Оқава сувлардан унумли фойдаланиш.
7. Қайта ишлаш (тозалаш).

Сувни тозалашда мавжуд усулларни қўллашни кенг жорий қилиш ҳам сув сарфини камайтиради. Бунда сувни механик тозалашда сувнинг 60-95%, химиявий тозалашда-95% ва биологик тозалашда-100% софликга эришилади. Сувдан ичиш ва маданий-маиший мақсадларда фойдаланишда сув ҳавзасига қўйиладиган куйидаги талабларни ҳам билиш мақсадга мувофиқдир:

- Барча истеъмол манбааларида сув ўлчагич асбобларини қўйишни қонун талаби даражасига етказиш;
- Саноатда ишлатиладиган сув сарфини давлат миқёсида назорат қилиш ва камайтириш.
- Саноат корхоналарида совутиш ишларидаги сув ўрнига ҳаводан фойдаланиш
- Фойдаланишда сувни қайта ишлаш.
- Сув тозалаш технологияларини мукамаллаштириш.
- Ташлама сувларни тозалаш ва суғоришда ишлатиш.
- Сув чиқарадиган барча корхоналарда сувни тозалайдиган иншоотлар қуриш.

#### *Сув билан боғлиқ маълумотлар:*

- Жаҳонда ифлос сувдан истеъмол қилиш натижасида ҳар йили 5 млн. киши вафот этади, 500 минг иши оғир дардга чалинади;
- Ҳозиргача инсоният дунёга океанига жами 20 млрд.т. чиқинди ташлаган, бу эса дунё океанининг ҳар 1 км<sup>2</sup> майдонига 17 тонна чиқинди ташланди дейилганидир;
- Ҳозирда дунё океанига ҳар йили 1,2 млрд. тонна чиқинди ташланмоқда, шундан 10,0 минг тоннаси нефтдир;
- Дунё бўйича ҳар 6 кишидан бири сувга зор, жаҳонда ҳар 15 соннда 1 бола ифлосланган сувдан захарланиб вафот этади, 1,1 млрд. киши тоза сувга муҳтож, 2,4 млрд. киши тозаланмаган сувни истеъмол қилади;
- 1т пахта етиштириш учун 10000 т, 1т шоли олиш учун 4000т сув керак.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** сув ресурслари, ер усти сувлари, ер ости сувлари, чикинди сувлар, қайтарма сувлар, сизот сувлари, замонавий сугориш усуллари, ташлама сувлар, минерал сувлар, шифобахш сувлар.

**Мавзу бўйича тест саволлари:**

**1. Гидросферанинг неча фоизи чучук сув?**

- А. 2,5 фоизи
- В. 4,5 фоизи
- С. 6,5 фоизи
- Д. 8,5 фоизи

**2. Ўзбекистонда фойдаланиладиган сувнинг 85 фоизи қайси мақсадларда ишлатилади?**

- А. саноатда
- В. коммунал хўжаликда
- С. кишлок хўжалигида
- Д. аҳоли истеъмолида

**3. Энг кўп сув сарфлайдиган деҳқончилик ўсимликлари қайсылар?**

- А. шоли, картошка
- В. шоли, пиёз
- С. шоли, макажўхори
- Д. шоли, каноп
- Е. шоли, гўза

**4. Ўзбекистонда сугориладиган ерлар қанча?**

- А. 1,2 млн. га
- В. 2,2 млн. га
- С. 3,2 млн. га
- Д. 4,2 млн. га
- Е. 5,2 млн. га

**Мавзунинг ўзлаштириши учун саволлар ва топшириқлар:**

1. Дунёнинг сув захиралари ва улардан фойдаланишнинг ҳолатини тушунтиринг.
2. Ўзбекистонда сувдан қандай фойдаланмоқдамиз?
3. Замонавий сугориш технологияларини тушунтиринг.
4. Ўзбекистоннинг сув ресурсларини айтиб беринг.
5. Сувни тозалаш усулларини тушунтиринг.

## 5-Мавзу. Ўзбекистоннинг ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёси

Режа:

5.1. Ўсимликлар олами ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш

5.2. Ҳайвонот дунёси ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш

### 5.2. Ўсимликлар олами ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш

“Дориворлик хусусияти бўлмаган ўсимлик йўқ.  
Ўсимлик билан даволанмайдиган касаллик ҳам йўқ”.

#### Ибн Сино

Ўсимликлар-Ердаги ҳаёт манбаи. Ҳақиқатдан ҳам инсоннинг яшаши учун Ерни атмосфера кислороди билан таъминлайдиган ўсимликлар карбонат ангидрид ютиб атмосферани тозалаб туради. Фотосинтез жараёнида ўсимликлардаги яшил хлорофил пигменти қуёш нурларини ютиб оддий углевод-узум ишқорини синтез қилади. Бу жараёнда қуёш энергияси - кимёвий моддалар энергиясига айланади ( $6\text{CO}_2 + 6\text{H}_2\text{O} + 674\text{ ккал} = \text{C}_6\text{H}_{12}\text{O}_6 + 6\text{O}_2$ ). Ўсимлик инсоннинг озик-овқати ва кийими, у доривор моддалар, кимёвий хом-ашё, қурилиш материаллари.

Ўсимликлар инсон учун ҳосилдор навлар яратиш манбаи. Ўсимликлар хавони фитонцидлар-зарарли вирус ва бактерияларни ўлдирувчи учувчан моддалар билан тўлдиради. Ўсимлик иқлим шароитларини ҳосил қилади. Ўсимлик ҳайвонот оламини озука билан таъминлайди. Фотосинтез жараёнида ўсимликлар ҳар йили 100 млрд.т. органик моддалар ва 150 млрд. т. эркин кислород чиқаради.

Ер юзиде ҳаммаси бўлиб 265000 тур ўсимлик бор. Шулардан 92% иқурукликда 8% исувларда ўсувчи ўсимликлардир. Ўсимликлар турларининг 50%и гулли ўсимликлар, 27%и замбурғлар, қолганлари мох ва лишайниклар.

Ҳозирги вақтдаги маданийлаштирилган ўсимликлар инсониятнинг ёввойи ўсимликлардан фойдаланишдаги минглаб йиллардаги фаолияти натижасидир. Ўсимликларни маданийлаштиришда Жанубий ва Жанубий Шарқий Осиё жуда катта ҳисса қўшди. Бу мингтақада 7822 тур ўсимликлар маданийлаштирилди, Европада- 1312, Африкада-500, Америка қитаъсида 2117 тур ўсимликлар маданийлаштирилган.

Инсоният ҳозирда 30 минг тур ўсимликдан фойдаланади. Инсон 250 тур ўсимликдан хом ашё олади. Бу ўсимликлар бутун дунёда экиладиган экин майдонларининг 82% ини ташкил қилади. Ўсимликлар ҳақида айтиладиган, ёзиладиган ҳамма фикрлар ўрмонга, ўрмон бойлиқларига таалуклидир. Инсон фаолиятида ўрмон маҳсулотлари ишлатилмайдиган соҳанинг ўзи йўқ. Биргина ёғочдан ҳозир 2 минг хил маҳсулот олинмоқда.

Ўрмон дарахтларининг дориворлиги ҳам бекиёс. Масалан, пихта дарахти дизинтерия, қарағай-сил, арча-нафас олувчи органларни захарловчи

вирусларни ўлдиради. Ўрмонларда касаллик кўзгатувчи микроорганизмлар шаҳар ҳавосига нисбатан 70-80 мартаба кам бўлади. Арчанинг карбонат ангидрид ютиш қобилияти-100%,кенг баргли ўсимликларнинг 120%-450%, теракники-700%дир.

Бир гектардаги 60 ёшли қарагай ўрмонлари 1 йилда 10 т кислород, 40 ёшли эман дарахти 14т кислород чиқаради. Бир гектар ердаги терак дарахти вегетация давомида 340 кг чанг ютади. Бир га аргувонзорлардан 900 кг,1 га ўрмон малиназорларидан 270 кг асал олиш мумкин.

Ўсимликларнинг дориворлик хусусиятлари ҳақида буюк бобомиз Ибн Синонинг-дориворлик хусусияти бўлмаган ўсимлик йўқ деган сўзларни ёд олишимиз керак.Тиббиётнинг отаси бўлган Гиппократ-200 хилга яқин доривор ўсимликлар ҳақида маълумотлар қолдирган. Бобокалонимиз Ибн Сино 900 хил ўсимликлардан фойдаланиш йўллари ҳақида асарлар битган.

Ер юзиде ўрмонларнинг умумий майдони 4100 млн.га атрофида, яъни курукликнинг-31% ини ташкил қилади. Ёғоч миқдори-140 млрд м<sup>3</sup>. Ўрмонлар аҳоли жон бошига: Канадада- 24 га, Финляндияда - 5 га, Россияда - 4,2 га, Швецияда -3 га, Норвегияда-2,2 га, АҚШда- 1,6 га, Европа давлатларида - 0,1-0,4га ва Ўзбекистонда- 0,04га тўғри келади.

Ўсимлик ресурсларидан самарали фойдаланишда биргина ёғочдан олинмаган маҳсулотларнинг бир қисмини келтирамиз. Масалан, 1м<sup>3</sup> ёғочни химиявий йўл билан ишлашда:

- 200 кг целлюлоза ёки
- 200 кг ёзув қоғози ёки
- 200 кг озиқ глюкоза ёки
- 6000 м<sup>2</sup>целлофан ёки
- 6 литр спирт ёки
- 20 литр сирка кислотаси ёки 4000жуфт пайпоқ ёки
- 180 жуфт калиш ёки
- 2 донга автомобил шинаси олиш мумкин. 1м тоғ тераги ёғочидан 1 млн донга гугурт чўпи, 300 кг картон олинади.

Ўзбекистоннинг ўсимлик ресурслари - 4148 тур ўсимликлардан иборат. Шулардан, 390тури эндемик тур ҳисобланади, 577тур шифобахш ўсимликлардир,115тури илмий таботатда ишлатилади, 47тури халқаро давлатлар фармакокалогиясига киритилган.

Ўзбекистон ўрмонлари асосан тоғ, тоғ олди,воҳалардаги дарёлар, кайирилариданги тўқайзорларда ва қисман чўлларда жойлашган. Чўлларимизда 498 тур, илмларимизда 638 тур, тоғ ва баланд тоғларимизда 1048тур ўсимликлар ўсади.

Флорамиздаги 1500тур ўсимлик чорва учун озуқавийлик хусусиятига эга. Шундан, 550 турини чорва моллари аъло даражада ейишади, 28тури дастурхонимиздаги озиқ-овқатимизда, 20тури зараворчиликда, 40тури ошловчи,15тури бўёқчиликда ишлатилади.

Инсон илмий техника тараккиёти жадал ривожланаётган ҳозирги вақтда ўсимлик ресурсларини муҳофаза қилиши зарур. Биргина ўрмонларнинг 1-сувни меъёрлаштириш ва сув саклаш; 2-тупрокни муҳофазаловчи ва иқлим

ҳосил қилувчи ролининг ўзигина яшаш фаолиятимизнинг мезонини ташкил қилади.

Кейинги 100 минг йил ичида 2/3 қисм ўрмонзорлар йўқ қилинган. Охириги 2000 йил ичида 0,5 млрд га ўрмонлар ўрнида чўллар ҳосил бўлган. Кейинги 100 йил ичида Америкада-540 минг га ўрмон кесилган, жаҳон бўйича 67 млн. га ўрмон йўқ қилинган. АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси натижасида 1,5 млн. гектар тропик ўрмонлар ҳайвонот дунёси билан йўқ қилинган.

Ўрмонлардан оқилона фойдаланилса ҳар йили 1млрд м<sup>3</sup> қўшимча ёғоч олиш мумкин. Агар ўрмонлардан ҳозиргидек фойдаланилса 70-80 йилдан кейин тропик ўрмонлари батамом тугатилади. Олимларнинг ҳисобига кўра олий тур ўсимликлардан 3 минг тури йўқотилиш арафасида.

Бутун дунё бўйича 30 минг тур ўсимликнинг бутунлай йўқолиб кетиши хавфи юзага келди. Ўзбекистонда 301 тур ўсимликнинг йўқолиб кетиши хавфи бор.

### **5.3. Ҳайвонот дунёси ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш**

Ер юзида яшовчи ҳайвонлар ўсимликлар турига қараганда 5 баравар кўп бўлиб, 1,5 млн. дан ошади. Бутун жониворларнинг 75% и ҳашоротларга тўғри келади. Ҳашоротлардан кейин малюскалар туради (8,8%) улардан кейин ҳамма умуртқалилар туради (балиқлар, қушлар, қуруқда ва сувда яшовчилар, сут эмизувчилар). Умуртқалилар 35600 тур бўлиб, уларнинг ярми балиқлардир. Сут эмизувчилар умуртқалиларнинг 0,1 қисмини ташкил этади. Қуруқликда яшовчи ҳайвонлар жаъми турнинг 93% ини, сув ҳайвонлари эса 7% ини ташкил қилади.

Ҳайвонот дунёсининг табиат ва инсон ҳаётидаги ўрнини қуйндагича тушунтириш мумкин:

• Ҳайвонот дунёси табиатда моддалар алмашинувида иштрок этади. Органик моддаларнинг чириш жараёни бутунлай чиритувчи организмлар бактерияларнинг фаолияти билан боғлиқ,

• Ҳайвонлар табiiй ландшафтларнинг ҳосил бўлишида иштирок этади.

• Ҳайвонлар нураш жараёнига таъсир кўрсатади.

• Ҳайвонларнинг тупроқ ҳосил бўлишидаги роли жуда катта.

• Ҳайвонлар ўсимликларни чанглантиради.

• Ҳайвонлар инсон учун озиқ-овқат ва саноат учун хом ашё манбаи.

• Айрим тур ҳайвонлар, айниқса ҳашоротлар инсониятга қарши туради.

• Ҳайвонот олами инсонга эстетик завқ бериш аҳамиятига эга.

*Инсоннинг ҳайвонот дунёсига таъсир этиши.* Ҳайвонот дунёсининг турлари ва сони мезозой эрасининг бошидан то шу вақтгача иқлим шароитининг ўзгариши билан ўзгариб келган. Лекин инсон таъсирида ҳайвонот дунёсининг ўзгариш жуда тез борди. Инсон бундан 250 минг йил олдин, палеолит давридаёқ, олов ва ҳар хилоддийасбоблар билан қуролланган вақтданок ҳайвонотга сезиларли таъсир кўрсата бошлаган. Дастлаб йирик

хайвонлар фақат йирик бўлганлигидан овқат ва кийим учун донмий равишда овланган.

Европада инсон бундан 100 минг йил олдин ўрмон филлари, ўрмон сайёҳ қаптари, мамонтларни кириб битирншган. Америкада бундан 3 минг йил олдин мастодонт, улкан лама, қора тишли мушук, оғирлиги 20 кг гача келадиган йирткич куш тераторн йўқ қилинган. Янги Зеландияда бундан 1000 йил олдин улкан мао (2,5м) кушларининг 20 хили қирилган.

“Табиатни ва табиий ресурсларни кўриклаш халқаро иттифоқи”нинг маълумотлари бўйича 1600 йилдан ҳозиргача кушларнинг 94 тури (1,1, 09%) ва сут эмизувчиларнинг 63 тури (1,48%) қирилиб, йўқ бўлиб кетган. Ёввойи хўкиз тур, купрей, ёввойи от тарпан, сайёҳ қаптар, қанотсиз гагарка, лабрадор гагаси, дашт карқури, қирол тўтиқуши, дронг, денгиз сивири, Турон йўлбарси шулар жумласидандир.

Д. Фишер маълумотлари бўйича йўқ қилинган кушларнинг 75% и ва сут эмизувчиларнинг 86% и бевосита инсоният айби билан кириб юборилган. Сайёрамизда бугунги кунга келиб кушларнинг 600 хили, сут эмизувчиларнинг 120 хили абадий йўқотилиш хавфи остида турибди. Умуман кейинги 100 йил ичида ҳар йилда ҳайвонларнинг 1тадан тури йўқолиб бормокда.

Инсоннинг ҳайвонот дунёсига таъсирини билвосита ва бевосита таъсир деб иккига бўлиш мумкин. Инсоннинг ҳайвонот оламига билвосита таъсирига ов қилиш, иклимлаштириш, чатиштириш билан янги зотларни яратиш, кўпайтириш, кириб ташлаш каби таъсирлар қиради.

Инсоннинг ҳайвонот дунёсига бевосита таъсирига ботқоқликларнинг қуритилиши, қишлоқ хўжалигида, ўрмон хўжалигида захарли химиявий моддаларнинг қўлланиши, атроф-муҳитнинг саноатдан, уй-рўзгордан чиққан зарарли чиқиндилар натижасида ҳайвонлар яшаш шароитининг ўзгариши қиради. Масалан, захарланмаган 1га ерда 400-800 кг гача чувалчанг яшайди. Чувалчанг тупрок ҳосил бўлишида жуда катта омилдир. Кўп вақтдан бери пахта экиб келинаётган жойда чувалчанг яшай олмайди. Чунки ҳайвонларнинг экологик шароитининг ўзгариши уларнинг турлари ва сонига таъсир кўрсатади.



*Ўзбекистоннинг халқаро “Қизил китоб” даги  
ноёб ҳайвонлари ва кушлари*

Ўзбекистон Республикаси ҳайвонот дунёси ресурсларига бой мамлакат ҳисобланади. Республикада тоғ, баланд тоғ, тоғ олди, адир, чўл ва ярим чўл табиий минтақаларининг мавжудлиги ва бир-биридан фарқ қилувчи бу экологик шароитларга мослашган ҳайвонот дунёси ранг-барангдир. Ўзбекистонда қушларнинг 430 тури, сут эмизувчиларнинг 40 тури, 97 турдаги ўтхўр ҳайвонлар, 58 турдаги судралиб юрувчилар ва 83 тур балиқларга эга. Булардан Ўзбекистон Республикаси «Қизил китобига» ўтхўр ҳайвонларнинг 24 тури, қушларнинг 48 тури, судралиб юрувчиларнинг 10 тури, балиқларнинг 18 тури ва 78 турдаги умурткасизлар киритилган.

*Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тадбирлари.* Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишда энг зарур бўлган тадбир пестицидларга қарши курашишдир. Ҳозирга келиб нафақат ҳайвонот дунёси, балким бутун сайёрамизни абгор қилаётган бу заҳарларни ҳам инсоният ердан ўзига кўп ҳосил олиш учун кашф қилган. Инсоннинг соғлигини емириб бораётган бу заҳарлар сонини санаш ҳам қийин.

Пестицидлар қўлланилиши жиҳатидан 3 гуруҳга бўлинади:

1. Инсектицидлар-ҳашоротларга қарши;
2. Гербицидлар-зарарли ўсимликларга қарши;
3. Фунгицидлар-кўзикаринсимонларга қарши.

БМТ маълумотлари бўйича зарарли ҳашоротлар жаҳоннинг қишлоқ хўжалигидаги бутун ҳосилининг 1/5ни хароб қилади. Чигирткалар ҳар йили 50 млн. аҳолининг йиллик озиқ-овқатини ейишади. Пестицидлар организмларда тўпланиб қолади ва биосферада қўлланилмаган жойларга ҳам тарқалади. Масалан: ДДТ Антрактидаги пингвинлар жигарида ҳам топилган. Шунинг учун ҳам инсоният ҳозирги вақтда бу заҳарларни қўллашда жуда эҳтиёт бўлиши лозим.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тадбирларга қуйидагиларни киритиш мумкин;

1. Ҳукумат қарорлари билан айрим ҳайвонларни ов қилиш чекланади ёки бутунлай ман этилади.
2. Кўрикхона ва миллий парклар ташкил этилиб уларда айрим ҳайвонлар кўриқланади ва кўпайтирилади.
3. Табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилишда "Қизил китоб" катта рол ўйнайди.
4. Ҳайвонот дунёсидан тўғри фойдаланишда уларни иқлимлаштириш муҳим аҳамиятга эга.
5. Ҳайвонлар яшаш шароитини - экологик шароитини муҳофаза қилиш биринчи даражадаги тадбир бўлиши керак.

*Таянч сўзлар ва иборалар:* биологик ресурслар, флора, фауна, халқаро "Қизил китоб", Ўзбекистоннинг "Қизил китоб"и, пестицидлар, гербицидлар, фунгицидлар, биосфера, атмосфера, тур, экологик шароит.

**Мавзу бўйича тест саволлари:**

**1. Биосфера нима?**

- A. Сув қобиғи
- B. Ер қобиғи
- C. Ҳаво қобиғи
- D. Ҳаёт қобиғи

**2. Ботаник ёдгорликларга нималар киради?**

- A. Очилиб қолган жинслар
- B. Шаршаралар, даралар
- C. Ноёб ўсимлик, дарахтлар
- D. Қадимий манзилгоҳлар

**3. “Сайёрамиз ўлкаси” деганда нимани тушунамиз?**

- A. Дунё океани
- B. Атмосфера
- C. Ўрмонлар
- D. Чўллар

**4. Ер шарида қанча ҳайвонлар тури бор?**

- A. 1,0 млн. тур
- B. 1,5 млн. тур
- C. 2,0 млн. тур
- D. 2,5 млн. тур
- E. 3,0 млн. тур

**5. Ер шарида қанча ўсимлик тури мавжуд?**

- A. 20 0000 тур тур
- B. 265000 тур тур
- C. 50 0000 тур тур
- D. 65 0000 тур тур
- E. 100 000 тур тур

**Мавзунини ўзлаштириш бўйича савол ва топшириқлар:**

1. Ўсимликлар оламининг инсон ҳаётидаги аҳамиятини тушунтиринг.
2. Ўзбекистонда неча тур ўсимликлар ўсади?
3. Дунёда неча тур ўсимликлар бор?
4. Ҳайвонот дунёсининг инсон ҳаётидаги аҳамиятини тушунтиринг.
5. Сайёрамизда неча тур ҳайвонот тури яшайди?
6. Халқаро «Қизил китоб»нинг фаолиятини тушунтиринг.



## **6-Мавзу. Ўзбекистоннинг миллий парклари ва табиат кўриқхоналари**

**Режа:**

**6.1. Ўзбекистоннинг миллий парклари**

**6.2. Ўзбекистоннинг табиат кўриқхоналари**

### **6.2. Ўзбекистоннинг миллий парклари.**

Ўзбекистонда миллий паркларни халқ боғи, давлат миллий табиат парки деб аташмоқда. Бу номланишлар жаҳондаги миллий парклардаги табиат муҳофазаси ва миллий парклардаги биологик хилма-хилликни сақлашнинг устувор томонларини ўрганиш даврларида берилган эди (ўтган асрнинг 70 йиллари). Олдинги мавзулардаги маълумотлардан маълум бўлдики, миллий паркларни фақат Германияда (қисман) ва бизнинг мамлакатимизда боғ дейишади.

Биз меваги дарахтзорларни боғ деймиз. Миллий парклар ҳақидаги халқаро илмий-амалий тадқиқотларда ҳамкорлик қилиш ишларида бу атамалар бироз тушунмовчиликлар келтириб чиқаради. Чунки, халқаро миқёсда миллий паркларнинг белгиланган низоми ва мақоми бир хил талабларда бўлиб бу талабларни ҳамма давлатлар қабул қилишган. Иккинчидан, биздаги халқ боғи ва давлат миллий табиат паркининг низом ва мақомлари (статуси) жаҳондаги миллий паркларнинг низоми ва мақомидаги кўплаб бандларининг талабларига жавоб бера олмайди.

Шундай ҳолатлар миллий паркларни ривожлантириш ва улардан экологик туризм ва рекреацияда фойдаланиш бўйича Россия ва Германиялик экологик туризм экспертлари ўртасидаги илмий конференцияда юз берган эди. Германиялик мутахассислар миллий парклардан экологик туризм, рекреация ва дам олишнинг имкониятлари бўйича Байкал кўли экотуризмни ривожлантиришнинг бир неча лойиҳаларини таклиф қилди (лойиҳа бажарилишига Германия маблағ ажратиши керак). Россиялик мутахассислар эса «эта у нас запрещено, нельзя-бу бизда ман қилинган, мумкин эмас» дейишдан нарига ўта олишмади. Натижада лойиҳа амалга ошмади.

Келтирилган мулоҳазалар бўйича биз ҳам миллий боғларимизни халқаро миқёсдаги атама билан миллий парклар деб номлашга ўтишимизни талаб қилаяпти. Чунки, илмий адабиётларда ва илмий оммабоп манбаларда кўпинча халқ боғи эмас миллий парк атамаси кўпроқ ишлатилмоқда. Ўзбекистонда чоп қилинаётган мақолалар ва адабиётларда миллий парклар турлича номланмоқда. Фикримизча, мутахассислар ва олимлар бу ҳақда ягона ҳулосага келишлари лозим.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунга келиб 5 та миллий паркларимиз бор;

1. Зомин миллий парки;
2. Уғом-Чотқол миллий парки;
3. Оқтепа миллий парки.

#### 4. Сармишсой миллий парки

#### 5. Зарафшон миллий парки

*1. Зомин миллий парки.* Туркистон тизма тоғларининг худудларидаги Қизилмозорсой, Кўлсой, Супа, Чортанги, Шариллоқ, Қашқасой, Ўрикли сойлари бу тоғларнинг энг хилма-хил табиий арчазор ўрмонлари билан қопланган. Шунинг учун ҳам, бу арча ўрмонлари ва унинг ноёб ҳайвон оламини муҳофаза қилиш учун Марказий Осиёда ва Ўзбекистонда биринчи Зомин (илгариги номи Ғўралас) давлат табиат кўриқхонаси 1960 йилда ташкил қилинган эди. Кўриқхонанинг умумий майдони 26800 гектарни ташкил қилади, шундан 22135 гектари арчазор ўрмонлари билан қопланган.

Зомин миллий парки Жиззах вилояти, Зомин туманидаги Зомин тоғ-ўрмон кўриқхонаси теграларида бетақарор тоғ-арчазор ўрмонларини сақлаш, муҳофаза қилиш ва рекреацияли мақсадларда ўзлаштириш учун 1976 йилнинг 8-сентябрида очилди. Миллий парк кўриқхона табиатида муҳофазани кўчайтириш шу билан бирга аҳолининг дам олиш масканларини яратиш мақсадида кўриқхона чегараларида худудларининг бир қисмида Зомин миллий боғи ташкил қилинди.

Бу миллий боғ маъмурий жиҳатдан Жиззах вилоятининг Зомин тумани худудида Помир-Олой тоғ тизмасига қирувчи Туркистон тоғ тизмасининг Ғарбий қисмида, Молгузар тоғининг ғарбий ён бағрида жойлашган бўлиб, унинг майдони 24110 гектарни ташкил этади. Шундан, ўрмонли ерлар-16783 га, тўлиқ ўрмон билан қопланган ерлар-12130 га.

Миллий паркнинг дунё миқёсида такрорланмас бўлган бойлиги шифобахш арча ўрмонларидир. Арчазорлар табиий-иқлимий ўсиш шароитлари ва географик вертикал пояслар (қават) бўйича қуйидагича жойлашган;

- Денгиз сатҳидан 1700-2300 метр баландликда-Зарафшон арчаси;
- Денгиз сатҳидан 2300-2500 метр баландликда яримшарсимон арча;
- Денгиз сатҳидан 2500-3300 метр баландликда Туркистон арчаси.

Миллий парк кўриқхона чегарасида ва теграларида бўлганлиги учун унинг табиати ва табиий иқлим шароитларида алоҳида белгили ўзгаришлар, хусусиятлар учрамайди. Фақат геоморфологик рельеф тузилишида тоғ массивларининг жойлашмишларида, ўсимликлар копланмининг қалинлиги ёки сийрақлигида ва ҳайвонот оламининг яшаш ареалларида бироз фарқлинишлар учрайди.

Кўриқхонада ва Миллий табиат боғида гоёт ноёб ва хилма-хил ҳайвонот дунёси яшайди. Бу табиатда қушларнинг 134 та тури, сут эмизувчиларнинг 37 та тури, судралиб юрувчиларнинг 37 та тури рўйхатга олинган. Кўриқхонадаги туркистон силовсини, оқ тирнокли айиқ, сибир эчкиси Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоб»ига киритилган. «Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи» ва ЮНЕСКО нинг «Қизил китоб»ига, Туркистон силовсини, оқ тирнокли айиқ, соқолли бургут, бургут, қирғий ва қора лайлак киритилган.

Миллий паркда ўсимликлар олами ҳам ниҳоятда бой ва биологик хилма-хилликка эга ҳисобланади. Бу худудларда 59 оилага мансуб, 312 туркумга

кирувчи 660 тур гулловчи юксак ўсимликлар ўсади. Бу ўсимликларнинг 13 тури Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоб»ига киритилган. Шундан 48 тури эндемиклар(фақат шу ҳудудларда ўсади) ҳисобланади,400 тури фойдали ўсимликлардир(доривор,шифобахш ўсимликлар–119 тур, ем-хашак–88 тур, манзарали–57тур, ошловчи–49тур, озуқабол–42тур, захарли–35 тур,буёқбол–10 тур, эфир мойли–14 тур,елим берувчи–3 тур,ёгли–3. тур,зиравор–5 тур).

Гўралашсойнинг ўнг ён бағридаги катта арчали қисмида минг йиллар давомида нураш натижасида палаҳса тошлар турли шаклларга афсонавий аждархо, йўлбарс ва бошқа кўринишларга эга бўлганлигидан туристларни ҳайратга солади. Худди шундай табиат ҳайкаллари Қизил этаксойдаги «Қирққиз»дир(маҳаллий аҳолининг атамаси).Баланд ҳолатдаги қизил конгломерат ва қумнинг экологик тарихий даврда емирилиши натижасида Мисрдаги сфинксларни эслатувчи қирқта ўзига хос кўринишлардаги табиат ҳайкаллари ҳосил бўлган.

**2. Угом-Чотқол миллий парки.** Угом-Чотқол давлат табиат миллий парки 1990 йилда Тошкент вилояти ҳудудларида,Ғарбий Тянь-Шан тоғ тизмаларидаги 574,6 минг га майдонда ташкил қилинди.Ўрмон билан қопланган ерлар-56,4 минг га,яйлов ва пичанзорлар-177,3минг га, суғориладиган ерлар-1,61 минг га,қояли ва ўсимликсиз ялангоч тоғ ёнбағирлари-329,4 минг га.

Миллий парк бу ерда жойлашган ва яшаётган ердан фойдаланувчилар ва ер эгаларининг хўжалик фаолиятларини тартиблаштириш,бетакрор табиий экотизимларни сақлаш,муҳофаза қилиш ва рекреацияли фойдаланиш мақсадларида ташкил қилинган.

Миллий паркнинг ҳудудлари қуйидаги фаолиятлар зонасига бўлинган;

- Агропаркли зона-59,1 минг га;
- Фаол рекреацияли зона-30,7 минг га;
- Мувофиқлаштириладиган рекреацияли зона-13,6 минг га;
- Кўрикхона зонаси-35,8 минг га;
- Кўрикхона тартиб шароитларига тенглаштирилган зона-109,1 минг га;
- Табиий ландшафтлар зонаси-326,1 минг га;
- Миллий парк ҳудудларида ўрмон хўжалигининг322,6 минг га ва 620га маданий ўрмонлар майдони рўйхатга олинган.

Угом–Чотқол миллий паркнинг асосий қисми Чирчиқ дарёси ҳавзасида ги алоҳида-алоҳида табиий географик ландшафт мажмуаларини ҳосил қилувчи тоғлар экотизимларидан иборат

Ғарбий Тянь-Шаннинг ўсимликлар олами миллий паркнинг бетакрор бойлиги бўлиб турларнинг хилма-хиллиги жиҳатидан ҳайратланарли даражадаги ўсимлик турларидан иборат.Миллий паркта 2200 тур ўсимликлар ўсади, уларнинг 2150 тури ёпик уруғлилардир.

Миллий паркнинг ўсимликлар қатламидаги турлардан 65 тури табобатда, халқ табобатида, 40 тури озиқ-овқат маҳсулотлари ва зираворлар сифатида ишлатилади.

Миллий парк Фарбий Тяи-Шавнинг Ўзбекистон қисмини эгаллаган бўлиб хайвонот олами куйидаги 280 турдан иборат;

- Сут эмизувчилар-44 тур;
- Кушлар-200 тур;
- Рептилиялар- 16 тур;
- Амфибиялар-2 тур;
- Балиқлар- 20 тур.

Миллий парк худудларида «Қизил китоб»га киритилган Мензбир суғури(кундуз) нинг асосий популяциялари яшайди.

**3.Оқ тепа миллий парки.** Сурхондарё вилояти ноёб хайвонот ваноботот дунёсини тиклаш ва кўпайтириш ҳамда Ўзбекистон ва чет эл экологик туризм саёхатчиларини ёввойи табиат билан таништириш, дам олиш, ов ва балиқ овлаш масканини яратиш мақсадида 2005 йил 9 март куни Ўзбекистон Республикаси Давлат бионазорати нозирлиги қошидаги Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани,Термиз шаҳридан 30 км шимолий-шарқда, жами 1034 гектар майдонни ташкил этган Оқ тепа сув омборининг атрофида жойлашган «Оқ тепа» табиат боғи ташкил этилди.Ушбу маскан миграция қилувчи кушлар, ёввойи ўрдақлар ва сув кушларининг вақтинча дам олиб, тўхтаб ўтувчи ҳамда кўпгина кушларнинг қишлаб қолиш маконига айланган худуддир.

Ҳозирги кунда Оқ тепа миллий паркида ўрмонзорлар, саксавулзорлар барпо этиш, табиий тўқайзорлар ҳамда Марказий Осиёда қирилиб кетиш арафасида турган ноёб ўсимликлар ва хайвонлар турини (Бухоро бугуси,Бухоро қўйи,жайрон ва морхўр) тиклаш ва кўпайтириш йўналишида кенг кўламли ишлар бошланди.

**4.Сармийсой миллий парки.**Навоний вилояти ҳокимиятининг 21.04.1997 йилдаги қарори билан маҳаллий даражада ташкил қилинди. Худуд сахро пасттоғликларини, уларнинг флора ва фаунасини муҳофаза қилади. Бу ерда қоятошларга чизилган 3000 дан ортиқ қадимий расмлар-петроглифлар мавжуд. Бу жаҳон миқёсида ҳам жуда ноёб ҳисобланади ва турли мамлакатлардан олимлар ва туристларда катта қизиқишлар уйғотади. Миллий боғнинг майдони 5000 га ва Навоний вилоятининг табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратида.

**5.Зарафшон миллий парки.**Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган Зарафшон миллий парки Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг 1975 йил 11 мартдаги 264-сонли фармойишига асосан давлат табиат кўрикхонаси мақсадида ташкил этилган эди. Кўрикхона ўз олдига йўқолиб бораётган кенжа тур Зарафшон қирғовулини муҳофаза қилиш ва сонини кўпайтириш, ҳамда қимматбаҳо доривор ўсимлик ҳисобланган чаканда (облепиха)ни, худуддаги тўқай ландшафтларини муҳофаза қилиш, қайта тиклаш, табиий жараёнлар кечилишини тадқиқ ва таҳлил этиш, табиат муҳофазаси илмий асосларини яратиш, омма орасида экологик билимларни тарғиб қилиш режаларини қўйган эди.

Ўтган 43 йил давомида мураккаб қийинчиликларга қарамадан кўриқхона ўз олдига қўйган мақсадлари ва режаларини тўлиқ бажарди. Кўриқхонанинг қадимий тўқай табиий ландшафтлари табиий ҳайвонот дунёси ва ўсимликлар олами тўлиқ давлат муҳофазасида бўлиб, асосий муҳофазадаги Зарафшон тустовуғи ва чаканда ўсимлиги сақланиб қолинди.

Мураккаб қийинчиликлар шундан иборат эдики, кўриқхонанинг майдони Тожикистон Республикасининг Панжакент тумани чегараларигача бўлиб, 47 километргача баъзи ерларда атига 100 метргача қисқа масофаларда чўзилиб кетган, бу масофада республикамизнинг 20 та қишлоқлари жойлашган эди. Бу қишлоқларнинг аҳолиси кўриқхонанинг иккала томонидан, бошдан охиригача шахсий чорва молларини боқишар, яширин ҳолатларда дарахтларни кесишга уринишар ва бошқа таъқиқланган ишларга қўл уришлар тинмас эди. Лекин кўриқхона раҳбарияти қишлоқлар аҳолиси билан муросаю-музокара йўли билан кўриқзонанинг иш режимини, муҳофаза қоидаларини доимо бажариб келди.

Зарафшон миллий парки Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, жами майдони 2426,4 гани ташкил этади. Шундан Жомбой тумани ҳудудида 1169,4 га, Булунгур тумани ҳудудида 1257 га ажралган ва 47 км масофага чўзилиб кетган.

*Ўсимликлари.* Миллий паркда дала шароитида олиб борилган илмий текширишлар ва олдинги йилларда терилган гербарийларга асосланиб кўриқхона ҳудудида 307 та ўсимлик турлари ўсиши аниқланган, улар турли оилаларга мансуб. Ғаллагулдошлар – 48; мураккабгулдошлар – 40; дуккакли – 23, қарамдош – 20, атиргулдошлар – 16 ва сизирқуйруқдошлар – 12 тур. Доривор ўсимликлар 80 дан зиёд турни ташкил этади, уларга дала қирқбўғими, турли хил торонлар, жингалак отқулоқ, қизил зирк, наматак, зуптурумлар, ялпизлар, чаканда ва бошқалар қиради. Манзарали ўсимликлар 20 дан кўпроқ турни ташкил этиб, уларга Кесселнинг савринжони, иксилирнон, илонпечак, қизгалдоқлар, гулхайрилар қиради. Техник ўсимликлар 23 турни ташкил этади, уларга тол ва теракларнинг турли турлари, эриантус, сусак ва бошқалар қиради.

Ҳайвонот олами. Миллий парк ҳудудларида ҳашаротларнинг 88 тури, малюскаларнинг 26 тури рўйхатга олинган. Миллий парkning Зарафшон дарёси ва унинг майда ирмоқларида балиқларнинг 18 тури учрайди. Бу балиқларнинг 2 тури: туркистон усачи, Орол шипи Ўзбекистоннинг «Қизил китоб»ига киритилган. Судралиб юривчиларнинг 10 тури миллий парkning ҳудудлари бўйлаб учрайди. Миллий паркда ҳозиргача қушларнинг 207 тури қайд қилинган. Учиб ўтувчи йирик қушлардан катта бирқозон ва кичик бирқозон, бўз турна, ўрдақларнинг кўплаб турлари, қора лайлак миллий паркда қишлайди ва баҳор келиши билан учиб кетади. Йирткич қушларда бургут, миққий, қирғий қора бургут миллий парkning доимий қушларидан ҳисобланади. Миллий паркда йирик йирткич қушлардан оқбош тасқара, қора

ташқара, ўрмон бойўғлиси ва қаргаларнинг кўплаб турлари мавсумий яшайди. Миллий парктаги 26 тур қушлар Ўзбекистоннинг «Қизил китоб»га киритилган.

## 6.2. Ўзбекистоннинг табиат қўриқхоналари

Табиат қўриқхонаси-майдони ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан қаттиқ режимда қўриқланади. Ўзига хос, бетакрор табиат ландшафтлари, ноёб, йўқолиб бораётган ҳайвонот ва ўсимлик турларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш мақсадида давлат томонидан ташкил қилинади. Қўриқхоналарда инсон фаолияти тақиқланади. Фақат илмий-тадқиқот ишларини ўтказишга рухсат берилган.

Қўриқхоналар Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи (IUCN) муҳофаза этиладиган зоналари таснифининг I тоифасига тўғри келади. Республика қўриқхоналарида «Қизил китоб»га кирган кўплаб ҳайвон турлари: хонгул, морхўр, Северцов кўйи, кўк суғур, Туркистон силовсини, йирик йирткич қушлар, ҳашаротлар муҳофаза қилинади.

Жаҳондаги давлатларнинг деярли барчасида табиат қўриқхоналари ташкил қилинган бўлиб, турлар миқдори камайиб бораётган ноёб ҳайвон ва ўсимлик турларини давлат муҳофазасига олган. Бу турларнинг халқаро миқёсда камайиб бораётганлари «Халқаро қизил» китобга давлат миқёсида камайиб бораётганлари ҳар бир давлатда ташкил қилинган «Қизил китоб»га киритилган.

Ўзбекистон республикасида 8 та давлат табиат қўриқхонаси ташкил қилинган<sup>4</sup>. Бу қўриқхоналар ватанимизда экотуризмни ривожлан тиришда асосий экотуристтик объектлар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида қуйидаги қўриқхоналар мавжуд: Чотқол; Бадай-тўқай; Ҳисор; Зомин; Қизилқум; Нурота; Сурхон; Китоб. Жадвал маълумотларидан маълум бўладики, Ўзбекистонда табиат қўриқхоналари мамлакатимизнинг барча табиат минтакаларида жойлашган.

### Ўзбекистон Республикасининг давлат табиат қўриқхоналари.

Қўриқхоналар	Ихтисослашуви	Майдони, га
1. Чотқол тоғ-ўрмон-биосфера қўриқхонаси	Тоғ ўрмон ландшафтлари. Барча табиий мажмуаларни ўрганиш ва муҳофаза қилиш. Қор қоплони муҳофазаси.	35200
2. Ҳисор қўриқхонаси	Тоғ-ўрмон ландшафтлари. Барча табиий мажмуаларни ўрганиш ва муҳофаза қилиш.	80986,0
3. Нурота тоғ-ёнғок ўрмонлари қўриқхонаси	Тоғ-ёнғокзор ўрмонлари ландшафтлари, Грек ёнғоғининг табиий популяциялари, ёввойи архарларнинг табиий популяциялари муҳофазаси.	21137,5

<sup>4</sup> Ўзбекистон ва Марказий Осиё табиий географияси атласи, Тошкент, 2007

4.Сурхон кўриқхонаси	Тоғ-ўрмон ландшафтлари.Бурама шохли эчкининг табиий популяциялари(Морхўр), табиий арчазорлар муҳофазаси.	23802,38
5.Бадай- тўқай биосфера резервати	Тўқайзорлар ландшафти.Халқаро Қизил китоб»даги Бухоро бугусининг табиий популяцияси, тўқайзорлар ўрмонларининг муҳофазаси.	6462,1
6.Қизилкум кўриқхонаси	Тўқай- кум ландшафтлари. Бухоро бугусининг табиий популяциялари.	10311,06
7.Зомин кўриқхонаси	Тоғ-арча ландшафтлари. Арча ўрмонлари ва унинг хайвонот оламини муҳофаза қилиш.	26848,6
8.Китоб геологик кўриқхонаси	Тоғлар.Палеонтологик- страграфик объектларнинг муҳофазаси. Халқаро меридианнинг ватанимиздан ўтиши белгиси қўйилган.	5378,0

Бундай қулай салоҳият, шароитдан экотуризмни ривожлантиришда самарали фойдаланиш имкониятларни табиатнинг ўзи бизга яратиб берган.Давлат табиат кўриқхоналаримиздан на фақат халқаро туризмда балки, ички туризмда ҳам фойдаланиш масалаларини ҳал қилишими лозим. Ҳозиргача бу кўриқхоналарнинг табиати ва уларда муҳофаза қилинаётган ўсимлик ва хайвон турларини ватандошларимизнинг бармоқ билан санарли микдордаги илмий мутахассислари, олимларигина билишади.Шунинг учун ҳам мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришда халқаро ЭКОНЕТ таклиф қилган энг қулай моделлардан фойдаланиш муаммоларини тезликда ҳал қилишими лозим бўлади.Қуйида Ўзбекистоннинг Республикасининг табиат кўриқхоналари ҳақидаги маълумотларга тўхталамиз.

**1.Чотқол биосфера кўриқхонаси**<sup>5</sup>1947 йилда ташкил қилинган. Угом-Чотқол табиий миллий боғи таркибига кириб,Тошкентдан шарқда ва Ангрндан шимолда жойлашган.Умумий майдони 35724 га,шундан ўрмонлар 6586 га, далалар 7047 га, ховузлар 81 га ни ташкил қилади.Кўриқхона Тошкент вилояти ҳудудида Чотқол тизмасининг ғарбий қисмида жойлашган. Кўриқхонанинг мақсади Ғарбий Тянь-Шаннинг тоғли экотизимларини сақлаш ва атроф муҳит ҳолатининг экологик мониторингидан иборат.

Чотқол кўриқхонаси флораси 1168 турга эга бўлиб, минтақа учун хосдир. Бу ерда Кўриқхона учун эндем бўлган 6 тур ўсади.Кўриқхона ўсимликларининг 28тури Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган.Бу ерда 44 турдаги сут эмизувчи, 230 дан ортиқ турдаги қуш,16 турдаги рептилия ва 2 турдаги сувда ва қуруқликда яшовчи,3 мингдан ортиқ турдаги умурткасизлар яшайди.

Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоб»ига бир турдаги илон,10 турдаги қуш ва уч турдаги сут эмизувчи кирган. ТМХР «Қизил китоб»ига йўқолиб кетиш хавфи остидаги илвирс,кўк суғур,ўрмон соняси, кўршапалаклар–кичик ва катта такабурунлар ва учрангли туншапалак, қушлардан:тасқара,қуйқа қора қалтар,оққанот қизилиштон киритилган.

Кўриқхона ҳудудий маъмурий орган–Тошкент вилояти ҳокимиятига бўйсунди.ЮНЕСКО МАБ дастури Халқаро Мувофиқлаштирув кенгашининг

<sup>5</sup> .Миллий маъруза маълумотлари.110-120. 6.

9-курултойида унга биосфера макоми берилди.1993 йилда белгиланган тартибда халқаро бисофера резерватлари тармоғига киритилган, лекин унинг талабларига жавоб бермайди.Мақомини такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

**2.Ҳисор давлат кўриқхонаси** Қашқадарё вилоятида Ҳисор тизмасининг ғарбий ёнбағрида денгиз сатҳидан 1750м дан 4349м гача баландликда жойлашган.1983 йилда икки давлат кўриқхонаси–Қизилсув ва Мироқи кўриқхоналарининг бирлашиши натижасида ташкил қилинган. Ҳозирги пайтда бу Ўзбекистондаги энг катта кўриқхонадир. Умумий майдони 80986 га ни ташкил қилади.

Кўриқхонада ўрмон, дала экотизимлари ажралган;ўрмон билан қопланмаган майдони 56678,1 га; дарё ва кўлларга 171 га тўғри келади;ботқоқликлар 511 га; қияликлар ва тоғ ёнбағридаги тўқилмалар 31819 га ни ташкил қилади. Кўриқхонанинг асосий ўрмон ҳосил қилувчи ўсимликлари Зарафшон ва ярим шарсимон арчалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ноёб турлардан кўриқхона ҳудудида 32 турдан кам бўлмаган томирли ўсимлик тури ўсади. Кўриқхонанинг ҳайвонот олами бой, турли-туман ва тоғли ўрмонларга хос бўлган деярли барча турларни камраб олади.Кўриқхонада 2 турдаги балиқ, 19 турдаги амфибия ва рептилия,103турдаги уяли қушлар, 28турдаги сутэмизувчилар яшайди.

Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”ига оқтирокли айик, илвирс, туркистон силовсини,эрон кундузи,қушлардан: бургут,болтаютар, итолғи, қумой,кичик бургут киритилган.Қизилсув майдонидаги Осмонталаш чўққиси энг юқори нукта–денгиз сатҳидан 4000 м дан баланд, айнан шу ерда сибирий эчкиси, илвирс, улар ва қизил сугур яшайди.Судралиб юрувчилардан сувилон, чипорилон, калконтумшук, кўлвор, туркистон агамаси, ва бошқалар учрайди.

Тожикистон билан чегарада кўриқхонанинг энг йирик дарёларидан бири Оқсув хавзасида энг юқори чўққили Ўқилон участкаси жойлашган.Унинг баландлиги денгиз сатҳидан 2500 дан 4300 м гача ораликда.Бу участкада Ўзбекистондаги энг йирик Северцов музлиги мавжуд.

**4.Нурота давлат кўриқхонаси**Ўзбекистон Республикаси жануби-ғарбида Жиззах вилояти Фориш туманидаги Нурота тизмасининг марказий қисмида жойлашган.1975 йилда ташкил қилинган. Кўриқхона майдони 17752 га, шундан 2529 га ўрмон билан қопланган. Ёнғоқнинг қадимий турларини сақлаб қолиш ва Северцов кўйининг ноёб популяциясини химоялаш кўриқхонанинг асосий мақсади ҳисобланади.

Помир-Олой тоғ тизими ва Қизилкум чўлининг оралиғида жойлашган кўриқхонада тоғли,чўлли ва бореал турлар шунингдек, кўп миқдорда эндемикларни ўз ичига олган ўзига хос флора шаклланди.Асосий муҳофаза қилиш объектлари эндемиклар, реликт ва ноёб ўсимликлар ва ўсимлик ҳамжамиятлари ҳисобланади.

Кўриқхона флораси 600 дан ортиқ (27 эндемик) турни камраб олган.Авваллари Нурота тизмаси арча ўрмонлари билан қопланганди, лекин улар ўтган асрдаёқ кесиб ташланган.Кўриқхонада атиги 30 га яқин арча



колган. Кўриқхона фаунаси 183 турдан иборат шундан, 13 тури Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган. Нурота давлат кўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси тизимига киради ҳамда Кўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси томонидан бошқарилади.

Кўриқхонанинг Орафсойида қоятошларга чизилган қадимий расмлар сақланиб қолган. Мужрумсойда эса 1000 ёшли арчалар бор. Ухум, Синтобсой, Устун қишлоқларида ҳам Александр Македонский номи билан боғланиб қолган жойлар, 1000 ёшли дарахтлар давлат муҳофазаси рўйхатига олинган.

**4. Сурхон давлат кўриқхонаси** Сурхондарё вилояти Шеробод туманининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, иккита мустақил ҳудуд: Орол-Пайғамбар ва Кўхитонтоғ тизмаси шарқий ёнбағридан ташкил топган. Умумий майдони 3092 га бўлган Орол-Пайғамбар ҳудуди Халқаро Қизил китоб ва Ўзбекистон «Қизил китоб»га кирган Бухоро буғуси (хонгул) ва яйлов, тўқай экотизимларини сақлаб қолиш мақсадида 1971 йилдаёқ кўриқхона сифатида ташкил топган.

1987 йилда Кўхитонтоғ давлат кўриқхонаси Орол-Пайғамбар кўриқхонаси билан бирлаштирилди ва умумий майдони 24554 га бўлган Сурхон давлат кўриқхонасига қайта ташкил қилинди. Унинг ҳудуди Помир-Олой тоғ тизими Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий тармоқларида денгиз сатҳидан 1500 дан 3157 м гача баландликда жойлашган.

Ҳозирги пайтда Кўхитонтоғда 269 тур ва 550 нага мансуб 578 ўсимликлар рўйхатга олинган, шундан 23 турдаги ўсимлик тури Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоб»га киритилган.

Ерусти (ўрмон, дала, адир) ўсимликлари билан банд майдон 16620 га (67,7%), тошли ёнбағир, тўқилма, қияликлар билан банд майдон 7839 га (31,9%). Ўрмонлар 9288 га ёки ҳудуднинг 37,8 фоизини ташкил қилади. Асосий ўрмон ҳосил қиладиган ўсимлик Зарафшон арчаси ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Кўхитонтоғда 1 турдаги балиқ, 2 турдаги амфибия, 26 турдаги рептилия, 74 турдаги қуш ва 23 турдаги сүтэмизувчилар аниқланган.

**5. «Бадай-тўқай» давлат кўриқхонаси** 1971 йил октябрь ойида тўқай ландшафтнини ва унинг ҳайвонот оламини сақлаб қолиш мақсадида Ўзбекистон ҳудудида олтинчи ва Қорақалпоғистонда биринчи кўриқхона сифатида ташкил топган. Кўриқхона Куйи Амударёнинг ўнг соҳил тўқайзорларида ватанимиз ҳайвонот оламида эндемик бўлган халқаро «Қизил китоб»даги Бухоро буғусини сақлаб қолиш, муҳофаза қилш ва кўпайтириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида Беруний ва Кегайли туманлари ҳудудларида ташкил қилинган.

Кўриқхонада 91 тур қушлар яшайди шулардан 18 тури қишлоқчи қушлар ҳисобланади. 1975 йилда кўриқхонага 4 бош Бухоро буғуси келтирилган эди, ҳозирда уларнинг сони 350 бошдан ошди. Кўриқхона БМТ нинг Ўзбекистондаги таракқиёт лойиҳаси бўйича халқаро биосфера резерватига айлантирилган.

Майдони 6462 га, хусусан, ўрмон билан қопланган ери 3975 га. Беруний ва Кегайли туманлари ҳудудида Амударё паст окимида жойлашган. Тўқай чангалзорлари майдонининг 70 фоизини эгаллайди. Ҳайвонот олами 91 турдан ортиқ қуш, 15 турдаги сүтэмизувчи ва 15 турдаги балиқни ўз ичига олади. «Бадай-тўқай» давлат кўрикхонаси ТМХР «Қизил китоб»и, Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоб»и, СИТЕС II Иловасига киритилган Бухоро буғусини (хонгулни) иқлимлаштириш билан шуғулланади.

**6. Қизилқум давлат кўрикхонаси** 1971 йилда ташкил топган, Бухоро вилоятида жойлашган. Кўрикхона майдони 10311 га ни ташкил қилади, шундан 5144 га ўрмон билан қопланган, 6964 га қумли зонада ва 3177 га Амударё бўйида жойлашган. Кўрикхона ҳудудида 250 турдаги ҳайвон мавжуд, шундан 10 дан ортиқ тури ТМХР «Қизил китоб»и ва Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган; 160 турдаги ўсимлик учрайди, шундан 2 тури Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоб»ига киритилган.

Бухоро буғуси алоҳида эътиборга молик, унинг сони 1991 йилдан бери 200 бошгача кўпайди. Қизилқум давлат кўрикхонаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимига киради ҳамда Кўрикхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси томонидан бошқарилади. Ҳозирда сони 5 мингдан ошган Амударё тустовуғи ҳам асосий муҳофазадаги қушлардан ҳисобланади. Кўрикхона ҳудудларида ҳозирда жайрон ҳам кўпайтирилмоқда.

**7. Зомин давлат кўрикхонаси** 1960 йилда ташкил этилган, Жиззах вилоятининг Зомин ва Бахмал туманларида 26840 га майдонда жойлашган, шундан 11322 га ўрмон билан қопланган. Денгиз сатҳидан 1760-3500 м баландликдаги тоғ-арча экотизимлари муҳофаза қилинади. 700 дан ортиқ турдаги ўсимлик мавжуд, шундан зарафшон, яримшарсимон ва Туркистон арчалари ўрмон ҳосил қилади.

Бу кўрикхона теғраларида ва чегара ҳудудларида Зомин миллий парки жойлашганлиги ва миллий парк ҳақидаги маълумотлар келтирилганлиги учун кўрикхона табиати ҳақида тўхталишнинг зарурати йўқ. Экотуристларни жалб қиладиган объектлари сўлим табиати, арчазор ўрмонлари ва турли-туман ҳайвонот олами ҳисобланади. Кўрикхонада «Қизил китоб»даги оқ тирноқли айиқ, сибир тоғ эчкиси, туркистон силовсини ва қора лайлак асосий муҳофазада ҳисобланади. Кўрикхона ҳудудида ҳайвонлар 152 тур билан тақдим қилинган, шундан 16 тури Халқаро «Қизил китоб» ва Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган.

**8. Китоб давлат кўрикхонаси** 1979 йилда 3938 га майдонда ташкил топган. Китоб-Шаҳрисабз водийси қулай сайёҳлик имкониятлари жиҳатидан ватанимизнинг ноёб, бетакрор ўлкаларидан ҳисобланади. Ҳисор ва Зарафшон тоғлари ўртасидаги хушманзара гўшалар экологик туризмни ривожлантиришнинг манзиллари бўлиб хизмат қилади.

Кўрикхона Қашқадарё вилоятида Зарафшон тизмасининг жануби-ғарбий тармоқларида жойлашган, баландлиги 1300 дан 2650 м гача оралиқда. Кўрикхона ҳудудида 168 турдаги ҳайвон мавжуд (қушлар-128,

сутэмизувчилар–21, судралиб юрувчилар–14, баликча–3 турдан иборат) билан тақдим қилинган, шундан 10 тури Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га кирган, 800 турдаги ўсимлик ўсади, шундан 23 тури Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган.

Қўриқхона ҳудудидаги Обисафид, Хўжақўргон, Занзилбан, Новабак, Қўшнова, Қизилолма, Жаршафи даралари қўриқхона ҳудудини чуқур кесиб, такрорланмас мазараларни ҳосил қилади. Қўриқхонадаги Занзилбан сойининг кесмаси Қуйи Девон даври Эм яруси қуйи чегарасининг дунё бўйича стратиграфик эталон-стандарт ҳисобланади.

Бу қўриқхонанинг халқаро миқёсдаги ахамияти шундан иборатки, қўриқхона ҳудудида *халқаро меридианнинг ўтганлиги* ҳақида халқаро белги қўйилган. Бу имкониятни реклама қилиб халқаро экотуристларни қўриқхонага кизиқтириш мумкин.

*Таянч сўзлар ва иборалар:* миллий парк, табиат қўриқхонаси, табиат буёртмаҳонаси, биологик хилма-хиллик, флора, фауна, муҳофаза, халқаро «Қизил китоб», Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби», тур.

*Мавзу бўйича тест саволлари:*

**1. Самарқанд вилоятида жойлашган қўриқхонани топинг?**

- А. Чотқол
- В. Пайғамбаророл
- С. Зомин
- Д. Зарафшон

**2. Ўзбекистонда нечта қўриқхона бор?**

- А. 9 та
- Б. 8 та
- В. 7 та
- Г. 6 та

**3. Ўзбекистонда нечта миллий парк бор?**

- А. 4 та
- Б. 3 та
- В. 2 та
- Г. Миллий парк йўқ

**4. Сармишсой миллий парки қайси вилоятда?**

- А. Навоий вилоятида
- Б. Самарқанд вилоятида
- В. Сурхондарё вилоятида
- Г. Бундай парк йўқ

**5. Ўзбекистонда биосфера қўриқхонаси борми?**

- А. Чотқол биосфера қўриқхонаси бор
- Б. Биосфера қўриқхонаси йўқ
- В. 2 та биосфера қўриқхонаси бор
- Г. 3 та шундай қўриқхона бор

*Мавзунинг ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:*

1. Ўзбекистоннинг миллий паркларидан бирининг тавсифини презентация билан гапريب беринг.
2. Табиат қўриқхоналарининг жойлашиши сабабларини тушунтиринг.
3. Табиат қўриқхоналарининг ташкил қилиниши сабабларини тушунтиринг.
4. Миллий парк билан табиат қўриқхонаси қайси белгилари билан фарқланади?
5. Биосфера қўриқхонасининг табиат қўриқхонасидан фарқини тушунтиринг

## **7-Мавзу. Ўзбекистоннинг табиат буюртмаҳоналари ва табиат ёдгорликлари**

**Режа:**

7.1. Ўзбекистоннинг табиат буюртмаҳоналари

7.2. Ўзбекистоннинг табиат ёдгорликлари

### **7.1. Ўзбекистоннинг табиат буюртмаҳоналари.**

Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришда яна бир салоҳиятли экотуристтик объектларнинг бири-табиат Буюртмаҳоналари ҳисобланади<sup>6</sup>. Ватанимизда турлари камайиб кетаётган ўсимликлар, хайвонлар ва табиий ландшафтларни маълум бир муддатларда муҳофаза қилувчи 10 та табиат буюртмаҳоналари(Заказниклари)бор. Бу буюртмаҳоналарлар мамлакатимиз ҳудудларининг барча табиий ландшафтлари мажмуаларини қамраб олган бўлиб, флора ва фаунаимиздаги кўплаб ноёб биологик хилма-хилликни,табиий ландшафтларни,сув ҳавзаларини ва уларда муҳофаза қилинаётган хайвонот олами ва ўсимликлар дунёсини,ватанимизда қишлаб кетадиган қушларни муҳофаза қилади. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритадиган 10 та буюртмаҳона мавжуд.

1.«Денгизкўл» давлат ориентологик буюртмаҳонаси ЎзССР Вазирлар Кенгашининг 1973 йилдаги 530-сонли қарори билан ташкил қилинган, фаолияти муддати Бухоро вилояти ижроқўмининг 26.06.90 йилдаги 157-11-сонли қарори билан (муддатсизга) узайтирилди. Буюртмаҳона майдони 50 минг га.Ташкил қилишдан мақсад–учиб ўтадиган сувда сузувчи қушларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш, қишлаш ерларини, яшаш муҳитини сақлаб қолишдир.Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат қўмитаси ихтиёрида. Буюртмаҳонани муҳофаза қилиш давлат табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

2.«Қорақир» давлат буюртмаҳонаси Бухоро вилояти ижроқўмининг 25.01.92 й.даги 15-1-сонли қарори билан ташкил қилинган. Буюртмаҳонанинг муддати чекланмаган.Майдони 30 минг га.Ташкил қилишнинг мақсад–учиб

<sup>6</sup>Ғуломов Р. ва бошқ. Туркистон табиий географияси.Тошкент, «Ўқитувчи»,2000.191 б.

Ўтадиган қушлар ва бошқа ҳайвонларни, уларнинг яшаш ва кўпайиш ерларини муҳофаза қилишдан иборат Давлат табиат қўмитаси, Бухоро вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ихтиёрида. Буюртмаҳона ҳудудини муҳофаза қилиш давлат табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

**3. Арнасой орнитологик буюртмаҳонаси** Жиззах вилояти Фориш туманидаги Тузкон кўлида ЎзССР Вазирлар Кенгашининг 9.09.83 йилдаги 521-сонли қарори билан ташкил қилинган. Буюртмаҳона майдони 63,3 минг га. Буюртмаҳона муддати чекланмаган. Ташкил қилишдан мақсад—ушиб ўтадиган ва уя қурадиган қушларни муҳофаза қилишдир. Буюртмаҳонани Давтабиатқўм—Жиззах вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Давлат биологик назоратнинг Арнасой инспекциялари муҳофаза қилади.

**4. «Сайгачи» давлат буюртмаҳонаси** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 29.11.91 й.даги 311/42-сонли қарори билан ташкил қилинган. Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида жойлашган. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 11.02.2001 й.даги 33/1-сонли қарори билан буюртмаҳона тартибининг амал қилиш муддати 2020 йилгача узайтирилди. Буюртмаҳона майдони 1 млн. га. Буюртмаҳона сайгоқлар СИТЕS II ва улар яшаш жойлари—миграция йўллари, кишлаш ва кўпайиш ерлари, шунингдек, бошқа, биринчи навбатда, "Қизил китоб"га киритилган ҳайвонлар—тувалок, йўрға-тувалок қушларни муҳофаза қилиш мақсадида ташкил қилинган. Қорақалпоғистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига бўйсинади.

**5. «Судочье» давлат орнитологик буюртмаҳонаси** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 29.11.91 йилдаги 311/42-сонли қарорига мувофиқ ташкил қилинган. Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида жойлашган. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 11.02.2001 йилдаги 33/1-сонли қарорига мувофиқ буюртмаҳона тартибининг амал қилиш муддати 2020 йилгача узайтирилди.

Буюртмаҳона майдони 50 минг га. Орнитологик буюртмаҳонасини ташкил қилишдан мақсади—Амударё соҳилбўйидаги сув-ботқоқлик жойлари биологик комплексини сақлаб қолиш, ушиб ўтадиган қушларни, улар кўпайиши ва дам олиши жойларини муҳофаза қилишдан иборат. Ҳар йили кўлда юз минглаб сувда сузувчи ва сув яқинида яшайдиган қушлар дам олади ва кўпайишади. Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига бўйсинади.

**6. «Муборак» давлат буюртмаҳонаси** Қашқадарё вилояти ҳокимиятининг 5.12.98 йилдаги Х-344/12-сонли қарори билан ташкил қилинган (муддати чекланмаган). Буюртмаҳона майдони ўзгартирилган—219534 га. Ташкил қилиш мақсади—йўрға-тувалок, унинг яшаш жойлари ва бошқа ёввойи ҳайвонлар яшаш жойларини сақлаб қолишдан иборат. Давлат табиат қўмитаси—Қашқадарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ихтиёрида.

**7. «Оқтоғ» давлат буюртмаҳонаси** Навоий вилояти ҳокимиятининг 21.04.97 йилдаги К-113-сонли қарори билан ташкил қилинган (муддати чекланмаган). Навоий вилояти Нурота туманидаги Оқтоғ тизмасида жойлаш

ган. Буюртмахона майдони 15420 га. Ташкил қилиш мақсади- «Оқтоғ» тоғли мавзеси табиий комплексини сақлаб қолиш. Навоий вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ихтиёрида.

### Ўзбекистон Республикасининг табиат Буюртмахоналари

Буюртмахоналар	Ихтисослашуви	Майдони, га
1. Арнасой буюртмахонаси	Сув ҳавзаси табиати, Қушлар ва қишлоғчи қушларнинг муҳофазаси.	63300,0
2. Денгизкўл буюртмахонаси	Сув ҳавзаси табиати, Қушлар ва қишлоғчи қушларнинг муҳофазаси.	50000,0
3. Қорақир буюртмахонаси	Чўл ландшафтлари. Жайрон ва қишлоғчи қушларнинг муҳофазаси.	30000,0
4. Қарнабчўл буюртмахонаси	Чўл ландшафтлари. Тувалоқ, қорабур ва жайронларни ва уларнинг яшаш жойлари муҳофазаси.	40000,0
5. Қўшрабод буюртмахонаси	Чўл ландшафтлари. Тувалоқ, қорабур ва жайронларни ва уларнинг яшаш жойлари муҳофазаси.	16500,0
6. Нуробод буюртмахонаси	Чўл ландшафтлари. Сақавулзорлар, тувалоқ ва қобрани муҳофаза қилиш.	29000,0
7. Оқтоғ буюртмахонаси	Чўл ландшафтлари. Барча табиий мажмуаларни муҳофаза қилиш.	2500,0
8. Сайғачи буюртмахонаси	Чўл ландшафтлари. Сайғоқларни муҳофаза қилиш.	1000000,0
9. Судочье буюртмахонаси	Сув ҳавзалари табиати. Балиқлар ва кўчиб ўтувчи қушларни муҳофаза қилиш.	50000,0
10. Муборак буюртмахонаси	Чўл ландшафтлари табиати биохилмахиллиги ва асосан йўрға- тувалоқ ни сақлаш, муҳофаза қилиш ва кўпайтириш.	219534

**8. «Қарнабчўл» давлат буюртмахонаси** Навоий вилояти ҳокимиятининг 9.07.98 йилдаги Ф-90-сонли қарори билан ташкил қилинган (муддати чекланмаган). Буюртмахона майдони 25 минг га. Ташкил қилишдан мақсад- биринчи навбатда, йўрға-тувалоқ ва унинг яшаш жойлари, шунингдек, бутун Қарнабчўл биологик комплексини сақлаб қолиш. Буюртмахона йўрға-тувалоқ кўплаб учиб ўтадиган йўлда жойлашган. Давлат табиат қўмитаси-Навоий вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ихтиёрида.

**9. «Қўшрабод» давлат буюртмахонаси** Самарқанд вилояти ижроқўмининг 8.07.92 йилдаги 86-к-сонли қарори билан ташкил қилинган (муддати чекланмаган). Буюртмахона майдони 16 минг га. Ташкил қилишдан мақсад- «Қизил китоб»га киритилган ҳайвонлар-йирткич қушлар, Нурота кўрикхона сидан буюртмахона худудига кирадиган Северцов қўйини (*Ovis ammon severtzovi*) муҳофаза қилишдир. Давлат табиат қўмитаси-Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ихтиёрида.

**10. «Нуробод» давлат буюртмахонаси** Самарқанд вилояти ижроқўмининг 8.07.92 йилдаги 86-к-сонли қарори билан ташкил қилинган (муддати

чекланмаган). Буюртмахона майдони 40 минг га. Ташкил қилишдан мақсад—ёввойи ҳайвонлар, жумладан, йўрга-тувалоқ ва унинг яшаш жойлари, бутун табиий чўл комплексини муҳофаза қилишдир. Давлат табиат қўмитаси—Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ихтиёрида.

## 7.2. Ўзбекистоннинг табиат ёдгорликлари.

Ҳозирги вақтда нима сабабдан табиат музейлари ва ҳайкаллари анча унутилганлиги ёдга келади. Биринчидан, бу музей ва ҳайкалларнинг жамланма номи ҳақида. Табиатнинг ўзи ясаган ноёб рельеф, тош ҳайкаллари, алоҳида диққатга сазовор жойлари ҳозиргача рус тилида "неживая природа" дейилади. Ўзбек тилига ўгирсак "жонсиз табиат" бўлади. Бу сўзлар табиатнинг ноёб гўшалари, булоқ, даралар, дарахтлар, геоморфологик ҳайкаллар ҳақида ёзилганда ҳам ишлатилаяпти. Фикримизча "жонсиз, нотирик", "ўлик табиат" сўзларини табиат ўзи яратган мўжиза музейларга нисбатан ишлатиш ҳар ҳолда нотўғридек туйилади. Аниғи айтилса, биринчидан, жуда совуқ сўзлар, иккинчидан, биз сўзюритаётган табиат бурчаклари табиатнинг энг сўлим, ҳайвонотга бой, соя-салқин жойларию, булоқлари, мўжизавий горлари ҳақида.

Тош ёки геоморфологик рельеф шаклларига келсак, уларни ҳам табиатнинг ўзи минг, балки миллион йиллардаги фаолияти натижасида яратган. Учинчидан, диққат қилсак бу жойларни табиатнинг бошқа қисмидан ажралиб турган, табиатнинг ичидаги музейлари десак хато бўлмас. Табиат музейлари 1 дан то 10-15 гектар ерларни, ҳатто 5-6 м<sup>2</sup> ерни ҳам эгаллаши мумкин. Лекин, бу ерда энг муҳими, табиатдаги ана шу кичик жойлар ҳам эволюциянинг кенг ривожини ёки атроф-муҳитнинг ривожини ҳақида жуда муҳим маълумотларни бериши мумкин.

Табиат музейлари ўзининг алоҳида диққатга тортишни, эстетик завқ бериши, лол қолдириши билан умумий кўринишдан ажралиб туради. Табиат музейлари дам олиш, саёхатга чиқиш ёки спорт иншоатлари, парклар қуришда ишлатилиб келинмоқда, улар илмий-тадқиқот лабораториялари ҳамдир. Республикамиз тоғларидаги қадимий расмларни бунга мисол қилиш мумкин. Бундай жойларни А. Гумбольд "Табиат эсдаликлари, ҳайкаллари" деб ҳам атаган.

Табиат ҳайкаллари келиб чиқиши жиҳатидан жуда хилма-хил бўлмасин, уларнинг ҳар бирида табиат жараёнларининг излари қолган бўлади. Уларнинг ҳолати, тузилишига қараб ана шу жой табиатидаги муаммоларни ечиш тадбирларини ишлаб чиқиш мумкин. Ўзбекистоннинг табиат музейларининг рўйхатга олинганлари 400 га. Буларнинг кўпчилигини "ботаника музейлари" ташкил қилади. Бу музейлардан 75 тасига "паспорт" берилган, яъни давлат томонидан қайд қилинган ва алоҳида муҳофаза қилинади.

*Давлат табиий ёдгорликлари* (Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуни 26-моддасига мувофиқ Давлат табиий ёдгорликлари III тоифадаги МЭТХга киради):

**Варданзи табиат ёдгорлиги**(қадимги Бухоро шаҳри харобалари) Навоий вилояти ҳокимиятининг 21.04.97 йилдаги К-113-сонли қарорига мувофиқ тузилган.

**«Мингбулоқ» табиат ёдгорлиги** Наманган вилояти ҳокимиятининг 28.12.91 йилдаги 164/14-сонли қарорига мувофиқ тузилган, майдони 1000 га ни ташкил қилади.

**«Чуст» табиат ёдгорлиги** Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоялаш ИТИ ташаббуси билан Наманган вилояти ҳокимиятининг 19.08.90 йилдаги 65/5-сонли қарорига мувофиқ (шунингдек, Наманган вилояти Чуст тумани Халқ депутатлари кенгашининг 1990 йил 30 августдаги П-5/12-сонли қарорига) мувофиқ тузилган, майдони 1000 га ни ташкил қилади.

**«Ёзёвон» табиат ёдгорлиги** Фарғона вилояти ҳокимиятининг 23.05.94 йилдаги 164-сонли қарорига мувофиқ тузилган, майдони 1842 га ни ташкил қилади.

**«Марказий Фарғона» табиат ёдгорлиги** Фарғона вилояти Халқ депутатлари кенгаши Охунбобоев тумани ижроия кўмитасининг 1986 йил 2 августдаги қарорига мувофиқ «Солижонобод» хўжалиги ерларида тузилган, майдони 142,5 га ни ташкил қилади.

**«Янгибозор» табиат ёдгорлиги** Хоразм вилояти Янгибозор тумани ҳокимиятининг (10.05.03 йилдаги 738-сонли, 4.02.04 йилдаги 819-сонли, 7.08.04 йилдаги 853-сонли, 17.04.04 йилдаги 1155-сонли) қарорларига мувофиқ тузилган. Майдони ўзгариб турган ва тегишли равишда 136 га, 113,2 га, 120 га, 121 га ни ташкил қилган, ҳозирги пайтда 490,3 га.

**Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар**-миллий парклар, давлат табиат қўриқхоналари, давлат табиат буюртмахоналари, халқ боғлари, давлат табиат боғларидир. Шунинг учун ҳам алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг таърифи миллий парклар ва давлат табиат қўриқхоналарининг таърифига тенглаштирилган. Халқаро ташкилотларнинг маълумотлари бўйича дунёда алоҳида муҳофаза қилинадиган барча хил табиий ҳудудларнинг сони 10 мингдан ошади.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** табиат буюртмахонаси, заказник, орнитологик буюртмахона, табиат ҳайкаллари, табиат ёдгорликлари, табиат музейлари, табиат эсдаликлари.

**Мавзу бўйича тест саволлари:**

**1. Ўзбекистонда нечта буюртмахона бор?**

А. 10 та

Б. 9 та

В. 8 та

Г. 7 та

**2. Ўзбекистонда нечта табиат ёдгорликлари бор?**

А. 400 та

Б. 300 та

В. 200 та

Г. 100 та

**3. Варданзи табиат ёдгорлиги қаерда?**



А. Кашкадарёда

Б. Жиззахда

В. Фарғонада

Г. Бухорода

4. «Оқтоғ» давлат буюртмахонаси қайси вилоятда?

А. Навоий вилоятида

Б. Хоразм вилоятида

В. Сурхондарё вилоятида

Г. Самарканд вилоятида

*Мавзунинг ўзлаштириши учун саволлар ва топшириқлар:*

1. Ўзбекистоннинг табиат буюртмахоналарини тушунтиринг ва уларнинг географиясини айтиб беринг

2. Табиат буюртмахоналаридан фойдаланиш мумкинми?

3. Нима учун Ўзбекистоннинг табиат буюртмахоналари фақат чўлларда жойлашган?

4. Табиат ёдгорликлари тушунчасини тушунтиринг.

## **8-Мавзу. Ўзбекистондаги экологик вазиятлар. Табиий мухитни муҳофаза қилишдаги халқаро ҳамкорликлар**

**Режа:**

8.1. Сайёравий, ҳудудий ва маҳаллий экологик муаммолар. Ўзбекистонда таркиб топган экологик вазиятлар

8.2. Экологик муаммоларни ҳал қилишда инсонда экологик билим ва экологик маданиятни шакллантириш .

8.3. Табиий мухитни муҳофаза қилишдаги халқаро ҳамкорликлар

### **8.1. Сайёравий, ҳудудий ва маҳаллий экологик муаммолар. Ўзбекистонда таркиб топган экологик вазиятлар**

Экологик муаммоларнинг инсоният олдида тобора кескинроқ, кўндаланг бўлаётганлиги, сайёравий муаммоларга айланиб кетаётганлиги инсониятнинг келгуси ҳаётида ҳам оғир ташвишлар келтириб чиқариши аниқ бўлиб қолди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ХХІ асрда қуйидаги энг хавфли экологик муаммолар *сайёравий* тус олишини ҳам эълон қилди. Бу муаммолар қуйидагилар:

1. Ҳавонинг заҳарланиши.

2. Дарё ва сув хавзаларининг ифлосланиши.

3. Тупроқ таркибининг ўзгариши ва ҳосилдор ерларнинг шўрланиб бориши.

4. Экологик тоза озиқ-овқат миқдорининг камайиб бориши.

5. Атмосферадаги озон қатламнинг емирилиши.

6. Ўсимликлар ва ҳайвонлар турларининг йўқотилиб бориши.

7. Дунё океанининг ифлосланиб бориши.

8. Иссиқлик самарасининг кучайиб бориши.

9. Кислотали ёмғирларнинг кенг ҳудудларни камраб бораётганлиги.

10. Тропик ўрмонларнинг майдони қисқариб бораётганлиги.

11. Чўлланиш жараёнининг кучайиб бораётганлиги.

*Худудий экологик муаммолар* табиий чегараларга эга бўлган, нисбатан катта ҳудудларда таркиб топади. Баъзан улар битта давлатнинг ҳудудларида ёки бирнеча давлатнинг ҳудудларини эгаллайди. Дунёда кенг тарқалган худудий экологик муаммоларга «ишқорли ёмғирларни», Ўрта денгиз, Қора денгиз, Азов денгизи, Болтикбўйи, Шимолий денгизлар, Кариб денгизи хавзаси, Форс қўлтиғи муаммоларини мисол қилиш мумкин.

*Маҳаллий экологик муаммоларга* Ўзбекистоннинг жануби-жанубий Сурхондарёдаги экологик инкироз ҳудудлари кирadi. Тожикистон Республикаси Мирзо Турсунзода шахридаги алюмин заводи чиқараётган фтор, бром, хлор каби заҳарли газлар жанубий Сурхондарё аҳолисининг соғлигига ва табиатига ўнганмас зарар келтирмоқда.

Экологик муаммо экологик хавфдан, экологик хавф эса экологик вазиятдан келиб чиқади. Ҳар бир табиий мажмуа ўзининг инсон томонидан бузилиши жиҳатидан маълум даражадаги экологик ҳолатга эга бўлиб, улар бири-биридан мазкур ҳолатнинг оғир ёки енгиллиги, мураккаблиги, мажмуаллилиги билан фарқ қилади.

Экологик ҳолат умумий тушунча ва ўша ҳудуд учун нисбатан барқарор хусусиятларга эга. Барқарорлигидан узок муддатларда ҳам ўзгармаслиги мумкин, Лекин экологик ҳолат баъзан оғирлашуви ва енгиллашуви ҳам мумкинки, бу ҳол ишлаб чиқариш маромига боғлиқ ҳолда атроф муҳитга таъсир тезлашганда экологик ҳолат оғирлашади ва аксинча.

Экологик ҳолатнинг турли даражада содир бўлиши ҳудудда ҳар хил вазиятларни шакллантиради. Экологик вазият экологик ҳолатнинг маълум бир вақт ахволини бинобарин, у барқарор бўлиб маконда, вақт мобайнида бир вазиятдан иккинчи вазиятга ўзгариши мумкин. Экологик вазият маконда маълум бир вақт мобайнида содир бўлади ҳамда экологик ҳолатни аниқ ва равшан аке эттиради.

Ўзбекистонда экологик вазиятлар табиий ресурслардан фойдаланиш даражаси, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш тадбирлари қўлланилиши кўламига қараб турли даражаларда ҳосил бўлмоқда. Мажмуали эковазият барча табиий компонентларнинг ўзгариши оқибатида ҳосил бўлади. Масалан, Орол бўйидаги вазиятни мажмуали эковазият деб ҳисоблаш керак, чунки у ҳудудда барча табиий компонентлар чўлланиш жараёнида тубдан ўзгаришга учраб, дастлабки гидроморф вазият эндиликда ксероморф, гидрогаломорф ва автоморф вазият билан бутунлай алмашган.

Эковазият баъзан бир омил ёки компонент билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Ўзбекистонда аксарият катта ҳудудлардаги эковазият сув ресурсларининг ифлосланиши туфайли хатарлидир. Дарё сувларини ичимлик суви сифатида ишлатиб бўлмаслиги, суғоришда фойдаланганда тупроқ шўрланишининг кучайиши, тупроқнинг турли чиқиндилар билан ифлосланиши экологик ҳолатни жиддийлаштирмоқда.

Дарёнинг сифатсиз сувини истеъмол қилиш Қуйи Амударё, Қуйи Сирдарё, Қуйи Зарафшон, Қуйи Қашқадарё каби кўплаб ҳудудларда аҳоли орасида турли хавфли касалликларнинг тарқалишга сабаб бўлмоқда. Олимларнинг тадқиқотла рига кўра Республикада сув ресурслари билан боғлиқ бўлган эковазият устивор бўлиб, атмосфера хавосининг ифлосланиши ва бошқа сабаблар билан боғлиқ эковазиятлар кейинги ўринларда туради.

Ўзбекистондаги экологик вазиятларнинг географик жойланиши вадаражасига қараб олимлар қуйидагича бўлишган:

- а) каноатланарли эковазият;
- б) ўртача эковазият;
- в) кескин эковазият;
- г) танг эковазият;
- д) фалокатли эковазият

*Қаноатланарли эковазият* тизма тоғларнинг сувайирғич, баланд ва ўрта баландликдаги тоғларнинг ёнбағирларига хос. Ер ҳудудларда табиий шароит деярли ўзгармаган, айрим ўсимлик ва ҳайвон турларининг микдорий камайиши кузатилган.

*Ўртача эковазият* ўртача баландликдаги ва паст тоғлар Қизилқум ва Устюрт платосининг айрим ҳудудларига уларда тупроқ ва ўсимлик қопламининг бузилиш белгилари аниқланган. Масалан, ҳозирга келиб чўлларимизнинг 1/3 қисми ҳар хил даражадаги чўлланишга учраган. Доимий мол сақланаётган ҳудудлар, аҳоли яшаётган жойлар атрофида 0,5 млн. га ердаги ўсимликлар умуман йўқ қилинган. Чўл яйловларида нотўғри мол боқиш натижасида умуман ейилмайдиган ўсимликлар майдони кўпайиб 1 млн. гектардан ошди. Чўлларда ҳар йили 450-460 минг тонна шувок чопиб олинмоқда-яъни ҳар йили 100 минг га ердаги шувокзор йўқ қилинаёпти.

Биргина Ҳайдаркул сувлари остида 0,6 млн. га унумдор яйлов қолиб кетди. Бу кўрсаткич йилдан-йилга кўпаймоқда. Мол боқилмаганлигидан Қизилқумнинг 3,3 млн. гектаридаги асосий озуқа-шувокзор яйловларини мох, лишайник лар қоплаб олмоқда. Ўтган асрнинг 30-йилларида чўлнинг ҳар 100 м<sup>2</sup> майдонида умуман ейилмайдиган ўтлар 2-3 донани ташқил қилган бўлса, ҳозирга келиб бу кўрсаткич 6-9 донани ташқил қилди.

*Кескин эковазият* адир, паст тоғлар ёнбағирлари, Қарши чўли ва Қизилқум нинг маъданлар казиб олинаётган ҳудудлари, Бухоро, Қоракўл воҳаларини эгаллайди. Айниқса, Бухоро ва Қоракўл воҳаларидаги суғориладиган ерларнинг шўрланиш кучайиб тупроқ ҳосилдорлиги жудапасайиб кетган. Аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши ёмон ҳолатда. Бу жойлардаги аҳоли турли даражадаги шўр сувларни истеъмол қилмоқда.

Қайд қилиш лозимки, кескин эковазиятлар яъни, ернинг шўрланиши билан юзага келган вазият республикамизнинг суғориладиган барча ҳудудларини камраб олган дейиш хато бўлмайди. Чунки, тадқиқотлардан маълумки, пахта етиштиришда ернинг шўрланганлиги ва кўп йиллар давомида кимёвий ўғитлар нинг кўп ишлатилиши натижасида тупроқлар таркибининг

бузилганлиги, ер касалманд бўлиб қолганлиги, ундаги фойдали микроорганизмларнинг деярли қирилиб кетганлигидир.

Собик Советлар империяси "агротехникаси" даврида пахта етиштириш учун Ўзбекистонда ҳар бир гектар ерга 600 кг гача минерал ўғитлар солинган. Чет давлатларда бу кўрсаткич 60-80-100 кг ни ташкил қилади. Пахтани зараркунандалардан сақлаш, дефоляция қилишда заҳарли химикатлар меъёрдан 15-20 мартаба кўп ишлатилган. Юқорида қайд қилганимиздек аҳолини озик-овқат билан таъминлашда ер биринчи даражали манбаа. Инсониятни боқишда фақат ҳосилдор ерларгина улкан муаммоларни ечиши, бу муаммолардан қутулиш чорасидир.

*Танг эковазият* Қуйи Амударё, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистоннинг катта қисмини эгаллайди. Бу эковазиятда бузилган геотизмлар тиклан майдиган хусусиятларга эга бўлган.

Мамлакатимиздаги яна бир экологик танглик Сурхондарё вилоятидаги ахволдир. Тожикистондаги алюминий заводи собик иттифок давлатига алюминий маҳсулотларини етказиб берувчи кудратли заводлардан эди. Бу заводдан чиқаётган чиқиндилар, хавони заҳарлаётган заҳарли газлар курук субтропик иқлимга эга бўлган жанубий Сурхондарё худудлари табиатини бутунлай абгор қилиб, аҳоли соғлигига хавли даражада зарар етказмоқда. Ҳозирда бу завод Россия хомийлигида алюминий ишлаб чиқариш қувватини йилига 200 мингтоннага ошириш режасини қабул қилди. Сурхондарё вилояти даги келгуси экологик ҳолат ўта оғир вазиятга тушиб қолиш хавфи яна кучайди.

Ҳозирги маълумотлар буйича Сурхондарё жанубидаги боғдорчилик туманлари алюминий заводининг заҳарли чиқиндилардан катта зарар кўрмоқда. Воҳадаги анорзорлардан сифатли ҳосил олиш бутунлай издан чиқди. Мевали дарахтларнинг ёппасига қуриб қолиши оддий ҳол бўлмоқда. Чорва моллари нинг тиши 2-3 ёшлигидан тўкилиб бораёпти.

*Фалокатли эковазият* Оролбўйида, Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ тумани ва бутун Орол денгизи акваториясига мансуб. Бу ерларда геотизмларнинг бузилиши ва тикланмайдиган табиий ва экологик жараёнлар кучайиб кетди. Шу ўринда афсус билан таъкидлаш жоизки, сайёраимизнинг бирор табиий минтақасида ёки бирор давлатида бундай экологик ҳалокат рўй берган эмас.

Орол денгизининг ҳалокат даражасини ернинг "ўлкаси" деб номланган Амазонка дарёси хавзаларидаги тропик ўрмонларнинг кесилиб бораётганлигига тенглаштирмоқда. Лекин, Амазонка дарёси хавзасидаги ўрмонларни кўп йиллар давомида қайта тиклаш мумкин.

Экологик хавфсизликни Ўзбекистонда таъминлашда қайд қилинган глобал экологик масалаларга нисбатан республикамиз учун худудий бўлган экологик муаммоларни дастлабки ўринларга қўйсак тўғри бўлади. Булар қуйидагилар:

- Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ер, сув ресурсларининг экологик, агротехник имкониятларини ҳисобга олиш.
- Саноатни замонавий технология билан жиҳозлаш;

- Ердан табиий географик,климий омилларни ҳисобга олиб фойдаланиш;
- Кон-қазлов ишларида экологик мониторинг талабларини устивор қўйиш;
- Экологик экспертиза талабларини,назоратини ишлаб чиқаришимиздатабиий ресурслардан фойдаланишимизда устивор қўйиш;
- Аҳолининг экологик саводхонлигини оширишда бошланғич ва олий таълимда мукамаллаштирилган экологик ўқитиш концепциясини ишлаб чиқиш;
- Табиатни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуратимизнинг барча қонунлари ва қарорларига ҳамманинг амал қилишни таъминлаш;
- Сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот институтларини ташкил қилиш

Экологик хавфсизликга экологик хавф-хатар ва экологик муаммоларни бартараф қилганимизда эришамиз. Экологик вазиятларнинг қай ҳолатдалиги юқорида айтиб ўтилди.Мавжуд экологик хавфсизликни экологик дастурлар яратиш бу дастурларни изчиллик билан бажариш зарур. Экологияда юзага келган хавфларни қандайдир сиёсий сабаблар билан кенг оммадан сир саклаш келажакда экологик ҳалокатларни келтириб чиқаради.

Экологик хавфсизликни таъминлашда биринчи навбатда барча ишлаб чиқаришда, барча табиий ресурслардан фойдаланишда Экологик мониторингни амалга ошириш қутилган натижани беради. Энг муҳими, исрофгарчиликга чек қўйиб,табиатдан эҳтиёжга яраша бойликларни ажратиш олиб, чиқиндилар ни чиқармаслик тамойилида иш тутишга ўтишдан иборат.Табиатдан фойдала нишда имкони борича"талаш"эмас,аксинча "авайлаш-асраш" тамойилида иш тутиш", табиатни муҳофаза қилиш экологик хавфсизлик тизимида иш тутишнинг ўзидир.

## **8.2.Экологик муаммоларни ҳал қилишда инсонда экологик билим ва экологик маданиятни шакллантириш**

Инсонда экологик билим ва экологик маданиятнинг шаклланишида табиат қонунларининг моҳиятини англаш, инсоннинг ўзи ҳам табиатнинг биологик тури эканлигини тушуниб олишидир.Табиат вайрон қилинганда ҳам яшайверади. Масалан, ўрмонлар кесилиб кетса, ҳаво, сув захарланса, ифлосланса, ҳайвонат дунёси қирилиб кетса ва х.к.лар,лекин инсон табиатсиз яшай олмайди.

Инсонда инсоний фаолиятларнинг қамол топишида табиатнинг тарбиявий аҳамияти дейилганда, соф табиатнинг кишиларда олижаноблик, ҳушфеллик, бағрикенглик, ватанпарварлик, улуғворлик,мулоимлик каби ахлоқий хислатларни уғотиши ва шакллантириши хусусиятлари тушунилади. Табиат қўйнида тез-тез бўлиб туриш инсоний фазилатларнинг қамол

топишига ёрдам беради. Инсон ўз уйи бўлган табиатга қанча кўп зарар етказар экан унинг ўзи ҳам маънавий жихатдан қашшоқлашиб боради.

Табиатни асраб қолишдек оғир муаммони ечишда инсонни экологик саводхон, экологик маданиятли қилиб тарбиялашда ҳам экологик саводхонликнинг аҳамияти беқиёсдир. Экологик саводхонлик ва экологик маданиятнинг асоси экологик онг ҳисобланади. Экологик онг табиатни асраб-авайлашда, унга онгли муносабатда бўлишида, ресурсларидан меъёрида фойдаланишда, табиат инкирозининг олдини олишда энг зарури, атроф-муҳитни донмо тоза сақлашда намоён бўлади. Инсонда экологик билим ва экологик маданиятни шакиллантиришда қуйидаги тамойиллар маъносини ўрганиш, тушуниш ва амалнингда қўллаш тушунилади:

- Табиатни–“Она ер” деб ардоқлаш.
- Бизга маълум бўлган “Оламда” бирорта ҳам Ер сайёрасининг табиатига ўхшаш табиат ва ҳаёт шаклининг мавжудлиги аниқланмаганлиги;
- Табиатнинг иқтисодий аҳамияти дейилганда, ундаги ресурслардан моддий манба сифатида фойдаланишни тушуниш;
- Табиатнинг илмий аҳамияти дейилганда инсоннинг барча билимлари негизида табиатнинг жараёнлари асос бўлиши;
- Табиатнинг соғломлаштириш аҳамияти деганда соф табиат бойликлари нинг ва шифо берувчи табиий модда ва жараёнларининг инсон саломатлигига ижобий таъсир этиши;
- Табиатнинг тарбиявий аҳамияти деганда соф, ҳақиқий табиатнинг кишиларда олижаноблик, хушфеллик, ватанпарварлик, улуғворлик, мулоимлик каби ахлоқий хусусиятларини уйғотиш ва шакллантириш хусусиятлари тушунилади;
- Табиатнинг эстетик аҳамияти дейилганда-инсондаги барча гўзаллик, мукамаллик, мусиқа, тасвирий санъат, куй-наво хислари ва уларга бўлган эҳтиёжлар тушунилади;
- Табиат-инсон-жамият яхлит, бир ягона тизимдир.

Экологик тарбияланмаган киши табиатдан узоклашиб, хиссиз бўлиб қолади. Бундай инсонлар гулларнинг чиройлилигини ҳис қилмасдан ўз уйига ясама гулларни келтиради, табиатдаги қушларнинг сайрашини ҳис қилмасдан ўз уйини қушларнинг портрети билан тўлдиришдан қаноатланишади. Шу тариқа у табиатдан узоклашиб маънавий жихатдан қашшоқлашиб боради. Энг муҳими, инсониятнинг экологик онги дунё табиатини муҳофаза қилишдаги чора-тадбирларини мунтазам амалга оширишда асосий ижрочи омил ҳисобланади.

Ҳаётда ҳам, ҳар қандай ишлаб чиқариш соҳасида ҳам экологик билим ва экологик маданиятнинг шаклланишида мамлакатимизда экологик саводхонликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Экологик билим ва экологик маданиятни шакллантиришнинг қуйидаги тизимда амалга оширишда тавсия қилинади:

1. *Экологик таълим*-сайёрамиз табиий бойликлари ва яқин фазога эҳтиёткорона муносабатда бўлиши, инсониятнинг табиатдаги экологик

жараёнлар билан узвий боғликлигини чуқур англаш руҳида тарбиялаш ва бошлангич ўқитиш;

2. *Экологик маданият*-ҳозирги ва келажак авлод ҳаётида экологик муаммолар жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англаган давлатлар ва жаҳон маданиятининг ривожланиш босқичи ва таркибий қисми;
3. *Экологик тарғибот*- табиий бойликларни максимал ҳолатда сақлаб қолишни таъминловчи фактлар, қарашлар ва гояларни оммавий ахборот воситалари (газета, радио, тв, журнал, маърузалар, интернет) орқали йиғиш ва кенг чегараларда тарқатиш;
4. *Экологик ўқув*-кишиларда экологик дунёқарашни шакллантирадиган ва табиатда инсонларнинг тутган ўрни ҳақидаги билимлар билан қуроллантирадиган, табиий тизимларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даги ҳар бир инсоннинг бахти-саодатидаги аҳамиятини тушунтиришга қаратилган экологик тарбия, таълим, маълумот ва тарғибот мажмуи.

Экологик ҳуқуқ, экологик саводхонлик ва экологик билим ҳар-бир ишлаб чиқариш ёки таълим соҳасига мослаштирилмайди балки, инсоннинг қомил инсон бўлиб етишига даъват қилади. Экологик бошқарув тизими фанлар ва халқ хўжалигининг соҳалари, тармоқлари бўйича ҳар-хил йўналишларда бўлиши мумкин. Лекин “Экология” фанининг предмети бу фаннинг янги тармоқлари йўналишлари юзага келганида ҳам ўзгармасдан қолиши маълум, ўзгариш мумкин ҳам эмас.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, экологик тарбия, экологик билим ва экологик маданият ишлаб чиқариш соҳаларига қараб ўзгармайди, балки экологик билимли, экологик маданиятли киши ўз билимлари ёрдамида ўзи ишлаётган соҳани экологиялаштиради. Бунда экологик маданиятли киши экология ҳуқуқи қонунларига суянади.

Инсоният олдидаги глобал экологик муаммоларнинг ечими албатда сайёраимиздаги табиий ресурсларни сақлаб қолиш ва муҳофаза қилиш ҳисобланади. Шу мақсадда экологик туризмни ривожлантиришдан олинган ёки қўйилган натижаларнинг қанчалик тўғри ёки нотўғри ҳисобланганлигини билиш, бу билишнинг(аҳамиятнинг) аҳоли ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини алоҳида даражалар билан белгилаш жуда муҳим ҳисобланади.

*Табиатнинг илмий аҳамияти* шу билан белгиланадики, инсоннинг барча билими негизда табиат ва ундаги жараёнларни кузатиш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва амалий хулосалар қилиш ётади. Табиатсеварларнинг аксарияти қисми ўзлари билмаган ҳолда табиатнинг илмий аҳамияти билан шугулланади. Яъни улар табиатдаги жараёнлар (гўзаллик, бетакрорлик, соф ҳаво, табиат ландшафтларининг ўзгариши, рельеф тузилиши, қоялар, баланд тоғлардаги улугворлик, ёзда қор ва музни кўриш, салқинлик, тинчлик, қушларнинг кўплиги ва сайраши, ўрмонлардаги соқинлик, шаршаралар, дарёларнинг шиддатлилиги, ҳайвонлар ҳаракати, самодаги бургутлар парвози ва ҳ.к.) ни кузатишларини фақат ўзларининг қизиқишлари билан боғлайдилар.

*Табиатнинг соғломлаштириш аҳамияти* дейилганда, соф табиий ресурслар (мусаффо ҳаво, тоза сув, унумдор тупроқ, ранг-баранг ўсимликлар олами, табиий гулзорлар, иссик сувлар, шифобахш балчиқлар, шифобахш ўтлар, шифобахш дарахтлар, соғломлаштирувчи минерал сувлар, ёввойи ўсимликларнинг доривор мевалари ва ҳ.к.) нинг шифо борувчи табиий моддалар ва жараёнларнинг инсон саломатлигича ижобий таъсири тушунилади. Ҳозирдан X аср аввал яшаб ўтган буюк бобомиз Абу али ибн Сино – «Одамлар саломатлиги ташки табиий шароит билан чамбарчас боғланган» - деганда, табиатнинг айнан ана хусусиятни назарда тутган эди.

*Табиатнинг тарбиявий аҳамияти* дейилганда соф, ҳақиқий табиатнинг кишиларда олийжаноблик, хушғ'феллик, бағрикенглик, ватанпарварлик, улуғворлик, мулойимлик каби ахлоқий хислатларни уйғотиш ва шакллантириш хусусиятлари тушунилади. Табиат кўйида тез-тез бўлиш, инсонларнинг ёшидан қатъий назар уларда инсоний фазилатларнинг камол топишига ёрдам беради. Жамиятда кузатиладиган рухий қашшоқлик, лоқайдлик, кўполлик, жаҳлдорлик, шафқатсизлик, ваҳшийлик каби иллатларнинг авж олиши сабабларидан бир ҳам кишиларнинг сунъий (техноген) муҳитга тушиб табиатдан ажралиб қолганлигидир.

*Табиатнинг эстетик аҳамияти* дейилганда таққослаш, солиштириш, тенглаштиришга асослар топилмайди. Табиатнинг эстетик аҳамияти бекиёсдир. Инсондаги барча гўзаллик, мукамаллик, мусиқа, тасвирий санъат, куй-наво қисмлари ва уларга бўлган эҳтиёжларининг негизида табиат туради. Табиатдаги ям-яшил водийлар, зилол сувли булоқ ва сойлар, тоғлар, бепоён кенгликлар, ранг-баранг гуллар, хушовоз ва чиройли қушлар инсон учун фақат моддий неъмат манбаигина эмас, балки битмас-туганмас ижод, гўзаллик, дид ва рухий қувват манбаи ҳамдир. Табиатнинг аҳамиятларини белгилаганда инсоннинг табиат ва унинг барча ресурсларини асраб-авайлаш, бу табиат ва бу табиий ресурсларнинг фарзандларига ҳам етиб бориш йўлидаги сай-харакатларини тушунилмоғи лозим бўлади.

Глобал экологик муаммоларни ҳал қилишда инсонни экологик саводхон, экологик билимли ва экологик маданиятли қилиб тарбиялаш биринчи навбатда амалга ошириладиган тадбирдир. Халқаро экологик ҳамкорлик марказларининг (ЮНЕСКО, ЮНЕП, МСОП, ВОЗ, ФАО, МАГАТЕ, БТТ, ЭКОСАН) хулосаси шундай.

### **8.3. Табиий муҳитни муҳофаза қилишдаги халқаро ҳамкорликлар.**

Ҳозирга келиб Ўзбекистон Республикаси табиат муҳофазаси ва табиатдан фойдаланишда 50 дан зиёд халқаро шартномаларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Бизнинг давлатимиз атроф муҳит ва табиат муҳофазасида тарихан муҳим бўлган кўйидаги халқаро ҳамкорликларнинг ташаббускори ҳисобланади:

- Озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена Конвенцияси (1993 йил 18 май);



- Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреал баённомаси(1993 йил 18 май);
- Озон қатламини бузувчи Монреал баённомасига Лондон тузатмаси (1993 йил 1 май);
- Табiiй муҳитга зарар келтирувчи ҳар қандай ҳарбий ва душманлик қилувчи фойдаланишни таъқиқ қилувчи Конвенция(1993 йил 26 май);
- БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича Конвенцияси(1993 йил 20 июн), Киота баённомаси(1999 йил);
- Қурғоқчилик ва қурғоқчилик давом этаётган давлатларда қурғоқчилик билан курашиш бўйича Конвенция(1995 йил 31 август);
- Биологик хилма-хиллик бўйича Конвенция(1996 йил 6 май);
- Халқаро маданий ва табiiй меъросларни саклаш бўйича Конвенция (1995 йил 22 декбр);
- Бутунлай йўқотилиш хавфига тушган ёввойи флора ва фаунанинг халқаро савдосига қарши Конвенция(1997 йил 1 июл);
- Ёввойи қушлар миграцияси ва уларни муҳофаза қилиш бўйича Конвенция(1998 йил 1 май) ва бошқ...

*Таянч сўзлар ва иборалар:* экологик вазият, экологик хавф, экологик ҳолат, экологик инкироз, озон қатлами,биологик хилма-хиллик, ландшафт, конвенция, чўлланиш, табiiй ресурслар, бетакрорлик.

*Мавзу бўйича тест саволлари:*

**1. Геозкологик муаммолар кўламига кўра неча гуруҳдан иборат?**

- А. Сайёравий, худудий
- В. Сайёравий, худудий, ўлкавий
- С. Сайёравий, худудий, маҳаллий
- Д. Худудий, маҳаллий, чегаравий

**2. «Ишқорли» ёмғирлар қайси ўлкаларда содир бўлмоқда?**

- А. АҚШ, Россия, Жанубий-Ғарбий Осиёда
- В. Бразилия, Россия, Жанубий-Ғарбий Осиёда
- С. АҚШ, Ғарбий Европа, Жанубий-Ғарбий Осиёда
- Д. Бразилия, АҚШ, Скандинавия мамлакатларида

**3. Ўзбекистонда “Табиатни муҳофаза қилиш қонуни” қачон қабул қилинди?**

- А. 1990 йил 9 декабр куни
- В. 1991 йил 9 декабр куни
- С. 1992 йил 9 декабр куни
- Д. 1993 йил 9 декабр куни

**4. Орол денгизи қайси экологик баҳога тўғри келади?**

- А. Худудий танг эковазият
- В. Сайёравий танг эковазият
- С. Маҳаллий танг эковазият
- Д. Мажмуали эковазият
- Е. Ҳалокатли эковазият

5. Ўзбекистондаги танг экологик вазиятлар қайси табиий ресурс билан боғлиқ?

- А. Ер Ресурслари
- В. Сув ресурслари
- С. Атмосфера ифлосланиши
- Д. Ернинг шўрланиши
- Е. Ҳамма жавоблар тўғри

*Мавзунинг ўзлаштириши учун саволлар:*

1. Сайёравий, ҳудудий ва маҳаллий экологик муаммоларни тушунтиринг
2. Ўзбекистонда таркиб топган экологик вазиятлар ва уларнинг географиясини тушунтиринг
3. Табиий муҳитни муҳофаза қилишда Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорликлари ва фаолиятлари қандай амалга оширилмоқда?
4. Танг экологик вазиятли минтақаларни тушунтиринг.
5. Қоникарли эковазиятли минтақаларни тушунтиринг.

## **9-Мавзу. Ўзбекистоннинг тарихий-маданий ёдгорликлари ва миллий меърос бойликлари**

**Режа:**

- 9.1. Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги тарихий-маданий ёдгорликлари.
- 9.2. ЮНЕСКОнинг “Жаҳон мероси объектлари” рўйхатига Ўзбекистондан киритилган тарихий ёдгорликлар
- 9.3. Миллий меърос тушунчаси. Миллий меъроснинг турли-туманлиги ва географияси.
- 9.4. Миллий меърос бойликларидан фойдаланиш

### **9.1. Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги тарихий-маданий ёдгорликлари**

Маълум ҳудудда ривожлантиришда у жойнинг тарихий-маданий ёдгорликлари салоҳияти асосий ўринни эгаллайди. Маданий-тарихий ёдгорликлардан кўп мақсадларда фойдаланиш мумкин. Маданий мажмуаларнинг жозибадорлиги уларнинг тарихий ва таъсирий баҳосига, фойдаланиш қулайлигига боғлиқ. Тарихий-маданий ёдгорликлардан инсон фаолиятида интенсив фойдаланиш, яъни антропоген юкнинг ошиб бориши натижасида тарихий-маданий ёдгорликлари ифлосланишига, тарихий обидаларнинг тез бузилишига олиб келади. Бундай нохуш ҳолатлар сўнги 20 йилликларда тарихий-маданий туризмнинг ривожланиши билан кучайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам туризмга оид Гаага декларациясида кўйидаги тақлифлар билдирилган:

- туристларни мамлакат ичкарисига ёки чет элда борган жойларида маданий мерос ва атроф-муҳитни сақлашга, уларга нисбатан ҳурматда бўлишга ўргатиш, ҳамда тарғиб қилиш;

- жойларда туристларни қабул қилиш даражасини аниқлаш, меъёрдан ортисига йўл қўймаслик лозим деб таъкидланади.

Минтақаларнинг архитектура ёдгорликларига бойлиги туризмнинг ривожланишига ҳам сабаб бўлади. Аммо охириги пайтларда туристик оқимнинг ошиши айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Маданий – тарихий ресурсларни туризм мақсадида сақлашни қўйидагича амалга ошириш таклиф қилинади:

- мавжуд тарихий жойлар, бинолар ва ёдгорликларни туристик қизиқиш объектлари сифатида қайта тиклаш;
- табиий ресурсларни муҳофаза қилишни фаоллаштириш;
- туристик эҳтиёжни қондириш мақсадида атроф – муҳитни сақлаш ва яхшилашда бошқарув ташкилотлари маъсулиятини ошириш.

Тарихий-маданий ёдгорликлар ичида жаҳон аҳамиятидаги маданий объект ва ёдгорликлар асосий ўринда туради ва улар миллий-маданий меърос ёдгорликлари дейилади. «Маданий меърос» дейилганда қўйидагилар тушунилади:

- ёдгорликлар: архитектура бинолари, археологик аҳамиятидаги жойлар, илмий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга ғорлар, тарихий ёзувлар;
- ансамбллар: илмий, маданий ёки тарихий аҳамиятга эга ўзаро боғланган бинолар гуруҳи. Масалан, Регистон ансамбли;
- инсон ёки табиат томонидан яратилган эстетик, этнографик, тарихий аҳамиятга эга бўлган, ўзига жалб қилувчи ўзига хос жойлар.

Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритиладиган объектларнинг қўйидаги хусусиятлари ҳисобга олинади:

- инсон ижодининг ноёб намуналари;
- ажойиб маданий, архитектура объектлари, ҳамда маданий ландшафтларининг алоҳида аҳамиятга эга ҳудудлари;
- замонавий тараққиётнинг ноёб намуналари, қурилишлари;
- инсон тарихи билан боғлиқ бинолар ёки архитектура ансамбллари, ландшафтлари.

Ўзбекистонда жаҳон маданияти хазинасига кирувчи кўплаб архитектура ёдгорликлари мавжуд. Хива, Бухоро ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий марказлари, қадимий Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари ЮНЕСКОнинг «Жаҳон мероси» деб номланган рўйхатига, Бойсун тумани аҳолисининг фольклор ансамбли «Жаҳон номоддий мероси хазинаси» рўйхатига киритилган.

Қадимги замонлардан бошлаб, Ўзбекистон жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ва маданий ҳамкорликка киришиб келган. Савдо қарвонлари орқали Шарқ ва Ғарбни боғлаган Буюк Ипак йўли ҳам айнан Ўзбекистондан ўтган, Ўзбекистон унинг энг муҳим марказларидан бири ҳисобланган.

Буюк Ипак йўли орқали Шарқ ва Ғарб мамлакатларида ишлаб чиқарилган хилма-хил маҳсулотлардан ташқари турли маданиятлар, анъаналар, касб-хунарлар ва динлар ҳам тарқалган. Маънавий қадриятлар билан алмашинувлар амалга оширилган. Мамлакатлараро алоқаларнинг ривожланиши жаҳон маданиятининг ривожланишига ўз хиссасини қўшган Буюк Ипак Йўли узок мамлакатлардаги янги ихтиролар, илм-фан ютуқлари ва маданий-маърифий қадриятларни қўлга киритиш имкониятини берганки, бу халқаро алоқаларда фаол иштирок этаётган барча давлатларнинг ижтимоий – иқтисодий юксалишига сабаб бўлган.

Ўзбекистонда туризмни ривожлатириш ва уни янги босқичларга кўтариш борасида, аввало кўҳна маданий ва архитектура ёдгорликларига бой бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Марғилон каби шаҳарлар муҳим аҳамиятга эга. Бу шаҳарларда бутун дунё аҳолисини ҳайратга солувчи ва лол қолдирувчи қадимий тарихий ёдгорликлар бекиёс кўп. Ер юзининг турли мамлакатларида истиқомат қилувчи ҳар бир инсон бу шаҳарларни ўз кўзлари билан кўриш орзусида яшайдилар. Кўп мамлакатларда Ўзбекистон ўзининг ана шу шаҳарлари билан машҳурдир. Ўзбекистоннинг ана шу тарихий шаҳарларини кўпинча «Шарқнинг жавоҳирлари» деб аташади.

*Тошкент шаҳрининг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари:*

1. Кўкалдош мадрасаси (XIV аср);
2. Кафтол Шоший макбараси (XV аср);
3. Ҳазрати Имом архитектура мажмуаси (XVI аср);
4. Абулқосим мадрасаси (XIX аср);
5. Барокхон мадрасаси (XVI аср);
6. Жомеъ масжиди (XIX аср);
7. Занги ота мажмуаси (XV-XIX аср);
8. Замонавий архитектура дурдонаси саналган Амир Темур музейи;
9. Амир Темур хиёбони;
10. Муस्ताқиллик майдони;
11. Халқлар Дўстлиги майдони;
12. Жасорат монументи;
13. Ҳаси Имом майдони;
14. Тилла Шайх масжиди;
15. Ҳазрати Имом масжиди;
16. Хадра майдони;
17. Суфи Ота макбараси.
18. Темурийлар музейи
19. Шоирлар хиёбони
20. Ўзбекистон халқлари тарихи музейи

*Самарқанд шаҳрининг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари:*

1. Афросиёб (эрамиздан олдинги VIII аср);
2. Мирзо Улуғбек расадхонаси (1428 й.);
3. Шохи Зинда архитектура мажмуаси;
4. Ҳазрати Ҳизр масжиди (XIX аср ўрталари);

5. Бибихоним масжиди (1399 й.);
6. Улугбек мадрасаси (1417й.);
7. Шердор мадрасаси (1619 й.);
8. Тиллакори мадрасаси (1647 й.);
9. Чорсу бозори (XVIII аср охири);
10. Рухобод мақбараси (1380 й.);
11. Оксарой мақбараси (1470 й.);
12. Амир Амир мақбараси (1404 й.);
13. Намозгоҳ масжиди (XVIII аср);
14. Ишратхона мақбараси (1464 й.);
15. Хожа Ахрор мажмуаси (XV-XX асрлар);
16. Чупон-Ота мақбараси (1430 й.);
17. Хожа Абду Дарун қабристони (XV аср).
18. Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси (IX-XX аср)
19. Дониёр пайгамбар мажмуаси
20. Имом ал Мотуридий ёдгорлик мақбараси
21. Ислом Каримов ёдгорлик мажмуаси
22. Ислом Каримов ёдгорлик ҳайкали

*Бухоро шаҳрининг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари:*

1. Арк (XI аср)
2. Боло-Ҳовуз мажмуаси (XVIII аср)
3. Исмоил Сомоний мақбараси (IX аср)
4. Чашмаи-Аюб (1380 й.)
5. Абдуллахон мадрасаси (1596 й.)
6. Модари-Хон мадрасаси (1556 й.)
7. Масжиди Баланд (XVI аср бошлари)
8. Гавкушон мажмуаси (масжид, минора, мадраса), (XVI аср),
9. Зайниддин Хожи хонақоси (1555 й.)
10. Пойи-Калон мажмуаси (XII аср)
11. Лаби-Ховуз мажмуаси (XVI аср)
12. Кўкалдош мадрасаси (1568 й.)
13. Нодир Девонбеги хонақоси (1620 й.)
14. Улугбек мадрасаси (1417 й.)
15. Абдулазизхон мадрасаси (1652 й.)
16. Болоховуз масжиди (1712 й.)
17. Сайфиддин Боҳарзий мақбараси (XIII асрнинг иккинчи ярми)
18. Баёнқулихон мақбараси (XIV асрнинг иккинчи ярми)
19. Намозгоҳ масжиди (XII аср)
20. Файзобод хонақоси (1598 й.)
21. Чорминор мадрасаси (1807 й.)
22. Ситораи Моҳи-Хоса саройи (XIX аср охири)
23. Чор-Бақр мажмуаси (1560 й.).
24. Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний ёдгорлик мажмуаси
25. Баҳовуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси
26. Бухоролик етти пирларнинг ёдгорлик мажмуалари

***Хива шаҳрининг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари:***

1. Ичан-қалъа, Саидбой масжиди ва мадрасаси (XVIII аср боши)
2. Полвон Дарвоза атрофлари,
3. Оллоқулихон мадрасаси (1834 й.)
4. Қутлугмурод-иноқ; мадрасаси (1804 й.)
5. Оллоқулихон Тими ва Карвонсаройи (XIX аср)
6. Абдуллахон мадрасаси (1865 й.)
7. Анушахон масжиди ва ҳарами (1657 й.)
8. Тошховли (Оллоқулихоннинг саройи) (1830 й.)
9. Оқмасжид (1832 й.),
10. Жума масжиди ва минораси (1788 й.)
11. Саид Оловуддин мақбараси (XIV аср)
12. Муҳаддмад Аминхон мадрасаси (1851 й.)
13. Муҳаммад Аминхон мадрасаси (1871 й.)
14. Калтаминор (1855 й.)
15. Кўхна Арк (1868 й.)
16. Тўрамурод минораси (1888 й.)
17. Шерниёзхон мадрасаси (1718 й.)
18. Борланди масжиди (XIX аср)
19. Арабхона мадрасаси (1838 й.).
20. Махлавон Маҳмуд мақбараси
21. Жалолиддин Мангуберди ёдгорлиги мажмуаси
22. Нажмиддин Кубро ёдгорлиги мажмуаси

***Шаҳрисабзнинг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари:***

1. Оксарой (1380 й.)
2. Дорус – Саодат мажмуаси (XIV аср)
3. Хазрати Имом масжиди (XIV аср)
4. Жаҳонгир мақбараси (XIV аср)
5. Дор-ут-Тиловат архитектура мажмуаси,
6. Кўкғумбаз масжиди (1435 й.)
7. Гумбази Саидон (XV аср)
8. Шамсиддин Кулол мақбараси (XV аср)
9. Амир Темур даҳмаси ёдгорлиги (XIV аср)
10. Амир Темур хиёбони

***Термиз шаҳрининг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари:***

1. Қирқ киз саройи (IX аср)
2. Термиз ҳукмдорлари саройи (XX аср)
3. Ҳаким ат Термизий архитектура мажмуаси (X аср)
4. Султон – Саодат архитектура мажмуаси (X аср)
5. Қоратепа ибодатхонаси (II аср)
6. Фаёзтепа ибодатхонаси (I аср)
7. Алпомиш ёдгорлик мажмуаси

***Фаргона водийсининг асосий тарихий ва меъморчилик ёдгорликлари:***

1. Худоёрхон саройи (1870 й.)

2. Риштлиқ масжиди (1913 й.)
3. Жоме масжиди ва миносаси (1809 й.)
4. Мулқобод масжиди (1913 й.)
5. Саид Аҳмадхожи мадрасаси (XIX аср бошлари)
6. Чоқар масжиди (1911 й.)
7. Хужа Мағиз мақбараси (XVIII аср)
8. Мулло Дирғиз мадрасаси (XX аср бошлари)
9. Ахсиқент қадимий шаҳарчаси (эрамиздан аввалги II аср)

### **9.2. ЮНЕСКОнинг “Жаҳон мероси объектлари” рўйхатига Ўзбекистондан киритилган тарихий ёдгорликлар**

Тарихий обидаларнинг ЮНЕСКО «Жаҳон мероси» рўйхатига киритилишининг асосий мақсади- ўз худудида машҳур бўлган объектларни дунёга танитиш ва муҳофаза қилишдир.

Маълумки, Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларга бой мамлакат. Мана шу бебаҳо меросимизнинг кўпгина қисми бутун инсоният мулкига айланганлигига кўп вақт бўлган.

ЮНЕСКОнинг «Жаҳон мероси» рўйхатига Хивадаги Ичан Қалъа 1990 йил, Бухоронинг тарихий маркази 1993 йил, Шаҳрисабзнинг тарихий маркази 2000 йил киритилган. 2001 йил 12-16 декабр кунлари Финляндиянинг Хельсинки шаҳрида ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси Қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб, унда Самарқанд шаҳри ЮНЕСКОнинг «Жаҳон мероси» рўйхатига киритилди.

Бундан ташқари, ушбу рўйхатга республикамиздан «Бойсун баҳори» номи билан Сурхондарё минтақаси ҳам киритилди. Эндиликда мазкур тўртала тарихий маскан халқаро ҳамжамият муҳофазасида бўлади.

Ҳозиргача дунёдаги 721 та маданий ва тарихий ёдгорликлар ЮНЕСКОнинг «Жаҳон мероси» рўйхатига киритилган.

Ёш авлодларда юксак маънавий ғазилатларни шакллантиришда, миллий онг ва ғурурни уйғотишда, Уларни Ватан, Миллат ва Истиклол тағдири учун фаол курашчи қилиб ўстиришда, тарбиялашда тарихий-маданий ёдгорликларнинг аҳамияти жуда катта ҳисобланади.

### **9.3. Миллий меърос тушунчаси. Миллий меъроснинг турли-туманлиги ва географияси**

Миллий меърос объектлари масалан хунурмандчилик, ёки устачиликни олганимизда дастлаб дунёнинг барча давлатларида яшайтган халқларнинг ҳам ўзига хос миллий хунармандчилик ва миллий устачилик соҳалари албатта бор. Биз ўзимизнинг хунармандчилик ёки устачилик соҳалари буюмларининг ноёблиги, гўзал-бежиримлиги, мустаҳкамлиги, бу буюмларда санъаткорликнинг, кишиларни хайратга соладиган ижод намуналарининг кўплигидан, бошқа давлатлардаги худди шундай буюмлар, маҳсулотлардан анча устунлигига эътибор беришимиз лозим бўлади.

Масалан, каштачиликдаги икки йўналиш: оддий каштачилик ва зардўзли каштачиликнинг бошқа давлатларда яшаётган халқларнинг каштачилигидан устунлиги шундан иборатки сўнгги вақтларда Ўзбекистонга келиб кетаётган давлат раҳбарлари, Бош вазирлар, машхур адибларга, халқаро миқёсдаги таникли раҳбарлар, спорт ва санъат юлдузларига махсус маросимларда зардўзли тўн ва дўппи кийдирилмоқда. Иккала буюм ҳам фақат Ўзбекистонликлар учун миллий буюм хиллари ҳисобланади. Эътибор қилсак, қозоқ, киргиз, туркменистонликларнинг ҳам тўнлари, дўппилари, ўзларининг миллийлигини кўрсатиб туради.

Биздаги миллий дўппичилик ва зардўзи тўн тикиш қўшни давлатларда ривожланмаган экан дунёнинг бошқа биронта давлатларида биздагидек усуллари умуман йўқ ҳисобланади (Хитой халқ республикасидаги уйғур халқида ҳам зардўзи каштачилик ривожланган). Бу ҳулосалардан миллий қўл хунармандчилигидаги дўппичилик ва зардўзи тўн тикишни халқаро туризм объект-ресурслари рўйхатига қўшса тўғри бўлади.

### Миллий меърос бойликлари географияси

Миллий меърос бойликлари	Оммавий ривожланган манзиллар
1. Урф-одатлар, оила ҳаёти, миллий этикет, тўйлар,	Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари, шаҳарлари, туманлари, қишлоқлари
<b>2. Миллий байрамлар</b>	Ўзбекистон халқлари
2.1. Наврўз байрами	Ўзбекистон халқлари
2.2. Рамазон ҳайити	Ўзбекистон халқлари
2.3. Қурбон ҳайити	Ўзбекистон халқлари
2.4. Мустақиллик байрами	Ўзбекистон халқлари
3. Қишлоқларнинг турли-туманлиги ва табиий-тарихий даврда юзага келиши, қишлоқ аҳолиси ҳаёти, фермерлар ҳаёти	Республикамиз ҳудудларидаги қишлоқлар, тоғлар, чўллардаги суз ҳавзаларидаги қишлоқлар
<b>4. Миллий қўшиқчилик:</b>	
4.1. Хоразм йўли	Хоразм вилояти
4.2. Фарғона йўли	Фарғона водийси
Миллий баҳши қўшяқ йўли:	
4.1. Хоразм йўли	Хоразм вилояти
4.2. Зарафшон-Нурота йўли	Зарафшон водийси-нурота
4.3. Қашқадарё-Сурхондарё йўли	Қашқадарё-сурхондарё йўли
4.4. Қорақалпоқ йўли	Қорақалпоғистон
4.5. Яққа қўшиқчилик	Фарғона водийси
<b>Миллий ракс:</b>	
4.1. Хоразм усули	Хоразм вилояти
4.2. Фарғона усули	Фарғона водийси
4.3. Бухоро усули	Бухоро вилояти
4.4. Қорақалпоқ усули	Қорақалпоғистон
4.5. Аскиялар	Фарғона водийси
4.6. Айтишувлар	Қорақалпоғистон, Хоразм
<b>Миллий фольклор:</b>	



4.7. «Бойсун» фольклори	Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани
4.8. «Лазги» фольклори	Хоразм вилояти
4.9. «Беш қарсақ» фольклори	Самарканд вилояти Ургут тумани
4.10. «Ойгулойим» фольклори	Қорақалпоғистон
4.11. Рассомчилик	Самарканд, Бухоро, Хива, Тошкент
4.12. Ҳайкалтарошлик	Самарканд шаҳри, Тошкент шаҳри
<b>5. Миллий ҳунармандчилик:</b>	
5.1. Егочга ўйма шакл солиш	Хоразм, Ургут, Самарканд, Бухоро, Фарғона усуллари
5.2. Совғалар, шкатулкалар	Бухоро усули, Самарканд усули
5.3. Қулодчилик	Хоразм, Бухоро, Самарканд, Фарғона, Ғиждувон, Риштон усуллари
5.4. Матога рангли гул солиш	Бухоро, Самарканд, Жиззах, Чўлликлар усули
5.6. Зардўзи каштачилик	Ургут, Бухоро, Самарканд, Фарғона усули
5.7. Миллий дўппи	Фарғона вилояти, Наманган вилояти, Бухоро вилояти, Хоразм вилояти
5.8. Миллий тўн	Хоразм, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Жиззах вилоятлари
5.9. Атлас ва бекасам буюмлар	Марғилон шаҳри
5.10. Бахмал буюмлар	Самарканд шаҳри
5.11. Темирчилик, қадимий асбоблар	Республикадаги туманлар
5.12. Мисгарлик	Самарканд, Бухоро, Фарғона, Хива
5.13. Мусиқасозлик	Самарканд, Хоразм, Фарғона водийси
5.14. Бешиқсозлик	Самарканд, Бухоро, Фарғона водийси, Ургут
5.15. Аравасозлик	Кўкон, Хоразм
5.16. Сандиқсозлик	Ургут, Самарканд, Бухоро, Фарғона водийси
5.17. Эгарсозлик	Бахмал Тумани, Жиззах вилояти, Қашқадарё вилояти
5.18. Маҳсидаўзлик	Наманган, Фарғона водийси
5.19. Гиламчилик	Хоразм вилояти, Жиззах вилояти, Нурота тумани Навоий вилояти,
5.20. Палос тўқиш	Чўл халқи, Жиззах ва Навоий вилояти
<b>6. Миллий ўйинлар:</b>	
6.1. Кўпқари	Қашқадарё, Жиззах, Навоий
5.2. Миллий кураш	Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари
5.3. Кўчқор уриштириш мусобақаси	Хоразм, Қорақалпоғистон, Бухоро вилоятлари
5.4. Паррандалар жанги	Тошкент, Самарканд, Бухоро, Фарғона водийсидаги шаҳарлар
5.5. (Дорбозлик)	Тошкент вилояти, Фарғона вилояти

#### 9.4. Миллий меърос бойликларидан фойдаланиш

Миллий меърос бойликларининг географиясини ўрганишдан куйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Республикамининг деярли барча ҳудудларида миллий меърос турларининг манзиллари бор. Жадвалдаги маълумотлар дастлабки кузатувлар натижаси бўлиб миллий меърос турларининг биз билмаган манзиллари ҳам жуда кўплаб туманлар, шаҳарлар ва кишлоқларда фаолият кўрсатиб келаётганлигини англаш, тушуниш қийин эмас.

2. Республикамидаги аксарият миллий меърос турлари шаҳарларимизда ва туманларда жойлашган. Айниқса, Бухоро, Самарканд, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз шаҳарларида бошқа халқларда, мамлакатларда учрамайдиган мўъжизавий, инсонни хайратга соладиган, совғабол ва умумий фойдаланишга жуда зарур бўлган осори-атика буюмлар, қадимий асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилмоқдаки, бу имкониятлардан ички ва халқаро туризмда фойдаланиш дастурларини яратишимиз керак.

Маълумки, халқаро туристлар оқими кайд қилинган шаҳарларда кузатиш мумкин. Бу туристлар асосан тарихий ва маданий обидаларга ва зиёратгоҳ жойларга ташриф қилмоқдалар. Ана шу туристларни ушбу шаҳарлардаги миллий меърос турларига таклифлар қилиш, қизиқтириш усулларини кўллаш вақти келди. Бундай мақсадларни, режаларни амалга ошириш учун шаҳарлардаги миллий меърос буюмларининг жаҳон андозалари бўйича шакллантирилган, сифатли нақшланган буклов рекламаларини ўзбек-рус ва инглиз тилларида ахборот ва тушунтиришлар билан меҳмонхоналар, туристик фирмаларга тарқатиш ва бу букловларни хориж давлатлардан келган туристлар белул ёки совға сифатида олишларини таъминлаш амалда қўрилган усуллардан бўлиши шубҳасиздир. Бу букловлар турист ватанига қайтганидан кейин унинг кўплаб ватандошларини қизиқтириши мумкин.

Миллий меърос турларининг ҳунармандчилик, устачилик марказлари шаҳарларда жойлашганлиги учун шаҳардаги талабалар, коллеж ва академик лицейлар ўқувчиларини шунингдек атроф туманлардаги мактаблар ўқувчиларини имтиёзли экскурсия усулида бу ҳунармандчилик ва устачилик марказларини кўришларини таъминлаш ички туризмнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатишини яхши англашимиз керак.

Миллий ўйинларимизни туристик фирмалар ёки туристик ташкилотлар ташкил қилишига асло ҳожат йўқ. Бу ўйинларни халқимиз йилнинг мавсумларида ўзлари доимо ташкил қилмоқдалар. Туризм соҳасидаги мутахассисларнинг вазифаси туристларни бу миллий ўйинларга таклиф қилиш ҳисобланади. Таклифгача эса ўйинларга етиб бориш маршрутлари шикланган ва туристларга кўрсатиладиган барча хизматлар кўрсатиш мажмуалари, шароитлари яратилиши талаб қилинади.

Миллий меърос турларининг тавсифи, таснифи ва географияси билан танишганимиздан сўнг миллий меърос бойликларини ривожлантириш ва фойдаланиш муаммоларини кўриб чиқишга тўғри келади ва туризм соҳасида фойдаланиш тўғри бўлади. Чунки бу миллий меърос турлари деярли тайёр

ҳолатдалигини кўрамиз. Бу ҳолатда миллий меърос турларидан фойдаланишда биринчи навбатдаги вазифа хизматлар кўрсатишнинг ташкил қилиш ва ишлаб чиқиши ҳисобланади.

1. Туризмда миллий меърос турларини ривожлантириш ва фойдаланишнинг биринчи навбатдаги вазифаси бу турлар ҳақидаги реклама маҳсулотлари Республикаимизнинг барча меҳмонхоналарида, туристик фирмаларида ва туристик ташкилотларида кўп тиражда бўлишлигини таъминлашдир.

2. Республикаимиз туризмида миллий меърос турларини ривожлантириш учун жаҳон талабларига мос келадиган, илмий ва иқтисодий жиҳатдан асосланган, қутиладиган натижаларни режалаштириш бўйича турли муддатларга мўлжалланган грант лойиҳалар ва бизнес режалар ишлаб чиқишини амалга оширишни бошлаш лозим бўлади. Бу лойиҳалар, бизнес режалардан истикболли, барча сарф-харажатларни қисқа муддатларда қоплайдиган, илмий ва иқтисодий жиҳатдан асосланган грант-лойиҳалар ва бизнес режаларни амалга ошириш учун давлатимиз томонидан имтиёзли кредитлар ажратилиш туризмда миллий меърос турларини ривожлантиришда тубдан бурилиш бўлади.

3. Туризмдаги миллий меърос турларини реклама қилиш йўналишида жаҳоннинг турли тилларида Ўзбекистон халқининг ижодкорлиги, яратувчанлиги, миллий маданияти ва санъати, хунармандчилиги, бетакрор-мўжизали буюмлар яратишдаги қўли гул устачилиги ва бошқа давлатларда учрамайдиган турли-туман, қизиқарли миллий ўйинлари борлиги ҳақида интернетда сайтлар очиш миллий меърос турларини ривожлантириш йўлидаги фаол меҳнатлардан бўлади.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** миллий меърос, миллий урф-одатлар, миллий маданият, миллий этика, миллий ўйинлар, миллий ишлаб чиқариш, миллий хунармандчилик, миллий санъат, миллий кийимлар.

**Мавзу бўйича тест саволлари:**

**1. ЮНЕСКОнинг “Жаҳон меъроси” рўйхатиغا Хивадаги Ичон қалъа қачон қабул қилинди?**

- А. 1990 йилда
- Б. 1992 йилда
- В. 1993 йилда
- Г. 2000 йилда

**2. ЮНЕСКОнинг “Жаҳон меъроси” рўйхатиغا Шахрисабзнинг тарихий маркази қачон қабул қилинди?**

- А. 2000 йилда
- Б. 2001 йилда
- В. 2003 йилда
- Г. 2005 йилда

**3. ЮНЕСКОнинг “Жаҳон меъроси” рўйхатиغا Бухоронинг тарихий маркази қачон қабул қилинди?**

- А. 1993 йилда

Б. 1994 йилда

В. 1995 йилда

Г. 2010 йилда

**4. ЮНЕСКОнинг “Жаҳон меъроси” рўйхатида Самарқанддаги Регистон ансамбли қачон қабул қилинди?**

А. 2001 йилда

Б. 2002 йилда

В. 2003 йилда

Г. 2004 йилда

**5. ЮНЕСКОнинг “Жаҳон меъроси” рўйхатида қанча тарихий, маданий ёдгорликлар бор?**

А. 721 та

Б. 621 та

В. 521 та

Г. 421 та

## **10-Мавзу. Орол денгизи хавзасидаги экологик-иқтисодий ҳолат**

**Режа:**

10.1.Орол денгизи хавзасидаги экологик-иқтисодий ҳолат.

10.2.Орол денгизи хавзасида экологик ҳолатни яхшилаш тадбирлари.Нукус декларацияси.

10.3.Орол денгизига сув ташлаш лойиҳалари

10.4.Орол денгизи хавзасида экотуризмни ривожлантириш йўллари.


### **10.1.Орол денгизи хавзасидаги экологик-иқтисодий ҳолат.**

Орол денгизи - Марказий Осиёнинг Қорақум, Қизилқум, Устюрт, Катта ва Кичик Бўрсиқ ва Оролбўйи Қорақуми каби йирик чўллари бирлашган худудидаги ноёб денгиз.Орол денгизи эраиздан олдинги 1-минг йилликнинг биринчи ярмидан бери мавжуд.Катталиги жihatдан Каспий, Юқори кўл (Шимолий Америка)ва Викториядан(Африка) кейин тўртинчи ўринда.

Ўтмишдаги аёвсиз урушлар, Амударёнинг чап қирғоғидаги дамбаларнинг бузилиб туриши натижасида Орол сатҳи то 10 метргача пасайиб турган. Амударё эски ўзани орқали Сарикамиш чўкмасига оққан. Лекин халқ хамиша Амударё сувини Оролга йўллаган.

Орол, орол қадимдан бизга келган бу сўзнингмаъноси -"Орол" -сув хавзалари ўртасидаги қуруқлик, Денгиз, денгиз тўсатдан-орол,ғайриоддий туюлади.Балким,денгизнинг номланишида, унинг тақдирида бора-бора тупроқга айланиши ёзилганмикин. Нима бўлса ҳам Оролнинг ҳолати ҳозирча шу томонга ривожланиб бормоқда. Орол муаммоси XX аср бошларида юзага чиқа бошлади. Бу вақтда тадқиқотчилар суғориладиган ерларнинг тобора кенгаётганлиги, Оролни тўйинтирадиган сувларнинг олиб қўйилиши,

натижда денгизсатхи пасайишни исботлаб бердилар.Лекин улар бу пасайишнинг экологик окибатларини кўрсатиб беролмади.



*Орол денгизининг қуриб бориши (Коинотдан олинган расмлар)*

Ўтган асрнинг 60- йилларида Қозоғистон ва Ўрта Осиёда суғориладиган ерларни кескин кенгайтириш режалари тузилаётган пайтда олимлар яна Оролни тадқиқ қила бошлади. Худди шудаврда таникли мутахассислар гидролог лар,гидротехникларнинг башоратлари матбуотда эълон қилингандиБу маълумотлар бўйича Амударё ва Сирдарё сувларини суғоришга олишда Оролнинг пасайиши табиий-муҳитга зарар келтирмайди.Улар хатто Оролнинг қуриши, унинг ўрнида суғорма дехқончиликнинг ривожланишни тезлаштиради каби фикрларни ҳам билдиришади.

Ўта маъсулиятсизик, хиёнат билан исботланган бундай илмий хулосалар Орол денгизининг тақдирини ҳал қила бошлаган эди, 70 йилларда Орол сатхи ҳалокатли даражада пасая бошлади.Орол муаммоси, унинг атрофидаги чўлланиш биргина бизда эмас бутун Марказий Осиёда жиддий экологик хавфни тоборо кучайтирмоқда. Оролбўйи ҳалокатли экологик инкироз худуди тавсифларига киритилди.Экологик инкироз минтақасида 3,3 млн. аҳоли яшайди.

Оролнинг қуриб қолган қисми тузли чанг бўронлари ўлкасига айланди. Суғориш ерларга минерал ўғитларни назоратсиз солиш окибатида Орол ҳавзасида тўпланиб қолган захарли моддалар шамолда кўтарилиб бутун

Оролбўйига сочилмоқда. Сувнинг йўқлигидан Қоқақалпоғистон, Қизил Урда, Чимкент вилоятларининг аҳолиси ичишга яроқсиз сувдан фойдаланмоқда. Сув таркибида эса пестицидлар миқдори ошган. Кейинги 15 йилда Қизил ўрда ва Чимкент вилоятларида 36 марта юқумли касалликлар тарқалди. Орол бўйида тиф, вирусли гепатит билан касалланиш кўпайди. Сил, рак билан касалланиш сезиларли даражада ошди.

Оролни катта Орол ва кичик Оролга бўлувчи денгиз ости сув айирғичи юзага чиқди, денгиз 2 га бўлинди. Бир йилда 40 минг тоннагача овланадиган баликлар шўр сувда яшайолмай бутунлай йўқолди. Сувнинг шўрлигидан Оролбўйи чорвасининг сув таъминоти тамоман издан чиқди. Қайд қилинганларни таҳлил қилсак келажакда бизни нималар кутаётганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Оролнинг машҳур тадқиқотчиси бўлган академик А.С.Берг 20 аср бошларида ёзган "Орол денгизи" китобида -денгизнинг қуриши натижасида тузлар Помиргача боради, бу ҳалокатдир" деганди. Башорат тўғри чиқди. Ҳалокат бошланди. Орол денгизи фожиясининг сабабларини таниқли олим, профессор, халқаро "Экосан" ташкилотининг асосчиси ва раиси Ю.Шодиметов бўйича келтирамиз<sup>7</sup>.

1. Кўп сув талаб қиладиган ишлаб чиқаришга мўлжалланган ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш ва уларнинг режасиз, хом хусусиятлари. Бу сувни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш ва тайёр маҳсулот танқис бўлиб турганда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга олиб келди.

2. Қишлоқ хўжалик экинларининг экология жиҳатидан асосланмаган тузилмалари жорий қилинди ва энг аввало сувни кўп талаб қиладиган экинлар, биринчи навбатда пахта ва шоли экинлари майдони ғоят кенгайтирилди. Бу ҳолатлар катта миқдорлардаги минерал ўғитларни талаб қилди ва гербицидлардан кенг фойдаланишни талаб қилди.

3. Ерларни кенгайтириш ва суғориш ишлари сифатига эътибор бермай ҳосилдорлиги паст, мелиорациялаш қийин бўлган заминлар ўзлаштирилди. Натижада бундай агротехникалар тупроқнинг қайта шўрланишига ва юқори даражада минераллашган дренаж оқимларининг шаклланишига олиб келди.

4. Кўп ҳолларда суғориш тизимларини лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилиш ишлари сифатсиз бажарилди.

5. Суғориш меъёрлари кўпинча қулай шароитларда эмас, балки нима қилиб бўлса ҳам энг кўп ҳосилдорликка эришишни ўйлаб, етарли асосланмаган ҳолатларда белгиланди.

6. Минтақа иқтисодийтини ривожлантириш ва унинг экологик тизимга таъсири муқобил (альтернатив) йўллари илмий прогностлаш ва шу жумладан, катта миқёсларда амалга ошириладиган жами ишларнинг экологик оқибатларини таҳлил этиш йўқ эди.

7. Аҳоли ҳаёт кечириши сифатларига қаратилган бутун хўжалик-сиёсий фаолиятнинг ижтимоий мўлжаллари кучсиз эди.

<sup>7</sup> Ю.Шодиметов, Ижтимоий экологияга кириш. «Ўқитувчи» нашриёти, 1994, 231 б.

## 10.2. Орол денгизи хавзасида экологик ҳолатни яхшилаш тадбирлари. Нукус декларацияси.

Оролнинг ҳозирги сатҳи йиллик оқим суви 30-35 км<sup>3</sup> бўлгандагина сақланиб туради, бу Оролнинг ҳозирги юзасидан бир йилда бугланиб кетадиган сув миқдори. Баъзи бир олимларнинг тавсиясига кўра суғориш ва далаларни шўрдан ювишдаги сувларни Оролга оқизиш керак. Бу ҳолда 10 км<sup>3</sup> сувни тўплаш мумкин. Ҳозирда бу сувларнинг бир қисми коллектор каналлар билан Сарикамишга оқизиляпти. Агар бу лойиҳа амалга ошса, келажакда Оролнинг аҳолини тасаввур қилиш жуда қийин. Чунки Сарикамишда тузлар концентрацияси Оролга нисбатан 5 баравар кўп. Иккинчидан, узокдаги 5км<sup>3</sup> оқова суви Оролгача минглаб километр масофадан ўтиши керак. Бу сувнинг қанчаси сингиб кетади. Бу номалум.

Марказий Осиёдаги энг катта Қорақум канали сувининг 18-47% и тупроқга сингиб кетади. Канал ва Ашхобод атрофининг ботқоқларга айланишнинг сабаби шу.

Мутахассисларнинг ҳисобича Сирдарё ва Амударё хавзаларида суғоришга 35-40 км<sup>3</sup> сув сарф бўлади. Бу икки дарё сувининг ярми, чўлнинг хар хил сой ва пастликларига то 10 км<sup>3</sup> гача коллектор-дренж сувлари оқизиляпти, 5км<sup>3</sup> сув республикадаги сув омборларидан бугланиб кетади. Энди келтирилган тақлифларнинг энг паст миқдорини олсак 45 км<sup>3</sup> сув қаёққадир оқмоқда, лекин Оролга эмас.

Орол денгизи суви ўз тарихида баъзида пасайган, кўтарилиб, йуқолган. Илмий жиҳатдан тасдиқланиши бўйича 100 асрда 9 мартаба бу цикллар қайтарилган. Лекин, афсуски, ҳозиргача Орол табиатининг бу қонуни ҳисобга олинмай келинмоқда. Ер қобиғи ҳаракатда.



*Кичик ва Катта Оролни ажратиб турувчи дамба қурилиб, энди Сирдарёдан оқиб келаятган сув Кичик Оролда тўплана бошлади.*

Қоинотдан олинган суратлар бўйича Оролнинг бугун хавзаси шу усулда "нафас" олмақда. Баъзи бир қисмлари йил давомида 7мм эгилса, бошқа қисмлари минимал тезликда кўтариляпти. Ҳосил бўлган ёриқлардан сув кетаяпти. Оққан сув ер ости намларини сувга айлантirmoқда. Фарғона

водийси, Мирзачўл каби йирик ҳудудлар шундай сувлар таъсирида ботқоқликларга, сув ҳавзаларига айланиши мумкинлиги аллақачон исботланган.

Кейинги 25-30 йилда табиатнинг мувозанат қонунлари билан ҳисоблашмасдан, ўзбошимчалик билан иш тутиш натижасида барча сув омборлари ер қобиғининг асрий кўтарилаётган структуралари устига қурилди. Бу ҳолатда табиий нам оқими бузилиб ҳосил бўлган сув ернинг эгилган, букилган ёриқларидан оқиб кетмоқда. Бу сувлар қачонлардир бир ерга тўпланиши керак, табиат қонунини шундай. Ҳозирдан бу сувларни қайта тақсимлаш чораларини қўрилмас экан янги денгизлар ҳозирги шаҳарлар ўрнида ҳосил бўлиши мумкин.

Марказий Осиёда 1995 йил 10-20 сентябр кунлари БМТнинг Орол денгизи ҳавзасининг барқарор ривожланиши номли конференциясида Марказий Осиёдаги давлатлар президентлари имзолаган "Нукус декларация"си бу давлатларнинг биологик-иктисодий барқарор ривожланишда ҳалқаро талаб меъёрларини бажараётганлигини билдиради.

### 10.3. Орол денгизига сув ташлаш лойиҳалари.

Ўзбекистоннинг олим ва мутахассислари Ўрта Осиё давлатлари ҳудудлари ери остида 15 та мустақил сув ҳавзаларини топди. Бу сувлар Орол ҳавзаси билан боғланган бўлиб ўша гидрогеологик, эндоген ва тектоник ёриқлардан оқиб кетган сувлардир. Уларнинг 9 тасида 68 минг км<sup>3</sup> сув бор (Оролга эса 100 км<sup>3</sup> керак). Бу сувлар табиий филтирланиш натижасида ҳосил бўлган аъло даражадаги чучук сувлардир ва Орол бўйи аҳолисининг чучук сув муаммоларини ечади.

Таклиф қилинаётган бирорта лойиҳада бундай имконият йўқ. Ер остидаги бу денгизлардаги сувни ё нуқтални (артезиан) ёки чизикли (канал) усулда туплаш мумкин. Бу ҳолда чўллардаги ишламаётган 1,2 мингта артезиан қудуқларидан фойдаланиш мумкин, 100 км сувни йнғиш учун эса 50 мингта скважиналар керак бўлади. Қайд қилинганларни таҳлил қилиб, Оролни кутқаришни қуйидаги йўналишларда олиб бориш мумкин:

- халқаро ҳамкорлик (экология ва дунёвий башоратлаш моделлари, экология ва озик-овқат муаммолари, экологияда ҳақаро ҳамкорлик) маблағларини жалб қилиш;
- Орол бўйи региониде пахтачилик ўрнини аста-секинлик билан чорвачилик ва боғдорчилик, мўйначилик соҳаларига ўтказиб бориш;
- Амударё ва Сирдарё ҳавзасидаги сув омборларидаги сувларнинг бир қисмини Оролга оқизишнинг гидрогеологик ва гидрогелогик тадқиқотларини ўтказиш;
- Айдаркўл, Тўдакўл, Шўркўл каби ясама сув ҳавзаларидаги сувларнинг бир қисмини Оролга оқизишнинг гидрогеологик ва гидрогеологик тадқиқотларини ўтказиш;



- Қорақум канали ўзанини сув ўтказмайдиган воситалар билан мустахкамлаш;
- Ҳалқаро келишувга мувофиқ Каспийдан Оролга сув окизишнинг глобал гидроэкологик ва гидрогеологик тадқиқотларини ўтказиш(Каспий денгизи сувининг кўтарилиб бораётганлиги оқибатларини олдиндан башоратлашнинг глобал тадқиқотларини ўтказиш.
- Барча оқова сувларни Оролга оқизиш лойиҳаларини ишлаб чиқишни бошлаш.
- Аҳолининг экологик саводхонлигини, экологик билимини ва экологик маданиятини кўтариш. Экология фанини институт, университет, коллежларнинг барча йўналишларида ўқитилишини жорий қилиш.
- Сув муаммолари ва гидрогеологик илмий-тадқиқот институтини ташкил қилиш.

#### 10.4.Орол денгизи хавзасида экотуризмни ривожлантириш йўллари.

Экологик барқарор ривожланиш экологик муаммоларнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларга кучли таъсир этиши, бу таъсирларни ижобий ҳал қилишдаги табиат ресурслари фойдасини кўзлаб амалий ҳамкорлик қилишни талаб қилади. Бу ечим мамлакатимизнинг барча минтақаларида туризмнинг замонавий истикболли йўналишларидан бири экологик туризмни ривожлантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

*«Ўзбекистоннинг дам олиш ва саломатликни тиклаш имкониятлари, - деган эди Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов–сайёҳат маршрутларининг хилма-хил турларини ташкил этишига ва сайёҳатчиларни бутун йил давомида қабул қилишига шароит яратади».* Ҳақиқатда ҳам ушбу соҳани ривожлантиришнинг катта имкониятлари мамлакатимизда мавжуд<sup>8</sup>.

Орол денгизи ва Орол денгизи бўйи инқирозли экологик ҳудудларнинг ҳозирги ҳолатига кизиқувчи туристларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу экологик вазият танг ҳудудларга 2007 ва 2008 йилларда 64-68 чет эл давлатларидан хорижий туристлар келган бўлса, 2009 йилда 81 та хорижий давлатлардан туристлар келиб кетишди («Ўзбектуризм» МКнинг Хоразм вилояти бўлими маълумотлари).Орол денгизи акваториясига асосан Европа давлатларидан экотуристлар кўплаб келишмоқда.Европаликларнинг Орол денгизиги кизиқиши сабабларини яхшилаб таҳлил қилишимиз ва бу йўналишни кучайтиришимиз лозим.

Энди ўз ўрнида экологик вазият танг Орол бўйи ҳудудларида экотуризмни ривожлантириш масалаларини қандай ҳал қилиш мумкин деган савол туғилиши табиий. Орол денгизи бўйлари ва умуман экологик вазият танг бўлган қуйи Амударё ҳудудларида экотуризмни ривожлантиришнинг

<sup>8</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сарни». Т.: Ўзбекистон, 1998, 384 б.

муҳим аҳамияти куйидаги натижалар бериши билан муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд қилиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- ҳар бир табний-географик мажмуа бетакрор экотуризм имкониятларига эга, яъни ўзига хос ҳудудий хусусиятларга эга. Иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан экотуризмни тарихий туризм билан бирга олиб бориш, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидаги қадимий қалъалар ва Хива шаҳрига ташриф қилади хорижий сайёҳчиларига табиат ва инсон «маҳсули»ни кўрсатишдир;
- хориж олимлари ва тадқиқотчиларини мазкур ҳудудга жалб қилиш, уларнинг илмий тадқиқотлари натижалари ва хулосаларини давлат миқёсида муҳокама қилиш ва бу асосда белгиланган тадбирларни амалга ошириш орқали муаммоларни енгиллаштириш;
- маҳаллий сайёҳатчилар шу жумладан, мактаблар, лицейлар, коллеж, университетлар талабаларига Орол денгизининг қуриб қолган қисмини кўрсатиш, бу ерларга сайёҳатлар қилиш орқали вояга етган баркамол авлодни собиқ иттифок маъмурий буйруқбозлик тизимининг экологик муҳитни сақлаш соҳасидаги бугунги ҳалокатли оқибатларини кўрсатиш.

Орол денгизи бўйи ҳудудлари экологик вазият танг инқирозли экотуризм ҳудудлари бўлганлиги учун ҳам бу ҳудудларда пайдо бўлган экологик инқироз ҳолати асосий экотуризм объекти ҳисобланади. Экотуризм маршрутлари бир вақтнинг ўзида Орол денгизининг қуриган ва бу кирғоқчилик таъсирида утрган ҳудудларни камраб олиши зарур бўлади.

Бу экотуризм ҳудудларига туристлар ва сайёҳатчиларни, тадқиқотчиларни жалб қилишнинг куйидаги йўллари тавсия қилинади:

- халқаро экология билан шуғулланувчи ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш учун Ўзбекистоннинг мукамал халқаро экологик туризм дастурини ишлаб чиқиш;
- Орол денгизи бўйи ҳудудларидаги экотуристлик салоҳиятини интернет ахборот тизимларига ижтимоий-иқтисодий, табий ва маданий ландшафтлар ҳақида тасвирий лавҳа ва ахборотларни бериш;
- ички экотуризмни ривожлантириш учун оммавий ахборотлар воситаларида, телевиденияда ҳужжатли кўрсатувлар бериш;
- Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасига тарихий туризм сайёҳатини ташкил қилган ва ташрифи кутилаётган туристларга Орол денгизи бўйи экотуризм ҳудудлари бўйича қўшимча турмаршрутларни киритиш.

Орол денгизи бўйи ҳудудларида экологик туризмни ривожлантириш нинг ўзига хос хусусиятларига эътибор беришда биринчи навбатда бу ҳудудларда экотуризмни халқаро туризмда ҳам ва ички туризмда ривожлантиришнинг стратегик вазифаларини аниқлаб олиш талаб қилинади. Бу вазифалар куйидагилардан иборатдир:

- Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида экотуризмни минтақавий туризм соҳасида давлат аҳамиятига молик муҳим йўналиш деб қабул қилиш;
- мазкур табиий ҳудудларни экологик тоза сақлашга асосланган минтақавий экотуризмни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш.

Орол денгизи бўйида экотуризмни ривожлантиришнинг стратегик вазифаларини амалга ошириш учун эса қуйидаги тактик вазифаларни бажаришга тўғри келади:

- минтақада табиат муҳофазасида экотуризм манфаатларига мос бўлган вилоят ва республика ҳукумати қарорларини қабул қилиш;
- минтақадаги коллеж ва университетларда экотуризм бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш;
- экотуризм бўйича халқаро ва ички утризм даражаларига мосланган турмаҳсулотлар ишлаб чиқиш;
- Орол денгизи бўйидаги экологик инқирозли вазиятни ҳисобга олиб экотуризмда ишонарли баҳо сиёсатини ишлаб чиқиш;
- алоҳида муҳофазадаги давлат ҳудудларидаги маҳаллий ҳокимиятларга давлат ёрдамини кўрсатиш, дастлабки босқичларда туризм ва экологик туризмдаги хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;
- экотуризмнинг мукамал ахборот ресурсларини, экотуризм маршрутларини, экотуризм экскурсияларини ишлаб туризм бозорига чиқариш.

Орол денгизи бўйи ҳудудида экологик туризмни ривожлантиришнинг стратегик ва тактик вазифаларини бажаришдаги дастлабки ишлар бу ҳудуддаги барча экотуризм объектларининг мукамал рўйхатини тузиб чиқиш ва уларнинг мукамал таърифи, тавсифи, моҳиятларини тайёрлаш ҳисобланмоғи керак. Бу вазифани бажариш минтақадаги университетлар ва туризм коллежи зиммаларига юклатилиши мақсадли ва натижали бўлади.

Орол денгизи бўйи, Қуйи Амударё ва Хоразм вилоятларида экологик туризмни ривожлантиришда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳокимиятининг «Туризмни ривожлантириш дастурлари» ишлаб чиқилган.

Навбатдаги биринчи даражали вазифамиз Республикамиздаги барча вилоятлар ўзларининг «Туризмни ривожлантириш дастурлари»га Орол денгизи бўйи, Қуйи Амударё ва Хоразм вилоятларида экотуризмни ривожлантириш режаларини қўшиши лозим. Чунки, мамлакатимиз аҳолисида Орол денгизи бўйидаги экологик-иктисодий ҳолатларнинг аниқ тавсифлари унчалик ҳам тўлиқ эмас ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ватанимизда Орол денгизи бўйида яшовчи аҳолининг ижтимоий-иктисодий ҳолатларини қўллаб-қувватлаш учун экотуризм марафонларини ўтказиш, табиатсевар тадбиркорларни жалб қилиш, иктисодий жиҳатдан кучли корхоналар, ташкилотларни жалб қилиш ишларини ташкил қилишимиз ватанимиз табиатини асраш-авайлашдаги салоҳиятли ишларимиздан бўлиши шубҳасиздир.

*Мавзу бўйича тест саволлари:*

**1. Орол денгизи қайси экологик баҳога тўғри келади?**

- A. Худудий танг эковазият
- B. Сайёравий танг эковазият
- C. Маҳаллий танг эковазият
- E. Ҳалокатли эковазият

**2. Марказий Осиё мамлакатларининг асосий экологик муаммоларини аниқланг?**

- A. Чўлланиш
- B. Сув танқислиги
- C. Озиқ-овқат муаммоси
- D. Оролни кутқариш

**3. Орол муаммоси бўйича Нукус декларацияси қачон ўтказилди?**

- A. 1995 йилда
- B. 1996 йилда
- V. 1997 йилда
- Г. 1998 йилда

**4. Оролни тиклаш учун қанча сув керак?**

- A. 100 метр куб
- B. 90 метр куб
- V. 80 метр куб
- Г. 70 метр куб

**5. Оролни тиклашнинг энг мақбул лойиҳаси қайси?**

- A. Каспий денгизидан сув олиш
- B. Марказий Осиё ва халқаро ҳамкорликнинг ҳамжиҳатлилиги
- V. Замонавий суғоришга тўлиқ ўтиш
- Г. Бундай лойиҳа йўқ

*Мавзунини ўзлаштириш учун саволлар ва топшириқлар:*

1. Орол денгизи ҳавзасидаги экологик-иктисодий ҳолатни айтиб беринг

2. Орол денгизи фожiasi сабабларини тушунтиринг

3. Нукус декларациясида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг келишувлари нималардан иборат?

4. Орол денгизи ҳавзасида экологик ҳолатни яхшилаш лойиҳаларидан мисоллар келтиринг

5. Орол денгизи ҳавзасида экотуризмни ривожлантириш йўналишларини ўрганинг ва айтиб беринг.

## 11-Мавзу. Ўзбекистон халқлари. Динлар. Миллий зиёрат қилиш тушунчаси.

**Режа:**

11.1. Ўзбекистон халқлари. Ўзбеклар oilаси, фарзандлар ва уларнинг тарбияси.

11.2. Динлар. Зиёрат қилиш одоби

### 11.1. Ўзбекистон халқлари. Ўзбеклар oilаси, фарзандлар ва уларнинг тарбияси.

Ўзбекистонда ҳозирга келиб 36 млн. аҳоли яшамокда, бир квадрат километрга 56,1 киши тўғри келади. Аҳолиси республика бўйлаб нотекис жойлашган, қишлоқ аҳолиси 62,9 % ни ташкил қилади. Аҳолининг асосий қисми асосан воҳаларда, тоғ ва тоғолди минтақаларида жойлашган. Қуруқ иклимли чўл ва адирларда аҳоли жуда сийрак. Ўзбеклар қадимдан жуда ўтроқ халқлардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам аҳолининг миграция ва иммиграция ҳисобидан ўзгариши деярли сезилмайди. Аҳолининг табиий ўсиши юқори ҳисобланади. Ўзбекистонда никоҳдан ўтиш жуда юқори даражада, ажралишнинг сони камлигидан дунёда биринчи ўринларда туради. Кўп асрлик анъана ва халқ менталитетига мувофиқ Ўзбекистонда оила энг муҳим ҳаётий бойлик бўлган ва шундай бўлиб қолади.

Аҳолининг жинси таркиби бўйича 49,5 % ни эркеклар, 50,5 % ни аёллар ташкил қилади. Аҳоли умумий сонининг 40,8 % и болалар ва ўсмирлар (0-14 ёшлилар)дан, 28,3% и эса ёшлар (15-29 ёшлилар)дан иборат. Болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг умумий салмоғи 70% ни яъни республика аҳолисининг 2/3 қисмини ташкил қилади. Ўзбекистоннинг туб жой аҳолиси- ўзбеклардир, шу билан бирга ватанимизда қорақалпоқлар, тожиклар, қozoқлар, қирғиз, туркман, татарлар, руслар ва украинлар яшайди.

Ўзбеклар Тожикистон, Қozoғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Россия, Украина, Белоруссия, Литва, Авғонистон, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Хитой, Покистон, Германия, АҚШ ва бошқа давлатларда ҳам яшашади. Ўзбекларнинг антропологик келиб чиқиши аралаш бўлиб, асосан европоид ва қисман монголоид таркибларни ўз ичига олган халқ. Диний эътиқодига кўра ўзбеклар- мусулмон, сунний мазҳабда.

*Ўзбеклар oilаси, фарзандлар ва уларнинг тарбияси.* Биз ҳаммамиз касбимиздан, жамиятдаги тутган ўрнимиздан, ишимиз кўп ёки озлигидан, шахсий сифатларимиздан қатъий назар ота ва она деган юксак номга эгамиз. Бу ном эса сўзсиз ҳаммамизга қатта маъсулият юклайди. Иш кунимиз тугагандан сўнг, биз уйимизга, болаларимиз олдига шошиламиз.

Осмон кенглиги, беғуборлиги,

Одамнинг тенглиги, бахтиёрлиги.

Ҳаётнинг ҳамиша чин баҳорлиги,

Яшасин келажак- фарзанд борлиги<sup>9</sup>.

<sup>9</sup> Мавзунинг кириш қисмида О. Тўрасеванинг «Фарзанд бурчи» китобидан фойдаланилди.

Бу ерда бизни фақат ҳордик чиқариш, хонадонимиздаги ва турмушимиздаги қувончларгина эмас, балки шу билан бирга хилма-хил ота-оналик ташвишлари ҳам кутиб туради. Биз дастлаб болаларимизга қараймиз ва ўзига хос йўқламани бажарамиз. У қаерда ва нимага?-Ана шу оила дейилади.

Одам умрининг меваси фарзанд.Ҳаётнинг энг азиз, ширин борлиғи, воқеълиги ҳам фарзанддир. Шунинг учун ҳам одамлар бири-бири билан учрашганида «Қанча давлатнинг бор»,- деб эмас, «Қанча болангиз бор» -деб сўрашади.Болажонлик халқимизнинг азалий одатларидан.

Урф-одатларимизга биноан, оилада фарзанд туғилиши ота-оналарга ҳам, қариндош-уруғларга ҳам, яқин кишиларга ҳам катта қувонч олиб келади. Янги меҳмон шарафига келди-кетдилар анча кунгача давом этади. Келган кишилар уй эгаларининг барчасини фарзанд билан қутлаб «Катта бўлсин», «Тўйини кўринг», «Ақлли, хушли бўлсин» деган истакларни билдиришади.Ота-она фарзандига яхши ниятлар билан исм қўйишади, унинг бахтини ўйлаб қўлидан нима иш келса шунини амалга оширади. Бола тарбияси учун ота-она жамият олдида баравар бир хилда жавоб беради.Болада ахлоқий сифатларни мукаммаллаштиришда кўп ҳолларда тўнғич фарзанднинг ҳам ўрни бор.

*Болаларда ота-оналарга нисбатан иззат- ҳурматни тарбиялаш ўзбек оиласининг асрлар давомидаги энг яхши анъаналаридан ҳисобланади. Ота- она меҳри дунёдаги барча нурлардан иссиқ, ёқимли,файзли ва латофатлидир. Шундай экан,инсон фарзанди учун ота-онадан ортиқ давлат ва қувонч бўлиши мумкин эмас.Ота-она фарзандига белининг қувватини, кўзининг нуруни, қалбининг кучини берди, энг муҳими ҳаётни ва ҳаётини берди.*

*Фарзандга ота-она ҳам худди ҳаёт сингари бир марта берилади. Оллоҳ берган ана шу улуг имкониятдан фойдаланиб, ота-онани рози қилмаган, уларни ўқитган фарзанд умрининг охиригача афсус-надоматлар гирдобига зарқ бўлиб яшашга маҳкумдир.*

Халқимизда ота-онани улуғлаш фарзанд учун ҳам қарз,ҳам фарз дейилади.Ота-онани ҳурмат қилган, эъозлаган фарзандгина атрофидагиларнинг ҳурматиға сазовор бўлишади.Алишер Навоий ҳам болаларнинг ота-оналарига ҳурматни саклашлари зарурлиги ҳақида, болаларга хитобан,ота-оналарингни ҳурмат қил, бирини ой, бирини қуёш деб билиб,уларнинг сўзларидан, насиҳатларидан чиқма, барча хизматларинг одоб билан бўлсин дейди.

Бошни фидо айла ато қошиға,  
Жисмни қил садқа ано бошиға..  
Тун-кунунгга айлагани нурлош,  
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Ота-онанинг фарзандим деб чекган захматлари шунчаларки, умринг бўйи хизмат қилсанг ҳам узаолмайсан.Ота-онага қанчалик меҳрибон бўлиб, ҳол-аҳволидан доим хабардор бўлиб турсангиз, кўнглини топиб шод этсангиз, ўғил-қизингиз ҳам сиздан ибрат олади. Кексаларни ҳурмат қиладиган одобли фарзанд бўлиб ўсади. Бир куни улардан иззат-ҳурмат кўриб севинасиз.«Ҳар

ким экканини ўради», - деб шунга айтишади. «ота-онанига нимани қилсанг, бола-чакангдан қайтади» дейишади кексалар.

Болаларни оилада тўғри тарбиялашда бутун оилавий хўжаликнинг оқилона ташкил этилиши, оилада болаларни қўлларидан келадиган ишларга жалб қилиниб турилиши жуда катта аҳамиятга эга. Болани у бажараоладиган меҳнатга барвақт ўргатган ва уни кундалик меҳнатга барвақт одатлантирган, болада оиланинг керакли, фойдали аъзоси бўлиш истагини ҳосил қилаолган онла ахлоқ тарбияси вазифаларини ҳам шу қадар муваффақиятли ҳал қилаоладиган бўлиб қолади. Ёшлик чоғиданоқ меҳнат қилишга одатланган бола катталарнинг меҳнатини қадрлайдиган, моддий бойликларни тежаб-тергайдиган бўлиб ўсади. Ота-онанинг ҳамма нарсага қудратим етади деб, боланинг райига қарайвериши унинг тарбиясини бузади. Болани кичиклигидан ўзини тийишга, нарсаларни қадрлашга, эҳтиёт қилишга ўргатиш керак.

## 11.2. Динлар. Зиёрат қилиш одоби

*Дунёдаги динлар.* “Дин” сўзи дунё халқларида ҳар хил маънода таржима қилинади (ўзлари учун тушунарли маънода) ва ҳар хил мазмунда тушунтирилади ёки тушунилади. Манбаларга биноан русчадаги “религия” сўзи латин тили феълидаги “релегере” – “яна боғлаштириш, бирлаштириш қайта бирлаштириш” маъноларини англатади. Дастлаб эътиқод, ишонч кейинчалик дин – “релегере” инсоният тараққиётининг турли босқичларида пайдо бўлган яъни инсон онгида шаклланган.

Диннинг келиб чиқишида инсонлар жамиятида баъзи бир (шаманлар, авлиёлар, каромат кўрсатувчилар, қоҳинлар) кишиларнинг табиатдаги воқеъликлар ва жараёнларнинг моҳияти ва мазмунига етиш, бу воқеъликлар ва жараёнлар билан алоқалар боғлашга уринишлари, фаолиятлари билан боғлиқ деб ҳисоблашади.

Кўплаб ишонч ва эътиқод йўналишлари, диний йўналишлар авлиёлар, қоҳинлар ва шаманларнинг атрофидаги кишилар онгига ўзларининг рухий таъсирларини ўтказиши, уларда ишонч ёки ихлос ҳосил қилишга уринишлари натижасида ҳосил бўлган деган тахминий хулосалар ҳам мавжуд. Худди ана шундай кишилар шарафига ибодатхоналар, масжидлар ва бошқа кўплаб диққатга сазовор иншоотлар қурилди ва ҳозир ҳам қурилмоқда.

Дунёдаги динларнинг барчасида оламнинг келиб чиқиши ва ундаги барча ҳодисаларни дастлабки тушунишга уриниш йўлида қайд қилган қоҳинлар, авлиёлар ва шаманларнинг ижоди, атрофидаги оммага табиат ҳодисаларини ўзлари тушунган, тасаввур қилган ҳолда тушунтиришлари ётади.

Бу тушунтиришларда улар табиат ҳодисаларини ва Оламни, бу оламни яратганлар бошқаришни (Аллоҳ, Худо, Тангри, Бог ва бошқ...), ўзлари ана шу худолар билан алоқалар боғлаганликлари ва топшириқлар олганликларини изоҳлашган. Дин турли халқларда моҳияти ва мазмуни жиҳатдан худого

ишониш лекин ана шу Аллоҳга ёки худога сажда, ибодат қилиши жиҳатидан турли-тумандир (намоз ўқиш, чўқиниш, зикрга тушиш, куй чалиш ва бошқ...)

Ҳозирги вақтда динлар майда, маҳаллий (миллий) ва дунё динлари каби гуруҳларга бўлинган. Майда динлар (тотемизм, фетишизм, шаманизм, магия) ҳозирда кам сонли халқлар ва қабилаларда сақланиб қолган. Маҳаллий (миллий) динлар аксарият ҳолларда бир давлатда ёки икки, уч давлатда қабул қилинган бўлиши мумкин. Масалан Ўзбекистонда ислом дини асосий дин ҳисобланади. Лекин бошқа динлар фаолияти ҳам тўлиқ ҳимоя қилинган.

Дунё динлари асосан 3та ёки 3 йўналишдаги динлар ҳисобланади:

1. *Буддавийлик дини*—6,0минг йилдан ошди. Унинг асосчиси Сиддхарта Гаутама (милoddан аввалги 623–544 йиллар) Будда—ҳақиқат нажоткори маъносида. Ҳозирги вақтда 2,5 млрд киши буддизм динига эътиқод қилади.
2. *Христианлик дини*—2000 йилдан ошди. Бу дин—халоскорлик динидир. Ҳозирги Фаластинда пайдо бўлган. Худо ўз ўғли Иусис Христосни халоскор қилиб ерга юборади. Христос ўз таълимотини тарғиб қила бошлаганида 30 ёшда эди. Бу дин 324—йилда Римда давлат дини деб эълон қилинган. Бу динда 13 та байрам бор. Энг катта байрами—Рождество—Исонинг туғилиши 25—декабр ҳисобланади. Христиан дини 3йўналишни ташкил қилади.—1) православлар—100 млн киши, протестантлар—350 млн киши, католиклар— 650 млн киши.
3. *Ислом дини*—Саудия Арабистонда дунёга келган. Ислом сўзи—“итгоат этмоклик” деган маънода. Бу дин пайғамбари 570—йилда туғилган Мухаммад саллоллоху алайҳи васалламдир. Ислом динининг асосларини кўйидагилар ташкил қилади:
  1. Калиман шаҳодат
  2. Намоз ўқиш
  3. Рўза тутиш
  4. Закоат бериш
  5. Ҳаж қилишИслом динига ҳозир 1 млрд киши эътиқод қилади.

Диний—зиёрат тушунчасида юқорида қайд қилинган динлардаги кишилар нинг ўз динидаги зиёратгоҳлар, ўз динидаги авлиёларга, пайғамбарларига, ушбу диндаги таълимот яратган машҳур кишиларнинг қабрларига, дин билан боғлиқ муқаддас жойларга ҳаракатланиши, ибодат, сиғиниш учун ўз юртидаги муқаддас ҳисобланган жойларга ва бошқа ўлка, давлатлардаги муқаддас жойларга бориши, келишини тушунишимиз керак.

Диний—зиёратни ҳар бир давлатда икки йўналишга бўлиш мумкин. Биринчи йўналиш— ички диний—зиёратгчи ташкил қилади. Бу йўналишда бир давлат ичидаги халқлар, элатлар, миллатлар ўз давлати ҳудудларидаги диний — зиёратгоҳ масканларни яхши билишади ва ўз динидаги машҳур авлиёлар, уламолар ёки муқаддас жойларга бориб ибодат қилишади, сиғинишади. Бир давлатдаги ички диний—зиёрат йўналишлар динга эътиқод қилувчилар бўйича ҳам яна тармоқларга бўлиниб кетади. Масалан, Ўзбекистондаги барча диндор



кишилар ўз диний-этикодлари бўйича ўз диний маросимларини эркин равишда ўтказадилар. Диний-зиёратдаги иккинчи йўналиш бир мамлакатдаги диндорларнинг бошқа бир давлатдаги ўз дини раҳнамолари, авлиёлари қабрлари ёки бошқа муқаддас жойларга зиёрат, сиғиниши учун қилган сафарлари тушунилади.

*Ўзбекистонда динлар.* Ўрта Осиёда бир неча минг йиллар давомида динлар бақамти бўлиб тинч-тотув яшаб келган. Айнан дин миллати ва ирқидан катъий назар, мамлакатлар ва қишлоқларни бирлаштирувчи бирдан-бир маданият ўзаги бўлиб келган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил қабул қилган Конституциясига кўра, «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга этикод қилиши ёки ҳеч қайси динга этикод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Диний ташкилотлар ва уюшмалар давлатдан ажратилган ва қонун олдида тенгдир. Давлат диний уюшмаларнинг фаолиятига аралашмайди». Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми ислом динига, европалик аҳоли христианликнинг православие мазҳабига этикод қилади. Улар билан бир қаторда католик, протестант, бошқа мазҳаб жами 20 дан ортиқ конфессия вакиллари яшайди.

Ўзбекистонда дин ва диний дунёқараш, дунёвий турмуш тарзи, дунёвий фикр билан ёнма-ён яшаб келмоқда. Қонунга биноан фуқарога яқка ёки гуруҳ бўлиб динга этикод қилиш, диний урф-одатлар ва маросимларни бажо келтириш, муқаддас жойларга ҳаж қилиш ҳуқуқи берилган. Ҳар йили 5 минг Ўзбекистонлик фуқаролар ҳаж сафарларини амалга оширишади ва шунча кишилар умра сафарларида бўлишади.

Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси қаромоғида иккита ўқув юрти-Бухородаги «Мир Араб» диний билим юрти(1945 йилдан) ва Тошкентдаги Ислом институти(1971 йилдан), 2000 яқин жоме масжидлари бор.

Биринчи ўзбек тилида «Чўлпон» нашриётида 1991 йилда Алоуддин Мансур таржимасида, 2001 йилда Ислом университети нашриётида, Абулазиз Мансур таржимасида «Қурони Карим», Қомуслар Бош таҳририятида Имом Бухорийнинг 4 жилдли «Ҳадис»лари (1991-96) нашр этилди. Диний идоранинг «Мовароуннаҳр» нашриёти «Ҳидоят» журналини ва «Ислом нури» газетасини чоп этади.

Ислом динининг бой меъросини, мусулмон алломаларининг бой меъросини ўрганиш учун 1995 йилда Тошкентда халқаро ислом тадқиқотлари маркази тузилди. 1990 йилдан Ўзбекистонда Ислом университети фаолият бошлади. Давлат республикада динлараро иноқлик ва тотувликни кўллаб қувватламоқда. 1995 йилда Тошкентда «Бир осмон остида биргаликда яшаймиз» мавзусида мусулмон-христиан конференцияси ўтказилди, унда Жаҳон черковлар кенгашининг ва бир қанча хорижий черковларнинг вакиллари иштирок этишди.

1996 йилда Рус Православ черкови Епархия бошқармасининг 125 йиллиги тантанали равишда нишонланди. Ўрта Осиёга Патриархиянинг бутун тарихи мобайнида биринчи марта шу сана байрамига Москва ва Бутун Рус

Патриархи Алексей II таширф буюрди.1996 йилнинг декабрида Ўзбекистон Евангелий лютеран жамоаси Ўрта Осиёдаги бирдан-бир лютеран черковининг 100 йиллигини нишонлади.1999 йилнинг март ойида Самарқандда Рим католик черковининг костели тантанали очилди. Мустақиллик йилларида шонли саналар-машхур мусулмон алломалари нинг юбилейлари муносабатлари билан бир катор халқаро симпозиумлар ўтказилди.

**Зиёрат қилиш одоби.** Албатда,олдиндан таъкидлашимиз лозимки, биз муаллифлар дин соҳасининг билимдонларидан эмасмиз.Шунинг учун ҳам зиёрат қилиш одобини адабиётлардан фойдаланиб келтиришимиз мумкин.Халқимиздаги зиёратни кузатадиган бўлсак,хар ҳолда зиёратлар анча тўғри маънода бажарилади. Биз кўплаб ҳолларда зиёратни азиз авлиёларнинг ўзларига илтижо қилиш(ниятлар,сўров,тилак,ёрдам ва ҳақозолар) билан чекланамиз. Бундай зиёрат нотўғридек талкин қилинмоқда. Шунинг учун ҳам,зиёрат одоби ва тартиби ҳақида олимларнинг тавсиялари ёки фикрларини келтириш ўринли деб ҳисоблаймиз.Чунки зиёратда азиз авлиёга-одамга сажда қилиш керакми ёки оллоҳгами деган саволлар тобора кўпаймоқда. Бу ҳақда таниқли олим Султонмурод Олим хулосаларини тўлиғича келтирамиз<sup>10</sup>.

-Тасаввуфнинг бошқа айрим соф фалсафий таълимотлардан бир фарқи шу эдики, у кишиларни бевосита ўз гоёларига амал қилишга ундар эди.Бошқача айтганда,тасаввуф бир гуруҳ одамлар учун фалсафий таълимотгина эмас,бевосита кун кечириш тарзи, демакки,кундалик машгулот эди. Турли даврлардаги хилма-хил кўринишлари, тарикатлари, тизимларидан қатъий назар тасаввуф умуман олганда инсонни руҳан камолга етказиш назарияси эди.

Бу назарияга кўра,инсонни худо ўзига ўхшатиб яратганми,Оллоҳнинг бу оламни пайдо қилишдан кўзлаган мақсади ҳам аслида инсон эканми,демак,инсон Тангрининг бу мурувватига шукроналар айтиб,ўзини батамом Оллоҳга бағишлаши,бунинг учун эса ўзини лойиқ даражада поклаши-камолга етказиши керак.Ана шундай ўзини олий мақсадга чоғлаган,жисмини унутиб,руҳини Оллоҳга етар даражада ўстирган,ўзини Оллоҳга етар даражада поклаган,жисм эҳтиёжлари туфайли пайдо бўладиган жамки инсоний иллатлардан фориғ қилган кишилар *инсонни комил* бўлганлар.Тасаввуфий ақидага кўра,комил инсонлар пировардида,шубҳасиз Оллоҳ васлига мушарраф бўладилар,руҳан Тангри билан бирлашиб кетадилар,вахдат, яъни бирликка эришадилар.

Гап шундаки, Одам Ато наслидан шундай комил инсонларнинг етишиб чиқганлиги-наинки бир халқ ёки миллион-миллион, боринки, миллиард-миллиард одамлар, балки башариятнинг буюк бахти, мислсиз бойлиги. Тасаввуф ақидасига кўра: «Жумла мавжудот одамзотга шунинг учун сажда қиладики, одамлар орасида комил инсонлар бор. Бас, жумла одамзод комил инсон туфайли (шарафли)дир.

Мавжудот ичра комил инсондан кўра улугроқ ва донороқ нарса йўқ, чунки комил инсон энг пастдан энг юқоригагача мартабалардаги мавжудот

<sup>10</sup>Султонмурод Олим.Накшбанд ва Навоий,Тошкент «Ўқитувчи»

ларнинг хулосаси ва қаймоғидир ва фаришталар, рухоний мавжудотлар ва арши курси, самовоту кавокиб-хаммаси комил инсон хизматидадирлар ва хамиша комил инсон теғрасини тавоф қилурлар ва комил инсон ишларини бажо келтирурлар. Комил инсон илм мазҳаридир (кўринишидир.-С.О.), комил инсон илҳий зот(яъни Худо-С.О.)сифатларининг ҳам мазҳаридир. XIII аср ва XIV аср бошларида яшаб, ижод этган мутасаввиф олим Шайх Азизиддин Насафийнинг «Инсони комил» рисоласидан олинган бу парча профессор Нажмиддин Комилов таржималарида келтирилди.

«Авлиёлар атрофида фаришталар, барча рухоний мавжудотлар, аршу керси, самовату кавокиб айланиб юрса-ю, унинг хизматида бўлса, кишилар дардларини ана шу авлиёлар рухига айтсалар, зора, бу рух фаришталарга буюрса-ю, ўша дардманднинг илтижосини Оллоҳга етказишса ва шу тариқа ўша рухга топинган одамнинг мушкули кушод бўлиб, у дардига шифо топса». Мана азиз авлиёларнинг қабрларининг хамиша одамлар билан гавжум бўлишига бир сабаб ва зиёрат қилиш одоби ҳам шундай бўлиши керак.

*Диний-зиёрат туризмидаги асосий йўналишлар.* Диний-зиёрат туризмидаги асосий йўналишлар ҳақида мулоҳазалар билдирилганда эътибор бериш лозимки, бу йўналишлар алоҳида-алоҳида таърифланган эмас. Олдинги қайдларда айтилганидек, диний-зиёрат туризми асосан дунёдаги учта дунё динларидаги сафарлар, саёхатлар тушунилади. Мулоҳаза қилинганда, туризмда диний-зиёрат йўналишлари алоҳида тармоқларга бўлиб диний-зиёратгоҳ масканларда фойдаланишда қуйидаги иш юритиш объектларини ташкил қилиш ва ривожлантиришда ўрганиш манбаи бўлиб хизмат қилади.

1. Диний- зиёратгоҳ масканлардан ички туризмни ривожлантиришда фойдаланиш.

2. Диний-зиёратгоҳ туризмдан ҳалқаро мақсадларда фойдаланиш.

1. Диний-зиёратгоҳ масканлардан ички туризмда фойдаланишда Республикамиз ҳудудларидаги барча зиёратгоҳлардан фойдаланилади. Бунда диндаги эътиқодларга қараб қайси зиёратгоҳга қанча турист келганлигини аниқлаш, уларга хизматлар кўрсатиш, туристларнинг эҳтиёжларини ўрганиш орқали келгусидаги ишларни режалаштириш мумкин. Шунингдек, баъзи бир зиёратгоҳлардаги авлиёлар қабрини 2 – 3 эътиқоддаги диндорлар ҳам зиёрат қилишади.

Диний-зиёратгоҳ масканлардан ички туризмда фойдаланишда мамлакат аҳолиси қайси зиёратгоҳларга кўпроқ боришади? Ана шу савол ўрганилиб айнан ана шу зиёратгоҳга туристик оқимни кучайтириш чора –тадбирларини ишлаб чиқиш тўғри бўлади.

2. Диний – зиёратгоҳ туризмдан ҳалқаро мақсадларда фойдаланилганда мамлакатимиздаги диний-зиёратгоҳлардан қайси бирлари ёки қанчаси ҳалқаро миқёсда таниш ёки маълумлиги аниқланади. Масалан, ислом динидаги авлиёлар ёки муқаддас жойлар маҳаллий аҳамиятга эга бўлса бу зиёратгоҳларни ҳалқаро миқёсда реклама қилишдан ҳеч фойда бўлмайди. Шунинг учун ҳам, Республикамиздаги диний-зиёратгоҳ масканлар

диндорлар, зиёратчиларни жалб қилиш даражалари бўйича таснифланиш мумкин.

Вилоятлар ва туманлардаги диний–зиёратгоҳларга келиб –кетувчилар кўп ҳолларда мавсумий ҳам бўлиши мумкин. Масалан, кўплаб оилалар ўзларининг олдинги авлодларининг анъаналарига биноан бир вилоятда яшаб туриб узок иккинчи вилоятдаги эшон, саййид ва авлиёларнинг қабрларини йилда бир, икки маротаба зиёрат қилишади.

Диний – зиёратгоҳлардан туризмда инсонлар соғлигини тиклаш, рухий хотиржамликни ҳосил қилиш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин. Бу ҳолда диний–зиёратгоҳ масканларни кишиларнинг шифо топиш, рухиятни соғломлаштириш бўйича *таснифлаш* лозим бўлади.

Диний–зиёратгоҳ масканлардан фойдаланишда яна бир йўналиш ҳар бир мамлакатда бошқа диндаги тарихий обидалар ёки бошқа диндаги авлиёларнинг, пайғамбарларнинг ҳаёти билан боғлиқ жойлар ёки даҳмаларнинг борлигини ва бу зиёратгоҳларни бошқа халқларнинг қанчалик даражада билишлари билан боғлиқ бўлади.

Ҳар бир давлатда бундай жойлардан туризмда фойдаланиш яхши даромад манбаи ҳам ҳисобланади. Бунда энг биринчи навбатда мазкур зиёратгоҳларни туристлар ташрифига тайёрлаш, атрофда хизматлар инфратузилмаларини ташкил қилиш ва сўнгра ички ва халқаро туризм бозори учун реклама ахборот манбаларини тарқатиш лозим бўлади.

Масалан: Самарқанд вилоятидаги Ҳазрати Довуд пайғамбар ғори ва Дониёр пайғамбар(халқимиз Дониёр ота зиёратгоҳи дейишади) зиёратгоҳлари ана шундай имкониятларга эга бўлган, ички ва халқаро туризм оқимини ташкил қилишга асос бўладиган муқаддас зиёратгоҳлардан ҳисобланади. Дониёр пайғамбарни бошқа миллатлар, асосан руслар, рус тилида гаплашувчилар Отец Даниел, пророк Даннел деб аташади ва юқори даражада бу улуғ инсон таълимоти ва қабрини эъзозлашади. Шу ўринда қайд қилиш лозимки, Дониёр пайғамбар қабрини ислом динидагилар, христианлар ва православлар ва иудизм эътиқодидаги диндорлар ёки 3 дунё дини эътиқодидагилар зиёрат қилишади. Ана шундай улуғ авлиёларнинг қабрлари ватанимиз тупроғида эканлиги ҳам «Ўзбекистонни Аллохнинг назари тушган юрт» деган ҳикматли гапнинг *буюк ҳақиқатлилигини* тасдиқлайди.

Россия давлатининг президентлари В.В. Путин ва В. Медведевларнинг ҳам Самарқандга келганидан Дониёр пайғамбар қабрини зиёрат қилиши оламшумул аҳамият касб этади. Чунки, уларнинг бу зиёратини бутун дунё матбуоти ўз саҳифаларида ёритди, кўрсатувлар, эшиттиришлар берди. Худди шундай зиёратгоҳ мисолида Довуд пайғамбар ғори ҳақида кўриш мумкин. Довуд пайғамбарни чет элликлар пророк Давид деб аташади. Бу пайғамбарни Марказий Осиё халқлари темирчиликнинг пири деб билишади.

Диний–зиёратгоҳ масканлардан халқаро туризмда фойдаланишда Жиззах вилоятида жуда катта имкониятлар бор. Биргина Саъд ибн Абу Ваққос–авлиё ота зиёратгоҳи бу фикримизга мисол бўла олади. Бу мўтабар инсоннинг номи бутун ислом оламига таниш бўлганлиги, Мухаммад (с.а.в.) пайғамбаримизнинг яқин саҳобаларидан бири, тоға авлодидан эканлиги,

пайғамбаримиз бу улут зотни беҳад ҳурмат қилганлиги ва жасур лашкарбоши бўлганлиги учун ҳам бу зиёратгоҳга халқаро ислом олами микёсида туристларни жалб қилиш мумкин.

Саъд ибн Абу Ваққос бу жойда бўлган ва ғайридинлар билан жанг қилган. Имом ал-Бухорий, Ал-Ҳаким ат-Термизий, Қусам ибн Аббос, Бухоролик 7 пирлар, Чор Бакрлар зиёратгоҳлари дунё халқлари тилидаги халқаро зиёратгоҳлар ҳисобланади.



*Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги Саъд ибн Абу Ваққос—  
Авлиё ота зиёратгоҳи*

**Таянч сўзлар ва иборалар:** дин, зиёрат, эътиқод, зиёратгоҳ, муқаддас жойлар, руҳонийлар, фаришталар, концессия, зиёрат одоби, саҳоба.

**Мавзу бўйича тест саволлари:**

**1. Ўзбекистонда қанча аҳоли яшайди?**

- А. 30 млн
- Б. 29,5 млн
- В. 29 млн
- Г. 30,5 млн.

**2. Болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг республика аҳолисидаги салмоқи қанча?**

- А. 70 %
- Б. 65 %
- В. 60 %
- Г. 55 %

**3. Ўзбекистонда Ислам университети қачон фаолиятини бошлади?**

- А. 1990 йилдан
- Б. 1991 йилдан
- В. 1992 йилдан
- Г. 1993 йилдан

**4. Абдуҳалиқ Ғиждувонийнинг 9000 йиллиги қачон нишонланди?**

- А. 2003 йилда
- Б. 2004 йилда

В. 2005 йилда

Г. 2006 йилда

5. *Хожа Ахрор Валийнинг 600 йиллиги қачон нишонланди?*

А. 2004 йилда

Б. 2005 йилда

В. 2006 йилда

Г. 2007 йилда

## 12-Мавзу. Ўзбекистонда таълим, фан ва ижтимоий ҳаёт

Режа:

12.1. Ўзбекистонда таълим ва фан

12.2. Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт

### 12.1. Ўзбекистонда таълим ва фан

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаси, ёш авлоднинг маънавий тарбияси, интеллектуал имкониятларини ривожлантиришда ислохатларга зарурият сезилди. 1997 йил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов иштирокида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди.

Таълим тўғрисидаги қонун ва бошқа расмий ҳужжатларга мувофиқ, республика вилоятларида университетлар ва ихтисослаштирилган институтлар ташкил этилди. Барча олий ўқув юртларида қабул имтиҳонлари тест тизимига ўтказилди. Олий ўқув юртларида ихтисослаштирилган лицейлар ташкил қилинди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши бутун таълим тизимини тубдан ислох қилишга имкониятлар яратди.

*Мактабгача таълим* бола 3 ёшдан бошлаб 6-7 ёшга етгунча оила, болалар боғчаси мулк шаклидан қатъий назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади. Ҳар йили ихтисослаштирилган марказ, болалар боғчаларининг тайёрлов гуруҳлари, шанба-якшанбалик мактаблари ва маҳалла гузарлари, жамоа ва оилавий тадбирлари ўтказиш жойларида 200-250 минг бола мактабга тайёрланади. Болаларга чет тилларни, хареография, тасвирий ва мусиқа санъати, компьютер саводхонлиги асосларини ўргатувчи 1000 ортик гуруҳ ташкил этилган.

### Мактабгача тарбия муассасалари

Йиллар	2000	2002	2004	2006	2008	2010
Кўрсаткичлар						
Мактабгача доимий муассасаларнинг сони	6704	6899	6603	6414	6318	6239
Мактабгача доимий муассасалардаги болалар сони (минг)	624,6	631,1	573,1	562,2	530,4	526,9

**Бошлангич таълим** 1-4 синфларни қамраб олади ва 6-7 ёшдан бошланади. Умумий ўрта таълим республикада барча учун мажбурийдир ва 10-11 ёшдан бошланади. Мактаб ўқувчилари халқаро ва республика олимпиадалари, ўқувчилар спартакиадаларида муваффақиятли катнашмоқдалар.

#### Болалар мактабидан ташқари муассасалар

Йиллар	2000	2002	2004	2006	2008	2009
<b>Кўрсаткичлар</b>						
Саройлар ва ўқувчилар уйи	190	178	152	144	135	129
Техник ижодий марказлар	130	132	129	134	124	101
Ёш натуралистлар станцияси	108	113	110	112	100	101
Болалар ва ўсмирлар туризми ва ўлкашунослиги марказлари	41	43	45	60	56	55
Болалар маданият мусика ва бадий мактаблари	311	310	305	304	303	303
Болалар кутубхонаси	468	470	452	-	-	-
Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	530	533	504	516	523	538

#### Ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлари

Йиллар	2000	2002	2004	2006	2008	2009
<b>Кўрсаткичлар</b>						
Ўрта махсус ўқув юртлари сони	481	606	892	1052	1334	1539
Улардаги ўқувчилар минг	324,1	546,0	788,1	1075,0	1380,4	1623,1
Шу жумладан кундузги бўлимларда	262,7	470,1	697,5	960,6	1321,9	1597,7

Республика мактабларида 6 миллиондан ортиқ ўқувчи таълим олади. 450 мингдан зиёд ўқитувчи ишлайди. Педагоглар обрўсини ошириш учун Республика Президентининг фармони билан 1-октябр “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни” қилиб белгиланди.

Уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълими академик лицей ва коллежларда амалга оширилади. Касб-хунар коллежларини битирувчилари уч йиллик таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттириш ёки эгаллаган касб-хунар бўйича меҳнат билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими (9+3=12) мажбурийдир.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида ўрта махсус, касб таълими маркази ташкил этилган. Унинг тасаруфида уч йиллик ўқув юртларининг ўзига хос миллий модели – янги типдаги ўқув юртлари – лицей ва коллежлар бор.

Олий таълим 18-19 ёшдан бошланади ва 4 йил давом этади. Икки босқичга бўлинади—бакалаврият ва магистратура. Улар олий таълим мустақиллигини кучайтириш, жамоат бошқарувини жорий этиш, ўқишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда дистанцион таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда ўзлаштириш, таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлашни назарда тутади.

### Олий ўқув юртлари

Йиллар	2000	2002	2004	2006	2008	2009
Кўрсаткичлар	2001	2003	2006	2007	2009	2011
Олий ўқув юртларининг сони	61	62	68	62	62	62
Улардаги талабалар минг	183,6	232,3	263,6	286,3	297,9	274,5
Шу жумладан кундузги бўлимларда	141,9	171,2	186,4	223,3	271,8	268,7

**Бакалаврият**—таянч олий таълим берадиган йўналишларидан бири. Бакалавр учун ўқиш камида 4 йил давом этади ва олий маълумот ҳамда касбга эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом олиш билан яқунланади.

**Магистратура**—аник мутахассислик бўйича олий таълим бўлиб, бакалаврият негизида икки йил давом этади. Ўқиш давлат малака аттестацияси ва магистрлик диссертацияси химояси билан яқунланади. Ўзбекистон олий таълим тизимида 17 та университет ва 45 та институт бўлиб уларда 274,5 минг талаба билим олади. Олий таълимда 18,5 минг проф-ўқитувчи ишлайди. Улардан 53% и фан докторлари ва фан номзодлари. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида 23 та институт, 16 та факультет, 4 та марказ ва 14 та малака ошириш курслари ишлаб турибди. Ўзбекистон Республикаси президентининг қобилиятли ёшларни чет элларда ўқишни қўллаб-қувватловчи “Умид” жамғармаси ташкил этилган.

**Фан.** Ўзбекистонда фан тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади, у чуқур илдизга эга. У асрлар давомида табиат сирлари, тиббиёт, фалсафа, ҳуқуқшунослик, геология, адабиётшуносликни билишда ўзбек миллати бутун инсониятга катта хизмат қилди. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида илмий марказлар ва маданият марказлари қадимдан пайдо бўлган. Ўрта Осиё илмий тафаккурининг муҳим марказлари сифатида Бухоро, Урганч, Самарканд доимо тилга олинган. Булок исломшунос олим Имом ал-Бухорий асарларининг аҳамияти бекиёсдир. Унинг “Ал-жомийъ ас-саҳиҳ” асари, дунёдаги илоҳиётчи олимларнинг фикрича, қуръони каримдан кейин иккинчи китоб, бутун дунё мусулмонлари томонидан эътироф этилган ислом манбаидир.

Ҳозирги замон математикасининг, астрономия ва географиясини Мухаммад ибн Мусо Хоразмийсиз тасаввур қилиш қийин. У алгебра фанига асос солди ва унга ном берди. 12-асрда Хоразмийнинг асарлари Европа мамлакатларида асосий қўлланма сифатида хизмат қилди. Хоразмийнинг



номи (лотинча-Algorithm)математикага хинд рақамлари ёрдамида арифметика, кейинчалик алгоритм сифатида кириб келди. Худди шу даврда астроном, математик, географ Аҳмад Фаргоний ўзининг “Мадҳал-ун нуҷум” (Астрономияга кириш) асарини яратди. Бу китоб унга дунёвий шухрат келтирди. Аҳмад Фаргоний Испанияда илмий марказ ташкил этган ва университетга асос солган.

Олим табиб, файласуф, мусикашунос Абу Али ибн Сино инсоният тараққиёти тарихида ўчмас из қолдирди. У шарқ ва ғарбда машҳур эди. Унинг “Тиб қонунлари” кўп асрлар давомида бутун дунё табобатида асосий дастур бўлиб келган. Тараққийпарвар файласуф, энциклопедист–олим шарқ аристотелчиларининг асосий вакиллари билан бири, 160 дан ортиқ асарлар ёзган. Абу Наср Муҳаммад Фаробий Ислом таълимотининг кучли таъсирида бўлган ҳолда Аристотел таълимотига таяниб онтология, гносеология, мантиқ масалалари ва ижтимоий билимларни ўз ичига олган фалсафий тизимни яратди. Аристотел асарларини шарҳлаб бергани учун Форобий “Иккинчи муаллим” (Аристотелдан кейин) “Шарқ Арастуси” деб аталган.

Энциклопедист–олим Абу Райҳон Беруний Ўрта Шарқда биринчи бўлиб Ернинг куёш атрофида айланиши ҳақидаги фикрларни айтди. Геология, геодезия, астрономия, математика, минералогия, фармокогнозия бўйича муҳим тадқиқотлари билан машҳур. X- асрда Хоразмда ташкил этилган “Маъмур академияси” раҳбарларидан бири.

Табиий фанлар айниқса, астрономия ва математикадаги буюк илмий кашфиётлар давлат арбоби, олим, маърифатпарвар темурийлардан Мирзо Улуғбек номи билан боғлиқ.Фаннинг ёрқин ташкилотчиси сифатида у ўз давлатига дунёнинг турли томонидан олимларни таклиф этди. Унинг ташаббуси билан Самарқандда расадхона қурилди. Расадхона ташкил этишда Жамшид Қоший, Қозизода Румий, Муиниддин Қошоний, Салоҳиддин Мусавий, Али Қушчи ва бошқа буюк олимлар қатнашдилар. Улуғбекнинг “Зижи Қўрагоний” асари унга жаҳоншумул шухрат келтирди. Бу асар том маънода инсоният заковатининг буюк ёдгорлиги ҳисобланади.

Улкан давлат арбоби, шоир, олим Заҳириддин Бобирнинг “Бобурнома” асари XVI-аср илмий тафаккурининг буюк ёдгорлиги ҳисобланади. X-XI – асрларда Мовороуннаҳрда суфийлик кенг тарқалган. Суфийлик оқимлардан бирининг асосчиси ўрта Осиёлик шоир ва дин тарғиботчиси «Девони ҳикмат» шеърлар тўпламининг асосчиси Аҳмад Яссавий бўлган.

Фалсафий – диний характердаги 80 дан зиёд асар, жумладан, суфийлик ва суфийлар тўғрисидаги биринчи-тарихий-биографик асар муаллифи, суфийлик нинг “Ҳакимия” тариқати асосчиси Ҳаким Термизийдир. Ижтимоий-сиёсий тафаккурнинг ривожланишида Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий ижоди улкан аҳамиятга эга. Ана шундай мустақкам илдизга эга фан Ўзбекистонда қудратли интеллектуал салоҳиятни вужудга келтирди.

Республиканинг илмий-тадқиқот мажмуи академия, олий таълим ва бошқа тармоқлардаги 362 та муассасини, жумладан, 101 та илмий-тадқиқот институтини,олий ўқув юрғларидаги 55та лойиҳа конструкторлик

ташкilotини, 32та илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва тажриба корхонасини, 50 ахборот ҳисоблаш марказини ўз ичига олади. “Фан” нашриёти, фундаментал кутубхона ҳам Республика ФА таркибига киради. ФА да 11 илмий, 1та илмий-оммабоп журнал нашр этилади. ФА таркибида 140 та хақиқий аъзо (академик) бор. Ҳозирги кунда 46 минг киши фаннинг турли тармоқларида фаолият кўрсатмоқда, улардан 2,8 минг киши фан доктори ва 16,1 мингдан ортиқ киши фан номзодидир.

## **12.2. Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт**

**Матбуот.** Республикада иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ислохатларни амалга ошириш даврида аҳолининг янги тафаккури ва онгини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари тобора таъсирчан бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон конституциясида “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди” дейилган.

Ўзбекистон Республикасининг:

- “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” (1997 йил);
- “Ноширлик фаолияти тўғрисида” (1996 йил);
- “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги ва эркинлиги тўғрисида” (1997 йил);
- “Журналистика фаолиятини химоя қилиш тўғрисида” (1997 йил);
- “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” (1996 йил)ги қонунлар оммавий ахборот воситалари, матбуот ходимлари, журналистлар учун асосий дастурамал ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақиллигига эришгач кенг тармоқли газеталар тизими таркиб топди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида 507 номда (шундан 77 таси Республика), 162 таси вилоят, 176 таси туман, 45 та кўп нусхали газеталар нашр қилинмоқда. Буларнинг бир галги ўрғача нашри (адади) 2,1 млн. нусхадир. Республикада 165 та журнал нашр этилади. Ўзбекистон ФА илмий-тадқиқот институтлари томонидан 12 та илмий академик журнал нашр қилинади.

**Радиоэшиттириш ва телевидение.** Ўзбекистон Давлат телевидение ва радиоэшиттириш қўмитаси 1996 йилда Ўзбекистон телерадио компанияси (Ўзтелерадио)га айлантирилди. Республика радиосининг ўрғача суткалик эшиттириш ҳажми 80 соатдан ошади. 1974 йилдан бошлаб ўзбек радиоси чет элларга эшиттириш бериб келади.

**Телевидение.** 1968 йилда ташкил этилган “Ўзбектелефильм” ҳозиргача 500 дан ортиқ ҳужжатли, оммабоп, илмий-оммабоп, бадиий фильмлар яратди.

**Спорт.** Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси республикада спортни ривожлантириш соҳасидан асосий ишларга раҳбарлик қилади. Олимпия ҳаракатини ривожлантириш ва Ўзбекистон спорчиларининг расмий халқаро мусобақаларда иштирок этиши соҳасидаги энг муҳим ишлар билан Ўзбекистон Миллий Олимпиада қўмитаси шуғулланади. Бу қўмита 1993

йилдан бери Халқаро олимпиада кўмитасининг аъзосидир. Спорт турлари бўйича 32 та ўзбек федерацияси халқаро федерациялар аъзоси бўлиб, барча халқаро мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини олган.

Бу ишлар 552 та болалар – ўсмирлар спорт мактабларининг базаларида, 63 та олимпия захираси ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар мактабда, 5 та олимпия захираси билим юртида, 7 та олий спорт маҳорати мактабида амалга оширилмоқда. Бу мактабларда спортнинг 32 тури бўйича 1708 олий даражадаги спортчи, 149 малакали мутахассис раҳбарлигида тайёргарлик кўрмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида 148 стадион, 4-7 мингдан ортиқ спорт зали, 128 та сузиш ҳавзаси, 1842 та ўк отиш тир, 21 мингдан зиёд турли спорт майдонлари мавжуд.

*Туризм.* Ўзбекистонда туризмнинг шаклланиши ва ривожланишига асосий эътибор мустақилликта эришилгандан кейин бошланди. 1992 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. Каримов „Ўзбектуризм“ Миллий Компаниясини ташкил қилиш тўғрисидаги фармонини қабул қилди. Мазкур фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу йилнинг 20-октябрида „Ўзбектуризм Миллий Компаниясини фаолиятини ташкил қилиш масалалари тўғрисида“ги 424-сонли қарорни қабул қилди. Давлатимизнинг ушбу ҳужжатлари мамлакатимизда миллий туризмни ташкил қилиш учун асос бўлдилар

Ҳозирга келиб биз туризм соҳасида 25 йилдан ортиқ муддатли тажрибалар тўпладик, туризмнинг моҳияти, мақсади, вазифалари, ресурслари, хизматлари, туризмнинг соҳалари, унинг турлари ва бошқа кўплаб талаблари ва хусусиятларини билиб олдик. Бинобарин, навбати билан туризмнинг соҳаларини ривожлантиришга киришмоқдамиз ва ҳукуватимиз туризмнинг соҳаларини бир текис ривожлантириш учун туризмни ривожлантиришнинг босқичма-босқич қарорларини ишлаб чиқмоқда.

Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш мамлакатимизнинг миллий туризмни ривожлантиришнинг асослари бўлди ва Ўзбекистонда туризмнинг ривожланишини мутахассислар қуйидаги 4 босқичга бўлишмоқда<sup>11</sup>.

*1. Биринчи босқич: 1991-1995 йиллар.* Мустақилликка эришгач 1991 йилдан бошланади. 1992 йилда республикада «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси ташкил этилди ва туризм соҳасида бу компания барча ташкилий, бошқарув ҳамда мувофиқлаштириш функцияларини амалга ошира бошлади. 1993 йилда «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси Бутунжаҳон туризм ташкилотига (БТТ) ҳақиқий аъзо бўлиб кирди ва бу ўз навбатида халқаро туризмни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. 1994 йилда БМТ нинг ЮНЕСКО ташкилоти ҳамда Ўзбекистон ҳукуватининг ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида Буюк Ипак йўлидаги шаҳарларда

<sup>11</sup> Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б., Турсунова Г., Туризм асослари, Тошкент, 2014, 330 б.

халқаро туризмни ривожлантириш бўйича Самарқанд Декларацияси қабул қилинди.

Бу босқич мобайнида, яъни 1994 йилда ишлаб чиқилган «Туристлик корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш дастури» чуқур тизимли - институционал ўзгаришларни амалга оширишда жуда катта аҳамият касб этди. 1994-1995 йиллар мобайнида «Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг 87,8% туристик объектлари хусусийлаштирилди ва давлат тасарруфидан чиқарилди.

**2. Иккинчи босқич 1995-1999 йиллар.** 1995 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президентининг «Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар» тўғрисидаги Фармони<sup>12</sup> Буюк Ипак йўлида туристик маҳсулотни тиклаш борасида стратегик аҳамиятга эга бўлди. Бу ўз навбатида Ўзбекистон туризм соҳасидаги ислохотларнинг иккинчи босқичини бошлаб берди.

Фармон бўйича Буюк Ипак йўлидаги шаҳарлар ва туристик манзиллар, мақомадлар рўйхатга олинди. Биринчи навбатда Ўзбекистонда халқаро миқёсда маълум бўлган, ислом дини оламида машҳур бўлган улуғ алломаларимизнинг мукаддас зиёратгоҳлари, уларнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган жойлар ободонлаштирилди. 1998 йилдан бошлаб Тошкент шаҳрида мунтазам равишда Халқаро туристик кўргазма ташкил этила бошланди. Бу босқичда Ўзбекистоннинг туризм соҳасида қўйидаги масалалари амалга оширилди:

- Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни тезлаштирилди;
- Халқаро кўргазмаларга чиқиш (Берлин, Лондон, Мадрид, Москва) амалга оширилди;
- Туристлик корхоналар ва саёҳатчиларнинг манфаатларини ҳимояловчи нодавлат ташкилотларнинг вужудга келиши;
- Туристлик йўналишларнинг ранг-баранглигини таъминлаш, маҳсулотнинг экологик талабларини кучайтириш, янги ҳудудларни туристик диққатга сазовор жойлар сифатида очиш;
- Туризм соҳасида мутахассисларни тайёрлаш (ўрта махсус ҳамда олий таълим босқичида);
- БТТ тадқиқот гуруҳининг Ўзбекистонга келиши ва «Туризм тўғрисида» ги Қонунни тайёрлаш борасидаги ишлар;
- Турфирмаларнинг нодавлат ва кооператив ташкилотлар «Устоз», «Мерос», «Экосан» ва ҳ.к. билан алоқалари йўлга қўйилди.

**3. Учинчи босқич: 1999-2005 йиллар.** Туризм соҳасидаги ислохотларнинг учинчи босқичида, 1999 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президентининг «2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида» ги Фармони эълон қилинди. Шу йилнинг 20 августидан эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Туризм тўғрисида» ги Қонун қабул қилинди.

<sup>12</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 1995 йил 3 июн.

**4.Тўртинчи босқич 2005-2017 йй.**Туризм соҳасидаги ислохотларнинг тўртинчи босқичи 2005 йилдан бошланган бўлиб,то 2017 йилгача давом этди. Ўзбекистон Республикасининг бу даврдаги амалга оширилган улкан ишларни ҳисобга олиб, Ислом конференцияси ташкилоти (ОИК) таркибидаги муассасалар дан бири–Таълим, Фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилди. Ўзбекистоннинг ислом маданияти ва илми олидаги, ислом мероси ва ёдгорликларини асраш ва янада бойитиш борасидаги хизматлари учун Тошкент шундай юксак ва фахрли унвонга сазавор бўлди.Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, 1993 йилда мамлакатимизда бор йўғи 4 та хусусий туристик фирма бўлган бўлса, ҳозирги кунда туризм хизматларининг нодавлат секторида 738 та туристик фирма, шу жумладан умумий сифими 22,8 минг жойдан иборат 241 та меҳмонхона ва 500 га яқин туроператор ва турагентлар фаолият олиб бормоқдалар.

**5.Бешинчи босқич 2017 йилдан бошланди.**

**Ўзбекистонда музейлар ва кутубхоналар.**Инсон ҳамиша ниманидир ўрганиш ва билишга интилади.Билиш– тарихни билиш, табиатни билиш, маданиятни билиш,жамиятни билиш каби асосий тушунчалар мавжуд.Шулардан табиатни билиш инсонларнинг жамият ва табиатдаги жараёнларни, воқеъликни қамраб олганлиги билан фарқланади.

Билиш инсоннинг дунёқарашини кенгайтиради, ўрганаётган халқларнинг маданияти,яшаш тарзи,майший яшаши,урф–одатлари, ҳозирдаги ривожланиш даражалари билиб олишга ёрдам беради.Инсон билиш қобилиятини кучайтиргани сари дунёдаги жараёнлар,ходисалар ва воқеъликнинг моҳиятига, сабаб ва оқибатларига тезроқ тушуниб етади. Билиш фаолияти натижасида инсон дунёнинг ички ва ташқи омилларининг келиб чиқишини сезади, ҳаётда тўғри йўл танлайди. Инсон фаолиятидаги билишга интилиш уни камол топтиришдаги тўғри йўл ҳисобланади. У атрофидаги дунёни билиб бориши билан ўз халқининг маданиятини белгилаб боради. Чунки, у билиш фаолияти натижасида ўзининг, ўз халқининг, дунёдаги бошқа давлатлардаги халқларнинг маданияти билан танишади, хулосалар чиқаради.

Маданий билиш туризмида эса турист дунёдаги бошқа халқларнинг маданияти, урф – одатлари, анъаналарини ўргана бориб ҳаётда олган назарий билимларининг нечоғлик тўғри ёки нотўғри эканлигини тушуниб, англаб етади.Маданий билиш туризмидаги фаолиятлар дунё ҳамжамиятини ҳам шу йўл билан мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов маданий – тарихий билиш туризмини таърифлаб шундай деган эди-“*Одатда сайёҳликга бизнес сифатида қаралади, лекин мазкур соҳа шу билан чекланиб қолмайди. У кишини маънавий бойитади. Зеро, ҳозирги дунёни, ҳаётни сайёҳатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Барча ҳур фикр инсонлар ўзга халқ тарихи, маданияти, турмуш тарзи ва бошқа бойликлари билан танишишига интилади*”.

Мутахассисликларнинг фикрича, туристларнинг асосий мақсади – дунёни билиш, дунё халқлари тарихи, маданий обидалари билан танишиш,

уларни ўрганиш ва алоқаларни янада мустаҳкамлашдир. Туризмдан мақсад эса, дунё маданиятини ўрганиш, ҳар хил минтақаларда яратилган инсоний кадриятлар, меъморий ёдгорликлар билан танишиш, улардан завқланиш, инсон яратган мўжизавий асарлардан илҳомланиш, турли халқлар маданиятини қиёсий ўрганиш, муқаддас диний зиёратгоҳларни кўриш, улардан рухланиш, ибодатни амалга ошириш, инсоний бурчни амалга ошириш, ҳамда шулар орқали инсонлар орасидаги маданий–маърифий алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Республикада аҳолининг маданиятини ривожлантиришда мамлакатимиздаги музейлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, халқимизнинг ижтимоий, маърифий ҳаётида, ёш авлодни маданий етук тарбиялашда, инсоннинг билим доирасининг кенгайишини шакллантиришда музейларимиздан фойдаланишни кучайтириш янада долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Музейлар маърифий ҳаётда муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса ёш авлодни ватанпарварлик, ўз аجدодлари билан фахрланиш руҳида тарбиялашда ёрдам беради. Музейлар кишиларнинг илмий, маданий, тарихий, бадний меърос, умуминсоний кадриятлар билан танишиш, ўзлаштириш, ошно бўлишларига, турли эл-элатларнинг динлари, эътиқодлар, анъаналари ва турмуши, санъат асарлари билан танишишларига ёрдам беради.

Давлатимиз ватанимиз музейларини ривожлантираётганлигининг ёрқин намунаси сифатида Темурийлар музейининг барпо қилинганлигини мисол қилиш мумкин. Бу музейнинг нафақат экспонатлари балки, биносининг ўзи кишини ҳайратга солади. Темурийлар музейи Марказий Осиё давлатлари ва Халқаро микёсда эътироф этилган йилдан–йилга шухрати ортиб бораётган илмий марказлардан бири бўлиб бормоқда. Музей 1996 йилда Тошкент шаҳрида Президент И.А.Каримовнинг ташаббуси ва лойиҳаси билан қурилди. Музей Темурийлар даври архетектураси услубида қурилди, музейда 200 кишилик зал жаҳон меъморий усуллари билан, технологияси билан жиҳозланган. Музейда Темурийлар даврига оид 2000 дан зиёд экспонатлар бор. Шунингдек, халифа Усмон Қурони ҳам шу ерга қўйилган. Музейга давлатларнинг президентлари, машҳур кишилар ва барча фуқаролар ташриф буюришади.

Ўзбекистонда турли хил соҳаларга оид музейлар ишлаб турибди. Ватанимиз музейлари орасида Эта йирик-Самарқанд, Бухоро ва Хива кўриқхона музейлари ҳамда 3 та йирик бадний музей бор:

1. Ўзбекистон давлат санъат музейи (Тошкент шаҳрида) тасвирий санъат асарлари ва халқ амалий санъатининг ажойиб намуналари жамланган бўлиб, бу музей Ўзбекистон миллий хазинаси номини олган.
2. Ўзбекистон давлат амалий санъат музейи (Тошкент шаҳрида) да амалий санъатнинг асл дурдоналари йиғилган.
3. Г.И.Савицкий номидаги давлат санъат музейи (Нукус шаҳри) да рус ва ўзбек авангард санъатининг кўплаб асарлари, Қорақалпоғистон халқи

амалий санъатининг ноёб намуналари билан танишиш мумкин, 90 минг экспонати бор.

Ўзбекистонда ягона “Табиат музейи”(Тошкент шаҳри) 120 йилдан бери халқга хизмат қилиб келмоқда.Музей фондида 1,5 миллион экспонат бор.

Ўзбекистон халқлари тарихи музейи-(Тошкент шаҳрида) тарих ва маданият ёдгорликларининг хазинаси ҳисобланади. 2002 йилда Термиз шаҳрида археология музейи ишга тушди.

Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи(Тошкент шаҳри)да жуда катта китоблар ва кўлёмалар фонди мавжуд.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш музейи(Тошкент шаҳри) тиббий билимлар ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ютуқларни тарғиб қилади. Тошкент Олимпия шуҳрати музейи, Кино санъати каби давлат музейлари, Ў. Тансиқбоев, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор,Ғафур Ғулом,С.Есенин,М., Ашрафий,Ю.Ражабий, М.Турғунбоева, Тамарахоним, ўзбек халқининг буюк фарзанди Усмон Юсупов уй-музейлари ишлаб турибди.Халқимизнинг маданий, миллий меъросининг ҳар бир йўналиши ҳам ўзига хос, турли мавзулардаги музей ҳисобланади.

**Самарқанд шаҳридаги музейлар.**Самарқанд шаҳридаги музейлар ҳақида ёзганимизда деряли ўзбек халқининг маданий меъросини камраб олган бўламиз. Чунки Самарқанд миллатимиз маданиятининг камол топишида Марказий Осиё халқларининг ўзига хос бешиги ҳисобланади. Самарқанд ўзининг ноз-неъматлари, табиати, бой маънавий мероси, бетакрор тарихи, оламшумул меъморий обидалари билан бутун дунё жамоатчилигининг диққат-эътиборини ўзига қаратиб келаётган «сайқали рўйи заминдир».

Сўғдиёна ва Турон давлатларининг улуғвор анъаналари, дунёвий цивилизациянинг энг муҳим босқичлари «Ер юзининг ёрқин нуқтаси» бўлган бу шаҳарнинг тарихи ва маданияти билан узвий боғлиқдир.

Самарқанд шаҳри ҳақида нимаинки ёзилган, чизилган, мадҳ этилган бўлса уларнинг барчаси шаҳардаги музейларда бор.Самарқанд шаҳридаги музейларни йўналишлар бўйича қуйидагича гуруҳлашимиз мумкин:

**I.Олимлар ва ёзувчилар ҳаётидан маълумотлар берувчи музейлар:**

1.1. Мирзо Улуғбек музейи;

1.2. Ёзувчи Садриддин Айний музейи

1.3. Самарқанд иқтисодиёти ва сервис институтининг музейи

**II.Ўзбекистон Республикаси ва Марказий Осиё табиатидаги ҳайвонот оламини ўргатувчи музейлар;**

2.1.Самарқанд шаҳридаги “Ўлкашунослик” музейи;

2.2.Самарқанд давлат университетининг “Зоология” музейи

**III.Халқимизнинг тарихий яшаш тарзини, маданиятини, ҳунармандчилиги ва миллий меъросини ўргатувчи музейлар:**

3.1. Марказий Осиё халқлари тарихий музейи;

3.2. “Афросиёб” музейи.

**IV.Ўзбекистон Республикасининг табиий ер ости бойликлари тарихи ва заҳираларини ўргатувчи музейлар:**

4.1. Самарқанд Давлат университетининг “Геология” музейи;

4.2. Самарқанд давлат университетининг География факультетидаги “Минералогия” музейи.

*V. Миллий маҳсулотларни ишлаб чиқариш музейлари:*

5.1. Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўллар экологияси илмий–тадқиқот институтининг “Қорақўл терилари” музейи;

5.2. “Самарқанд қоғоз” ишлаб чиқариш уйи.

Самарқанд шаҳридаги музейлардан бири Марказий Оснё халқларига таниш бўлган машҳур ёзувчи Садриддин Айнийнинг уй– музейидир. Қардош тожик ва ўзбек халқининг атоқли фарзанди С. Айний ҳаёти ўтган ушбу уйга собиқ Иттифокнинг машҳур шоирари ва ёзувчилари келиб кетишган. Шунингдек, бу музейда ёзувчининг машҳур асарлари, қўлёзмалари ва у ишлатган асбоб–анжомлар, буюмлар сақланмоқда.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг музейида эса институтнинг ташкил қилинишидан то ҳозиргача бўлган муддатдаги тарих ёритилган. Шу билан бирга институтнинг ректорлари, олим, профессор–ўқитувчилари ҳақида қўплаб қизикарли маълумотлар тўпланган. Самарқанд шаҳридаги “Ўлкашунослик” ва Самарқанд давлат университетининг Биология факультетидаги “Зоология” музейида нафақат Ватанимиз, балки Марказий Оснёдаги ҳайвонот оламининг ноёб турларининг асл нусхалари сақланмоқда.

Халқимизнинг қадим ўтмиши, тарихи, маданияти, яшаш тарзи, санъатини қадим ашёлар асосида, шунингдек, қадимги Самарқанд– Афросиёб шаҳри қолдиқлари, харобалари ҳақида, ҳайрон қоларли даражаларда ҳикоя қилувчи “Афросиёб” тарихий музейи ҳам юртимизда ҳам, дунёда ҳам машҳурдир. Самарқанд шаҳридаги яна бир ноёб музейлардан бири Самарқанд давлат университетининг “Геология” ва шу университетнинг “География” факультетидаги “Минералогия” музейларидир. Ушбу музейларда Ватанимизнинг геологик тарихини ёритувчи ва ноёб қазилма бойлиқларидан ҳикоя қилувчи намуналар сақланмоқда.

“Самарқандқоғоз” уйида Самарқандлик ҳунарманд дунёга машҳур бўлган Самарқанд қоғозини ишлаб чиқариш технологиясини яратди ва ишлаб чиқармоқда. Яна бир муҳим музей ҳақида сўз юритмоқчимиз, шаҳримизда жаҳонга машҳур бўлган ўзбек халқининг чорвачиликдаги улкан ютуқларидан ҳисобланадиган, шу билан бирга ўзбек чорвадор олимларининг қорақўлчиликдаги машҳур ютуқларидан ҳикоя қилувчи, Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўллар экологияси илмий–тадқиқот институтининг “Қорақўл терилари” музейи фаолият кўрсатмоқда.

*Таянч сўзлар ва иборалар:* музей, экспонат, тарихий музей, ўлкашунослик музейи, қўлёзмалар, геология музейи, минералогия музейи, илмий–тадқиқот музейи, Самарқандқоғоз.

*Мавзу бўйича тест саволлари:*

*1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қачон ишлаб чиқилди?*

А. 1997 йилда

Б. 1998 йилда

В. 1999 йилда



Г. 2000 йилда

**2. Ўзбекистон мактабларида қанча ўқувчи ўқийди?**

А. 6 млн

Б. 5 млн

В. 4млн

Г. 3 млн

**3. Республика мактабларида қанча ўқитувчилар ишлайди?**

А. 450 минг

Б. 350 минг

В. 250 минг

Г. 150 минг

**4. Темурийлар музейи қачон қурилди**

А. 1996 йилда

Б. 1997 йилда

В. 1998 йилда

Г. 1999 йилда

**5. Ўзбекистон ФАнинг ҳақиқий аъзолари қанча?**

А. 140 аъзо

Б. 130 аъзо

В. 120 аъзо

Г. 110 аъзо

*Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:*

1. Ўзбекистонда фан ва таълим тизимини тушунтириб беринг.

2. Ўзбекистонда радио ва телевидения фаолиятларини тушунтиринг.

3. Ўзбекистоннинг матбуотини тушунтириб беринг.

4. Ўзбекистонда музейлар фаолиятини тушунтириб беринг.

5. Ўзингиз яшаб турган шаҳар ва тумандаги музейларнинг фаолиятини гапириб беринг.

6. Ҳозиргача неча музейни кўрдингиз?

7. Самарқанд шаҳридаги музейларни гапириб беринг.

8. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фаолиятини тушунтириб беринг

**13. Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилиши.**

**Режа:**

13.1. Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилиши

13.2. Конституция.

13.3. Қонун чиқарувчи ҳокимият.

13.4. Президент, Ижро этувчи ҳокимият.

13.5. Суд ҳокимияти, маҳаллий давлат ҳокимиятлар

### 13.1. Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилиши<sup>13, 14</sup>

Ўзбекистон-суверен демократик республика. Ўзбекистон ва Ўзбекистон Республикаси бир маънони англатади. Бошқарув шакли-президентлик. Ўзбекистон давлат рамзлари-герб, байроқ, мадҳияга эга. Миллий байрам-Мустақиллик куни-1-сентябрь. Пойтахти-Тошкент шаҳри. Давлат тили-ўзбек тили. Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят, 162 та туман, 120 та шаҳар бор.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принципларидан бири-халқ ҳокимиятидир. Халқ давлатни бошқаришни сайлаб қўйилган ўз вакиллари орқали амалга оширади. Халқнинг давлатни бошқаришининг асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва айрим махсус қонунларда белгиланган. Уларнинг ичида референдум (умумхалқ овоз бериши) алоҳида аҳамиятга эгадир.

Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа қарорларни қабул қилиш ёки уларга ўзгартишлар киритиш, жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида референдум ўтказилади, яъни улар умумхалқ овозига қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби 1991 йил 18-ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонунда белгиланган.

Халқнинг давлатни ўз вакиллари орқали бошқариши-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатлар орқали бошқаришидир. Халқ номидан фақат у сайлаган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти иш олиб бориши мумкин. Давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг муҳим принципларидан бири давлат суверенитетидир. Давлат суверенитети ички ва ташқи сиёсатни олиб боришдаги тўла мустақилликни англатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида давлат суверенитети ғояларига содиқлик Ўзбекистон халқининг асосий мақсади эканлиги алоҳида қайд қилинган. Давлат ҳокимиятини ташкил этишда қонунийлик принципига қатъий амал қилинади. Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг яна бир принципи-ҳокимиятнинг тақсимланиши ҳисобланади. Конституциянинг 11-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинади.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2002, 462 б.

<sup>14</sup> «Моя страна. Государственное научное издательство «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», Тошкент-2012, 281 с.

Қонун чиқарувчи ҳокимият Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан амалга оширилади. Олий мажлис давлатнинг асосий ваколатли органи бўлиб, ҳудудий сайлов округлари бўйича ва кўп партиялик асосида беш йил муддатга сайланган депутатлардан ташкил топади.

Ижро этувчи ҳокимиятни Ўзбекистон Республикаси Президенти амалга оширади. Президент фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир.

Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади, беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган вилоят, ҳарбий ва ҳўжалик судлари, Тошкент шаҳар суди, туман ва шаҳар судларидан иборат. Давлат тузилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси унитар давлат.

### 13.2. Конституция.

*Ҳақиқатан ҳам 1992 йил 8-декабрда қабул қилинган конституциямиз Ўзбекистон тарихида узоқ, давомли мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб беришда ўзининг пухта ўйланган тамойил ва қоидалари билан ишончли ва ҳал қилувчи омил бўлди, деб таъкидлашга барча-барча асосларимиз бор.*

#### **Ислом Каримов**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат ҳаётига янги, эркин демократик тартиб бахш этиш учун ишлаб чиқилган ва 1992 йили 8-декабрда қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ривожланган маърифий давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган, шу билан бирга у ушбу заминда яшаётган халқнинг ҳохиш иродаси ва руҳининг, унинг ижтимоий онги ва маданият даражасининг ифодаси бўлди.

Ўзбекистон фуқаролари, ўз келиб чиқиши, ирки, миллати ва бошқа хусусиятларидан қатъий назар, тенг ҳуқуқлидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон фуқароси бўлган барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одатлари, анъаналарини ҳурмат қилишни кафолатлайди.

*Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари.*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг энг муҳим кафолатларидан бири- инсон яшаш ҳуқуқининг кафолатидир. Унинг ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланади. Ўзбекистон фуқаролари эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эга, ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига араланишидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Асосий қонунда санаб ўтилган асосий эркинликларга дин эркинлиги, фикрлаш ва эътиқод эркинлиги қиради. Оммавий ахборот воситалари ҳам эркиндир.

*Сиёсий ҳуқуқлар.* Ўзбекистон фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари иштирок этиш, ўз ижтимоий фаолликларини мамлакат қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва оммавий намоёнликлар шаклларида амалга ошириш, касба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюштириш, ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

*Ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлар.* Республиканинг ҳар бир фуқароси меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартномасида ишлаш, мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир фуқаро қариганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Республиканинг барча фуқаролари бепул умумий таълим олиш, маданият ютуқларидан, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Давлат республика фуқароларига ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Фарзандлар ота-оналарининг насл ва насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Республика фуқаролари ўз навбатида, Конституция ва қонунларга риоя қилишлари, бошқа одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматларини ҳурмат қилишлари; тарихий, маданий ва маънавий меъросни авайлаб асрашлари; атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматларни ўташлари, белгиланган солиқларни тўлашлари керак.

*Конституциянинг ҳуқуқий асоси.* Янги Конституцияни яратишда АКШ, Япония, Канада, Германия, Франция, Португалия, Италия, Швеция, Туркия Испания, Ҳиндистон, Покистон ва Миср давлатларининг конституцияси тажрибаларидан фойдаланилди.

*Конституцияга ўзгариш ва қўшимчалар.* Конституциямизга шу пайтгача 7 мартаба (1993 йил, 2003 йил, 2007 йил, 2008 йил, 2011 йил-2 мартаба, 2014 йил) ўзгариш ва қўшимчалар киритилган.

*Конституциянинг таркиби.* Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 6 бўлим, 26 та боб, 128 моддадан иборат. Конституциянинг бугунги кўриниши 7543 сўзни ўз ичига олади.

*Конституциянинг мавқеи.* Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси жаҳон конституцияларининг илғор тажрибаларидан фойдаланилган ҳолда яратилиб, демократлиги бўйича дунёда 3- ўринда туради.

*Конституциянинг кафолатлари.* Асосий қонунда кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, дахлсизликлари, инсондай турмуш кечирish тарзи, бу ҳаётга келиб кенг ва мустақил, озод яшаш, ҳар кимнинг зулм ва таъна дашномларсиз, қадр-қимматини баланд тутиб яшаш кафолатланган.

*Конституцияни ўрганишимиз шартлиги-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4-январдаги Ф-1322-сон Фармойиши билан барча таълим муассасаларида Конституцияни ўрганиш йўлга қўйилган.*

### **13.3.Қонун чиқарувчи ҳокимият.**

Ўзбекистон республикасининг Олий мажлиси давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Конституцияга кўра, ҳозирги пайтда ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялик асосида беш йил муддатга сайланадиган 120 депутатдан иборатдир. Олий мажлис икки палатадан-Қонунчилик палатаси(қуйи палата) ва Сенат(юқори палата)дан иборат. Олий Мажлиснинг Сенатига асосан сенаторлар сайланади ва улар ҳудудлар бошқарувининг ҳукуматдаги вакиллари ҳисобланади-14 та ҳудуднинг ҳар биридан 6 сенатор (яъни маҳаллий кегашлардан 84 та сенатор) сайланади. Сенатнинг 16 сенатори Президент томонидан тайинланади ва улар халқимизга ўз меҳнатлари, обрўлари билан таниш бўлган кишилар ҳисобланади.

Олий мажлис Конституцияда белгиланган ваколат доирасида ҳар қандай масалани ҳал қилишга ҳақлидир. Олий мажлис қонун ва қарорлар қабул қилади. Олий мажлисда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон республикасининг Президенти, шунингдек, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг депутатлари, Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокурори эга.


### **13.4.Президент. Ижро этувчи ҳокимият.**

*Президент.* Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи-Президент. Президент Республика фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Президент халқаро муносабатларда халқ номидан иш кўради, хорижий давлатлар билан шартнома ва битимлар тузади, ижро этувчи ҳокимият ва унинг девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади, вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқарувларни тузади ва тугатади: Бош вазир ва унинг ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Бош прокурор ва унинг ўринбосарларини, вилоят, туман, шаҳар ва ҳўжалик судлари судьяларини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини тайинлайди ва лавозимларидан озод қилади.

Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этилишига кафолат беради: Республиканинг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий давлат тузилишига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради.

Президент Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади. Қуролли кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва озод қилади, олий ҳарбий унвонлар беради.


Президент қонунларни, фармонларни имзолайди, фармонлар, фармойишлар ва қарорлар чиқаради. Ўзбекистон Республикасининг орден ва медалларини беради.



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг қароргоҳи-Оқ сарой*

Президент шахси дахлсиз ва қонун билан муҳофаза қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 97-моддасига мувофиқ ваколат тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий суд аъзоси лавозимини эгаллайди.

*Ижро этувчи ҳокимият.* Ижро этувчи ҳокимият органи- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидир. Унинг таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.



*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг биноси*

Қорақалпоғистон республикаси ҳукумати бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодийнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий мажлисининг қарорлари, Президентнинг фармонлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди. Амалдаги қонунларга мувофиқ республика ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши

*Конституцияни ўрганишимиз шартлиги*-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4-январдаги Ф-1322-сон Фармойиши билан барча таълим муассасаларида Конституцияни ўрганиш йўлга қўйилган.

### 13.3. Қонун чиқарувчи ҳокимият.

Ўзбекистон республикасининг Олий мажлиси давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Конституцияга кўра, ҳозирги пайтда ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялик асосида беш йил муддатга сайланадиган 120 депутатдан иборатдир. Олий мажлис икки палатадан-Қонунчилик палатаси (қўйи палата) ва Сенат (юқори палата) дан иборат. Олий Мажлиснинг Сенатига асосан сенаторлар сайланади ва улар ҳудудлар бошқарувининг ҳукуматдаги вакиллари ҳисобланади-14 та ҳудуднинг ҳар биридан 6 сенатор (яъни маҳаллий кегашлардан 84 та сенатор) сайланади. Сенатнинг 16 сенатори Президент томонидан тайинланади ва улар халқимизга ўз меҳнатлари, обрўлари билан таниш бўлган кишилар ҳисобланади.

Олий мажлис Конституцияда белгиланган ваколат доирасида ҳар қандай масалани ҳал қилишга ҳақлидир. Олий мажлис қонун ва қарорлар қабул қилади. Олий мажлисда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон республикасининг Президенти, шунингдек, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг депутатлари, Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокурори эга.


### 13.4. Президент. Ижро этувчи ҳокимият.

*Президент* Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи-Президент. Президент Республика фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Президент халқаро муносабатларда халқ номидан иш кўради, хорижий давлатлар билан шартнома ва битимлар тузади, ижро этувчи ҳокимият ва унинг девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади, вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқарувларни тузади ва тугатади: Бош вазир ва унинг ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Бош прокурор ва унинг ўринбосарларини, вилоят, туман, шаҳар ва ҳўжалик судларни судьяларини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини тайинлайди ва лавозимларидан озод қилади.

Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этилишига кафолат беради: Республиканинг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий давлат тузилишига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради.

Президент Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади. Қуролли кучларнинг олий қўмондонларини тийинлайди ва озод қилади, олий ҳарбий унвонлар беради.


Президент қонунларни, фармонларни имзолайди, фармонлар, фармойишлар ва қарорлар чиқаради. Ўзбекистон Республикасининг орден ва медалларини беради.



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг қароргоҳи-Оқ сарой*

Президент шахси дахлсиз ва қонун билан муҳофаза қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 97-моддасига мувофиқ ваколат тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий суд аъзоси лавозимини эгаллайди.

*Ижро этувчи ҳокимият.* Ижро этувчи ҳокимият органи- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидир. Унинг таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.



*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг биноси*

Қорақалпоғистон республикаси ҳукумати бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий мажлисининг қарорлари, Президентнинг фармонлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди. Амалдаги қонунларга мувофиқ республика ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши



мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

### 15.5. Суд ҳокимияти ва Маҳаллий давлат ҳокимиятлари

*Суд ҳокимияти.* Суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий ва хўжалик судлари, шаҳар, туман хўжалик судлари орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар чиқарган, қабул қилган ҳужжатларнинг конституциявийлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилади.

Ҳамма суд ишлари очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилади. Айбланувчига тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиши таъминланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон республикаси Бош прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорлар амалга оширади.

*Маҳаллий давлат ҳокимиятлари.* Ўзбекистон Республикасида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2-сентябрда қабул қилган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ вилоят, туман ва шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг юқори мансабдор шахси ҳисобланади ва тегишли ҳудудда ижро этувчи ҳокимиятга бошчилик қилади. Туман ва шаҳар ҳокимлари тегишли вилоят ҳокимлари томонидан тайинланади ва озод қилинади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари қонунларда ўзларига берилган ваколатлар доирасида ва ўз ҳудудларида давлат, ижтимоий-иқтисодий, маданий тузилишларга раҳбарликни амалга оширадилар-ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш режаларини ва маҳаллий бюджетни тасдиқлайдилар. Ўзига бўйсунган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятига раҳбарлик қиладилар, қонунларга ва давлат, жамият тартибига риоя этилишини, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя этилишини таъминлайдилар, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ёрдам берадилар. Халқ депутати Кенгашларининг ва ҳокимларнинг ваколат муддати 5 йил.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, 2,5 йил муддатга раис(оқсоқол) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлайди.

**Мавзу бўйича тест саволлари:**

**1. Ўзбекистон давлат ҳокимияти тизими қандай тартибда қурилган?**

- А. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти
- Б. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва маҳаллий ҳокимият
- В. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва вилоят ҳокимиятлари
- Г. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва туман ҳокимиятлари

**2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қачон қабул қилинди?**

- А. 1992 йил 8-декабрда
- Б. 1993 йил 8-декабрда
- В. 1990 йил 8-декабрда
- Г. 1994 йил 8-декабрда

**3. Ўзбекистон Республикасининг Ижро этувчи ҳокимиятини белгилаш**

- А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
- Б. Ўзбекистон Республикасининг Парламенти
- В. Ўзбекистон Республикасининг Суд ҳокимияти
- Г. Ўзбекистон Республикасининг Сенати

**4. Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимиятларини белгилаш**

- А. Ўзбекистон Республикасининг вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари
- Б. Ўзбекистон Республикасининг маҳалла бошқаруви
- В. Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти
- Г. Ўзбекистон Республикасининг прокуратураси

**5. Маҳалла фуқаролари йиғини раиси неча йилга сайланади?**

- А. 2,5 йилга
- Б. 3,5 йилга
- В. 4 йилга
- Г. 5 йилга

**Мавзу бўйича савол ва топшириқлар:**

1. Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимиятни тушунтиринг.
2. Ўзбекистонда ижро этувчи ҳокимиятни тушунтиринг.
3. Ўзбекистонда суд ҳокимиятини тушунтиринг.
4. Ўзбекистонда сайлов тизimini тушунтиринг.
5. Ўзбекистоннинг «Конституцияси» ҳақида гапириб беринг.
6. Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимиятларни тушунтиринг

**14-Мавзу. Ўзбекистонда жамоат ташкилотлари. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ва ташқи иқтисодий алоқалари**

**Режа:**

- 14.1. Ўзбекистонда жамоат ташкилотлари
- 14.2. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати
- 14.3. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари

#### 14.1. Ўзбекистонда жамоат ташкилотлари

Республикада бир қанча сиёсий партиялар ва 250 дан ортиқ жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар фаолият кўрсатади. Жамоат ташкилотларини таъсис қилиш, улар фаолиятидаги устивор йўналишларни белгилаш, одатда, республика раҳбарияти ва ҳукуматнинг ташаббуси билан бўлиб, улар бу ташкилотларни қўллаб-қувватлаб, ўз устав вазифаларини бажаришда ёрдам кўрсатади. Партиялар, қасаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари, хотин-қизлар кўмитаси, турли жамғармалар Ўзбекистоннинг энг муҳим ижтимоий ташкилотлари ҳисобланади.

*Ўзбекистон халқ-демократик партияси (ЎХДП)* 1991 йил ноябрда Тошкентда тузилган. Дастур ва Низоми бор. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган. *Мақсади*-Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга бевосита қатнашиш. Олий органи – курултой, у 5 йилда 1 марта чиқарилади. Унда партия раиси, Марказий кенгаш ва Марказий тафтиш комиссияси сайланади. Ўзбекистон ХДП парламент партиясидир. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қарорига кўра, партиянинг 69 кишидан иборат депутатлар фракцияси рўйхатга олинган. Марказий нашрлари: “Ўзбекистон овози” (қундалик) “Голос Узбекистана” (ҳафталик) газеталари ва “Мулоқот” (ойда 1 марта чиқади) журнали.

*Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси (СДП)* 1995 йил февралда Тошкентда тузилган. Дастур ва Низомга эга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йилда рўйхатга олинган. *Асосий мақсади*-Ўзбекистон Республикасида яшаётган барча миллатлар ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий демократия принципларига асосланган, янги институт муносабатлар қарор топган адолатли фуқаролик жамиятини қуриш. Олий органи партия курултоғи, раҳбар органи умумий йиғилиш, кенгаш, конференция, курултой. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан Олий Мажлис 47 депутатдан иборат партия фракцияси рўйхатга олинган. Матбуот нашри – “Адолат” ҳафталик ижтимоий – сиёсий газетаси.

*Ўзбекистон “Фидокорлар” халқ демократик партияси.* 2000 йилда, майда “Ватан тараққиёти партияси билан бирлашиш натижасида тузилди”. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган. Миллати, жинси ва қайси динга эътиқод қилишдан қатъий назар олимлар, зиёлилар, тadbirkorлар, фермерларни бирлаштиради. *Асосий мақсади:* Ватаннинг гуллаб яшнаши, барча соҳаларда изчиллик билан амалга ошириладиган туб ислохотларни янада мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва ҳукукий давлат барпо қилиш йўлида хизмат қилиш. Низом ва Дастурга эга. Матбуот нашри – “Фидокор” ижтимоий – сиёсий газетаси.

*Миллий тикланиш демократик партияси (МТДП).* 1995 йилда Тошкентда тузилган. Дастур ва Низоми бор. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган.

*Бош мақсади:* миллий манфаатлар заминадаги янги ўзбек давлати манфаатларини яратиш. Ҳуқуқий давлат барпо этиш. Ўзбекистон жаҳоннинг етакчи давлатлари сафига тезроқ кириши йўлида халқни бирлаштириш. Олий органи – курултой, у 5-йилда бир марта чиқарилади. Матбуот нашри – “Миллий тикланиш” ҳафталик газетаси.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)* 1995 йилда тузилган. Ўз фаолиятида давлат ва фуқаро, жамият ва шахс, аҳолининг турмуш қатламлари орасида тарбиявий ва маърифий иш муаммолари каби муҳим масалаларни қамраб олади. *Асосий вазифалари:* фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари тузилиши ёки эркинлиги камсилишига оид турли масалалар бўйича шикоятлари, тақлифларини қабул қилади ва кўриб чиқади. Бу ташкилот ҳар йили мамлакат парламентига маъруза тақдим қилади. Унда республикада инсон ҳуқуқларининг бузилиш ҳоллари, кўрилган чоралар, ҳокимият органлари кўрган чораларнинг самараси умумлаштирилиб хулоса қилинади.

*Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази.* Асосий вазифалари: инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқиш; инсон инсон ҳуқуқлари муаммолари бўйича миллий маърузалар тайёрлаш ва уларни тегишли халқаро ташкилотларга тақдим этиш; инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистоннинг халқаро ва миллий ташкилотлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш ва шу йўналишлардаги муаммолар ва уларнинг ечимлари билан шуғулланади.

*Маҳалла жамғармаси.* Жамғарма 1992 йилда тузилган. Асосий мақсади: ижтимоий, иқтисодий даража ва маданий савияни ривожлантиришда, миллий анъаналар ва одатларни бойитишда маҳалла ва унинг аҳолисига ҳар томонлама ёрдам бериш, маҳалла кўмиталари фаолиятини мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлашдир. Маҳалла ҳудудида яшовчи кам таъминланган ва қўл болали оилалар, қариялар, ногиронлар, етим-есирларни ва бошқа ижтимоий гуруҳларни ҳар томонлама ҳимоялаш. Республикада ҳаммаси бўлиб 11780 та маҳалла кўмитаси тузилган ва ишламоқда. Жамғарманинг олий органи – беш йилда бир марта чақириладиган конференция – Матбуот нашри – “Маҳалла” газетаси.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг истеъдодли ёшларнинг чет элларда ўқишини қўллаб-қувватловчи “Умид” жамғармаси.* 1997 йилда тузилган. Фаолиятининг асосий йўналишлари: талабалар орасидан чет эл олий ўқув юр்தларида ўқитиш мақсадида энг истеъдодли ёшларни рақобат асосида танлаб олиш. Жамғарма жюри си республиканинг етакчи олимлари, мутахассислари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари билан иборат. Ўқиш шакли: бакалаврият (4 йил), магистратура (2 йил) ва малака ошириш (1 йил). Республика олий ўқув юр்தларининг танловида голиб деб топилган талабаларни жамғарма томонидан АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция ва Япониядаги энг йирик университетларга ўқишга юборилади.

*Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний жамғармаси”.* 1996 йилда Республика Президенти Фармонига кўра тузилган. Вазифалари: уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларини қўллаб–

қувватлашга қаратилган тадбирларда фаол иштирок этиш, уларга моддий, маънавий, тиббий ёрдам кўрсатиш.

*Ўзбекистон ёшлари иттифоқи*. Ўзбекистон ёшлари ташкилоти. 2001 йил 25-апрелда қайта тузилган. Ҳаракатнинг мақсади—Ўзбекистон республикаси ёшларини ватанимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бирлаштириш ҳисобланади. Республикада ҳаракатнинг бошланғич ташкилотларида 14-28 ёшдаги ўғил-қизларнинг 4369066 нафари ҳаракат аъзоси бўлди (2002 йил, апрел).

*Республика байналминал маданият маркази*. Маълумки, ер юзидан 1600 дан ортиқ этник гуруҳлар яшайди. Улар ўзларининг бетакрор маданияти ва маънавий қадриятларига эга. Ўзбекистонда ўзбеклар билан бирга 100 дан ортиқ турли миллат вакиллари истикомат қилади, улар мамлакат аҳолисининг 20 % дан ортигини ташкил қилади. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб миллатлараро бирдамликни сақлаш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилган бошланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 13-январидаги қарор билан Республика байналминал маданият маркази ташкил қилинди. 2002 йилга келиб 122 та марказ самарали фаолият кўрсата бошлади. Марказ фаолиятининг асосий йўналишларидан бири турли миллат вакиллари бўлган ватандошларимизнинг Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётидаги муҳим воқеаларда фаол иштирок этишини таъминлаш ҳисобланади.

*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси*. Ўзбекистон касаба уюшмалари турли касб эгалари бўлган меҳнатқашларни жинси, диний эътиқоди, ирқий ва миллий мансублигидан қатъий назар ихтиёрий бирлаштирувчи оммавий жамоат ташкилотидир. Республика ташкилоти сифатида 1925 йилда расмийлаштирилган.

Республикада ҳаммаси бўлиб 15 тармоқ касаба уюшмалари бор. Касаба уюшмалари ишлаб чиқариш, тармоқ ҳудудий принциплар асосида ташкил этилади. Ҳудудий ва тармоқ касаба уюшмалари аъзо ташкилотлар сифатида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясини ташкил этадилар. Ўзбекистон касаба уюшмаларининг олий органи ҳар 5 йилда бир мартаба чиқарилувчи курултойдир.

*Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси*. Ўзбекистон аёлларини миллати, диний эътиқоди ва маълумотидан қатъий назар ихтиёрий равишда бирлаштирувчи жамоат ташкилотидир.

Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ўз Низомига мувофиқ амалга оширади. Республикада олимпиадалар сони 16 минг нафар бўлиб, улар орасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиклари, 300 нафар фан докторлари, 3 мингта фан номзодлари бор. Бугунги кунда Республикада 20 мингдан зиёд тадбиркор аёллар фаолият кўрсатмоқда.

## 14.2. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсат доктринасининг асосий принциплари конституцияда ифодаланган. Бу принциплар мустақил

мустақил давлат ташқи сиёсатнинг устивор йўналишларини, давлатлараро муносабатларнинг асоси ва ривожланиш истикболларини белгилаб беради, ҳар хил локал ва геополитик муаммолар бўйича объектив қарорлар қабул қилишга кўмаклашади.

Ўзбекистон мустақил суверен республика сифатида халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти, Бирлашган Миллатлар ташкилотининг аъзоси ҳисобланади. Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик, куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва меъёрларидан келиб чиқади.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсати ва халқаро муносабатларни, аввало, миллий манфаатлар ва давлат суверенитетини янада мустаҳкамлашга таянган ҳолда олиб боради. Республика давлат ва халқнинг манфаатларини таъминлаш мақсадидагина иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ёки улардан ажралиб чиқиши мумкин.

Мамлакатнинг олий давлат вакиллик идораси—Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари ва стратегик дастурларни белгилайди ва тасдиқлайди. Олий Мажлис шунингдек, Ўзбекистон Республикаси номидан тузилган халқаро шартномалар ва битимларни тасдиқлайди ёки барвақт тўхтатади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга мувофиқ, давлат суверенитети, ҳавфсизлик ва ҳудудий яхлитлигининг кафолати ҳисобланиб Ўзбекистон Республикаси номидан гапиради ва қарорлар қабул қилади. Шу мақсадда у музокаралар олиб боради ва шартномалар, битимларни имзолайди, унинг мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлайди, лавозимларидан озод қилади. Олий Мажлисга ҳар йили халқаро аҳвол ҳақида маълумотнома тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг барча етакчи давлатлари билан дипломатик муносабатларни ўрнатган. Ўзбекистонни мустақил ва суверен давлат сифатида ер юзининг 180 дан ортиқ мамлакатлари тан олинган, 115 дан ортиқ мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо қилиб қабул қилинди (1992 йил 2-март), 1993 йил 24 – октябрда Тошкентда БМТ ҳузурида (Нью-Йоркда) ҳам Ўзбекистон ваколатхонаси ишлай бошлади. Ўзбекистон Республикаси БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти, халқаро валюта жамғармаси ва бошқаларга аъзодир. Ўзбекистон Республикаси ўз ташқи сиёсатини Ташқи ишлар вазирлиги ва унинг хориждаги ваколатхоналари орқали амалга оширади.

Республика ташқи ишлар вазирлигининг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси суверенитетининг мустақиллигини таъминлаш, мамлакат Президентининг ташқи сиёсат соҳасидаги йўлини ҳаётга тадбиқ этиш,

хорижий давлатлар билан муносабатларда, халқаро ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистон манфаатлари ва унинг фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси нинг Президентининг топшириғига биноан ташқи сийёсий фаолиятга алоқадор Қонун лойиҳаларини тайёрлайди. Ташқи ишлар вазирлигида “Жаҳон” ахборот агентлиги таъсис этилган, у ташқи сийёсат ва халқаро муносабатларга оид янгиликларни тарқатади.

### 14.3. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари

Ташқи иқтисодий сийёсатга қуйидаги тамойиллар асос қилиб олинган:

- мафкуравий курашлардан қатъий назар ташқи муносабатларда очиклик;
- тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- тўла ишонч негизда ҳар икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш;
- ўзининг миллий давлат манфаатлари устиворлигига амал қилган ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш;
- умум эътироф қилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя қилиш ва халқаро андозаларга изчиллик билан ўтиш.

Ўзбекистон халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро электр алоқа иттифоқи, Осиё ва Тинч океани иқтисодий комиссияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Ҳамдўстлик регионал иқтисодий ташкилоти, Ҳамдўстлик божхона кенгаши каби эътиборли халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир.

Республикада чет эл инвестицияси киритилган 3300 дан кўпроқ корхона рўйхатга олинган. Дунёнинг 140 дан ортық мамлакати билан ташқи иқтисодий савдо қилинмоқда. Ўзбекистон ташқи савдосининг асосий қисми (63,1%) Европа мамлакатлари билан, 5,2 % Америка ва бироз қисми (0,3 %) Африка, Австрия ва Океания мамлакатлари билан амалга оширилади. Узок хориждан келтирилган машина ва асбоб – ускуналарнинг импортдаги улуши 49,9 % ни, озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 11,3 % ни ташкил этмоқда.

Республика экспорти ва импортида хизматлар муайян улушни эгаллайди. Уларнинг улуши экспортда – 14,1%; импортда – 10,3%. Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш давлат дастури ишлаб чиқилган ва қабул этилган. Бу дастурнинг асосий мақсади экспорт ҳажмларини мутассил ошириш учун шароит яратишдан, мавжуд ресурслар, ишлаб чиқариш имкониятлари ва малакали мутахассислардан фойдаланиш негизда иқтисодиёт тузилмасини такомиллаштиришдан иборат.

**Экспорт.** Ташқи иқтисодий алоқалар асосан узоқ хорижий мамлакатлар билан ривожлантириш, республика умумий товар айланмасининг 64,3 фоиздан кўпроғи уларнинг улушига тўғри келади. Товарлар: пахта, табиий газ, рангли ва қора металллар, кимё ва нефт кимёси маҳсулотлари, айрим турдаги машина ва асбоб-ускуналар, сабзавот, мевалар, мева-сабзавот консервалари.

**Импорт.** Импортда озиқ-овқат маҳсулотларининг салмоғи камайди, кимё маҳсулоти, транспорт воситалари машина ва асбоб-ускуналари, халқ истеъмол моллари, айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари. Савдо-сотиқдаги асосий миждозлар: Буюк Британия, Германия, Япония, Швецария, АҚШ, Жанубий Корея, Россия, Италия, Нидерландия, Бельгия, Туркия, Франция, Хитой ва бошқа мамлакатлар.

**Мавзу бўйича тест саволлари:**

**1. Ўзбекистон халқ-демократик партияси қачон тузилган?**

- А. 1991 йил ноябрда
- Б. 1992 йил ноябрда
- В. 1993 йил ноябрда
- Г. 1994 йил ноябрда

**2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) қачон тузилган?**

- А. 1995 йилда
- Б. 1996 йилда
- В. 1997 йилда
- Г. 1999 йилда

**3. Ўзбекистон нечта давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатган?**

- А. 115 та
- Б. 110 та
- В. 100 та
- Г. 95 та

**4. Ўзбекистон БМТга тенг ҳуқуқли аъзо қилиб қачон қабул қилинди?**

- А. 1992 йил 2-мартда
- Б. 1993 йил 2-мартда
- В. 1994 йил 2-мартда
- Г. 1995 йил 2-мартда

**Мавзунинг ўзлаштириш бўйича саволлар:**

1. Ўзбекистондаги жамоат ташкилотларини гапириб беринг
2. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати қандай амалга оширилади?
3. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари қандай амалга оширилади?
4. Ўзбекистоннинг сиёсий партиялари ҳақида гапириб беринг



## 15-Мавзу. Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрининг умумий тавсифи

Режа:

15.1. Тошкент вилоятининг умумий тавсифи

15.2. Тошкент шаҳрининг умумий тавсифи

### 15.1. Тошкент вилоятининг умумий тавсифи

Тошкент вилояти 1938 йилда ташкил топган. Майдони—152,6 минг кв.км. Аҳолиси—2610 минг киши. Маъмурий маркази—Тошкент шаҳри аҳолиси—2136минг киши.Таркибида 15та қишлоқ тумани бор:Бекобод, Бўка, Бўстонлик, Зангиота, Окқўрғон, Оҳангарон, Паркент, Пискент,Тошкент, Чиноз, Юқори Чирчиқ, Янги йўл, Ўрта Чирчиқ, Қибрай, Қуйи Чирчиқ, 17 та шаҳар, 18 та шаҳарча, 146 та қишлоқ йиғини бор.

Вилоятнинг шимолий-шарқий қисмини Чотқол тизмаси ва унинг тармоқлари—Қурама Пском, Угом тоғлари ишғол қилган. Худуднинг катта қисми жануб ва жанубий—ғарб томон Сирдарё тоғ олди текисликларидан иборат.Иқлими континентал. Қиши нам қорли, нисбатан юмшоқ, ёзи узок, қуруқ. Июлнинг ўртача ҳарорати + 26,8<sup>0</sup> С. Июл – август ойларида иссиқ то +48<sup>0</sup> С гача кўтарилади.

Асосий дарёси—Сирдарё ва унинг ирмоқлари Чирчиқ ва Оҳангарон дарёси. Бу дарёлар тоғ олди текислигини ҳосил қилиб кўплаб каналлар ва сув омборлари билан катта майдонларни суғоради.

Тошкент шаҳридан 60 км масофада жойлашган Бўстонлик тумани такрорланмас табиати билан танилган. Бу ерда кўплаб болалар оромгоҳлари, курортлар, дам олиш уйлари бор. “Хумсон”, “Чимён”, “Октош”, “Чотқол” санаториялари жуда ҳам машҳур. Вилоят замини фойдали қазилмаларга бой. Айниқса, кўнгир кўмир, мис, молибден, кўғошин-рух, олтин, қумуш ва бошқа нодир металллар бор. Иссиқ ва маданли сувларнинг захираси кўп.

Саноатининг етакчи тармоқлари-энергетика, машинасозлик, металлургия, кўмир, кон металлургияси, кимё саноати, пойбзал, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноати, тўқимачилик ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш.

Вилоятда саноат корхоналаридан Бекободдаги Ўзбекистон металлургия, Олмаликдаги конметаллургия, Янги Ангрен, Тошкент иссиқлик электр станциялари ҳамда Чирчиқдаги ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металллар комбинати ишлаб турибди.

Чирчиқдаги Электркимё саноат Олмаликдаги “Аммофос” ва Ангрендаги, Ўзбекрезинатехника “ишлаб чиқариш бирлашмалари Республика кимё саноатидаги йирик корхоналардан ҳисобланади. Бу корхоналарда қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар учун азотли ва фосфорли ўғитлар, аммиакли селитра, капролактама ишлаб чиқарилади. „Ўзбеккимё маш“, «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги», «Трансформатор»

корхоналарида кишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган пахта сеялқалари, култиваторлар, подборшчиклар ва эхтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади.

Вилоятдаги „Тошкенттибтехника“ (Қибрай тумани), „ЎЗБМЗ“ (Тошкент тумани), „Гидравлика“, „Ускуна курувчи“ (Зангиота тумани), Далварзин таъмирлаш заводи (Бекобод тумани), Тоғ транспорти усқуналарини таъмирлаш заводи, «Ангренгазмаш» (Ангрен ш.) корхоналари йирик корхоналардан ҳисобланади.

Вилоятда шунингдек, «Оҳангаронцемент», «Сантехкуйма», «Оҳангароншифер», «Оҳангаронлинпласт», «Бекободцемент», „Ғазалкентойна“ каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган ва қайта ишлайдиган корхоналар ҳам мавжуд бўлиб, уларда цемент, шифер, керамика, ойна, ғишт, линолеум, темирбетон конструкциялари каби маҳсулотлар тайёрланади.

Озиқ-овқат саноати ҳам ривожланган. Бунда, асосан, маҳаллий ҳом ашёдан маҳсулот тайёрланади. Бу саноат гўшт-сут, ёғ-мой, ун-қандолат, вино-арак, тамаки ва бошқа тармоқларни ўз ичига олади.

Озиқ-овқат саноати пахтачилик маҳсулотлари, боғдорчилик, тоқчилик, сабзавотчилик, чорвачилик ва бошқаларга асосланади. Вилоятда 4 ун заводи, консерва, пиво, арак, нон ва нон маҳсулотлари заводлари, шоли тозалаш корхоналари бор. Янгийўл шаҳри вилоят озиқ-овқат саноатининг марказларидан бири. Бу ерда ёғ, консерва, вино ва спирт заводлари, қандолат фабрикалари мавжуд. Чирчик, Олмалик, Ангрен шаҳарлари, Бекобод, Қибрай, Зангиота, Тошкент, Бўстонлик туманларида ҳам озиқ-овқат корхоналари кўп.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари: пахтачилик, боғдорчилик, тоқчилик, пиллачилик; тоғ етакларида лалмикор деҳқончилик (асосан, буғдой ва арпа етиштирилади). Айниқса, мустақиллик йилларида соҳада иктисодиётнинг кўп тармоқли турлари шаклланиб бораёпти. Тошкент вилоятида 50 мингдан ортиқ деҳқон хўжалиги ва 7,5 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Бугунги кунда деҳқон ва фермер хўжалиқларининг ялпи маҳсулотдаги салмоғи 72 %ни ташкил этади.

Сўнгги 10 йилда пахта уруғчилигини ривожлантиришга эътибор ортиб бораёпти. Вилоят пахта селекцияси ва уруғчилик соҳасида илмий изланишлар натижасида жаҳон талабларини қондирувчи тола, юқори ҳосилли ва тез пишар навлар яратилмоқда.

Сирдарё ва Чирчик соҳилларида шоли етиштирилади. Кейинги йилларда вилоятда кишлоқ хўжалиги экинлари структурасини ўзгартиришга алоҳида аҳамият берилаяпти. Пахтачилик, галлачилик асосий ўринларни эгаллайди. Тошкент вилоятида шунингдек, картошка, мева ва резавор мевалар, узум етиштириш ҳам йил сайин ортиб бораёпти. Пиллачилик билан шуғулланилади. Чорвачилик ривожланган. Тошкент вилоятида 168 ширкат хо‘жалиги, 8 паррандачилик фабрикаси бор. Чорвачилик гўшт-сутга ихтисослашган.

Тошкент вилоятидаги барча жамоа ва хусусий хўжалиқларида 425,5 минг бош қорамол (шу жумладан, 190,3 минг сизир), 20,2 минг чўчка, 446,1 минг қўй ва эчки, 4018,2 минг парранда бор. Чирчик-Оҳангарон водийси обикор деҳқончиликнинг асосий райони дир. Вилоятдаги барча экин майдони

315 минг га, шу жумладан, ернинг 108,0 минг гектарига пахта, 135 минг гектарига бошокли дон экинлари, 5,8 минг гектарига техника экинлари, 17,4 минг гектарига картошка, сабзавот ва полиз, 39,7 минг гектарига ем-хашак экинлари экилади. Боғ, токзор 30,8 минг га ва 8,5 минг га ўрмонзорлар билан банд, пичанзор ва яйловлар 198,5 минг гектарни эгаллайди. Экинларни суғоришда, асосан, Чирчиқ дарёси, қисман Охангарон ва Сирдарёдан фойдаланилади.

Тошкент вилояти республика пойтахти аҳолисига сут, гўшт, тухум, мевасабзавот етказиб беради. Картошка ва сабзавот, асосан, Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл, Ангрен шаҳарлари атрофидаги хўжаликларда экилади. Зангиота ва Қибрай туманлари Тошкент шаҳар аҳолисини картошка ва сабзавот билан таъминлашга ихтисослашган. Вилоятда токчилик ва боғдорчилик ҳам яхши ривожланган. Боғларда асосан, нок ва олма ўстирилади. Боғларнинг асосий қисми Бўстонлик, Қибрай, Янгийўл, Паркент, Охангарон, Зангиота, Тошкент, Қуйи Чирчиқ туманларида жойлашган. Шарқий тоғли ва тоғ етакларидаги туманларда, асосан, қўй ва эчкилар бокилади. Эчкиларнинг 40 % и ангор эчкилари, хисор ва жайдари қўйлардир.

Тошкент воҳаси Шарқ адабиётининг қадимий марказларидан. Шайх Аҳмад Тарозийнинг Мирзо Улуғбекка бағишлаб ёзилган асарида Мавлоно Лутфийнинг она ватани Тошкент бўлган, деган фикр илгари сурилган. 14—16-асрларда шоир Бадриддин Чочий, машхур тарихчи, ҳуқуқшунос, таржимон Кўҳакий, 16-асрда Зайниддин Восифий Тошкентда яшаб ижод қилганлар. Хожа Аҳрор таклифи билан Тошкентда Жомий ҳам бўлган. Тошкентлик тарихчи ва географ олим Муҳаммад Солиҳ „Тарихи жаҳидан Тошканд“ асарини ёзди. Дилқаш, Гулшан, Алмайи, Камий каби шоирлар вояга етди. Авлоний, Нозимахоним, Мирмуҳсин, Шермухамедов, Сидкий Хондайликий, Хислат, Мискин, Тавалло каби истъодлар етишиб чикди. Элбек туркологтилунос, таржимон ва журналист сифатида ижод қилди.


20-асрнинг 20—30-йилларидаги Тошкент адабий ҳаётида Абдулла Қодирий, Ойбек, Гафур Гулом, Боту, Зиё Сайд, Ойдин, Зулфия, Ғайратийларнинг ўрни катта. Тошкент вилоятида В. Гафуров, А. Убайдуллаев, Музайяна Алавия, М. Самадов, Усмон Умрзодалар ижод қилдилар. Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи, ёзувчи Ҳ. Султонов, шоирлар Абдулла Шер, Ш. Салимова, М. Тоиров, О. Отахоновлар Тошкент вилоятида туғилиб камол топган адабиёт намояндаларидир.

Вилоятда 894 умумий таълим мактаблари, академик лицей, коллежлар ишлаб турибди. Вилоятда боғдорчилик, токчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, пахта селекцияси ва уруғчилиги институти, пахтачилик институти, чорвачилик илмий-тадқиқот институти, пиллачилик илмий тадқиқот институтлари ишлаб турибди. Вилоятнинг энг катта шаҳарлари индустриал шаҳарлар ҳисобланади:

## 15.2. Тошкент шаҳрининг умумий тавсифи

Майдони—256 кв.км. Аҳолиси—2136 минг киши. Тошкент Ўрта Осиёнинг энг йирик шаҳарларидан бири. Республиканинг шимолий-шарқий қисмида, Чирчиқ дарёси ҳавзасида, денгиз сатҳидан 440-480 метр баландликда жойлашган. Иқлими континентал. Киши нам қорли, кўпинча илқ келади. Ёзи узок давом этади, иссиқ. Кишда минимал ҳарорат – 24<sup>0</sup>С, ёзда максимум ҳарорат + 43<sup>0</sup>С. Чирчиқ дарёсидан чиқарилган Бўзсув, Салор, Анхор, Қорасув, Бўржар, Оқтепа, Қорақамиш ва бошқа каналлар бутун шаҳарни кесиб ўтиб шаҳар микроклимига мўътадил таъсир кўрсатади.

Тошкент энг қадимий шаҳарлардан бири. Унинг тарихи 2000 йилдан ортқ. Зардуштийларнинг муқаддас китоби Авестода Сирдарё ҳавзасида турк қавмларининг қароргоҳи қанғқа (қанга) шаҳри борлиги тилга олинган. Тошкент ҳақидаги дастлабки аниқ маълумотлар милоддан аввалги II аср – милоднинг V-асрларига мансуб. Тошкентнинг энг қадимги номи “Чоч” бўлган. Арабий асарларда у “Шош” деб юритилган. Илк ўрта асрларда у олдинги номлари билан бигта “Тошкент”, “Мадина аш-шош”, “Бинқант” деб номланган. Шаҳар “Тошкент” номи билан даставвал. Абу Райхон Беруний ва Маҳмуд Қошғарийнинг асарларида тилга олинади.



1918 йил 30-апрелда Тошкент Туркистон АССРнинг пойтахти деб эълон қилинди. 1924 йилда пойтахт Самарқандга кўчирилди. 1930 йилдан Тошкент яна пойтахт бўлди.

Тошкент шаҳрида машҳур алломалардан Ислон назарийтчиси Қафқол Шоший (903-976), нақшбандийлик тарикатининг йирик намойндаси Хўжа Аҳрор (1404-1490), олим ва тарихчи Ҳофиз Кўҳакий (? - 1572), Тошкент ҳақида асар ёзган адиб Зайниддин Восифий (1485-1551), тарихчи географ олим Муҳаммад Солих Раҳим Қорахўжа ўғли (1830-1890), маърифатпарвар Мунавварқори Абдурашидхонов (1878-1931), ўзбек матбуотининг илк ташкилотчиларидан бири Убайдулла-Хўжа Асадуллахўжаев (1878-1937), ёзувчи ва шоирлардан Абдулла Қодирий (1894-1938), Ойбек (1905-1968), Ғафур Қулум (1903-1966) ва бошқалар яшаб ижод этганлар.

1991 йил августида Тошкентда Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди. Ҳозир Тошкент Ўзбекистон Республикасининг сиёсий маркази ҳамдир. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Перизентининг қароргоҳи, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, чет элчихоналари БМТ ва ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари жойлашган.

Тошкент бугунги кунда Республиканинг энг йирик саноат маркази. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 20% ини пойтахт беради. Бу ерда 300 га яқин йирик ва ўрта корхоналар ишлаб турибди. Тошкентда самолёт, пахта териш ва пахта тозалаш машиналари, трактор, компрессорлар, экскаватор ва бошқалар ишлаб чиқарилади. Бинокорлик материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Тошкент ГРЭС–шаҳар энергетикасининг асосидир. Тошкент мамлакатнинг энг йирик темир йўл тугуни. Автомобил ва ҳаво йўллари тармоқларининг маркази.

Тошкент- йирик илм-фан маркази. Бу шаҳарда Ўзбекистон ФА ва унинг 30 дан зиёд илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурндаги Давлат ва Жамият қурилиши академияси, 20 дан ортиқ олий ўқув юрти, жумладан Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Жаҳон тиллари университети фаолият кўрсатмоқда. Тошкент маъмурий жиҳатдан 11 туманга ажратилган, 500 га яқин фуқаролар йиғини бор.

*Мавзу бўйича тест саволлари:*

**1. Тошкент вилояти қачон ташкил қилинган?**

- А. 1938 йилда
- Б. 1928 йилда
- В. 1930 йилда
- Г. 1929 йилда

**2. Тошкент вилоятида неча туман бор?**

- А. 15 та
- Б. 14 та
- В. 13 та
- Г. 12 та

**3. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг қанчасини Тошкент вилояти беради?**

- А. 20% ини
- Б. 15% ини
- В. 10% ини
- Г. 18% ини

**4. Тошкент шаҳри қачондан бошлаб пойтахт мақомини олди?**

- А. 1918 йилдан
- Б. 1920 йилдан
- В. 1924 йилдан
- Г. 1930 йилдан

*Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар:*

1. Тошкент вилоятининг умумий тавсифини гапириб беринг
2. Тошкент шаҳрининг умумий тавсифини гапириб беринг

**16-Мавзу. Самарқанд вилояти ва Самарқанд шаҳрининг умумий тавсифи**

**Режа:**

- 16.1. Самарқанд вилоятининг умумий тавсифи
- 16.2. Самарқанд шаҳрининг умумий тавсифи

**16.1. Самарқанд вилоятининг умумий тавсифи**

Самарқанд вилояти 1938 йилда ташкил қилинган. Майдони – 16,8 минг кв.км. Аҳолиси–3,444,800 киши. Маъмурий маркази–Самарқанд шаҳри (Тошкентдан–351км, масофада аҳолиси– 4011 минг киши. Таркибида 14 та туман бор: Жомбой, Иштихон, Каттакўрғон, Нарпай, Нуробод, Пойарик, Пастдаргом, Пахтачи, Самарқанд, Тайлоқ, Ургут, Қўшработ, 11 та шаҳар, 12 та шаҳарча, 125 та кишлоқ йиғини бор.

Республиканинг марказий қисмида. Туркистон ва Зарафшон тоғ тармоқлари билан ўралган Зарафшон дарёси хавзасида жойлашган. Вилоятнинг шимолий қисмини Туркистон тизмасининг тармоқлари (Нурота тоғи, Октов), Жанубий қисмини Зарафшон тоғ тизими ўраб олган. Иклими континентал, қуруқ. Қиши текисликларда юмшоқ, ёзи иссиқ. Энг йирик дарёси Зарафшон. Бу дарё Самарқанд шаҳри яқинида Қорадарё ва Оқдарёга бўлинади.

*Қишлоқ хўжалиги:* пахтачилик, боғдорчилик, тоқчилик, пиллачилик, тамаки етиштириш. Вилоят боғлари, тоқзорлари билан машҳур. Чорвачиликда – қорақўлчилик ва паррандачилик. Тоғ ва текисликларда сут ва гўштта ихтисослаштирилган қормолчилик, тоғ олди худудларида жайдари кўйчилик, Қарнабчўлда қорақўлчилик ривожланган. Вилоятда 7812 та фермер хўжалиги бор.

*Саноатида* оғир индустрия, тоғ-кон, машинасозлик, метални қайта ишлаш, кимё, қурилиш индустрияси етакчилик қилади. Машинасозлик, пахта тозлаш саноати, совутгичлар, лифтлар, кичик автобуслар, чинни ишлаб чиқариш, гилам, трикотаж, пойабзал заводлари бор. Шойи тўқиш кучли ривожланган.

Озиқ-овқат саноатида консерва, тамаки, чой қадоклаш, вино заводлари ишлаб турибди. Энг кекса заводлар–Ховренко номидаги вино–коньяк заводи, Самарқанд–Прага пиво заводи хориж давлатларида ҳам маълум. “Самкочавто” ва “Ман” машинасозлик заводлари дунёвий корхоналардан ҳисобланади. Вилоятда волфром, мармар, гранит, нефт конлари очилган.

Вилоятда 1000 дан зиёд умум таълим мактаби, лицей, коллежлар, университет, 6 та олий ўқув юртлири, илмий тадқиқот институтлари, тажриба марказлари ишлаб турибди.

## 16.2. Самарқанд шаҳрининг умумий тавсифи

Самарқанд шаҳри аҳолиси сони ва санаотлашганлиги билан Тошкент шаҳридан кейин иккинчи ўринда туради. Самарқанд Ўзбекистоннинг марказида жойлашган. Самарқанд 2750 ёшда.

Тарихи – ҳозирги Самарқанд ўрнида милоддан аввал–4 асрдан милодий 6-асргача Сугд давлати пайтахти Мароканда шаҳри бўлган.

Милоддан аввалги 329 йилда А.Македонский қўшини Самарқандни вайрон қилади.

6-асрда Самарқанд турк ҳақонлиги таркибига кирган.

712 йили Қутайба бошчилигидаги араб қўшини эгаллаган.

IX-асрнинг 20-йилларида Самарқанд Сомонийлар пойтахти.

XI-асрдан Самарқанд Қорахонийлар давлати.

XII-асрда Самарқанд Қорахитойлар давлати.

1210 йилда Муҳаммад Хоразмшоҳ давлати таркибига кирган.

1220 йилда Чингизхон Самарқандни вайрон қилиб ўт қўйган ва аҳолисининг кўп қисмини қириб ташлаган.

XIV-аср охири 15 асрда Самарқанд Амир Темур пойтахти.

XV-аср охирида Заҳириддин Бобур Самарқандни эгаллайди.

1500-1576 йилларда Самарқандда Шайбонийлар ҳукмронлик қилади.

1758-1768 йиллар Самарқанд Бухорога қарайди.

1868 йили 2 майда Самарқандни Россия қўшинлари босиб олади.

Шаҳар тарихи Амир Темур ва темурийлар, Рўдакий, Хўжа Аҳрор, Жомий, Навоий, Улуғбек номлари билан боғлиқ. Шунингдек, Улуғбек расадхонасида тадқиқотлар олиб борган Ғиёсиддин Жамшид, Қозизода Румий, Али Қушчилар дунёда маълум ва машҳур астрономлар ҳисобланади.

Улуғбек фармойиши билан 1428-29 йилларда ҳозирда Улуғбек ҳайкали жойлашган ерда расадхона қурилган. У уч қаватдан иборат бўлиб баландлиги 30.4 метр бўлган.

Самарқанддан 20 км масофада Бухоро йўлидаги Хартанг кишлоғида мусулмон оламининг буюк муҳандиси Имом-ал-Бухорий ҳаётининг сўнги кўним топган ва дафн қилинган манзил мавжуд. Бу ерда 1998 йилда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан Имом ал-Бухорий мажмуаси қурилди. Бугунги кунда бу жой, олам мусулмонларининг эъзозли зиёратгоҳга айланган.

Самарқанд қадимдан жаҳонда танилган, эъзозланган шаҳар бўлиб келмоқда. Шунинг учун ҳам бу шаҳар қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳар деб аталади.

Жаҳон банкининг президенти Жеймс Д.Уолфенсон Самарқандга ташриф буюрганида «Кейинги 40 йил давомида мен қарийб бутун дунёни кезиб чикдим, бироқ, Самарқанддек шаҳарни ҳеч жойда кўрмадим», дебўз қалб сўзларини айтган эди. Америкадан келган сайёҳларнинг фикрича, «дунёда биттагина Париж ва биттагина Самарқанд мавжуд».

Оммавий француз журналларидан бирининг эътироф этишича: «Самарқанд тасаввурни жунбўшга келтирадиган шаҳар бўлиб бораяпти. Кўзингизни юмиб мулойим оҳангда «Самарқанд» сўзини талаффуз қилсангиз, худди эртақлардагидек тасаввурингизда гўзал ва сеҳрли манзаралар оқими пайдо бўлади».

Бу ўринда узок тарих саҳифаларида қолдирилган ушбу сатрларни ҳам эслаш жоиздир: «Бу шаҳар ва унинг атрофидаги замин шунчалик бой ва фаровонки, бундан хайратга тушмасдан бўлмайди. Эҳтимол шунинг учундир у Самарқанд дея, деб аталган». Самарқандга келиш бахтига сазовор бўлган, орзулари рўёбга чиққан хорижий сайёҳлар уни «бутун дунёга юз очган шаҳар», «Минг бир кечадаги афсона ва эртақлар шаҳри» дея атамоқдалар. «Мусулмон дунёсининг қимматбаҳо дурдонаси»га дунёнинг турли бурчакларидаги диндорларнинг ҳам кизиқишлари чексиз. Улар учун Самарқанд «Оллоҳ паноҳидаги шаҳар»дир. Ўрта аср манбаларида ҳам шаҳарни шундай деб атаганлар.

*Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар:*

1. Самарқанд вилоятининг умумий тавсифини гапириб беринг
2. Самарқанд шаҳрининг умумий тавсифини гапириб беринг

## **17-Мавзу. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг умумий тавсифи**

**Режа:**

- 17.1. Қорақалпоғистон Республикасининг умумий тавсифи
- 17.2. Хоразм вилоятининг умумий тавсифи

### **17.1. Қорақалпоғистон Республикасининг умумий тавсифи**

Қорақалпоғистон Республикаси майдони—166,6 минг кв.км., аҳолиси—1648,9 минг киши. Пойтахти-Нукус шаҳри (Тошкентдан—1255 км). Қорақалпоғистон Республикаси-Ўзбекистон Республикаси таркибидаги суверен давлат. Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбида, Амударёнинг қуйи қисмида, Орол денгизининг жанубий қисмида жойлашган. Республика таркибида—15 та туман: Амударё, Беруний, Бўзатов, Кегейли, Мўйнок, Нукус, Тахтақўпир, Тўртқўл, Хўжайли, Чимбой, Шуманай, Элякқалъа, Қанликўл, Қораўзак, Қўнғирот; 12 та шаҳар, 16 та шаҳарча, 120 та овул бор<sup>15, 16, 17</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси суверинитети Ўзбекистон Республикаси томонидан химоя қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга. Бу Конституция Ўзбекистон Конституциясига зид эмас. Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», Давлат илмий нашрети, Тошкент, 2002, 60-68 б.

<sup>16</sup> .Моя страна, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», Давлат илмий нашрети, Тошкент, 2012, 198 с.

<sup>17</sup> Ўзбекистон гуллаган дёвр. Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2010, 22-41 б.



Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудлари ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилмайди: маъмурий-ҳудудий бўлинишларни Қорақалпоғистон Республикасининг ўзи ҳал қилади. Қорақалпоғистон Республикаси умумхалқ овози (референдум) асосида Ўзбекистон Республикаси таркибидан ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга. Қорақалпоғистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикasinинг Конституцияси билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси 1993 йил 9-апрелда қабул қилинган. Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат герби. Давлат байроғи ва Давлат мадҳияси бор. Қорақалпоғистон Республикасида ҳокимият конституцион принципда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинади.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни олий давлат ваколатли органи-Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси амалга оширади. Жўқорғи Кенгес кўп партиявийлик асосида ҳудудий округлардан 5 йил муддатга сайланадиган депутатлардан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг раиси Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси депутатлигига ва раис ўринбосари лавозимига сайланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Олий ижро этувчи ҳокимияти Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашидир. Қорақалпоғистон Республикасининг суд ҳокимияти 5 йил муддатга сайланадиган Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжалик суди, Нукус шаҳар суди ва туманларнинг судларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциявий суди Ўзбекистон Республикасининг конституциявий суди таркибига киради.

*Табиий ресурслари ва иқлим хусусиятлари.* Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди географик жиҳатдан Қизилқумнинг шимолий-ғарбий қисми, Устюрт платосининг жанубий-шарқий қисми ва Амударё дельтасидан иборат. Орол денгизининг жанубий қисми ҳам Қорақалпоғистон ҳудудларидир. Энг катта тоғ-Султон Увайс тоғидир. Фойдали қазилмаларидан газ, темир, фосфорит, бентонит ва каолин конлари, ош ва глаубер тузлари, мәрмар ва гранит конлари бор.

Иклими кескин континентал. Ёзи қуруқ ва иссиқ, қиши совуқ, қор кам ёғади. Ёгингарчилик асосан қиш-баҳор мавсумларига тўғри келади. Ягона дарёси-Амударёнинг қуйи оқими. Унинг кенг дельтасини тўқайзорлар эгаллаган. Султон Увайс тоғи эстагида «Бадайтўқай» халқаро биосфера резервати жойлашган. Орол денгизи ҳавзасида ва Амударёнинг қуйи делтасида 1000 тур ўсимликлар ва 400 тур умурткали ҳайвонлар рўйхатга олинган.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида милоддан олдинги 4-аср охири-2-аср бошларидан аҳоли яшай бошлаган. Қорақалпоқлар олтой тиллар оиласи туркий гуруҳининг кипчок кичик гуруҳига оид қорақалпоқ тилида гаплашади. Эътиқоди бўйича ислом динининг сунний мазҳаби йўналишига мансуб. Қорақалпоқ халқи қадимдан чорвачилик, дехқончилик ва балиқчилик

билан шуғулланади. Уларнинг анъанавий турар жойлари-ўтов, кейинчалик пахса уйларни кура бошлашган. Ҳозирда улар замонавий уйларда яшашади. Қорақалпоқ халқи қадимий ва бой тарихга эга. Унинг миллий маданияти, ўзига хос анъати, мумтоз адабиёти, урф-анъаналари кенг маълум. «Алпамис», «Қирқ киз» каби машҳур дostonлари, Ажиниёз, Бердақ, М.Авезов, Ж.Оймирзаев, Иброҳим Юсупов, Тулепберген Қаипбергенев асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

**Саноати.** Қорақалпоғистон Республикаси саноатининг асосий тармоқлари қишлоқ хўжалиги ҳам ашёси (пахта, шоли, гўшт, сут, жун) ни қайта ишлаш билан боғлиқ. Саноатнинг етакчи тармоғи-пахта тозалаш корхоналаридир. Пахта билан боғлиқ чигитни қайта ишлаш, ёғ-мой саноати тараккий этган. Тахиятош ГРЭСи, Қўнғирот сода заводи, «Катекс», «Элтекс» қўшма корхоналари энг йирик корхоналардир ва кўплаб кичик корхоналар ташкил этилган.

**Қишлоқ хўжалиги.** Республиканинг жануби-пахтачилик ва ипакчилик га ихтисослашмоқда. Бу жойларда сув тақчил, ёзи иссиқ, қиши совуқ, тупроқлари анча шўрланган. Шу сабабли ҳам бу жойларда деҳқончилик қилиш анча катта куч ва меҳнатни талаб қилади.

Қорақалпоғистон ери шоли етиштиришга анча қулайдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонни гурунч билан таъминлашда республиканинг аҳамияти катта. Айни пайтда Қорақалпоғистон-Ўзбекистон беда уруғи етиштириладиган минтакалардан биридир.

Қизилқумнинг кенг яйловларида қорақўл қўйлари, йилқи ва туя боқилади. Республиканинг шимолий қисмида шоли экилади, қорамол боқилади. Денгиз бўйи минтақасида—балиқчилик, мўйнали хайвонларни боқиш, йилқичилик муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади, 3572 та фермер фаолият кўрсатмоқда.

Амударё дельтасининг жанубий қисмида Қорақалпоғистоннинг маъмурий маркази-пойтахти Нукус шаҳри жойлашган. Амударёнинг ўнг соҳилида. Шаҳарни Қизқетган канали кесиб ўтади. Нукусдан Республиканинг барча туманларига автомобил йўллари қурилган.

Нукус-замонавий шаҳар. Унда маҳаллий мрамар заводининг маҳсулоти-мрамар ушшоғи билан қопланган чиройли уйлар қад кўтарган. Бу шаҳарда йирик саноат корхоналари, илмий ва маданий-маърифий муассасалар тармоқлари тўпланган. Ўзбекистон Республикаси ФАнинг бўлими, университет, педагогика институти ва илмий—тадқиқот институтлари фаолият кўрсатмоқда.

Қорақалпоғистоннинг саноати жиҳатидан ривожланган шаҳарларидан бири-Хўжайлидир. Бу шаҳар Амударёнинг чап соҳилидаги йирик транспорт тугуни, енгил ва озиқ-овқат саноати маркази ҳисобланади. Қорақалпоғистоннинг энг жанубий шаҳри-Тўртқўл. Бу шаҳар 1932 йилгача республиканинг пойтахти бўлиб келган.

## 17.2. Хоразм вилоятининг умумий тавсифи

Хоразм вилояти 1938 йилда ташкил қилинган. Майдони – 6,1 минг кв.км. Аҳолиси–1600 минг киши.Маъмурий маркази–Урганч шаҳри (Тошкентдан–1120 км), аҳолиси–140 минг киши.Таркибида 10 та кишлоқ тумани бор:Боғот,Гурлан,Урганч, Хива,Хонка, Шавот, Янгиариқ, Янгибозор, Қўшқўпир, Хозарсп, 3 та шаҳар, 7 та шаҳарча, 100 та кишлоқ йиғини бор.

Хоразм вилояти ўзининг табий шароити билан бошқа вилоятлардан фарқ қилади.Қорақумнинг бепоён худудларида бу вилоят бамисоли пахта, боғ-роғ, узумзорларга бурканиб турган яшил оролни эслатади.Вилоят Амударёнинг куйи қисмидаги аҳоли пахта экадиган дунёдаги ягона (шимолда) ўлкалардан иккинчисидир (Биринчиси Қорақалпоғистон Республикаси).Қиши мўътадил, совуқ–32<sup>0</sup>С гача.Ягона сув манбаи Амударё. Вилоятда Тошсоқа, Полвон, Ғазавот, Шовот, Урганч каби йирик каналлар, Туямўйин сув омбори қурилган.

Саноатида енгил ва озиқ-овқат етакчилиги қилади. Маҳаллий кишлоқ хўжалиги хом ашёсига ишлов берувчи саноат ривожланган. 100 дан зиёд саноат корхоналари, пиллачилик, тикувчилик фабрикалари, гиламдўзлик комбинати ва бошқалар бор.Вилоятда пахта тозалаш саноати ривожланган (барча туман марказлари ва Урганч шаҳрида пахта тозалаш заводлари бор). Гурлан, Боғот, Хонка, Урганч, Хива ва Ҳазораспда тўқимачилик, пиллакашлик, тикувчилик; Хивада гилам фабрикаси, "Хива гилами" акциядорлик жамияти ишлаб турибди. Фаолият кўрсатаётган жами корхона ва ташкилотлар 13748 та. Микрофирмалар сони 11340 дан зиёд.

Вилоятда 36 қўшма корхона ва уларнинг филиаллари ишлаб турибди. Ўзбекистон-Туркия "Боғот Текстил", "Хоразм-Нуртоп", "Семург-СанТе", "Хоразм Текстил", "Мемгилам",Ўзбекистон-АҚСХ "Амерўзиндустриес", "Хива маликаси", "Нурлайт", "Рахнамо Хип"; Ўзбекистон-Германия-"Унихо", "Ўз-Олмон-Хотелз", "Хива-Карпет";Ўзбекистон-Британия-"Хива"; Ўзбекистон-Россия-"Намуна-Агрофуд";Ўзбекистон-Италия-"Мева"; Ўзбекистон-Украина "Киев-Хоразм";Ўзбекистон-Хитой,"Азия Текстил ЛТД"; Ўзбекистан-Туркменистон"Ғайрат-Хумоюн" ва бошқалар жумласидандир.

Вилоятда жами экин майдони 232,1 минг га, шундан 129,4 минг га кишлоқ хўжалик ширкатлари (69 минг га ер хусусий фермерлар, 33,7 минг га ер деҳқон хўжаликлари)га тегишли. Умумий ер фондининг 38,4% хайдалади, 18,2% яйлов, ўтлоқ, 1,3% боғ ва токзор; ўрмон ва чангалзорлар 9,6% ни, тутзорлар 0,9%ни ташкил этади.Жами экин майдонининг 102,3 минг гектарига пахта, 86 минг гектарига дон, 3 минг гектарига картошка, 9 минг гектарига сабзавот экилади. Дон (асосан, бугдой, шоли) етиштириладиган майдонлар кенгайди. Хоразм вилояти мамлакатда шоли етиштириш бўйича 1ўринда туради.

Вилоят жамоа ва хусусий хўжаликларида 492,3 минг қорамол (шу жумладан, 202,1 минг сиғир), 247,1 минг қўй ва эчки, 1437,6 минг парранда боқилади. 6500 дан зиёд фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган.

Урганч, Хива паррандачилик фабрикалари фаолият кўрсатади. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи–пахтачилик.Вилоят шоли экадиган етакчи вилоятдир.Кенг майдонларга жўхори экилади.Беда уругининг энг яхши нави Хоразмда етиштирилади.Бу ерда қадимий пиллачилик ривожланган.

Вилоятда 508 та умумтаълим мактаблари,академик лицейлар, коллежлар, Урганч давлат университети,Тошкент иқтисодийёт университети ва Тошкент тиббиёт институтининг бўлимлари ишлаб турибди.

Вилоят ҳудудида “Ичан қалъа” тарихий-меъморий кўриқхона музейи жойлашган. Хоразм ўзининг машҳур мутафаккирлари-Мухаммад ибн Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний билан машҳур.Ўзбек адабиётининг йирик вакили Хоразмий, Феруз, Огаҳийларнинг ватанидир.Уларнинг издошлари ва шогирдлари ичида хонандалардан Комилжон Отаниёзов, Ваҳобжон Фаёзов, Коммуна Исмоилова, Султонпошша Раҳимова, Матёқуб Раҳимов, Қувондик Искандаров, Жуманазар Бекчонов, Олмаҳон Ҳайитова, Рўзмат Жуманиёзов, Ортик Отажонов, Отажон Худойшуқуров, Бобомурод Ҳамдамовлар Ўрта Осиё халқларининг абадиёт билан боғланган куйлари-кўшиқларидир.

Биргина Жамолиддин Мангуберди ва буюк шайх Нажмиддин Кубронинг номи Хоразмни бутун дунё аҳлига эслатиб туради. Хива шаҳридаги “Ичан қалъа” ЮНЕСКО рўйхатига олинган. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи ПрезидентиИ.Каримов ташаббуси билан Маъмур Академияси тикланди.

*Мавзу бўйича тест саволлари:*

*1.ҚорақалпоғистонРеспубликасиКонституциясиқачонқабул*

*қилинган?*

- А. 1993 йил 9-апрелда
- Б. 1994 йил 9-апрелда
- В.1995 йил 9-апрелда
- Г. 1996 йил 9-апрелда

*2.Қорақалпоғистонда қайси кўриқхона жойлашган?*

- А. Китоб кўриқхонаси
- Б. Қизилқум кўриқхонаси
- В.Қизилсув кўриқхонаси
- Г.Бадай-тўқай кўриқхонаси

*3. Хоразм вилояти қачон ташкил қилинган?*

- А. 1938 йилда
- Б. 1939 йилда
- В. 1940 йилда
- Г.1945 йилда

*4.Хоразмда нечта саноат корхоналари бор?*

- А. 100 та
- Б. 110 та
- В. 95 та
- Г. 112 та

**Мавзунинг ўзлаштирилиши бўйича саволлар:**

1. Қорақалпоғистон Республикасининг умумий тавсифини гапириб беринг
2. Хоразм вилоятининг умумий тавсифини гапириб беринг

**18-Мавзу. Бухоро ва Навоий вилоятларининг умумий тавсифи**

Режа:

- 18.1. Бухоро вилоятининг умумий тавсифи
- 18.2. Навоий вилоятининг умумий тавсифи

**18.1. Бухоро вилоятининг умумий тавсифи**

Бухоро вилояти 1938 йилда ташкил этилган. Майдони—40,3 минг кв.км. Аҳолиси—1637 минг киши (2011 й.). Маъмурий маркази—Бухоро шаҳри (Тошкентдан 616 км, аҳолиси—238,6 киши). Бухоро вилояти майдони жиҳатидан мамлакатдаги энг катта вилоятлардан. Ўзбекистоннинг марказий ва жанубий—ғарбий қисмида жойлашган.

Таркибида 11 та кишлоқ тумани: Бухоро, Вобкент, Жондор, Когон, Олот, Пешку, Рометан, Шофрикон, Қорвулбозор, Қоракўл, Гиждивон; 11 та шаҳар: Бухоро, Вобкент, Газли, Галаосиё, Когон, Олот, Рамитан, Шафрикон, Қоракўл, Қоравулбозор, Гиждивон; 3 та шаҳарча: жондор, Зафаробод, Янгибозор; 121 та кишлоқ фуқаролар йиғини бор.

Вилоят ҳудудлари тепалик, тўлқинсимон паст текисликлардан иборат. Энг баланд жойи—Кулжуктов тизмасидир—922 м. Ҳудудининг 9/10 қисмини Қизилқум эгаллаган. Фақат жанубда, Зарафшоннинг қуйи қисмида—Гиждивон, Бухоро, Қоракўлда унча катта бўлмаган сугориладиган воҳалар бор.

Иклими кескин континентал; ёзи иссиқ, узок, июлнинг ўртача ҳарорати 28-32 °, қумликларда 60-70° гача кўтарилади. Январнинг ўртача ҳарорати 0° дан -2° гача. Сув ресурси чекланган. Асосий дарёлари—Зарафшон ва Амударё. Амударёдан сугориладиган воҳаларга Аму-Бухоро, Аму-Қоракўл машина каналлари ўтказилган. Бухоро, Гиждивон, Қоракўл воҳалари пахта ва пиллачиликка ихтисослашган. Пахтани қайта ишлаш ривожланган.

Фойдали қазилмаларга, айниқса табиий газга бой. Бу вилоятда республика ёнилғисининг катта захиралари тўпланган. Табиий газ, полиметал ишлаб чиқариш, рангли металлургия ва кимёнинг ривожланиши жиҳатидан вилоят олдинги ўринларда туради. Бухоро вилояти иқтисодиётида саноат салмоқли ўринни эгаллайди. Вилоятда 100 дан зиёд саноат корхоналари мавжуд.

Бухоро—Тошкент—Бишкек—Олмаота газ қовури қўшни мамлакатларга газ етказиб бормоқда. 1997 йилда Қоравулбозорда ишга тушган нефтни қайта ишлаш заводи республиканинг нефт маҳсулотларига бўлган талабини қондирмоқда. Бухоро вилояти саноатида мустақиллик йилларидан кейин корхоналар илғор технология билан жиҳозланди. Янги қадоклаш линиялари,

Бухоро, Ғиждувон, Қоракўл, Вобкент шаҳарларида Германия технологиясига асосланган нон цехлари ишга туширилди. „Бухоротекс“ акциядорлик жамиятининг филиаллари Ғиждувон, Вобкент, Қоракўл ва Олотда ишлаб турибди.

Бухоро пиллакашлик фабрикаси ва унинг филиалларида пилла қайта ишланмоқда. Бухоро трикотаж кийимлар фабрикасида эркалар, аёллар ва болаларнинг устки ва ички кийимлари ишлаб чиқарилади. Бухоро тикувчилик фабрикаси, Бухоро ва Ғиждувон пойбзал фабрикаси, Шофирконда Туркия билан ҳамкорликда қурилган „Варданзи“ тикувчилик кўшма корхонаси, „Қоракўл“ акциядорлик жамияти қошида Юнонистон билан ҳамкорликда „Омега—Ситора“ кўшма корхонаси ишга туширилди. Маҳаллий саноат корхоналаридан Бухоро „Зардўз“ акциядорлик жамияти, Ғиждувон кулолчилик цехи, Ғиждувон ва Шофиркондаги гилам тўкиш фабрикалари, Когон пахта титиш фабрикаси, Ромитан тўкимачилик фабрикаси, тикувчилик, бадиий каштачилик, мисгарлик, заргарлик, косибчилик ва 20 дан ортиқ ғишт заводлари ишлаб турибди.

Пахта тайёрлаш пунктлари, қуритиш, тозалаш цехлари, пахта тозалаш заводлари бор. Пахта толаси янги ускуна ва технологиялар асосида жаҳон андозаларига мувофиқ ишлаб чиқарилмоқда. Бухоро уйсозлик комбинати, Когон оҳак заводи, Қуйимозор ва Когон йиғма темирбетон буюмлари заводлари, Италия билан ҳамкорликда қурилган қошинлар ишлаб чиқариладиган „Минокр“ заводи, Бухоро темирбетон заводи бор. Газавтоматика ишлаб чиқариш бирлашмасида қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади.

*Қишлоқ хўжалиги.* Бухоро вилояти иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалиги (пахтачилик, ғаллачилик, мевачилик, полизчилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик) ташкил этади. Вилоят дехқончилигида сугориладиган ерлар (томорқа ерлар билан бирга) 273,7 минг га, партов ерлар 14,2 минг га, чўл яйловлари 2764, 6 минг га, Пахта 129 минг га, маккажўхори 857 га, донли экинлар 81,2 минг га, шоли 200 га, помидор 2741 га, сабзавот-полиз экинлари 9,3 минг га, лавлаги 116 га, картошка 2967 га, ем-хашак экинлари 15,9 минг га, шу жумладан беда 7,1 минг га, боғлар 18,2 минг га, тутзорлар 5,9 минг га.

Бухоро вилояти да 236 ширкат уюшмаси ва жамоа хўжалиги, 4870 фермер хўжалиги, 41 хўжаликлараро корхона, 5 паррандачилик фабрикаси мавжуд. Чорвачилик Бухоро вилоятининг ривожланган тармоғи бўлиб, қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, йилкичилик, туячилик ва паррандачилик ривожланган. Айниқса, Бухоро қоракўллари машҳур. Бухоро вилоятининг барча тизимдаги хўжаликларида 428 минг қорамол, шундан 184,7 минг сизир, 750 минг қўй, 64 минг эчки, 3 минг йилқи, 2,8 минг туя, 771 минг парранда мавжуд. Вилоятда ипак қурти ҳам боқилади. 10 та ўрмончилик хўжалиги бўлиб, асосий ўсимликлари саксовул, черкез, қандим. Қоракўл ўрмон хўжалигида эса доривор ўсимликлар ҳам етиштирилади.

Жадид адабиётининг тамал тошини қўйганлар сафида Бухоролик Абдурауф Фитрат ва Садриддин Айний бор. Абдулвоҳид Бурхонов „Мунзим“

тахаллуси билан шеърлар ёзган. 20-асрда Бухорода ўзига хос адабий мухит шаклланди. Султон Жўра (1910—43), Муҳаммаджон Раҳимий (1901—67), Жалол Икромий, Тошпўлат Ҳамид (1927—84), Са’дулла Кароматов, Нemat Аминов, Жамол Камол, Омон Мухтор, Ойдин Ҳожиёва, Тошпўлат Аҳмад каби шоир ва адиблар шўролар режими даврида ҳам бадиий жиҳатдан пишиқасарларияратди.

Бугунги ўзбек адабиётининг тараккиётида Гулчеҳра Жўраёва, Усмон Кўчкор, Садриддин Салимов, Тилак Жўра, Нортўхта Қилич, Сафар Барноев, Юсуф Жумаев, Ҳалима Аҳмедова, Аҳад Ҳасан, Вафо Файзулло, Сулаймон Раҳмон, Чорша’м Рўзи каби шоир ва ёзувчиларнинг ўзига хос ҳиссаси бор.

Вилоятда 527 та умумий таълим мактаби, 16 та касб-хунар коллежи, академик лицейлар ва ихтисослашган мусика мактаблари бор. Бухорода 3 та олий ўқув юрти. Бухоро давлат Университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноати технолгияси институти, Бухоро тиббиёт институти ишлаб турибди. Бухоро — Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарларидан бири. 1997 йилда унинг 2500 йиллиги нишонланади. Бухоро ЮНЕСКО нинг жаҳон маданий меъроси бўлган шаҳарлари рўйхатига киган туристик марказларидан ҳисобланади.

Бухоро атамаси санскритча “Ваҳара” сўзининг туркий — мўғулча шакли — “Бухоро” (“ибодатхона”)дан келиб чиқган деб тахмин қилинган. Кейинги тадқиқотларда бу атама Суғдийча “буғ” ёки “бағ” (тангри) ҳамда “оро” (жамол) сўзларидан иборат бўлиб “тангри жамоли” деган маънони англатади деган фаразлар илгари сурилмоқда. Бухоронинг исломга қадар бўлган сиёсий тарихи хусусидаги маълумотлар милодий 7-8 асрлар билан чегараланади. 1753 йилдан Бухоро амирлиги дейилган. 1920 йилда (сентябрда шўролар томонидан босиб олинган).

Бухоронинг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги илк даврлардан бошлаб бу ерда хунармандчилик тармоқлари — кулолчилик, темирчилик, мисгарлик, зардўзлик, заргарлик ва бошқалар, шунингдек, савдо-сотик ривожланишига сабаб бўлди. 16-асрдан Бухоро савдо-сотик ривожланган шаҳар сифатида бутун Европада машҳур бўлган. Бу шаҳарда турли давлатларнинг элчихоналари очилган. Жаҳон фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган Абу Али ибн Сино, Исмом ал-Бухорий, Абдуҳолик Ғиждивоний, Баҳовиддин Нақшбанд, Рудакий, Дақикий каби шоирлар, Аҳмад Дониш Садриддин Айний, Фитрат каби ёзувчилар, жамоат арбоблари Бухорода туғилиб шу ерда ижод қилганлар.

Бухоро — музей шаҳардир. Вилоят кўрикхона музейи ҳисобида 907 та тарихий-меъморий ёдгорликлар мавжуд. Булардан энг муҳимлари: Ўрта Осиё меъморлигининг ноёб намунаси Сомонийлар мақбарасидир (9-10 асрлар). Бухоро шаҳри қиёфасида Минораи Калон (12 аср) алоҳида ўрин тутди. Баландлиги 50 метр бўлган бу минора Ўрта Осиёнинг шундай ёдгорликлари ичида энг юксакдир. Бухоронинг энг баланд жойида Турондаги кўҳна ёдгорликлардан саналган Бухоро ҳукмдорларининг қароргоҳи — Бухоро Арки (милоддан аввалги I аср) жойлашган. Ҳозир Аркда Бухоро давлат меъморий — бадиий музей кўрикхонаси жой олган.

15 – асрда қурилган Улуқбек мадрасаси пештоқига– “Билим олиш ҳар бир мусулмон ва муслиманинг бурчидир” сўзлари ёзилган. Масжиди Калон (12 минг кишилиқ), Мир Араб мадрасаси, Қўқалдош мадрасаси (160 та хужраси бор), Қўшмадраса, Лабиховуз мажмуоти, Абдулазизхон мадрасаси, Чор Минор, Ситоран Мохи Хоса саройи энг кўркам меъморий иншоотлардир. 20-аср бошида Бухорода 12 маҳалла, 250 дан зиёд мадраса, 390 та масжид, 150 та қарвонсарой, 350 та ҳовуз бўлган.

Қизил Армиянинг Бухоро Амирлигини тугатиш ва унинг ҳудудида шўролар ҳокимиятини барпо этиш мақсадида уюштирилган босқин вақтида 1020 йил 28 август–3 сентябр шаҳардаги тарихий обидаларнинг 1/5 қисми бутунлай вайрон этилган. Ўзбекистон мустақиллигининг кейинги йилларида, хусусан Бухоронинг 2500 йиллиги муносабати билан шаҳарда катта ободончилик ишлари олиб борилди. Арк деворлари янгиланди. “Ғуриён” дарвозаси қайта тикланди. Эски шаҳардаги барча меъморий обидалари тиклаш, таъмирлаш ишлари олиб борилди.

## 18.2. Навоий вилоятининг умумий тавсифи

Навоий вилояти 1982 йилда ташкил қилинган. Майдони – 111,11 минг кв.км. Аҳолиси–803,7 минг киши. Маъмурий маркази-Навоий шаҳри (Тошкентдан - 509 км; аҳолиси-120,6 та киши). Таркибида 8 та туман: Конимек, Навбахор, Навоий, Нурота, Томди, Уч кудук, Хатирчи, Қизилтепа, 6 та шаҳар: Зарафшон, Кармана, Навоий, Нурота, Учкудук, Қизилтепа ва 8 та шаҳарча: Конимек, Лангар, Маликработ, Мурунгов, Тинчлик, Шалқор, Янгиробот, Ғозгон; 53 та қишлоқ йиғини бор. Вилоятнинг Шимолий Ғарбини Қизилқум платоси эгаллаган, шарқида Нурота тоғ- тизмалари чўзилиб кетган, Жанубий Зарафшон дарёси оқиб ўтади. Вилоятда табиий бойликлардан волфрам, фосфорит, кварцли қум, цемент маҳсулоти, оҳақ бор. Олтин конлари кўплиги туфайли вилоятда олтин саноати юзага келди.

*Саноатнинг етакчи тармоқлари*– энергетика, кон-руда металлургияси, кимё, пахта тозалаш, қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноати. Энг йирик саноат корхоналари:

1. Навоий кон-металлургия комбинати.
2. Навоий ГРЭС.
3. Навоийазот ишлаб чиқариш бирлашмаси.
4. Электрокимё акциядорлик жамияти.
5. Нуротамармар акциядорлик жамияти.

Кон-металлургия комбинатининг чиқиндиларидан олтин олиш учун “Ўзбек-Америка-Зарафшон-Ньюмонт” қўшма корхонаси ташкил этилди. Вилоятда 850 дан ортиқ давлат, қўшма, кичик ширкат корхоналари бор.

Саноатининг етакчи тармоқлари энергетика, қончилик (олтин ва бошқа металл қазиб олиш), металлургия, кимё, қурилиш материаллари, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноати корхоналаридан иборат. Йирик корхоналари: Навоий кон-металлургия комбинати, Навоий иссиқлик электр станцияси,



"Навоийзот" ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Қизилқумцемент", "Электркимё", "Нуротамармар" корхоналари, маҳаллий саноат консерни.

Тўқма кон чиқиндиларидан олтин ажратиб олувчи "Зарафшон-Нюмонт" ўзбек-америка қўшма корхонаси самарали фаолият кўрсатапти. Улардан ташқари "Агама", "Зериспарк", "Бентонит" ва бошқа қўшма корхоналар ишлаб турибди. Жами 20 дан ортиқ қўшма корхона бор. 730 га яқин кичик корхона, 30 ширкат корхонаси, 10 мингдан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Кичик корхоналардан "Иттифок", "Навоий" (қурилиш материаллари ишлаб чиқаради), "Эдем" корхоналарининг ҳиссаси салмоқлидир.

*Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқлари*—пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик, қорақўлчилик, пиллачилик, чорвачилик сертармоқ соҳа ҳисобланади. Ҳар йили 500 минг дон қорақўл тери етказилиб берилади. Қорақўл тайёрлашда Бухоро вилоятидан кейин иккинчи ўринда туради. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари—пахтачилик, ғаллачилик; шунингдек, боғдорчилик, тоқчилик, сабзавотчилик, пиллачилик, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан ҳам шугулланилади.

Чорвачилиги кўп тармоқли. Навоий вилояти қорақўл тери тайёрлаш бўйича республикада 1-ўринда туради. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар майдони 9266,2 минг га, ҳайдаладиган ер майдони 111,1 минг га, яйловлар 9137,5 минг га.

Барча экин майдони 112,6 минг га, шу жумладан, пахта 39,4 минг га, дон экинлари 42,0 минг га, картошка, сабзавот, полиз экинлари 1,4 минг га ерга экилади. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2,6 минг км коллектор дренаж тармоқлари, 138 та зах қочириш кудуғи қурилган.

Навоий вилоятида деҳқончилик майдонлари Аму-Бухоро машина канали Навоий, Ўртақўл, Аму, Сумбул, Майна тармоқлари ҳамда Зарафшон дарёсидан сув оладиган Тосс, Шовот, Човли, Ўнг ва Чап қирғоқ, Навкар, Конимех каналлари орқали сув билан таъминланади. 32 йирик сув чиқариш электр насос станциялари ишлаб турибди. Навоий вилоятида 75 ширкат, 4 минг фермер хўжаликлари мавжуд.

Вилоят жамоа ва хусусий хўжаликларида 200,0 минг қорамол (шу жумладан, 96,4 минг сизир), 1458 минг қўй ва эчки, 723 минг парранда бор. 300 дан зиёд умумий таълим мактаби, академик лицей, коллеж, Навоий педагогик институти, Навоий қончилик институти фаолият кўрсатади. Навоий шаҳри Зарафшон воҳасидаги энг навқирон шаҳарлардан. Бу шаҳарда иссиқ қўл иклими шароитларига эга бўлган замонавий шаҳар қурилишининг янги усули биринчи бор ишлаб чиқилди. Шаҳар кучли даражада кўкаламзорлаштирилган, фавворалар кўп.

Шаҳарга, улуғ мутафаккур, ўзбек мумтоз шоири Алишер Навоийга катта ҳайкал қўйилди. Қизилқум чўли марказида раингли конлар негизида Зарафшон ва Учқудук каби замонавий шаҳарлар қурилди. Бу шаҳарларга Амударёдан сув келтирилган.

Самарқанд – Бухоро йўлида Навоий шаҳри яқинида қадимги меъморий ёдгорлик Роботи Малик (XI-аср) сардобаси сақланиб қолган. Нурота шаҳри ёнида, қатта булоқ атрофида қўзна қалъа харобалари ҳам сақланган.

Кармана шаҳридаги Қусам шайх ҳонақоси XVI-асрдан буён муқаддас зиёратгоҳлардан ҳисобланади.

*Мавзу бўйича тест саволлари:*

**1. Бухоро вилоятида неча тарихий ёдгорликлар бор?**

А. 907 та

Б. 807 та

В. 707 та

Г. 607 та

**2. Бухородаги энг кекса тарихий обидани аниқланг**

А. Исмоил Сомоний мақбараси

Б. Минораи Калон

В. Арк

Г. Мир Араб мадрасаси

**3. Бухоро неча ёшда?**

А. 2500 ёшда

Б. 2550 ёшда

В. 2000 ёшда

Г. 2250 ёшда

**4. Навоий шаҳри нимаси билан машҳур?**

А. Олтинлари билан

Б. Тоғ-кўн саноати билан

В. Қорақўл териси билан

Г. Замонавий қурилган шаҳарлиги билан

**5. Навоий вилояти қанча қорақўл тери етиштириб беради?**

А. 500 минг дона

Б. 400 минг дона

В. 300 минг дона

Г. 200 минг дона

*Мавзунини ўлаштириш бўйича саволлар:*

1. Бухоро вилоятининг умумий тавсифини гапириб беринг

2. Навоий вилоятининг умумий тавсифини гапириб беринг

3. Бухоро ва Навоий вилоятларининг бошқа вилоятларда бўлмаган алоҳида хусусиятларини тушунтиринг

## **19-Мавзу. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг умумий тавсифи**

**Режа:**

19.1. Сурхондарё вилоятининг умумий тавсифи

19.2. Қашқадарё вилоятининг умумий тавсифи

### **19.1. Сурхондарё вилоятининг умумий тавсифи**

Сурхондарё вилояти 1941 йилда ташкил топган. Майдони – 20,1 минг кв.км. Аҳолиси–2116,6 минг киши.Маъмурий маркази–Термиз шаҳри (Тошкентдан– 708 км), аҳолиси–121 минг киши.Таркибида 14 та қишлоқ тумани бор: Ангор, Бандихон, Бойсун, Денов, Жаркўрғон, Музробод, Олтинсой, Сариосиё,Термиз,Узун,Шеробод,Шўрчи,Қизирик, Қумкўрғон,7 та шаҳарча, 114 та қишлоқ йиғини бор.

Вилоятнинг асосий қисмини Сурхон-Шеробод ҳавзаси эгаллайди. Уч томондан Ҳисор тоғ тизмаларининг давоми бўлган Бойсунтоғ, Қўхитантоғ, Боботоғ билан ўралган. Факат жануби-Амударё томони очик.Иклими қиши илиқ, ёзи иссиқ ва узоклиги билан фарқланади. Вилоятнинг жанубий–шарқий қисмида чанг-тўзонли “Афғон шамоллари” экинларга катта зарар етказади. Январнинг ўртача  $t^{\circ}$  – 2,8–3,6 $^{\circ}$ С. Ёзда ҳарорат то-46 $^{\circ}$ С гача кўтарилади.

Вилоятнинг рельефи хилма-хил. Табиий зоналари: дарё ҳавзалари, тоғ олди текисликлари, адирлар ва тоғлар. Йирик дарёлари: Сурхондарё, Шеробод, Тўпаланг, Сангардак, Хондиза, Хўжанпок, Мачайдарё. Иклим шароитларининг қулайлиги,айниқса дарё ҳавзаларидаги тупроқларнинг унумдорлиги бу жойларда қадимдан аҳолининг макон топишга ва маданиятнинг қарор топишга олиб келди.

Ўзбекистондаги энг қўхна ёдгорликларнинг аксарияти Сурхондарё вилоятидадир: Холчаён, Далварзинтепа, Айритом, Қизилтепа, Бандихон, Зартепа, Кампиртепа шулар жумласидандир. Вилоят замини казилма бойликларга бой. Ҳовдак, Кокайди, Лалмикорда нефт ва газ қазиб олинади. Ўзбекистондаги 3 та йирик кўмир конларининг иккитаси Сурхондарёда жойлашган.Булар Шарғун ва Бойсун кўмир конларидир. Вилоятда полиметал, ош тузи конлари, гипс, гранит, агролит каби қурилиш материаллари конлари бор. Саноатда пахта хом ашёси ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш етакчилик қилади.

Вилоятнинг йирик саноат корхоналари:

1. “Жаркўрғонтепа” бошқармаси.
2. Денов ёғ-ғэкстракция заводи.
3. Шўрчи ун комбинати.
4. Шарғун кўмир саноати.
5. Хўжанкон туз кони корхонаси.
6. Шеробод керамика бадий буюмлар заводи.
7. Ўзбекистон – Ҳиндистон – Фармед қўшма корхонаси.

Саноатининг етакчи тармоқлари: пахта тозалаш, пахта қайта ишлаш корхоналаридир.Йирик саноат корхоналари: “Жаркўрғоннефт” бошқармаси, Шеробод керамика бадий буюмлар, Денов ёғ-экстракция, Сариосиё тош саралаш заводлари, Шўрчи ун комбинати, Жаркўрғон йигирув-тўқув, Термиз тикувчилик фабрикалари,Шарғун кўмир, Хўжанкон туз конлари корхоналари ва бошқалар.

Сурхондарё вилоятида 40 га яқин қўшма, 4000 дан зиёд кичик ва хусусий корхона ишлаб турибди. Жумладан, Афғонистон билан ҳамкорликда ташкил етилган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариладиган “Намаф” ва

"Афрўз", "Сурхонтекс" ва бошқа кўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ҳиндистон -Термиз "Фармед" кўшма корхонасида маҳаллий гиёҳлар асосида доридармон, Туркия-Термиз "Пўлат" кўшма корхонасида миллий гиламлар, палослар тайёрланади. Туманларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайта ишланадиган кичик корхоналар, цехлар ташкил этилмоқда.

Вилоятнинг табиий иқлим шароитлари Сурхон-Шеробод ҳавзасидаги суғориладиган ерларда иссиқсевар экинларни етиштириш имконини беради. Пахтачилик экин майдонларининг 50 % ини ишғол қилади. Ўзбекистондаги энг кўп ингичкатолалипахта Сурхондарёда етиштирилади. Вилоятнинг тоғ олди зоналарида боғдорчилик ва тоқчилик ривожланган.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари: пахтачилик, галлачилик, боғдорчилик, пиллачилик, лимончилик. Тоғ этакларида лалмикор дехкончилик (асосан, буғдой ва арпа) билан шуғулланилади. Ўзбекистонда энг кўп ингичка толали пахта Сурхондарё вилоятида тайёрланади. Вилоятнинг тоғолди туманларида боғдорчилик ва тоқчилик ривожланган. Чорвачиликда қорамол, қўй (қоракўл ва ҳисор қўйлари), эчки, йилки, парранда, қуён боқилади. Жаҳон мўйна ва тери аукционларида жуда кадрланадиган "Сурхон сури" қоракўл териси етиштирилади.

Сурхондарё узум, анор, анжир, олмадан ташқари цитрус ўсимликлари – айникса лимон ва хурмога бой. Сурхондарё Ўзбекистонда шакар-қамиш етиштирадиган ягона вилоятдир. Сурхондарёнинг тоғ ёнбағирларида ўтлоқзорларнинг кўплиги чорвачиликни ривожлантириш имкониятларини яратган. Сурхондарё думбали ҳисор қўйлари ватани, рангли қоракўлчилик ҳам ривожланган. Сурхондарёда мамлакатимиздаги ягона Термиз порти жойлашган.

Дехкончиликда фойдаланадиган ерлар майдони 284,3 минг га, шундан суғориладиган ерлар 271,6 минг га, шу жумладан, 120,8 минг га ерга пахта, 129,7 минг га ерга дон экинлари, 9,1 минг га ерга сабзавот, 1,8 минг га ерга полиз, 5,5 минг га ерга картошка, 16,2 минг га ерга ем-хашак экинлари экилади. 33,5 минг га ер кўп йиллик дарахтзорлар, 12,7 минг га ер мевазор, 5,2 минг га ер тутзор, 15,1 минг га ер тоқзорлар билан банд. 854,2 минг га ерни яйловлар эгаллаган. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида коллектор-дренаж тармоқлари қурилган. Вилоятда 151 ширкат, 4715 фермер хўжаликлари бор. Вилоят жамоа ва шахсий хўжаликларида 487,2 минг қорамол (шу жумладан, 227,7 минг сизир), 1042,0 минг қўй ва эчки, 1052,5 минг парранда, 12,2 минг от боқилади.

Вилоятда 776 та умум таълим мактаби, академик лицей, коллежлар, Термиз давлат университети, Республикада ягона Археологик музейи, республикада иккинчи ҳисобланган Термиз ҳайвонот боғи ишлаб турибди.

Сурхондарё тоғларида тош даврининг сўнгги босқичи—юкори палеолитга (мил. ав. 40—12 минг йилликлар) доир топилма ҳам кўп. Шулардан бири Тешиктош унгуридан қазиб олинган 8—9 яшар бола суяқларидир (антрополог М.М. Герасимов томонидан қиёфаси тикланган). Ушбу топилма "неандертал одам" номи билан машҳур бўлиб Ўзбекистоннинг умуман, Ўрта Осиёнинг ҳозирги замон одами (кроманьон) шаклланган

минтакага тааллуқли эканини исботлашга далил бўлди. Воҳада қадимий маданиятга мансуб Айритом, Далварзинтепа, Холчаён, ундан кейинги даврларга оид Сополлитепа, Миршоли, Мўллали, Кампиртепа, Жарқўрғон, Болаликтепа ва бошқа археологик ёдгорликлар топилиб ўрганилди.

Кўхитонг тоғларида аниқланган Зараутсой қоятош расмлари мезолит ёки неолит даврига тегишли. Зараутсойдаги тоғ шифтлари ва деворларида оҳра бўёғи ёрдамида расм чизилган. Расмларнинг асосий қисми ёввойи букаларни сеҳр-жоду йўли билан овлаш манзарасини акс эттиради.

Вилоятдаги энг кўҳна шаҳар Термиз шаҳридир. Унинг 2500 йиллик юбилеи 2002 йилда нишонланди. Тарихчи Шарафиддин али Яздийнинг “Зафарнома” асарида келтирилишича Термиз аҳолиси мўғулларга қаттиқ қаршилик кўрсатган. Шунинг учун ҳам—Термиз-Мардлар шаҳри деб ҳам аталган. Термизда халқимизнинг эпик қаҳрамони Алпомишга улкан ҳайкал ўрнатилган. Термиз ислом динининг буюк арбоблари Ҳаким ат-Термизий, Имом ат-Термизий ва бошқа Термизийлар ватани.

Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби М. Равшанов, Ўзбекистон халқ бахшилари Ш. Болтаев ва А. Поёнов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими А. Иброҳимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Г. Равшанова, Р. Маматалиев, Х. Орипов, М. Махмудова, А. Нарзуллаев, Й. Мирқурбонوف, С. Қосимова, Н. Алланазаровлар вояга етганлар.

## 19.2. Қашқадарё вилоятининг умумий тавсифи

Қашқадарё вилояти 1943 йилда ташкил топган. Майдони-28,6 минг кв.км., аҳолиси-2668,8 минг киши(2011 й). Маъмурий маркази-Қарши шаҳри(Тошкентдан-558 км; аҳолиси-212,2 минг киши. Қашқадарё майдони жиҳатидан мамлакатимиздаги энг катта вилоятлардан бири. Республиканинг жанубий-шарқида, Қашқадарё ҳавзасида жойлашган, ғарбидан Помир-Олой тоғлари тизмалари ўраб туради.

Таркибида 14 та кишлоқ тумани: Баҳористон, Дехқонобод, Касби, Китоб, Косон, Муборак, Нишон, Усмон Юсупов, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаш, Қарши, Ғузор: 12 та шаҳар: Бешкент, Китоб, Косон, Муборак, Янги Нишон, Толимаржон, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаш, Қарши, Ғузор: 4 та шаҳарча: Дехқонобод, Яккабоғ, Қашқадарё, Қорашина: 145 та кишлоқ йиғини бор.

Вилоятнинг шимоли ва шимолий-ғарбини Қарши чўли, Жанубини Нишон чўли, жанубий-ғарбини Сандикли ва Қизилқум чўллари ишғол қилади. Шарқий қисмида Китоб, Қамаш тоғ олди текисликлари жойлашган. Иклими кескин континентал, субтропик, қуруқ. Вилоятнинг шимолий-шарқи, шарқи ва жанубидан ўраб турган баланд тоғ тизмалари вилоят ҳудудига совуқ ҳаво оқими кириб келишига тўсқинлик қилиб, ғарбий нам ҳаво оқимини мутадил ушлаб туради. Қиши нисбатан юмшоқ, ёзи иссиқ, қуруқ, узок давом этади.

Асосий дарёси-Қашқадарё. Унинг ирмоқлари—Жиннидарё, Оқсув, Яккабоғдарё, Танҳодарё, Ғузордарёлардир. Сув омборлари ва сугориш

каналлари Китоб-Шахрисабз, Ғузур-Қамаши каби суғориш деҳқончилигини, воҳасини юзага келтирган.

*Саноати*- нефтни, табиий газни, олтингугуртни, рухни, мрамар ва тузни казиб олиш ва қайта ишлаш. Саноатининг етакчи тармоқлари: -табиий газ ва нефт казиб олиш, газни қайта ишлаш, пахта тозалаш, ёғ-экстракцияси, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, ип-йигирув, тикувчилик, озик-овқат ва бошқалар. Энг йирик корхоналари: Муборак нефтгаз унитар корхонаси, Шўртан газ унитар корхонаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ кимё мажмуаси, Қарши, Косон ёғ-экстракция, Шахрисабз консерва заводлари, Шахрисабз пиллакашлик, Қарши тикувчилик фабрикалари, Қашқадарё мрамар акциядорлик жамияти ва бошқалар. Қашқадарё вилоятида 49 кўшма корхона фаолият кўрсатади, шулардан: Ўзбекистон-Туркия "Каштекс" тўқимачилик, "Оқсарой тўқимачилик ЛТД" кўшма корхоналари ишламоқда.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари: галлачилик, пахтачилик, картошқачилик, полизчилик, сабзавотчилик, чорвачилик. Боғдорчилик, тоқчилик, ипакчилик ҳам салмоқли ўрин тутди. Чорвачилиги гўшт-сут етиштиришга ихтисослашган. Қорамолчилик, кўйчилик, паррандачилик ривожланган. Муборак, Миришкор, Нишон, Ғузур туманларида қоракўлчиликка ихтисослашган йирик наслчилик хўжаликлари мавжуд. Асаларичиликка ҳам катта этибор берилган. Вилоят Ўзбекистонда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 10,2 % ини беради. Чорвачилик гўшт ва суг ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Тоғ яйловларида йилқичилик ва кўйчилик ривожланган.

Қашқадарё вилоятида 667,6 минг га экин майдони мавжуд бўлиб, шундан 418,7 минг гектари суғорилади. 173,8 минг га ерга пахта, 205 минг га ерга дон, 3,2 минг га ерга сабзавот, 2 минг га ерга полиз, 0,5 минг га ерга картошқа, 38,1 минг га ерга озуқа экинлари экилади. 32,8 минг га ер кўп йиллик дарахтзорлар, шундан 13,2 минг га ер мевазор, 9,2 минг га ер тутзор, 10,4 минг га ер тоқзорлар билан банд, 1451 минг га ерни яйловлар эгаллаган. Ерининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 13815 км узунликда коллектор-дренаж тармоқлари қурилган.

Вилоятда суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида суғориш каналлари (Қарши, Сандал ва бошқалар) ва сув омборлари (Толлимаржон, Чимкўрғон, Ҳисорак, Қизилсув ваб.) барпо этилган. Суғоришни ташкил этиш учун 6 та йирик насос станцияси қурилган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида Қарши чўлида 250 минг га ер ўзлаштирилган.

Вилоятда 68 ширкат, 4567 та фермер хўжаликлари, 17,6 минг деҳқон фаолият кўрсатади. Қашқадарё вилояти ширкат, фермер ва шахсий хўжаликларида 654,7 минг қорамол (шу жумладан, 276,8 минг сигир), 2,2 млн. кўй ва эчки, 1,3 млн. парранда, 17,3 минг йилқи боқилади.

Вилоятда 1000 та умимий таълим мактаблари, академик лицей, коллежлар ишлаб турибди. Қарши давлат университети, Қарши аграр-иқтисодий институти, Тошкент техника университетининг Қарши филиали,

Бухоро озик-овкат ва энгил саноат технологияси институтининг Шахрисабз умумтехника факультети бор. Вилоятда мусикали драма театри, кутубхона, клублар ва бошқа маданий-маърифий муассасаларнинг кенг тармоқлари фаолият кўрсатади. 100 зиёд касалхоналар ишлаб турибди.

*Қарши*- Қашқадарё хавзасидаги энг йирик шаҳар. 14-аср бошларида қарши воҳасининг марказида, Кўнғиртоғ тизмасининг этагида юзага келган. Шаҳар Самарқанд ва Бухородан Афғонистон ва Ҳиндистонга борадиган қарвон йўлида жойлашган.

Ҳозирги Қарши шаҳри яқинида 6-9 асрларда Нахшаб шаҳри бунёд этилган. Кейинчалик бу шаҳар Насаф номи билан юритилган. 14-асрда Чигатой улусининг хони Келакхон Насафдан 12-14 км нарида қаср қурдирган. Кейинчалик бу қаср атрофида шаҳар барпо этилиб Қарши деб атала бошланган. Пойтахт Насафдан Қаршига кўчирилган. Айрим тадқиқотчилар фикрича, «Қарши» сўзи қадимий туркийча бўлиб, «сарой», «қаср» маъносини англатади. Ҳозирги Қарши-кенг ва кўкаламзорлаштирилган замонавий, обод шаҳар. У йирик саноат маркази. Саноат корхоналари асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга йўналтирилган. Пахта тозалаш, ёғ-экстракция ва сут заводлари, гўшт комбинати бор. Қурилиш индустрияси мажмуалари яратилган.

Қарши чўлининг жанубий-ғарбида саноатнинг йирик маркази *Муборак* шаҳри жойлашган. Бу ерда газни водород сульфиддан тозалашнинг жуда ҳам ҳам ноёб технология системасига эга бўлган табиий газни қайта ишлаш заводи фаолият юритмоқда. Қашқадарёнинг юқори қисмида, Ҳисор, Яккабоғ ва Зарафшон тоғлари тизмалари орасида Китоб-Шахрисабз воҳаси жойлашган. Воҳа Қашқадарё нинг энг ўзлаштирилган жойлари бўлиб аҳоли жуда зич яшайди. Бу ерлар нинг иклими илик, юмшоқ, қиши – мўътадил, мўътадил иссиқ ёзда ёгингарчи лик кўп бўлади.

*Шахрисабз*- Қадимда Кеш деб аталган, унча катта бўлмасида аҳоли ниҳоятда зич яшайдиган бу шаҳар соҳибқирон Амир Темурнинг ватанидир. 1370 йилда пойтахт Самарқандга кўчиб келгач, Амир Темур Кеш вилоятига ўз эътиборини сусайтирмади. У забт этган мамлакатлардан энг мохир меъморлар, ҳунарманд усталарни Кешга олиб келиб ажойиб бинолар барпо этди. Ҳозирги Шахрисабздаги Оксарой, Темурийлар сулоласининг хилхонаси-Доруссаодат, унинг отаси, пири шамсиддин Кулол ва барлос аёнлари дафн этилган мақбаралар шулар жумласидандир, Узининг шарқона қиёфасини сақлаб қолган Шахрисабз 1996 йилда Амир Темур ордени билан тағдирланди. 2001 йилда ЮНЕСКОнинг маданий обидалар рўйхатига киритилди. Шахрисабзда пахта тозалаш заводи, виночилик, мева-сабзавод консерва заводлари, пиллакашлик фабрикаси ишлаб турибди. Бадий буюмлар фабрикаси ироқи дўппилар, сўзана, палак, гиламлар ва бошқа буюмлари билан машхур.

*Китоб* шаҳри Шахрисаб шаҳри билан ёнма-ён жойлашган. Бу шаҳар ўзининг астрономик кенглик станцияси билан машхур. Бир географик кенгликда жойлашган бундай ноёб шаҳарлар жаҳонда санокли:

Карлофорт(Италия), Юкая ва Гейтерсбург(АҚШ) ва Минцузава(Япония). Китобликлар анорлари билан ҳам машхурдир.

Қашқадарё вилоятида Абдулла Орипов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари: Раҳимжон Комилжонов, Садриддин Салимов, Исоқ Тўраев; Ўзбекистон халқ хофизи Ўлмас Саиджонов; Ўзбекистон халқ бахшилари: Шомурод бахши Тоғаев, Қаххор бахши Раҳимов; Ўзбекистон халқ артистлари: Фароғат Раҳматова, Икром Болтаева, Замира Суюнова, Марям Сатторова, Насиба Сатторова, Хусан Амиркулов, Мухтарама Носирова; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: Тожиддин Муродов, Ойгул Халилова, Бахриддин Раҳмонов, Зебо Турсуновалар вояга етганлар.

20-асрнинг 2-ярми Қашқадарё адабий мухитининг кўтарилиши ва янги ижодкорлар билан бойиш даври бўлди: Гулшаний, Тоғай шоир, Сувон Соки, Самар Нур, Азим (бахши) Хўжаев, Кодир (бахши) Раҳимов, Абдулла Орипов, Икром Отамуродов, Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, Исмоил Тохтамишев, Хосият Лутфуллаева, Муҳаммад Очил, Жумакул Курбон, Нормурод Норқобил, Поён Равшанов, Убайдулла Уватов, Юсуф Бердиев каби шоир, ёзувчи ва олимларнинг илмий ва бадиий асарлари адабиёт тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб кўшилди. Бу даврда еришилган ютуқлар сифатида Поён Равшановнинг қадимий Нахшаб ва Кешнинг тарихига оид 4 жиддли сайланмаси, Абдулла Ориповнинг "Адолат кўзгуси", "Кўзтумор", Нормурод Нарзуллаевнинг "Алёр", Икром Отамуроднинг "Давр", Амир Худойбердиннинг "Еттинчи малак", Ҳабиб Абдуназарнинг "Анжир гули" каби асарларини кўрсатиб ўтиш лозим.

*Мавзу бўйича тест саволлари:*

**1. Сурхондарё вилояти қайси хусусиятлари билан бошқа вилоятлардан ажралиб туради?**

- А. Иклими билан
- Б. Ингичка толали пахтаси билан
- В. Кўхна ёдгорликлари билан
- Г. Ҳаммаси тўғри

**2. Энг йирик кўмир конлари қайсилар?**

- А. Шарғун ва Босун
- Б. Шарғун ва Хўжаипок
- В. Шарғун ва Лалмикор
- Г. Шарғун ва Термиз

**3. «Неандертал одам» бола Сурхондарёнинг қаеридан топилган?**

- А. Тешиктош ғоридан
- Б. Босун тоғидан
- В. Зараутсойдан
- Г. Айритомдан

**4. Қашқадарё вилояти қачон ташкил топган?**

- А. 1943 йилда
- Б. 1944 йилда
- В. 1945 йилда
- Г. 1946 йилда



### *Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар:*

1. Сурхондарё вилоятининг умумий тавсифини гапириб беринг
2. Қашқадарё вилоятининг умумий тавсифини гапириб беринг

## **20-Мавзу. Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг умумий тавсифи**

### **Режа:**

- 20.1. Жиззах вилоятининг умумий тавсифи
- 20.2. Сирдарё вилоятининг умумий тавсифи

### *20.1. Жиззах вилоятининг умумий тавсифи*

Жиззах вилояти 1973 йилда ташкил қилинган бўлиб Республиканинг марказий қисмида жойлашган. Майдони-21,2 минг кв. км., аҳолиси-1 166 700 киши (2014 й). Маъмурий маркази-Жиззах шаҳри. Тошкентдан-203 км масофада, аҳолиси-136,5 минг киши. Таркибида 12 та қишлоқ тумани: Арнасой, Бахмал, Дўстлик, Жиззах, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Мирзачўл, Пахтакор, Фориш, Янгиобод, Ғаллаорол: 7 та шаҳар; Гагарин, Даштобод, Дўстлик, Жиззах, Маржонбулок, Пахтакор, Ғаллаорол; 8 та шаҳарча: Бўстон, Заробод, Зафаробод, Зомин, Ўсмаат, Учқулоқ, Янгиқишлоқ, Кўйтош; 101 та қишлоқ йиғини бор.

Вилоятнинг марказий, шимолий ва шимолий-ғарбий қисмларини Мирзачўл ва Қизилқум чўли эгаллаган. Жанубий қисмида Туркистон тизмасининг ғарбий тармоқлари (Моргузар тизмаси), ғарбида Нурота тизмасининг шарқий тармоқлари жойлашган. Бу икки тоғ тизмаларини «Амир Темура дарвозаси ва Сангзор дарёси воҳаси ажратиб туради.

Иқлими кескин континентал. Ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши нисбатан юмшоқ. Январнинг минимал ҳарорати-27 градус, июлнинг максимал ҳарорати +45 градусгача. Ҳавонинг қуруқлиги ва ёз ойларидаги шамоллар ер юзасидан намнинг буғланишига олиб келади. Тоғ яқинлиги туфайли иқлими юмшоқ. Тоғ ёнбағирлари ғалла етиштириш учун қулай.

*Йирик дарёлари*-Зоминсув, Сангзор, Зарафшон, Эски Туятортар канали. Булардан ташқари Туркистон ва Нурота тизмаларидан Ачисой, Жалойир, Робот каби кўплаб сойлар оқиб тушади.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси чўл минтақасига хосдир. Туркистон тизмасининг ғарбидаги тоғ ёнбағирларида Зомин тоғ-ўрмон кўриқхонаси жойлашаган. Зомин миллий парки ҳам Зомин табиат кўриқхонаси теғраларида.

Вилоятнинг табиий бойлиги бу ерда саноат айрим тармоқларининг юзага келиши ва ривожланишига имконият яратган. Вилоятда гипс, оҳак, мрамарнинг борлиги туфайли қурилиш саноати тез ривожланмоқда. Тоғ ёнбағирларида рангли метал конлари бор. Саноатнинг етакчи тармоғи электрэнергетикадир. Шунингдек, машинасозлик, ёғочни қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат саноати ҳам ривожланган.

Вилоятдаги ишлаб чиқариш саноат тармоқларини ҳудудий жиҳатдан Жиззах, Ғалла-орол, Даштобод, Дўстлик шаҳарларидаги саноат тармоқларига ажратиш мумкин. Булар фойдали қазилмаларни казиб чиқариш, пахтачилик ва ирригация билан боғлиқ бўлган тармоқлар, пахтани қайта ишлаш, электротехника саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимё, енгил саноат (ип-йигирув, пайпоқ тўқиш, устки трикотаж фабрикалари), озиқ-овқат саноатидир.

Вилоятда қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг салмоғи сезиларли. Шулардан Даштобод қурилиш материаллари, Зомин оникс, Бахмал мрамор, ғишт заводлари, Даштобод, Дўстлик ун комбинатлари, Жиззах мебел фабрикаси ишлаб турибди.

Жиззах вилоятида қончилик тармоғи ҳам ривожланган. Маржон бўлоқ олтин қони, Қўйтошдаги оҳақ, волластонит, волфрам, Кўтармада оҳақ, Учкулочда кўргошин қонлари фаолият кўрсатмоқда. 1991 — 2001 йиллар давомида Жиззах вилоятида жаҳон андозаси даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи замонавий қўшма корхоналар ташкил қилинди. Вилоятда қўшма, кичик ва хусусий корхоналар мавжуд.

Қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг салмоғи тобора ортиб бормоқда. "Жибри" (Ўзбекистон — Буюк Британия) қўшма корхонаси йилига 50 минг т чигитни қайта ишлаб ўсимлик ёғи ишлаб чиқаради, "Кумуш тола" (Ўзбекистон—Тожикистон) қўшма корхонаси йилига 80 т дан зиёд ипак толасини тайёрлайди, "Пахта интернейшнл" (Ўзбекистон—Сурия) қўшма корхонаси йилига 10 минг т линтдан целлюлоза ишлаб чиқариш қувватига эга, "Бахмалшароб" (Ўзбекистон—Польша) қўшма корхонасида минерал суви қадокланади.

Шунингдек, пахта толасидан эшилган ип тайёрловчи "Иржартекстил" (Ўзбекистон—Покистон), ёғ-мой ва совун ишлаб чиқарувчи "Мадина" (Ўзбекистон—Хитой), "Жиззах—Телеком" (Ўзбекистон-Индонезия), Қўйтош шаҳарчасида "Волластонит" ишлаб чиқаришчеҳи (Ўзбекистон—Россия), саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Восток ЛТД", "Белогорск" қўшма корхоналарининг ҳиссаси сезиларлидир. Йилига 1 млн. дона аккумулятор тайёрловчи "Ўзбексайд" қўшма корхонаси фаолият кўрсатади "Зилолатекс" акциядорлик жамиятида 250 т нитрон матоси ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилди.

*Қишлоқ хўжалиги.* Вилоят қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи-пахтачилик. Пахта экини майдони вилоятдаги суғориладиган ер майдонининг асосий қисми (110 минг га)ни ташкил этади. Вилоятнинг 12 туманидан 10 тасида пахта экилади. 1994 йилдан Жиззах вилоятида ғалла экиладиган майдон кескин оширилди. 2000 йилда 317,7 минг т ғалла тайёрланди. Ғаллачиликни ривожлантириш учун табиий шароитлар ва бошқа имкониятлар мавжуд. Вилоят қишлоқ хўжалигида пиллачилик ҳам салмоқли ўрин тутди. Жойларда йилига 440—480 т пилла етиштириш имконини берадиган табиий ресурслар яратилди.

Қишлоқ хўжалигида картошка, полиз, сабзавот, узум, хўл мева этиштириш билан ҳам шуғулланилади. Бир йилда 25—30 минг т картошка этиштирилади. Полиз ва сабзавотдан йилига ўртача 70 минг т дан ҳосил олинади. Жиззах вилоятида 9,4 минг га дан ортик, майдон мевали боғ (олма, беҳи, шафтоли, ўрик, олча, гилос, анор), 7,9 минг га токзор, 2,4 минг га тутзор, 410 га кўчатзор яратилган.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 1241,4 минг га, шу жумладан ҳайдаладиган ерлар 478,5 минг га, шундан суғориладиган ерлар 266 минг га, далами ерлар 212,5 минг га, яйловлар 850 минг га, пичанзорлар 12,5 минг га, кўп йиллик дарахтзорлар 21,5 минг га. Дон экинлари 212 минг га, пахта экиладиган майдон 110,8 минг га, сабзавот-полиз экинлари 10 минг га, озука экинлари 12,5 минг га, 165 минг га ўрмонзор бор.

Жиззах вилоятида жамоа, давлат, ширкат ва фермер хўжаликлари мавжуд. Фермер хўжалиқларининг салмоғи ортиб бормоқда. Вилоят қишлоқ хўжалигида чорвачилик алоҳида ўрин тутди. Барча хўжалиқларда 280 мингдан зиёд қорамол, 800 мингдан кўпроқ қўй ва эчки, қарийб 15 минг от, 410 мингга яқин парранда боқилади, 5882 та фермер хўжаликлари бор.

Асосий транспорт тури-автомобил транспорти. Автомобиль йўллари нинг узунлиги-4,1 минг км. Асосий йўллари: Жиззах-Гулистон (100 км), Жиззах-Самарқанд (90 км), Жиззах-Пахтакор (27 км), Жиззах-Еттисой (65 км), Жиззах-Тошкент (180 км), Маржонбулоқ-Тошкент (220 км). Темир йўллари узунлиги-217,8 км.

Жиззах вилоятида 448 та умумий таълим мактаби бор, академик лицейлар, коллежлар, 2 та институт, ихтисослашган спорт ва мусика мактаблари ишлаб турибди. Вилоятда театр, клублар, кутубхоналар ва музейлар мавжуд.

Жиззах шаҳри-жанубда икки тоғ оралигидаги пасттекиликда, шимолда чўлли ерда, Санзор дарёси соҳилида, денгиз сатҳидан 470 метр баландликда жойлашган. Қадимда буюк ипак йўлининг бир тамоғи Жиззах орқали ўтган.

Жиззах 10-аср араб сайёҳлари Ибн Ҳавқал ва Максидийлар асарларида Усрушонга қарашли Факнон вилояти деб ёзилган. Кейинчалик Дизак (қалъача) деб аталган.

Жиззах араблар томонидан фатҳ этилгунга қадар Усрушоннинг йирик шаҳарларидан бўлган. Шаҳарга киришдаги қалъалар Кушон подшолиги даврида қурилган, 87-асрда Кандипарак (вилоят девори) билан ўраб олинган. Бухоро хони Абдуллахон II (1558-98) Жиззахга Зарафшондан Туятортар каналини қазиттирган.

Жиззах 14-15 асрларда Амир Темурва Темурийлар салтанати, 16-19 асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлиги, 19 асрнинг иккинчи ярмидан Россия подшолиги таркибида бўлди. 1916 йилда Россия подшолиги мустамлакачилиги зулмига қарши «Жиззах кўзғолони» номи билан тарихга кирган халқ кўзғолони бўлиб ўтган. Жиззахда халқ хунармандчилиги ривожланган ва йирик савдо марказларидан бўлиб келмоқда.

Ҳозирги Жиззах-вилоятнинг йирик саноат ва маданият маркази. Шаҳарда мусикали драма театри, кўплаб клуб муассасалари, кутубхоналар

бор. Жиззахда давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов ва шоир Ҳамид Олимжон туғилган.

Мирзачўл туманининг жанубий- шаркида, Жиззахдан 75 км масофада Гагарин шаҳари жойлашган. Бу шаҳарда пахта тозалаш заводи, темир-бетон буюмлари заводи ва босмахона ишлаб турибди.

Жиззахдан 25 км масофада Тошкент-Самарканд темир йўли ва катта Ўзбекистон тракти ёқасида Ғаллаорол шаҳари жойлашган. Бу шаҳарда Ғаллачилик илмий-тадқиқот институти, коллежлар ва ихтисослашган мактаблар бор. Нурота тизмасининг тармоғи-Ғўбдунтоғ этакларидаги олтин конлари асосида Маржонбулоқ шаҳри ташкил топди.

Вилоятда 5 музей (Жиззах вилоят ўлкашунослик музейи, Шароф Рашидов музейи, Зомин тарихи музейи, Ҳамид Олимжон музейи, Меҳнат Қаҳрамони Х. Носиров музейи), 289 жамоат кутубхонаси (8 млн. нусхадан ортиқ асар), 126 клуб, 12 туман марказий, 73 кишлоқ ва шаҳар маданият уйлари, 77 бадий хаваскорлик, 54 фольклор-этнографик жамоалар, 12 мақомчилар гуруҳи, 60 хореографик дасталари, вокал ва эстрада гуруҳлари фаолият кўрсатади. Жиззах вилоятида 3 театр: Юнус Ражабий номидаги вилоят мусикали драма театри, вилоят кўғирчоқ театри, Гагарин шаҳрида козоқ миллий театри бор.

Жиззах вилояти қадимдан илм-фан ва ижодкорлар ўсиб улғайган юрт. Бу заминда ўрта асрларда шайх Абулҳасан Ҳараконий (950—1034), шайх Аба Али Фамардий (1084), Абу Тал ибн Наср ибн Жундабек ал-Усрушоний, Поянда Заминий, Соки Заминий каби ислом маърифати ва фикҳ илмига улкан ҳисса қўшган алломалар яшаб ўтган.

Кейинроқ 19-20-асрларда Махмур Коризий, Убайдуллоҳ Аламқаш, Нарзулло Нарзий, Иномхон Махжур сингари ижодкорлар бой адабий мерос қолдирган. 20асрда ўзбек адабиёти ривожидида Жиззахда туғилиб ўсган Ҳамид Олимжон, Шароф Рашидов, Назир Сафаров, Шукур Саъдулла, Сарвар Азимов каби адибларнинг муносиб ҳиссаси бор.

20-асрнинг охирларида Жиззахдан Келди Қодир, Жонибек Қувноқ, Эргаш Муҳаммад, Саъдулла Ҳаким, Рустам Ғаниев, Асрор Мўминов, Оқилжон Ҳусанов, Шарофат Ботирова, Иброҳим Дониш, Сайёра Тўйчиева, Венера Иброҳимова, Саттор Қорабоев, Мели Норматов, Фароғат Камолова каби ижодкорлар ўз маҳоратлари билан адабий жамоатчиликка танилди.

## 20.2. Сирдарё вилоятининг умумий тавсифи

Сирдарё вилояти 1963 йилда ташкил этилган. Майдони—4,3 минг кв.км. Аҳолиси—726 минг киши. Маъмурий маркази — Гулистон шаҳри (Тошкентдан — 118 км), аҳолиси — 50 минг киши. Таркибида 9 та кишлоқ тумани бор: Боёвут, Гулистон, Меҳнатобод, Мирзаобод, Оқолтин, Сайхунобод, Сирдарё, Шароф Рашидов, Ховос туманлари, 5 та шаҳар: Бахт, Гулистон, Сирдарё, Ширин Янгиер, 5 та шаҳарча: Боёвут Дехқонобод, Дўстлик, Сайхун, Ховос, 72 та кишлоқ йиғини ташкил қилинган.

Вилоят ҳудудлари асосан тўлқинсимон текислик бўлиб, жанубдан шимолий-ғарбга қараб пасайиб боради. Мирзачўлнинг бир қисми вилоят ҳудудига киради. Текислик қисми Сирдарёнинг ўзанидан иборат бўлиб, кўплаб ерлари шўрхоклар ва боткоқликлардан иборат. 1920-1930 йилларда каналлар қазниб экин майдонлари кенгайтирилди ва боғларга айлантирилди. Адирларда лалмикор ерлар мавжуд. Ёзи жазирама иссиқ. Қиши совуқ кунларга нисбатан илиқ кунлар кўп. Катта каналлар қазилгандан кейин бу жойлар мамлакатга пахта етказиб берадиган муҳим майдонлардан бири бўлиб қолди.

*Саноати* асосан пахтачилик ва маҳаллий хом ашёларни қайта ишлаш билан боғлиқ. Йирик корхоналари – Сирдарё ГРЭСи, ёғ-экстракция ва пахта тозалаш заводлари, қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати, тикувчилик ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш заводлари бор. Вилоятда 1000 дан ортиқ қўшма, кичик ва ширкат хўжаликлари бор. Сирдарёда 200 дан зиёд умумий таълим мактаблари, академик лицей, коллежлар ва давлат университети ишлаб турибди.

Сирдарё вилоятидаги 10774 та корхонадан 10129 таси кичик ва ўрта бизнес корхонаси, шундан 8557 таси микрокорхона ва 1282 таси кичик ва 290 таси ўрта корхоналардир.

Вилоятда хорижий инвестиция иштирокида 39 та корхона фаолият кўрсатади. Улардан 35 таси қўшма корхонадир. Қўшма корхоналардан: Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигидаги "Туркистон С" (кондитер маҳсулотлар ишлаб чиқаради), Ўзбекистон-Чехия "Лечива" фармсаноат қўшма корхонаси (тиббий спирт, доридармон тайёрлайди), чет эл паррандачилик фирмаси, Ўзбекистон-Австрия "Сирдарё", "Лоламодел" (трикотаж буюмлар ишлаб чиқаради), "Сарбонтекс" (тиббий бинт, дока, жаррохлик салфеткалари), Ўзбекистон-Эрон "Сайхун ПАЙА" (томат пастаси ишлаб чиқарилади), Ўзбекистон-Хитой "Пахтакор ЛТД" (иссиқхона), Ўзбек-Араб "Оқолтин ПМБ" (пахта толаси ишлаб чиқаради) ва бошқа корхоналар, айниқса, самарали фаолият кўрсатмоқда.

9 пахта тозалаш заводи, Сирдарё иссиқлик электр станцияси, Фарход ГЭС, "Момик", "Зилола", "Шухрат", "Гулистоннон", "Ховосдон", "Оқ олтиндон" акциядорлик жамиятлари, "Сайхунсут" хусусий корхонаси, "Бунёд" корхонаси (темирбетон буюмлар ишлаб чиқаради) ва бошқалар ишлаб турибди.

*Қишлоқ хўжалиги.* Пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик, мевачилик, сабзавот-полизчилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Сирдарё вилоятида 30 ширкат ва 6170 фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Вилоятнинг жами экин майдонлари 245,0 минг га, шундан 115,3 минг га ерга пахта, 86,3 минг га ерга ғалла, 6,0 минг га ерга шоли, 1,9 минг га ерга сабзавот, 2 минг га ерга полиз, 450 га ерга картошка, 19,5 га ерга ем-хашак экинлари экилади. 1233 га боғ ва токзор билан банд.

Шунингдек, суғориладиган ерларга беда, нўхат, мош, кунжут, тарик, ловия, кунгабокар ва бошқалар экилади. Гулистон ва Ховос туманлари сабзавот ва полиз кинлари экиладиган асосий жойлардир. Вилоятда етиштириладиган

қовун, тарвуз, пиёз Урал, Сибир ва Узок, Шарқдаги шаҳарларга ҳам жўнатилади. Богдорчилик ва тоқчилик ривожланган. Сирдарё вилоятидаги жами жамоа ва шахсий хўжаликларида 181,1 минг қорамол (шундан 75,9 минг сиғир), 120,5 минг қўй ва эчки, 376,3 минг парранда, 6,1 минг от боқилади.

Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон ўзининг 20 дан ортиқ шеърини тўпламлари ва достонлари билан ўзбек адабиётига қисса қўшган. Унинг "Истар кўнгил", "Ҳамкишлоқдарим", "Қорасоч" ва бошқа китоблари адабиёт мухлисларининг мулкига айланган. Шоира Ҳалима Худойбердиева поэзиясининг мавзуи ватан, дала, бободехқон, аёл, мухаббат, мангуликдир. "Ўзимизнинг боглар", "Она, сени шарафлайман", "Қалбинга чорлайсан" туркум шеърлари, "Оқ олмалар", "Чаман" ва бошқа шеърини тўпламларида инсоннинг рухий дунёси акс этган. Вилоятнинг маъмурий маркази – 1963 йилда Мирзачўл қишлоғи ўрнида ташкил этилган. Вилоятнинг иккинчи катта шаҳри Янгиер шаҳри бўлиб бу шаҳарда қурилиш материаллари, темир–бетон ва керамика қовурлари заводлари бор.

*Мавзу бўйича тест саволлари:*

**1. Жиззах вилоятини доимо эслатиб турувчи эсонни аниқланг**

- А. Амир Темур дарвозаси
- Б. Бахмал тоғлари
- В. Сангзор дарёси
- Г. Зомин тоғлари

**2. Жиззах вилоятидаги энг эски канални аниқланг**

- А. Туятортар канали
- Б. Сангзор канали
- В. Моргузар канали
- Г. Сирдарё канали

**3. Жиззах вилоятидаги энг йирик заводни аниқланг**

- А. Аккумулятор заводи
- Б. Оҳак ишлаб чиқариш заводи
- В. Пластмасса заводи
- Г. Кумуш тола заводи

**4. Сирдарё вилояти қачон ташкил қилинган**

- А. 1963 йилда
- Б. 1964 йилда
- В. 1965 йилда
- Г. 1966 йилда

**5. Сирдарё вилоятининг энг йирик қорхонасини аниқланг**

- А. Сирдарё ГРЭС
- Б. "Сарбонтекс" заводи
- В. Ховосдон заводи
- Г. Зилола заводи

*Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар:*

- 1. Жиззах вилоятининг умумий тавсифини гапириб беринг
- 2. Сирдарё вилоятининг умумий тавсифини гапириб беринг

## 21-Мавзу. Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларининг умумий тавсифи

Режа:

21.1. Андижон вилоятининг умумий тавсифи

21.2. Фарғона вилоятининг умумий тавсифи

21.3. Наманган вилоятининг умумий тавсифи

### 21.1. Андижон вилоятининг умумий тавсифи

Андижон вилояти 1941 йилда ташкил топган. Майдони—4,30 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси— 2595,5 минг киши. Маъмурий маркази—Андижон шаҳри—Тошкент шаҳридан—497 км, аҳолиси—356,2 минг киши. Андижон вилояти—Ўзбекистоннинг майдони нисбатан энг кичик, лекин аҳолиси энг зич жойлашган вилоятдир. Унинг майдони Республика ҳудудининг 1% ини эгалласада, бу ерда Ўзбекистон жами аҳолисининг қарийиб 10% и яшайди. Вилоят Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган.

Таркибида 14 та қишлоқ тумани бор: Андижон, Асака, Балиқчи, Булоқбоши, Бўз, Жалақудук, Избоскан, Марҳамат, Олтинқўл, Пахтаорол, Улуғнор, Хўжаобод, Шаҳрихон, Кўрғонтепа. Вилоятда 11 та шаҳар мавжуд: Андижон, Асака, Марҳамат, Охунбобоев, Пахтаобод, Пойтуғ, Хонбод, Хўжаобод, Шаҳрихон, Қорасув, Кўрғонтепа, 95 та фуқаролар йиғини бор

Вилоятнинг ғарбий қисми қирли текислик, шарқий Фарғона ва Олой тоғ тизмаларининг адирларидан иборат. Тоғ тизмалари водийни совуқ ҳавонинг кириб келишидан тўсиб турганлиги учун қишда об-ҳаво Ўрта Осиёнинг қолган ҳудудларига нисбатан бирмунча барқарор. Ёзи иссиқ, қиши нисбатан совуқ.

*Асосий дарёси*—Қорадарё (Сирдарёнинг ирмоқларидан бири) вилоятини шарқдан ғарбга қараб кесиб ўтади. Унинг ирмоқлари Майлисув, Окбўра, Аравансой ва бошқалар. Ернинг кўп қисми ҳайдалади. Шунинг учун экинлар кўп экилади. Йил давомида миришқор дехқон 2-3 мартаба ҳосил олиши мумкин.

Қишлоқ хужаликда фойданиладиган ерлар майдони томорка ерларини кўшган ҳолда 256,7 минг га. Қишлоқ хужалик экинлари экиладиган жами ерлари 257,6 минг га, шу жумладан ҳайдаладиган ер 200,9 минг га, яйловлар 21,7 минг га. Барча экин майдони 202,5 минг га, шу жумладан дон экинлари 82,5 минг га, пахта экиладиган ер 110 минг га, картошка, сабзавот-полиз экинлари 4,9 минг га, озука экинлари 16,1 минг га, 3500 га ўрмонзор бор.

Боғдорчиликда вилоят анор, анжир, бодом, беҳи, нок, шафтоли, олма, узум етиштириш билан машҳур. Вилоятда аҳоли сони кўплигидан адирларда боғ яратишга катта аҳамият берилган. Шундай боғлардан энг машҳури “Соҳибқор” мева – тоқчилик ишлаб чиқариш ширкатлар уюшмасидир.

Андижон вилояти пахтанинг ялли ҳосили ва ҳосилдорлиги жиҳатидан Республика миёнда олдинги ўринларда туради. 2001 йилнинг сентябр ойидаёқ 300 минг тонна пахта етиштирилди. Ғаллачиликда ҳам “Андижон макатаби”

яратилган. Етиштириладиган ғалланинг ярмидан кўпроги сара уруғлик ташкил қиладди. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдонинг (томорқа ерларини кушган ҳолда) 80% и ҳайдалма ерлардир. Сабзавот-полиэ экинлари, озуқа экинлари, гречка ва соя етиштирилмоқда. Мамлакат пилласининг 15 % ини етиштиради. Чорвочилик гўшт ва сүт етиштиришга ихтисослашган. Вилоятда 3458 та фермер хўжалиги бор.

Вилоятда фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш, пахтачилик ва ирригация билан боғлиқ тармоқлар, пахтани қайта ишлаш, машинасозлик ва металсозлик, электротехника саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кимё, енгил, озик-овқат саноати энг ривожланган тармоқлардир. Вилоят мамлакатда нефт ва газ қазиб чиқаришда салмоқли ўринни эгаллайди. 10 та нефт ва нефт-газ конлари ишлаб турибди. Хўжабод- Андижон Асака газ ковури қурилган.

Вилоятда мулкчиликнинг барча турига оид 160 та саноати корхонаси бор. Булардан йириклари:

1. Бобир номидаги ип-газлама ишлаб чиқариш аксиядорлик жамияти.
2. Андижонкабел аксиядорлик жамияти.
3. Андижонёғмой аксиядорлик жамияти.
4. Андижон “Семурғ” трикотаж аксиядорлик жамияти.
5. Андижон ирригация машинасозлик заводи.
6. Андижон биокимё заводи.
7. Чинобод пахта тозалаш аксиядорлик жамияти.
8. “Андижон дон маҳсулотлари” аксиядорлик жамияти.
9. Балиқчи нотўқима матолар ишлаб чиқариш аксиядорлик жамияти.

Вилоятда 1000 га яқин кўшма корхоналар, кичик ва хусусий корхоналар мавжуд. Вилоятдаги кўшма корхоналар бутун вилоят ялпи саноат маҳсулотининг 50 % дан кўпини беради.

Ўрта Осиёда ягона хисобланган автомобилсозлик корхонаси – Ўзбек – Жанубий Корея–ЎзДЭУ автокомпанияси–Асака шаҳрида жойлашган. Вилоятда темир йўлларнинг узунлиги–2459 км., автомобил йўлларининг узунлиги – 7,2 минг км. Ҳаво йўллари – Андижон – Тошкент, Москва, Санкт – Петербург – Кавказ – Қрим билан боғлайди. Вилоятда 788 та умумтаълим мактаби, 32 та академик лицей, ихтисослашган спорт ва мусиқа мактаби бор.

1. Андижон давлат университети
2. Андижон давлат тиббиёт институти
3. Андижон давлат тиллар институти
4. Андижон давлат қишлоқ хўжалик институти.
5. Андижон муҳандислик – иқтисодиёт институти ишлаб турибди.
6. Суғориладиган ерларда ғалла дуккакли ўсимликлар етиштириш илмий-тадқиқот институти ишлаб турибди.

Вилоятда бир неча театр, музейлар, юзлаб кутубхоналар, маданият уйлари, касалхонава санаториялар бор.

Андижон шаҳри катталиги жиҳатидан Ўзбекистонда 4-ўринда, аҳолисининг зичлиги жиҳатидан 1-ўринда туради.



Андижон буюк давлат арбоби, саркарда, шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобир ва атоқли шоир, истиклол курашчиси Абдулхамид Чўлпоннинг ватанидир. Бобур номидаги университет, Бобир номидаги Андижон вилояти мусикали драма ва камедия театри, Бобур уй-музеи бор. Шаҳарнинг марказий майдони Бобир номида. Андижон шаҳрининг жанубий – шаркида 300 гектарли боғи Бобир миллий боғи мажмуаси яратилган. Бу ерда унинг расмий қabri бор. Андижон шаҳрининг марказий қисмида Чўлпон боғи ташкил этилган. Андижон тилла педагогика институти Чўлпон номи билан аталади.

**Ҳозирги Андижон-йирик саноат маркази.** “Андижонмаш”, “Андижонирмаш” каби аксиядорлик жамиятлари корхоналари пахта заводлари учун ускуналар, қишлоқ хўжалик машиналарига эҳтиёт қисмлар, насослар, универсал юклагичлар, айланма плуглар, ногиронлар учун аравачалар ишлаб чиқарилади. Асака, Шаҳрихон, Пахтаободда янги саноат марказлари ташкил қилинмоқда.

Мустақиллик йилларида шаҳарларда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Шаҳар марказларидан ўтган Алишер Навоий номидаги шоҳ кўча ва бошқа кўчалар қайта қурилди. Йўл бўйлаб миллий анъаналар ва ҳозирги меъморчилик талабларидан келиб чиқиб янги иншоотлар. “Наврўз” стадиони, Марказий Банк вилоят бошқармаси, “Автотеххизмат”, теннис корти, Республика шошилинич тез ёрдам марказий бўлими қурилди.

Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи 1999–2000 йилларда қайта таъмирланиб, шарқона услубда–“Арк” дарвозали бунёд этилди. Боғ ичида рамзий бургутга уйғунлаштирилиб қурилган томоша иншооти–амфитеатр ниҳоятда маҳобатли кўринишга эга. Ҳозирда вилоятдаги ва шаҳарнинг энг катта тантаналари шу ерда ўтказилади.

Андижон вилояти дан Ҳалима Носирова, Лutfихоним Саримсоқова, Тамарахоним, Сойиб Хўжаев, Аббос Бакиров, Ғанижон Тошматов, Музаффар Муҳамедов каби йирик санъаткорлар; Ғаттоҳхон Мамадалиев, ака-ука Исмоилжон ва Исроилон Ваҳобовлар каби халқ ҳофизлари; Ҳабиба Охунова, Шерали Жўраев, Турғун Хонгўраев, Ҳошимжон Олимжонов каби Ўзбекистон халқ артистлари, Тошканбой Егамбердиев бошлиқдорбозлар сулоласи етишиб машҳуру маълум бўлишган.

## **21.2. Фарғона вилоятининг умумий тавсифи**

Фарғона вилояти 1988 йилда ташкил этилган. Майдони–6,7 минг кв.км. Аҳолиси–3130 минг киши. Маъмурий маркази – Фарғона шаҳри (Тошкентдан – 419 км), аҳолиси – 188 минг киши. Таркибида 15 та қишлоқ тумани бор: Боғдод, Бешарик, Бўвайда, Данғара, Ёзёвон, Олтиарик, Охунбобоев, Риштон, Сўх, Ташлоқ, Учкўприк, Фарғона, Фуркат, Ўзбекистон, Қува, 9 та шаҳар, 10 та шаҳарча, 164 та қишлоқ йигини бор.

Водийнинг жанубий қисмини–Фарғона вилояти эгаллайди. Аҳолисининг сони жиҳатдан водийда олдинги ўринда. Водийнинг иклими Ўзбекистондаги энг юмшоқ иқлим ҳисобланади. Ёзи нисбатан мўтадил иссиқ, киши анча илқ. Январнинг ўртача ҳарорати–4,7<sup>0</sup>С, максимум–27<sup>0</sup>С. Июлда

ўртача ҳарорат  $+26,4^{\circ}\text{C}$ , максимум  $+42^{\circ}\text{C}$ . Ёғингарчилик нисбатан кам. Шу сабабли декончилик суғориш санъатига асосланган.

Асосий дарёси—Сирдарё. Атрофдаги тоғлардан Сирдарёга Сўх, Исфара, Оксув, Шохимардонсой, Косонсой, Окбўра ва бошқа дарёлар оқиб тушади. Кенг суғориш тармоқлари водийни жаннатмакон ўлкага айлангирди. Шунинг учун ҳам уни “Ўзбекистон марвариди” деб аташади. Катта Фарғона, Жанубий Фарғона, Каркидон ва Қўрғонтепа сув омборлари қурилган.

Вилоятда нефт ва газ конлари топилган. Шунингдек, цемент маҳсулоти, қурилиш қумлари, оҳак ва бошқа кон захиралари бор. Фарғона вилоят мамлакат халқ хўжалиги тизимида учинчи ўринда туради. Саноатнинг етакчи тармоқлари—ёқилғи—энергетика, кимё, машинасозлик, қурилиш, материаллари, пахта тозалаш ва қайта ишлаш, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати етакчи мавқеларни эгаллайди.

Кимё саноатининг энг йирик корхоналари Фарғона ва Қўқон шаҳарларида жойлашган. “Азот” ишлаб чиқариш бирлашмаси, кимёвий толалар заводи, ўғит ишлаб чиқарадиган суперфосфат заводи ва бошқалар шулар жумласидандир. Вилоятда нефтни қайта ишлайдиган 2 та завод бўлиб бири Фарғонада, иккинчиси Олтиариқда жойлашган. Қўқондаги цемент заводи республикада ишлаб чиқариладиган цементнинг тўртдан бирини беради.

Фарғона вилояти республиканинг саноати ривожланган вилоятларидан. Вилоятда 86 та йирик саноат корхонаси мавжуд. Саноатининг етакчи тармоқлари: ёқилғи энергетика, кимё, машинасозлик, қурилиш материаллари, пахтани тозалаш ва қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат саноати ва бошқалар. Энергетика базаси, асосан, иссиқлик электр станциялардан иборат бўлиб, энг йириклари: Фарғона, Қўқон иссиқлик электр марказлари, Қувасой иссиқлик электр станцияси.

Кимё саноатининг энг йирик корхоналари Фарғона ва Қўқон шаҳарларида жойлашган. “Азот” ишлаб чиқариш бирлашмаси, кимёвий толалар, фуран бирикмалари кимё заводлари, Қўқон суперфосфат заводи ва бошқалар шулар жумласидандир. Вилоятда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи жойлашган. Қурилиш материаллари саноати ривожланган. Қувасойдаги цемент заводи республикада ишлаб чиқариладиган цементнинг тўртдан бир қисмидан кўпроғини беради. Қувасойда шифер, гишт ва бошқа қурилиш материаллари, шиша ва чинни идишлар заводлари ишлаб турибди. Қўқондаги „Электромаш“ „Текстилмаш“ ва бошқа металлсозлик заводларида саноатнинг бошқа тармоқлари учун асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. Озиқ-овқат саноати йил сайин ривожланмоқда.

Бу тармоқ корхоналарида турли нав ёғлар, ун, нон, макарон, консерва ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Вилоятда 84 қўшма корхона, 22 мингдан ортиқ кичик корхона фаолият кўрсатади. Фарғона шаҳрида „Нодира“, „ПСМКЗ“, „Полина“, Марғилонда „Марғилон тонги“ ва Қўқонда „Зилола“ кичик корхоналар, „Ўзсаламан“, „Кабул-Фарғона“, „Бестекс“, „Ишонч“ қўшма корхоналари ишлаб турибди.

Марғилондаги “Атлас” ишлаб чиқариш бирлашмаси, ипак комбинати, Қўқон ва Фарғона пойабзал фабрикалари енгил саноатининг муҳим

корхоналари ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида пахтачилик етакчи тармоқ ҳисобланади. Пиллачилик, сабзоватчилик, асаларичилик, боғдорчилик, чорвачилик ҳам равожланган. Чорвачилик гўшт ва сутга ихтисослашган. Боғларда кўпроқ ўрик, анор, анжир, олма узум етиштирилади.

Вилоятда 863 та умум таълим мактаблари, академик лицейлар, комплекслар, Давлат университети, педагогика институти, Тошкент Олий ўқув юртларининг бўлимлари бор.

Фарғона шаҳри водийнинг жанубида жойлашган. Бу чинакам боғ-шаҳардир. Асрларга тенг чинорлар, мажнунтоллар, тераклар шу ерда кўпроқ. Фарғона нисбатан навқирон шаҳар. Унга 1877 йилда асос солинган. Фарғонада буюк астраном, математик ва географ Аҳмад Фарғоний туғилиб, улғайган. Машҳур фикҳ олими Бурхониддин Марғиноний Фарғонанинг Риштон қишлоғида туғилган.

Кўкон шаҳри Муқимий, Фурқат, Ҳамза каби шоирларнинг ватанидир. Фарғона йирик саноат ва маданият маркази. Шаҳар марказида—21 гектарли Аҳмад ал-Фарғоний боғи Фарғона меҳнаткашларининг энг сеvimли гўшасидир. Вилоятда “Ҳалқаобод” тоғ-иклими курорти, “Чимён” санаторияси мамлакатимиздаги номдор даволаш ва дам олиш марказлари ҳисобланади. Тарихий обидалари асосан Кўкон шаҳрида. Марғилон шаҳрида “Атлас” комбинати маҳсулотлари дунёда машҳур ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари — пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик, боғдорчилик ва чорвачилик. Вилоятдаги барча экин майдони 288,9 минг га, шу жумладан, 129,6 минг га ерга дон, 115,9 минг га ерга пахта, шунингдек, техника экинлари, 11,7 минг га ерга сабзавот ва полиз экинлари, 24,1 минг га ерга озуқа экинлари экилади. 20,3 минг га яйловлар. Боғларда кўпроқ ўрик ўстирилади. Анор, анжир, олма, хурмо кўп. Токзорларда юкори навли узумдан мўл ҳосил олинади. Сугориладиган ерлар вилоят худудидан ўтувчи Катта Фарғона ва Андижон каналлари, Жанубий Фарғона канали, Шохимардонсой, Марғилонсой, Сўх, Исфайрамсой, шунингдек, Каркидон, Кўрғонтепа сув омборлари ёрдамида сугорилади.

Вилоятда 8 мингдан ортиқ фермер хўжалиги, 143 ширкат хўжалиги, 74 хўжаликлараро корхоналар, 6 паррандачилик фабрикаси мавжуд. Чорвачиликда қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади. Вилоят жамоа ва шахсий хўжаликларида 511,9 минг қорамол (шу жумладан, 213,2 минг сигир), 431 минг қўй ва эчки, 1260,9 минг парранда бор.

Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдулла, Чархий, Хусайн Шамс, Амин Умарий, Шокир Сулаймон, Адҳам Раҳмат, Иброҳим Раҳим, Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон каби шоир ва ёзувчилар шу замин фарзандларидир.

### 21.3. Наманган вилоятининг умумий тавсифи

Наманган вилояти 1967 йилда ташкил қилинган. Майдони — 7,4 минг кв.км. Аҳолиси — 2 млн 300 минг киши. Маъмурий маркази Наманган шаҳри (Тошкентдан 432 км. аҳолиси ғ 409 минг киши). Вилоят Республиканинг шарқий, Фарғона водийсининг шимолий қисмида жойлашган. Таркибида 11

та кишлоқ тумани бор: Косонсой, Мингбулоқ, Наманган, Норин, Пол, Тўрақўрғон, Ўйчи, Учқўрғон, Чортоқ, Чуст, Янгиқўрғон.

Вилоятда 8 та шаҳар, 99 та кишлоқ йиғини бор. Вилоятнинг ҳудудлари Фарғона водийсининг шимолида, асосан Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Иқлими Ўзбекистонда энг юмшоқ иқлимдир. Ёзи муътадил, иссиқ, киши илиқ Шимолий Фарғона, катта Наманган каналлари бор. Энг йирик дарёлари-Сирдарё, тоғ ён бағирларидан Пошшаотасой, Косонсой, Говасой, Чодаксой, Намангансой, Сирдарёга қўйилади.

*Саноатнинг етакчи тармоқлари*- машинасозлик, электротехника, кимё, пахта тозалар, озиқ-овқат саноати. Энг йирик саноати корхоналари- машинасозлик, автомобил таъмирлаш ғишт, ёғ-экстракция, пахта тозалаш, кимё, виночилик, консерва заводлари, шойи тўқиш, трикотаж, бадний буюмлар, йигирув фабрикалари. "Ўзбек-Канада-Наврўз" қўшма корхонасида асосан тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқилади. Наманган вилояти республика ишлаб чиқариш ва маданий тараққиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Вилоят саноатининг асосий тармоқлари: машинасозлик, электротехника, кимё, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноатлари. Наманган вилоятида 170 дан зиёд саноат корхоналари мавжуд.

Энг йирик саноат корхоналаридан — машинасозлик, автомобилларни тузатиш, ғишт, ёғ-экстракция, пахта тозалаш, озиқ-овқат (вино заводи, пиво комбинати, "Наманган салқин ичимликлари", "Рохат", "Наманган консерва", "Ширинлик", "Косонсой консерва" корхоналари), "Електротерм" ишлаб чиқариш бирлашмасининг етакчи корхонаси, ипак газламалар комбинати, бадний буюмлар фабрикаси ва х.к. 3402 кичик, 249 ширкат, 76 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Шулар орасида: "Наврўз" Ўзбекистон—Канада, "Шохи Сўзана", "Нестле-Ўзбекистон", "Шамс ЛТД", "Оҳангар", "Чуст пичоғи", "Наманганшина", "Косонсой-Текмен", "Попфен", "Силк-Роад", "КасмирДери", "Наманганқоғоз", "Янис ИВ", Ўзбекистан-Россия "Кем-тош", "Шифо" корхоналари, Ўзбекистон-Хитой "Чанна-Текстил" қўшма корхонаси, Ўзбекистан—Туркия "Косонсой текстил" ва бошқа бор.

*Қишлоқ хўжалиги.* Вилоят қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — пахтачилик. Наманган вилояти мамлакатда етиштириладиган пахтанинг 8—9% ини беради. Ғаллакорлик, полизчилик, тоқчилик, сабзавотчилик, ипакчилик ва чорвачилик ривожланган. Текисликдаги суғориладиган туманларда чорвачилик, асосан, қора-мол, тоғ олдиларидаги табиий ўтлоқларда қўй ва эчки (жумладан, майин жунли) боқилади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар майдони 548,1 минг га, шундан хайдаладиган ерлар 219,8 минг га, яйловлар 287,9 минг га, боғ ва кўп йиллик дарахтзорлар 31,2 минг га, тоқзорлар 8,7 минг га ни ташкил қилади.

Дон экинлари 80,4 минг га, пахта 109,5 минг га, картошка 1,3 минг га, сабзавот 3,5 минг га, полиз экинлари 1 минг га, озука экинлари 14,4 минг га майдонни эгаллайди, 7760 га ўрмонзор, 3 минг га тутзор бор. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 4 минг км коллектор дренаж тармоқлари қурилган. Вилоятнинг ҳамма туманларида суғориладиган

майдоннинг асосий қисмида пахта ва дон экинлари экилади. Наманган вилоятида 134 ширкат хўжалиги, 94,8 минг деҳқон хўжалиги, 3,5 минг фермер хўжалиги бор. Жамoa ва хусусий хўжаликларда 667,1 минг қорамол (шундан 261,4 минги сизир), 899,3 минг қўй ва эчки, 5,8 минг от мавжуд.

Архитектура ёдгорликлари Ахсикент қўрғони милоддан олдинги II-III асрлар, Айртот, Мунчоктепа, Музтепа, Жоме ва Чорак масжидлари (XVIII - аср).

Лицей, Коллежлар, Университет, муҳандислик-педагогика институти бор. Шунингдек, 120 та касалхона, 10 та дам олиш уйлари, 6 та санатория ишлаб турибди. Наманганда маҳдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Исҳоқжон Ибрат, Сўфизода Чустий, Усмон Носир каби шоирлар туғилган ва ижод қилган..

*Наманган*-аҳолисининг сони жиҳатидан Фарғона водийсидаги иккинчи шаҳар. Наманганни боғ ва гуллар шаҳри дейишади. Наманган водийдаги қадимий шаҳарлардан. Наманган қишлоғи ҳақидаги дастлабки маълумот 14-аср охирига тегишли. Заҳириддин Муҳаммад Бобир Наманганни қишлоқ сифатида тасвирлаган.

Шаҳар туз қони яқинида жойлашганлигидан номи “Намак қон” сўзларидан келиб чиқган деб тахмин қилишади. 19-аср охирида Рус босқичлари шаҳар ёнида ўзлари учун турар-жойлар қурди ва шу тариқа янги Наманган шаҳри бунёд бўлди. Ҳозирги Наманган енгил ва озиқ-овқат саноат маркази. Бу ерда йирик тўқимачилик қорхоналари жойлашган.

Наманган атрофида жуда сўлим табиий жойлар кўп. Шулардан бири – “Чортоқ” санаторияси ҳисобланади. Дам олиш уйлари ҳам Чотқол тизмасининг ён бағирларида. Намангандан унча узок бўлмаган тоғ ён бағридаги текисликларда боғ-роғларга бурканган Чуст шаҳри жойлашган. Чуст шаҳри узок даврлардан бери ҳунармандчилик ва амалий санъат усталари билан танилган. Бу ерда машҳур Чуст пичоқлари, дўппилари атласлари, беқасам, палак, сўзаналар ишлаб чиқилади.

*Мавзу бўйича тест саволлари:*

**1. Андижон вилояти қачон ташкил қилинган?**

- А. 1941 йилда
- Б. 1942 йилда
- В. 1943 йилда
- Г. 1944 йилда

**2. Андижон вилояти нимаси билан машҳур?**

- А. Асака машинасозлик заводи билан
- Б. Аҳолисининг кўплиги билан
- В. Ишлаб чиқариш қорхоналари билан
- Г. Табиати билан

**3. Фарғона вилояти нимаси билан машҳур?**

- А. Бетакрор табиати билан
- Б. Ҳунармандчилиги билан
- В. Деҳқончилиги билан
- Г. Атласи билан

## **22-Мавзу.«Ўлкашунослик» фанида туризм ва экскурсиянинг аҳамияти.**

**Режа:**

22.1.Туризм ва экскурсиянинг таърифлари. Инсон ҳаётида туризм ва экскурсиянинг аҳамияти.

22.2.Экскурсияда билим ва дам олишнинг аҳамияти. Ватанни билиш ва англашда экскурсиянинг ўрни.

### **22.1.Туризм ва экскурсиянинг таърифлари. Инсон ҳаётида туризм ва экскурсиянинг аҳамияти.**

*Экскурсия сўзи* латинча экскурсион-қисқа муддатли сафар ёки саёҳат, саёҳатга жўнамоқ, саёҳат қилиб келмоқ (танишмоқ) маъноларини англатади. Туризм сўзи пайдо бўлмасдан, инсонларда атроф-муҳитга қизиқиш, узоқларда нималар бор, тоғлар ортида ёки дарёнинг ёки қир-тепаликлардан кейин нималар борлигига онд кўплаб саволларнинг тўпланиши натижасида уларни сафарга (уйдан чиқиб кетишга) қорлайдиган ички ҳис-туйғу-қизиқишнинг ҳаракатга келиши бўлган.

*Экскурсия* -тунаб қолмайдиган ва экскурсия маршрутида 24 соатдан кўп бўлмайдиган шахснинг соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий, қизиқиш, кўриш, билиш, танишиш ёки бошқа мақсадларда саёҳатга чикувчи ҳисобланади.Ҳозирги ривожланган жамиятимизда жаҳонда экскурсияга-саёҳат-сайрга чиқмаган биронта инсон бўлмаса керак деган хулосага тўхталамиз. Ушбу сайрларнинг асосий сабабчиси табиатдаги биологик хилма-хиллик, бетакорлик, бойликлар бўлган.

Жамиятдаги дастлабки саёҳатлар албатта ўзга юрт, мамлакатлар хақидаги хабарлар натижасида юз берган. Экскурсияхизматларини туризмнинг юраги деб таърифлашади. Ҳақиқатдан ҳам турист меҳмонхонага жойлашганидан сўнг биринчи навбатда экскурсияга чиқишга ҳаракат қилади.Ички туризмда барча давлатларда экскурсия хизматлари биринчи ўринда туради.Чунки мамлакат ичкарисидаги аҳоли туризмнинг деярли барча турлари бўйича доимо экскурсия хизматларидан фойдаланади.

### **22.2.Экскурсияда билим ва дам олишнинг аҳамияти. Ватанни билиш ва англашда экскурсиянинг ўрни.**

Экскурсия қуйидаги талабларга жавоб беради:

1. Экскурсия хизматлари иқтисодий фаолиятни бажаради (туристик фирма экскурсия маршрутларини сотишдан даромад олади, экскурсия аъзоларидан тушган маблағ ҳисобига даромад олади, гид-таржимон иш ўринлари яратилади, экскурсия объектида туристик инфратузилмалар ҳосил бўлади).

2. Экскурсия хизматларининг ғоявий сиёсий фаолияти (ватаннинг тарихий мерослари, янги технологиялар билан танишишда ғурур хисси, сиёсий мўтадилликни сезиш хусусиятлари пайдо бўлади).
3. Экскурсия хизматларининг умумий таълим бериш фаолияти (экскурсия экскурсантларга универсал билим беради-тарихий маданий мерос ҳақида, ишлаб чиқариш ҳақида, маданий-маърифий маънавият ҳақида, санъат ҳақида, янги технологиялар ва ҳоказолар)
4. Экскурсия хизматлари ахборот ташиш, ахборотлар бериш фаолиятини бажаради (ўтмиш ва ҳозирги воқеалар, жараёнлар, цивилизация таракқиёти, ҳозирги ривожланиш, глобал воқеалар, халқаро интеграция ва бошқалар)
5. Экскурсия хизматлари тарбиявий фаолиятни бажаради (Ватан бойликларини асраш, авайлаш, ғурур хиссиётлари, фахрланиш ва бошқалар);
6. Экскурсия хизматлари мазмунли дам олдириш фаолиятини бажаради (табиатга ва унинг сўлим гўшаларига экскурсия, дарё соҳилларига экскурсия, ўрмонларга, тоғларга, сойларга экскурсия ва бошқалар);
7. Экскурсия хизматлари инсонларда дунёқарашни кенгайтириш фаолиятини бажаради (оламнинг чексизлиги, оламнинг бир бутунлиги, ҳаётнинг даврийлиги, жисмларнинг айланма биологик ҳаракати ва бошқалар)
8. Экскурсия хизматлари инсонларда кизиқишни шакллантиради (ҳаётга кизиқиш, яшашга кизиқиш, ижодга кизиқиш, санъатга кизиқиш, янги технологияларга кизиқиш, тарихга кизиқиш ва бошқалар);
9. экскурсия хизматлари мутахассисларни, кадрларни қайта тайёрлайди, малакасини оширади ва бошқалар.

Россиялик йирик мутахассис Б.В. Емельянов хулосалари бўйича «Экскурсия-ўраб турувчи дунёни кўз билан кўриб ҳис қилиш жараёнидир». Шунингдек, экскурсия -атроф муҳит воқеълигини, бизни ўраб турган табиий ва моддий муҳитни кўз билан кўриб ҳис қилишдаги мақсадли жараёндир. Демак, экскурсия жараёни кўрсатиш билан ҳикоя қилишдан иборат ҳисобланади. Кўрсатиш тўхтатилса ҳикоя марузага айланади. Масалан, табиат ҳақида ҳеч қандай кўрасувлар бўлмаса бу маърузани тингловчилар эшитишида маълум билимлар тўпланади. Лекин, табиат ва ундаги биологик хилма-хилликни ҳис қилиш, завқланиш юз бермайди. Шунинг учун ҳам экскурсиянинг кўриб ва кўришаётган, томоша қилинаётган объект ҳақида гид ҳикоясини эшитиш ҳисобланади.

Экскурсия хизматларининг мақсадини белгилашда жуда кўп омилларни келтириш мумкин. Масалан, экскурсия-ватанпарварлик, меҳнатни сезиш, эстетик ва экологик тарбия, ўтмиш маданий ва тарихий меросни, ўтмиш ва ҳозирги ҳаётни, табиатдаги биологик ресурсларни, иқлимий ўзгаришларни, замонавий ва ўтмишдаги ишлаб чиқаришни, миллий либослар ва ўтмишдаги яшаш тарзини (музейлар), ўтмишдаги ва замонавий технологияларни, ўтмишдаги транспорт ва замонавий транспорт

воситаларни, ўтмишдаги деҳқончилик ва замонавий деҳқончиликни, ўтмишдаги санъат ва замонавий санъатни миллий ўйинлар, миллий хунарманчилик ва ҳоказоларни ўргатади, дунё қарашни кенгайтиради.

Экскурсия хизматларининг мақсади ва вазифалари шу қадар кенг қамровли ва турли туманки, бу йўналишларнинг барчаси инсоннинг камол топишига хизмат қилади. Экскурсия хизматлари мақсади ва вазифаси бўйича инсонларни дам олдиради, билим даражасини оширади, яшашга бўлган ҳис тўйгуларни кучайтиради. Экскурсияларни таснифлаш ҳам юқорида қайд қилинган мақсад ва вазифалардан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам экскурсиялар моҳиятига қараб тасниф гуруҳларини ҳосил қилади.

**I. Экскурсия хизматларини таснифлашда қуйидаги белгиларга эътибор берилди:**

1. Мазмуни бўйича;
2. Экскурсантлар таркиби бўйича;
3. Ўтказилиш жойлари бўйича;
4. Ҳаракатланиш воситалари бўйича;
5. Ўтказилиш шакллари бўйича.

**II. Мазмуни бўйича экскурсиялар тайёрлаш экскурсиялари ва мавзули экскурсияларга бўлинади.** Мавзули экскурсиялар ҳам қуйидаги экскурсия гуруҳларига бўлинади.

1. Тарихий мавзудаги экскурсиялар;
2. Ҳарбий-тарихий мавзудаги экскурсиялар;
3. Ишлаб-чиқариш мавзусидаги экскурсиялар;
4. Табиашунослик мавзусидаги экскурсиялар;
5. Санъат йўналишлари мавзуларидаги экскурсиялар;
6. Адабиёт мавзуларидаги экскурсиялар;
7. Меъморчилик, шаҳарсозлик мавзуларидаги экскурсиялар.

**I. Экскурсиялар экскурсияда қатнашувчилар таркиби бўйича ҳам таснифланади:**

1. Каттаёшдагиларга мўлжалланган экскурсиялар (студентлар, ишлабчиқарувчилар, мутахассислар ва бошқалар);
2. Ҳархил ёшдаги болаларга мўлжалланган экскурсиялар (мактабгача тарбиядаги болалар, бошланғич синф ўқувчилари, ўрта ва юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган)
3. Маҳаллий аҳоли эҳтиёжлари ва талабларига мўлжалланган экскурсиялар;
4. Шаҳарликларга мўлжалланган экскурсиялар;
5. Чет элликларга мўлжалланган экскурсиялар.

**II. Ўтказилиш жойлари бўйича экскурсиялар қуйидагича таснифланади:**

1. Шаҳарларда ўтказиладиган экскурсиялар;
2. Шаҳарларнинг ташқарисида ўтказиладиган экскурсиялар;
3. Ишлаб чиқариш масканларида ўтказиладиган экскурсиялар;
4. Музейларда ўтказиладиган экскурсиялар;
5. Маданият саройларида ўтказиладиган экскурсиялар;



6. Табиат бағрида ўтказиладиган экскурсиялар.

**III. Экскурсиялар ўтказилиш шакллари бўйича қуйидагича таснифланади:**

1. Одатдаги экскурсиялар;
2. Ўқув-услубий экскурсиялар;
3. Оммовий чиқиш экскурсиялари;
4. Сайр-экскурсиялари;
5. Концертларга экскурсия.

*Экскурсиянинг объектлари* ҳақида фикрларнинг ўзини исботлаб бирон-бир тартибга ёки бирор-бирта сифу, стандартини тузиш жуда мураккаб бўлган бўлар эди. Чунки инсонни ўраб турган дунё ажойиботларининг ҳам барчаси ва инсоният яратган моддий ресурсларнинг ҳаммаси ҳам экскурсия объектлари ҳисобланади. Қисқача қилиб айтганимизда экскурсия объектлари цивилизациянинг келиб чиқиши ва тараққиёт, фан ва техника тараққиёти, инсоният жамият тараққиётидаги яратувчиликнинг натижалари ҳисобланади. Шундай қилиб, экскурсиялар объектлари сифатида қуйидагилардан фойдаланишимиз мумкин:

1. *Табиатдаги экскурсия объектлари* – геологик ётқизиклар, алоҳида дарахтлар, буталар, ўсимликлар, қўзиқоринлар, табиат минтақалари, водийлар, дарёлар, қўллар, ўрмонлар, тоғлар, сувхавзалари, музликлар, горлар, даралар, сойларвабошқалар.
2. *Меъморчилик ва шаҳарсозлик экскурсия объектлари*– фуқароларнинг уйлари, саройлар, қўрғонлар, арklar, мавзолейлар, масжидлар, мадрасалар, манастирлар, черковлар, машхур иморатлар, фонтанлар, вокзаллар, парклар, ҳайкаллар, кинотеатрлар, театрлар, санъат ва ҳукумат саройлари ва ҳоказолар.
3. *Кўчалар, майдонлар, посёлкалар.*
4. *Ўзбекистон ҳаётидаги ўтмишда* қурилган тарихий-маданий обидалар.
5. *Машхур кишилар ҳаёти билан боғлиқ жойла* рва машхур кишиларнинг ҳайкаллари.
6. *Археологик ёдгорликлар*–қадимий шаҳарлар харобалари, қалъалар қадимий расмлар, табиат ёдгорликлари ва ҳайкаллари.

Экскурсиянинг объектларига қараб унинг мавзулари ҳам турли-туман йўналишларга бўлиниб кетади.Экскурсияларни тартибга солиш учун гуруҳлаш усуллари кўплаб ишлатилади:

**I. Табиатшунослик мавзуларидаги экскурсиялар:**

1. Географик мавзудаги экскурсиялар.
2. Геологик мавзулардаги экскурсиялар.
3. Гидрологик мавзулардаги экскурсиялар.
4. Ландшафтлар мавзуларидаги экскурсиялар.

**II. Экологик мавзудаги экскурсияларнинг бир қисми:**

1. Экология ва инсон мавзусидаги экскурсиялар.
2. Сув ҳавзалари экологияси мавзусидаги экскурсиялар.
3. Флора ва фауна мавзусидаги экскурсиялар.

4. Тоғ табиати мавзусидаги экскурсиялар.

**III. Тарихий мавзудаги экскурсиялар:**

1. Тарихий-ўлкашунослик мавзусидаги экскурсиялар.
2. Археологик мавзудаги экскурсиялар.
3. Этнография мавзусидаги экскурсиялар.

**IV. Санъатшуносликка бағишланган экскурсиялар:**

1. Тасвирий санъат мавзусидаги экскурсиялар.
2. Мусика-театр мавзуларидаги экскурсиялар.

**V. Адабиётшунослик мавзусидаги экскурсиялар:**

1. Машҳур ёзувчилар ҳаёти билан боғлиқ мавзудаги экскурсиялар.
2. Бадний адабиётнинг машҳурлари билан учрашув мавзуларидаги экскурсиялар.

**VI. Меъморчилик-шаҳарсозлик мавзуларидаги экскурсиялар:**

1. Меъморчилик обидалари мавзусидаги экскурсиялар.
2. Меъморчилик санъати мавзусидаги экскурсиялар.
3. Шаҳарсозлик мавзусидаги экскурсиялар.

**VII. Ишлаб чиқариш соҳаси мавзусидаги экскурсиялар:**

1. Тарихий ишлаб чиқариш мавзусидаги экскурсиялар.
2. Алохида завод ва фабрикалар мавзусидаги экскурсиялар.
3. Замонавий технологиялар мавзусидаги экскурсиялар.
- 4.

**VIII. Гид-экскурсия хизматларининг моҳияти ва таснифи.**

**Гид-экскурсиячи тушунчаси**

Гид-экскурсиячи, гид бошловчи-туристлар гуруҳини бошқаради; диққатга сазовор жойларга экскурсия ўтказади; экскурсия мавзусини, маршрутини ишлаб чиқади; мавзу бўйича материаллар тўплайди; экскурсиянинг матнини тузади, материалларини ҳикоя қилиб беради; «гид портфели»ни тахлайди; иш жараёни юқори даражадаги мулоқот маданиятини талаб қилади.

Гид-экскурсиячи куйидаги билим, кўникма ва малака талаблари эга бўлиши лозим: тарих, адабиёт, география, иқтисодиёт, сиёсат, журналистика соҳаларига қизиқиши; экскурсия ўтказиш методикаси ва техникасини, экскурсантларга хизмат кўрсатиш тартибини билиши; камида иккита хорижий тилда эркин мулоқот қила олиши; таҳлил, мулоҳаза қилиши; ҳужжат ва материаллар билан ишлай олиши керак.

Туризм экскурсия хизматлари хизматларнинг қай даражада ташкил қилинганлигига ва хизматларнинг сифатига қараб ривожланади. Бунда албатта туризм инфратузилмасидаги технологияларнинг даражалари ҳам биринчи навбатга чиқадиган шароитлардан ва асослардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга туризмдаги асосий хизматларнинг технологик-сервис даражалари ҳам экскурсия хизматларининг ташкил қилинишига боғлиқ бўлади.

Экскурсия хизматлари юқори даражада ташкил қилиниб туризм инфратузилмалари ана шу юқори даражаларга жавоб бермаса экскурсия

хизматларининг амалда ўтказиш натижалари юқори сифат даражаларига эриша олмайди. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам экскурсия хизматларининг мақсади ва вазифаларини яхши англаб олиш, яхши ўзлаштириб олиш туроператор ёки гид таржимон бошловчидан талаб қилинади. Экскурсия хизматларининг мақсади ва вазифаларини тўғри белгилаш экскурсантларда қониқиш, яхши кайфият ҳолатларини келтириб чиқаради ва натижада туристик фирманинг нуфузи, рақобатбардошлиги ортади.

*Мавзу бўйича тест саволлари:*

**1. Янги экскурсия хизматларини тайёрлаш асосан неча босқичда бажарилади?**

- А) 3            Б) 4            С) 5            Д) 6

**2. Баланс жойдан катта ҳудудларни кўрсатиш ва таништириш экскурсия объектларини кўрсатишининг қайси усулига киради?**

- А) Панорама усулида кўрсатиш усули  
Б) Олдиндан кўриш, томоша қилиш усули  
С) Кўриб қайтадан тиклаш усули  
Д) Воқеаларни йиғиш усули

**3. Қисқа муддатли сафар ёки саёҳат, саёҳатга жўнамоқ, саёҳат қилиб келмоқ маъноларини англатувчи сўз қайси қаторда келтирилган?**

- А) экскурсия    Б) туризм    С) саёҳат    Д) гид-экскурсовод

**4. Тунаб қолмайдиган ва экскурсия маршрутида 24 соатдан кўп бўлмайдиган ким?**

- А) экскурсант    Б) экскурсовод    С) турист    Д) саёҳатчи

**5. «Экскурсия-ўраб турувчи дунёни кўз билан кўриб ҳис қилиш жараёнидир»**

- А) Б.В.Емельянов    Б) Т.Кук    С) Ж.Кук    Д) А.Квартальнов

*Мавзунинг ўзлаштириш бўйича саволлар:*

1. Туризм ва экскурсиянинг таърифларини тушунтиринг
2. Инсон ҳаётида туризм ва экскурсиянинг аҳамиятини белгиланг
3. Экскурсияда билим ва дам олишнинг аҳамиятини тушунтиринг
4. Ватанни билиш ва англашда экскурсиянинг ўрни белгиланг
5. Экскурсиянинг турларини айтиб беринг.

## Қўшимча маълумотлар

*“Ўзбек модели – тараққиёт ва юксалишнинг мустақкам пойдевори.*

*“Ўзбек модели”нинг асосий мажмуи:*

1. Миллати йили ва динидан қатъий назар, давлатимизда яшовчи барча кишилар учун муносиб ҳаёт шароитини яратиб бериш.
2. Ҳар бир инсон учун ижтимоий қафолатланган турмуш даражасини ва эркинлигини таъминлаш.
3. Халқимизнинг қадриятлари ва менталитетига, миллий давлатчилик анъаналарига таяниш.
4. Дунё тажрибасининг илғор ютуқларига асосланиш, умуминсоний қадриятлар устуворлигини таъминлаш.

*“Ўзбек модели”нинг асосий мақсад ва вазифалари:*

1. Бозор муносабатларига асосланган эркин демократик жамият барпо этиш.
2. Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва бошқа соҳаларда туб ўзгаришлар ва ислохотларни амалга ошириш.
3. Халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш, яшаша сифатини кўтариш, қомил инсонни шакллантириш.

*“Ўзбек модели”нинг асосий тамойиллари:*

1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устиворлиги, унинг мафкурадан холи бўлиши.
2. Давлатнинг бош ислохотчилиги: давлат иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бош ислохотчиси.
3. Қонун устиворлиги: суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш билан боғлиқ ислохотлар.
4. Қучли ижтимоий сиёсат.
5. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич тамойили

*1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устиворлиги, унинг мафкурадан холи бўлиши:*

- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш;
- баҳони босқичма-босқич эркинлаштириш;
- бозор инфратузилмасини шакллантириш;
- сиёсий ва мафкуравий қарашларидан қатъий назар, бошқа давлатлар билан манфаатни иқтисодий муносабатларни ўрнатиш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш.

## ***2. Давлатнинг бош ислохотчилиги: давлат иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бош ислохотчи:***

- давлат ислохотчи ролини бажаради;
- ижтимоий соҳага алоҳида эътибор қаратилади;
- иқтисодий асоснинг ҳуқуқий асосини таъминлайди;
- иқтисодиётни эркинлаштиришни таъминлайди;
- ишбилармонлик, тadbиркорлик ва рақобат муҳитини яратди ва уларни қўллаб-қувватлайди;
- ижтимоий сиёсат орқали ижтимоий муаммоларни бартараф қилади.

## ***3. Қонун устиворлиги: суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш билан боғлиқ ислохотлар.***

- қонун устиворлиги таъминланади;
- қонун олдида ҳамманинг тенглиги таъминланади;
- юридик ва жисмоний шахслар ўз иш фаолиятини қонун асосида бажаради;
- давлат ҳокимиятининг конституциявий бўлиниш тамойили таъминланади.

## ***4. Кучли ижтимоий сиёсат.***

- аҳолини иш билан таъминлаш;
- даромад сиёсатини юритиш;
- пул даромадини кўпайтириш;
- ижтимоий таъминот, ижтимоий кафолат, ижтимоий адолатни таъминлаш;
- аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш;
- халқнинг моддий турмуш шароитини яхшилаш;
- ҳар кимнинг меҳнат қилиши учун кенг имконият яратиш, қобилиятига яраша иш билан таъминланади.

## ***5. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич тамойили.***

- ислохотларни босқичма-босқич, тадрижий йўл билан амалга ошириш;
- маъмурий буйруқбозлик тизимига барҳам бериб, аста-секинлик билан бошқарувнинг демократик эркин иқтисодий бошқарувига ўтиш;
- янги уй қурмай туриб эскини бузманг тамойилига асосланиш;
- кишилар тафаккури, онгини босқичма-босқич такомиллаштириш;
- одамларнинг қашшоқланишига йўл қўймаслик.

Ўзбекистон Республикасидаги мукаммаллашган янги бошқарув стратегияси Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилди. Бу бошқарув “2017-2021 йилларда ҳаракатлар стратегияси” деб номланган ва *Мамлакатни ривожлантиришнинг қўйидаги 5 та устивор йўналиши белгиланган:*

- I. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;
- II. Қонун устиворлигини таъминлаш ва суд ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш;
- III. Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш;
- IV. Иқтисодий соҳани ривожлантириш;
- V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юргизиш.



*“2017-2021 йилларда ҳаракатлар стратегияси” -Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг расмий рамзи*

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳаракатлар стратегияси белгилаб берган устивор вазифалар инсон ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлаш, фаровон ҳаёт кечиришлари учун муносиб шароитлар яратиб беришга қаратилган бўлиб, уларнинг изчил ижроси ҳаммамизнинг олдимизга қўйилган улуғ мақсад, порлоқ келажак сари янада яқинлаштиради.

*Ўзбекистонда ЮНЕСКО ҳамкорлигида нишонланган тарихий саналар.*

- 1.1991 йил-Алишер Навоийнинг таваллудининг 550 йиллиги.
  - 2.1993 йил-Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги.
  - 3.1994 йил-Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги.
  4. 1995 йил-Маҳмуд ал Замаҳшарийнинг 920 йиллиги ва Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги.
  - 5.1996 йил-Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги.
  - 6.1997 йил-Бухоро ва Хива шаҳарларининг 1200 йиллиги.
  - 7.1998 йил-Имом Бухорий таваллудининг 1125 йиллиги.
  - 8.1999 йил-Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги.
  - 9.1999 йил-“Алпомиш” эпосининг 1000 йиллиги.
  - 10.2000 йил-Бурхониддин Марғинович таваллудининг 910 йиллиги.
  - 11.2000 йил Имом Мотрудий таваллудининг 1130 йиллиги.
  - 12.2000 йил-Қамоллиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллиги.
  - 13.2001 йил-“Авесто” яратилганлигининг 2700 йиллиги.
  - 14.2002 йил-Термез шаҳрининг 2700 йиллиги.
  - 15.2002 йил-Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги.
  - 16.2003 йил-Абдуҳолик Ғиждувонийнинг 9000 йиллиги.
  - 17.2004 йил-Ҳожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги.
  - 18.2006 йил-Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги.
  - 19.2006 йил-Ҳоразм маъмуни академиясининг 1000 йиллиги.
  - 20.2007 йил-Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги.
  - 21.2007 йил-Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги.
  - 22.2009 йил-Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги.
1. Дунё миқёсида БМТнинг 2000 йилда “Мингйиллик ривожланиш мақсадлари декларацияси” қабул қилинди. Бунга 192 та давлат ва 23 та халқаро ташкилот қўшилди.
  2. Дунё миқёсида 1990 йилда БМТнинг “Инсон таракқиёти” дастури қабул қилинган. Бу дастур мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилмоқда.
  - 3.Кириб келаётган йилни биз қандай эзгу мақсадлар йўлида янги номлар билан атамоқдамиз:
    - 1).1994 йил-Мирзо Улуғбек йили.
    - 2).1996 йил-Амир Темур йили.
    - 3).1997 йил-Инсон манфаатлари йили.
    - 4).1998 йил-Оила йили.
    - 5).1999 йил-Аёллар йили.
    - 6).2000 йил-Соғлом авлод йили.
    - 7).2001 йил-Оналар ва болалар йили.
    - 8).2002 йил-Қарияларни кадрлаш йили.
    - 9).2003 йил-Обод маҳалла йили.
    - 10).2004 йил-Меҳр ва мурувват йили.
    - 11).2005 йил-“Сиҳат-саломатлик йили”.
    - 12).2006 йил-Ҳомийлар ва шифокорлар йили.

- 13).2007 йил-Ижтимоий ҳимоя йили.
- 14).2008 йил-Ёшлар йили.
- 15).2009 йил-Қишлоқ тараққиёти ва фаравонлиги йили.
- 16).2010 йил-Баркамол авлод йили.
- 17).2011 йил-Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили.
- 18).2012 йил-Мустаҳкам онла йили.
- 19).2013 йил-Обод турмуш йили.
- 20).2014 йил-Соғлом бола йили.
- 21).2015 йил-Кексаларни эъзозлаш йили.
- 22).2016 йил-Соғлом она ва бола йили.
- 23).2017 йил-Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили.
- 24).2018 йил-Фаол тадбиркорлик ва инновацион гоялар, технологияларни қўллаб -қувватлаш

1). Юртимизда 130 га яқин миллат ва элатлар яшайди. 20 га яқин динийконцессиялар фаолият кўрсатади. Барчасининг фуқаро сифатида ҳуқуқларининг тенглиги кафолатданган.

2). 1920-1930 йилларда катағон йиллари бўлди. 1930 йилдан қишлоқда “қулоқ” қилиш бошланди. Унинг сони 1930-1935 йилларда 5,5 мингдан ошиб кетди. 1934-1938 йилларда 41 минг киши камокка олинди. Улардан 6927 нафари отиб ташланди. Қолганлари узок Сибирга сургун қилинди.

3).Иккинчи жаҳон урушига 6,5 млн. Ўзбекистон аҳолисидан 1432200 йигитларни чақирди.Уларнинг ҳар учтасидан бири қайтиб келди.

#### ***Тарихий қаҳрамонларимиз:***

1. Малика Тўмарис-милоддан 530 йил олдин
2. Широқ-милоддан 400 йиллар олдин
3. Спитамен-милоддан 330 йил олдин
4. Муқанна Абу Муслим-750-755 йиллар
5. Нажмиддин Кубро-1219 йиллар
6. Жалолиддин Мангуберди-1220 йиллар
7. Темур Малик-1220 йиллар
8. Махмуд Горобий
9. Амир Темур.



## Адабиётлар:

### Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Тошкент, Ўзбекистон, 1992 йил 9 декабр.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида”ги Қонуни, Тошкент, Ўзбекистон, 1993 йил 7 май.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик оламини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, Тошкент, Ўзбекистон, 1996 йил 27 декабр.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Тошкент, Ўзбекистон, 1997 йил 27 декабр.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонуни, Тошкент 2004 йил 3 декабр.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни, «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 14-сентябр.

### Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш тўғрисидаги Фармонлари, Қарорлари ва асарлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2-декабрдаги ПФ-4861 сонли Фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисдаги Ўзбекистон республикаси президентининг нутқи. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 16-январ, № 11.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаравон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, «Ўзбекистон», НМИУ, 2017, -29 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори: Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат кўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2018 й., 07/18/3510/0668-сон).

6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори: Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2018 й., 07/18/3509/0658-сон).

7.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони: Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида.Тошкент шаҳри, 2018 йил 3 февраль.

8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори:Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш тўғрисида.2018 йил 7-феврал, № ПҚ-3514. ҚҲММБ: 07/18/3514/0672-сон, Тошкент ш.,08.02.2018 й.

### **Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг фармонлари, қарорлари ва асарлари**

1.Каримов И.А.,Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт қафолатлари.Тошкент. "Ўзбекистон", 1997.-325 б.

2.Каримов И.А., Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.3, Тошкент, Ўзбекистон, 1996.-380 б.

3.Каримов И.А., Обод ва озод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз.Тошкент, Ўзбекистон, 2000.-232 б.

4.Каримов И.А., Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз.Т.17.Тошкент,2009.-280 б.

### **Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари рўйхати**

1.Алимов Т.А., Рафиқов А.А.,«Экологик хатолик сабоқлари», Т., Ўзбекистон,1991

2.Верба И.А.,Галкин Я.В. и др. Туристско-краеведческие кружки в школе. М.Просвещение,1988

3.Баратов П. Ер билими ва ўлкашунослик.-Т.: Ўқитувчи, 1980.

4.Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси. -Т., Ўқитувчи, 1996.

5.Даринский А.В. Краеведение.-М.: Просвещение, 1987.

6.Карпов В.Энциклопедический словарь юного географа-краеведа.-М.: Просвещение, 1981.

7.Қориев М., Хисомов А. География экскурсиялари. -Т.: Ўқитувчи, 1960.

8.Мешечко Е.Н. Географическое краеведение.-Минск, Университетское, 1986.

9.Музей ўлкашунослик практикаси.-Т.: Ўқитувчи, 1978.

10.Нигматов А.Н. Юсупов Р. Табиий географик комплекслар ва экзоген жараёнлар. -Т.: Турон иқбол, 2006

11. Нехлюбова А.С. и др. Полевая практика по природоведению. - М.: Просвещение, 1986.
12. Строев К.Ф. Географическое краеведение. - М.: 1974.
13. Тухлиев И.С., Хайитбоев Р., Сафаров Б., Турсунова Г., Туризм асослари, дарслик, Тошкент, 332 б.
14. Тухлиев Н., Кременцева А. Моя страна. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент, 2012, 382 с.
15. Тухлиев Н., Кременцева А., Ўзбекистон Республикаси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент, 2002, 462 б.
16. Фуломов П.Н. Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишнинг географик асослари. - Т.: Ўқитувчи, 1990.
17. «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий мухит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида Миллий маъруза», Тошкент, 2006.-110-150 б.
18. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепцияси. Экология хабарномаси, № 2, Тошкент, 2007. 5-14 б.
19. Ўзбекистон ва Марказий Осиё табиий географияси атласи, Тошкент, 2007.
20. Юньев И.С. Краеведение и туризм. - М.: Знание, 1974.
21. Ҳасанов И., Фуломов П.Н. Ўзбекистон табиий географияси (1-қисм). Ўқув қўлланма. - Т.: Ўқитувчи, 2007.
22. Ҳасанов И., Фуломов П.Н., Қаюмов А. Ўзбекистон табиий географияси (2-қисм). Ўқув қўлланма. - Т.: Университет, 2010.
23. Ҳасанов И.А., Фуломов П.Н. Ўрта Осиё табиий географияси. - Т.: Университет, 2002.
24. Хайитбоев Р., Хайитбоев К., Худайбердиев У., Табиатдан фойдаланиш иқтисоди., Самарқанд, 2004.-104б.
25. Хайитбоев Р., Амриддинова Р., Туризмда маркетинг тадқиқотлари. Самарқанд, 2009-64 б.
26. Хайитбоев Р., Амриддинова Р., Туризмнинг махсус турлари. «Тонг» МЧЖ, Самарқанд, 2009.-45 б.
27. Хайитбоев Р., Матякубов У., Экологик туризм. Самарқанд, 2010.-60 б.
28. Хайитбоев Р., Пардаев О., Туризмнинг менежменти. Самарқанд, 2010-46 б.
29. Хайитбоев Р., Хайдаров С., Абдухамидов С., Даминов М., Хамитов М., Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш, Ўқув қўлланма, Самарқанд, 2016, 175 б.
40. Р. Хайитбоев., К. Хайитбоев, Музейларда қолган ҳайвонот, Самарқанд, 2016, 75 б.

## МУАЛЛИФЛАР ЖАМОАСИ:



**Хайитбоев Рахматулла:** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедрасининг катта ўқитувчиси. Ҳозиргача 165 дан ортиқ илмий ишлар chop қилган. “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи”-2016 Республика танловида 2-ўринни эгаллаган. «Туризм географияси», «Экотуризм», “Туризм асослари” ва «Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш» фанларининг ўқув дастурларини яратган. Илмий-амалий тадқиқотлари Малайзия давлати MTSP Халқаро ўқув маркази, Россия ФА, XIII-Халқаро Океания давлатлари Симпозиумининг халқаро ва халқаро интернет-конференция сертификатлари билан тақдирланган.



**Бабоев Фаррух Тухтамишевич:** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Буюк Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Ўзбекистондаги туризм ва меҳмонхона хўжалиги коллежлари учун яратилган. “Чет тилида касбий мулоқот” фани янги авлод адабиётлари ҳаммуаллифи. Туризмни мукамал ўрганиш бўйича Япония, БАА, Англия, Шотландияда бўлган. Халқаро GTZ, ICA, BC ташкилотларининг туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш дастурлари қатнашчиси, илмий ишлари 75 тадан ошди.



**Абдухамидов Сарвар Адхамович:** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедрасининг катта ўқитувчиси. 60 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи. Тошкент Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг “*Tourism and Hotel Management: Industry of Tourism*” сертификати билан тақдирланган. “Туризм: назария ва амалиёт” дарслиги ҳаммуаллифи.



**Даминов Мирвоҳид Исровл ўғли:** 2008 йил Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Туризм маркетинги» бакалаврият таълим йўналишини, 2010 йил Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Халқаро туризм менежменти» магистратура мутахассислигини тугатган. 2010 йилдан СамИСИ «Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедрасининг ассистент-ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи, 25 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи.



**Хамитов Мубин Хабібжонович:** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедрасининг ассистент-ўқитувчиси. 30 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи. Тошкент Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг “*Tourism and Hotel Management: Industry of Tourism*” сертификати билан тақдирланган. “Туризм таълим тизими самарадорлигини оширишга оид электрон дарслик яратиш ва уни амалиётга жорий этиш” номли амалий давлат гранти иштирокчиси.



**Фохидов Фируз Фахритдунович:** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедраси ассистенти. 20 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи. Туризм соҳаси бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. “Ўзбектуризм” МК ҳамда Греция туризм вазирлигининг халқаро сертификатлари билан тақдирланган.



**Бойназаров Улугбек Эгамбердиевич:** 2013 йил Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Сервис” бакалавриат таълим йўналишини, 2015 йил «Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш» магистратура мутахассислигини тугатган. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедрасининг ассистенти, 20 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи.

**Р. Ҳайитбоев, Ф. Бабаев, С. Абдухамидов,  
М. Даминов, М. Хамитов, Ф. Зоҳидов, У. Бойназаров**

# **ЎЛКАШУНОСЛИК**

**Ўқув қўлланма**

**Босишга 30.05.2018 йилда рухсат этилди.  
Қогоз бичими 60x84<sub>1/32</sub>. Офсет босма усулда.  
Нашр босма табағи 10,75. Адади 6 нусха.  
Буюртма рақами № 03/18.**

**МЧЖ “Наврўз полиграф” матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 18-3327 02.09.2014 йил.  
Манзил: Самарқанд шаҳар, Л.М.Исаев кўчаси, 38-уй.**

